

## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2021 йил №2 (21)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳаққоримиз:** Андижон давлат университети

### Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

### Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

### Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Муҳаммаджон Алихожиев – т.ф.н., доцент

Минҳожиддин Ҳожиматов – Республика Маънавият

ва маърифат маркази раҳбари

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор

Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор

Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

### Масъул котиб:

Шухрат Қаҳҳоров

### Техник муҳаррир:

Жасурбек Иминов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 16.03.2020 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 600 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 75

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет  
«Академнашр NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Javohir nashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар  
кўчаси 6-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Коммиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги  
№239/5-сонли қарори билан «Тарих» фанлари  
бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## МУНДАРИЖА

### БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 76 ЙИЛЛИГИ

#### Академик Акмал Саидов

«Шарқий легионлар»: Иккинчи Жаҳон уруши давридаги  
туркистонлик ҳарбий асирлар қисматига бир назар ёхуд  
коллорабационизм нима? ..... 2

94-ўзбек ўқчи дивизияси артиллериячиси Исмоилжон Тўхтасинов  
эсдаликларидан ..... 9

### ТАРИХИМИЗНИНГ МАЪЛУМ БЎЛМАГАН САҲИФАЛАРИДАН

Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда  
(Ҳужжатлар ва материаллар) ..... 17

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

#### Н.Б.Махмудова

«Народные суды оседлого населения» в Туркестанском крае  
(по материалам ревизии сенатора К.К.Палена) ..... 77

### ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

#### Р.Шамсутдинов

Буюк Чўлпон ҳаётининг сўнгги йиллари ..... 81

#### Р.Шамсутдинов, Н.Комилов

Туркистон мухторияти озиқ-овқат вазири Обиджон Маҳмудовнинг  
ҳаётидан лавҳалар ..... 95

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

#### М.Р.Жабборов ва Р.А.Арслонзода

Водий тарихига оид муҳим тадқиқот ..... 102

#### Р.А.Арслонзода

Керакли дарслик китоб ..... 104

#### Равшан Шамситдинов

Ватан озодлиги қайғусида ўтган аждодларимиз ҳаётига  
бағишланган китоб ..... 106

#### А.Н.Расулов, Н.А.Режаббоев

Қатағон қилинган андижонликлар қисмати ..... 109



# «ШАРҚИЙ ЛЕГИОНЛАР»:

## Иккинчи жаҳон уруши давридаги туркистонлик ҳарбий асирлар қисматига бир назар ёхуд коллаборационизм нима?

Акмал Саидов, ЎзР ФА академиги

XX аср – инсоният тарихида мисли кўрилмаган кўламдаги ҳарбий можаролар юз берган давр. Бу қуролли низолар икки марта глобал миқёс касб этган бўлиб, шулардан бири собиқ СССР фаол иштирок этган Иккинчи жаҳон уруши ҳисобланади.

Ушбу уруш тарихининг чуқур ўрганилмаган жиҳатлари ҳали кўп. Шундай жиҳатлардан, таъбир жоиз бўлса, қалтис мавзулардан бири коллаборационизм муаммосидир.

**Коллаборационизм – Иккинчи жаҳон уруши даврида Гитлерга қарши коалицияга аъзо давлатлар фуқароларининг ёки ушбу давлатлардаги асосий этник гуруҳлар вакиллариининг нацистлар Германияси, Япония ва Италия билан ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги.**

Иккинчи жаҳон уруши бошидаёқ Вермахт томонидан босиб олинган ҳудудларда коллаборацион тузилмалар ташкил этилиб, немис кўмондонлиги даставвал уларни «**Шарқий легионлар**» деб юритган. Шу ўринда, аввало, ушбу ном таркибидаги 2 та сўзнинг мазмун-моҳиятини кўриб чиқиш лозим.

**Шарқий** – географик ҳолати бўйича собиқ СССР Германиядан шарқ томонда жойлашгани учун ушбу ҳудудда асир олинган кишиларга нисбатан, миллий мансублигидан қатъи назар, «шарқий» атамаси қўлланилган.



Акмал Саидов – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

**Легион** – ушбу сўз латинчада «йиғмоқ», «жамламоқ» каби маъноларни беради. Нацистларнинг Қадимги Рим даврига хос бу ҳарбий атамани қўллашдан кўзлаган мақсади легионларнинг ёлланма тузилмалар эканини англашдан иборат бўлган.<sup>1</sup>

Манбаларга қараганда, Иккинчи жаҳон уруши давомида фашистлар армияси ўта маккор ҳийлаларни ишлатган. Ҳарбий асирлар ўртасида миллатларни бир-бирига қарши гижгижлаш, келиб чиқиши немислардан бўлган совет фуқароларини қулайликлар яратиш эвазига ўзига хизматкорликка олиш, совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятида бўлган ай-

<sup>1</sup> Напсо Нурета Темботовна. Восточные легионы в вермахте в годы Великой отечественной войны 1941 – 1945 гг. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Майкоп, 2000. – С.20.



рим мусулмон-этник гуруҳлардан фойдаланиш каби сиёсий йўллардан фойдаланишга уриниб кўрган.

Бунга рози бўлмаганларни очлик ва ўлим билан қўрқитишган. Бу хилдаги усуллар ҳарбий асирларга кўпроқ ишлатилган. Фашистлар ҳарбий асирлардан «Рус озодлик армияси», «Туркистон легиони», «Волга – Урал легиони» каби ҳарбий қўшилмалар тузишган, улардан партизанларга қарши курашда фойдаланишган.

Чет эл манбаларида ўз ватанининг душманлари билан «ҳамкорлик» йўлига кирганлар сони оз эмас, кўп эмас, қарийб 1 млн кишига етганлиги кўрсатилган. Бунга Сталиннинг асирликка тушиб қолганларни ватан хоинлари деб ҳисоблагани ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.<sup>1</sup>

Собиқ совет даври манбаларида эса бу борада бутунлай бошқача ва бир-биридан фарқли рақамлар қайд этилган. Хусусан, армия генерали М.Гареев маълумотларига қараганда, турли қўриқлаш ва жазолаш бўлинмалари, РОА («Рус озодлик армияси» – А.С.) ва бошқа миллий тузилмалар ўз сафида салкам 200 минг нафар кишини қамраган бўлиб, шунинг 100 минг нафардан зиёди қуролланган жанговар бўлинмалар таркибига кирган.

Потсдамдаги (Германия) ҳарбий архив ҳужжатлари асосида ҳисоб-китоб қилиб чиққан Л.Репиннинг фикрича, немис армиясида хизмат қилишга ўтган совет фуқароларининг сони 180 минг нафардан ортиқ эмас. Уларнинг ярми ҳарбийлар, қолган қисми оддий фуқаролар бўлган.<sup>2</sup>

Бундай легионларнинг миллий таркиби ва номланиши ҳақида сўз борганда манбаларда Кавказ ва Туркистон батальонлари 40 минг; SS-нинг «Галичина» дивизияси 10 минг; «Рус озодлик армияси» 28 минг; казаклар қисмлари 10 минг; қурилиш ва ишчи батальонлари 15 минг; ҳарбий-ҳаво кучлари қисмлари 5 минг, жами 108 минг кишидан иборат деб кўрсатилганини қайд этиш лозим.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Туркистон легиони // @unutilgan\_tarix/16.01.2021.

<sup>2</sup> Касимов Э. Туркестанские военнопленные во время Второй мировой войны: на правах рукописи. – Андижан, 2010. – С.4.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Айрим мутахассислар «Туркистон легиони»-нинг ташкил этилиш жараёни уч босқичдан иборат деб ҳисоблайди.

**Биринчи босқич** Германиянинг собиқ СССРга ҳужум бошлашидан анча олдинги давр билан боғлиқ бўлиб, ўшанда совет республикалари халқларининг ғоявий-ижтимоий ҳамжиҳатлиги нечоғлик мустаҳкамлиги, миллий республикалар билан РСФСР ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати атрофлича ўрганилган.

Бу жараёнда фашистлар раҳбарияти советлар мамлакатада истиқомат қиладиган туркий миллатларга тааллуқли қуйидаги учта муаммони таҳлил этишга жиддий эътибор қаратган. Яъни:

- Ана шу туркий миллатлар ўртасида умумтурк ғояси қанчалик кучли?
- Улар орасида туронпарастлик ғоялари нечоғлик кенг тарқалган?
- Ислом динининг таъсири қай даражада?

Мисол учун, умумтурк ғоясига доир муаммоларни ўрганишда Герхард фон Менденинг «Россиядаги туркийларнинг миллий кураши. СССРдаги миллий масала бўйича тадқиқот»<sup>4</sup> номли диссертация ишига устувор аҳамият берилган. Кейинчалик СССРдаги туркийлар-мусулмонлар масалалари бўйича рейхнинг етакчи экспертларидан бирига айланган Герхард фон Мендега ушбу мавзу юзасидан материаллар йиғишда ёрдамчилари – Аҳмет Темир ва Вали Қажом яқиндан кўмаклашган.<sup>5</sup>

**Иккинчи босқич** собиқ СССРнинг тарқалиб кетиш вазиятини юзага келтиришга тааллуқли бўлиб, бунда Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиқишига эришиш назарда тутилган. Сўнгра ўз ҳолига қоладиган туркий республикаларни Германиянинг сиёсий таъсир доирасига тортиш мўлжалланган.

**Учинчи босқич** олдинги босқичлардаги илмий-амалий таҳлиллар хулосаларига таянган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлардир. Хусусан, 1941 йил август

<sup>4</sup> Касимов Э. Туркестанские военнопленные во время Второй мировой войны: на правах рукописи. – Андижан, 2010. – С.6.

<sup>5</sup> Ўша жойда.



ойи охирида Шарқий вазирлик (Остминистериум) махсус комиссияси ўз фаолиятини бошлаб, собиқ СССРга қарши урушнинг дастлабки даврида асир олинган туркий миллатларга мансуб ҳарбий асирларни, асосан Волгабўйи, Ўрта Осиё, Кавказ халқлари вакиллари бошқалардан ажратиб олишга киришган.<sup>1</sup>

Шу тахлит 1942 йил апрель ойида фашистларга қарашли Ваффен-SS қўшинлари таркибида «Туркистон легиони» ташкил этилган ва у 1945 йил май ойигача мавжуд бўлган. Легионда 8 минг 500 нафаргача асир – Қизил армиянинг туркий миллатларга мансуб собиқ ҳарбийлари хизмат қилган. «Туркистон легиони» негизини 1942 йил 13 январда майор Андреас Майер-Мадер томонидан шакллантирилган 450 та батальон ташкил этган.<sup>2</sup>

Ҳақиқатан ҳам, кўпгина ҳарбий аскарлар бундай легионларга мажбуран киритилган. Улар яширин гуруҳлар тузиб, партизанлар билан алоқа боғлаш йўлини қидирганлар.

Масалан, 1944 йилнинг январиди гитлерчилар «Туркистон легиони» отрядини Черногорияда югославиялик партизанларга қарши жангга солган. Отрядларнинг бирида 28 нафар ўзбек йигитлари – С.Файзиев, А.Аҳмедов, З.Ҳусанов ва бошқалар бўлган. Зобит С.Файзиев маҳаллий аҳоли билан алоқа боғлаган ва унинг кўрсатмаси билан легиончилар фашист командирларини отиб ташлаб, қурол-аслаҳалари билан тоққа, партизанлар томонга қочган. 1944 йил 25 май куни 28 нафар ўзбекистонлик легиончилар Югославияда ҳаракат қилаётган болгар аскарлари батальонига қўшилиб кетган.

Улар орасида жанг қилган тошкентлик Зиёмат Ҳусановнинг тақдири диққатга сазовор. У 1941 йилда Смоленскда ярадор бўлгач, тузалиб, яна сафга қайтган ва 1943 йил 5 июлда 228-ўқчи полки сафида қаҳрамонларча жанг қилиб, оғир жароҳатланган. Қуролдошлари уни ҳалок бўлди деб ҳисоблашиб, уйига бу ҳақда хабар йўллашган, унга «**Совет Иттифоқи Қаҳрамони**»

<sup>1</sup> Касимов Э. Туркестанские военнопленные во время Второй мировой войны: на правах рукописи. – Андижан, 2010. – С.6 – 8.

<sup>2</sup> Қаранг: Романько О.В. Мусульманские легионы во Второй мировой войне; Туркестанские легионеры // Военно-исторический журнал. 1995. №5.

унвони берилган. Аммо жангчи ўлмаб қолган, душман уни оғир ярадор ҳолда асир олиб «Туркистон легиони»га қўшиб қўйган.

**Зиёмат Ҳусанов** кейинчалик ўртоқлари билан партизанлар томонига ўтган. Приепол шаҳрида фашистларга қарши мардона жанг қилиб, кўпларини ер тишлатган, ўзи ҳам оғир ярадор бўлиб ҳарбий касалхонага жойлаштирилган. Тўрт марта жарроҳлик амалиётини бошидан кечиришига тўғри келган, соғайгач, ўз юртига қайтиб келган ва кейинроқ Қаҳрамон унвонига сазовор бўлганлигидан хабар топган.<sup>3</sup>

2020 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Ғалабанинг 75 йиллигига муносиб туҳфа сифатида тайёрлаган «**Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари**» номли китобдаги далиллар ҳам ушбу фикрларни тасдиқлайди. Китобда Зиёмат Ҳусанов ҳақида қуйидаги маълумотлар қайд этилган:

«Зиёмат Усмонович Ҳусанов 1921 йилда Қозғистоннинг Чимкент вилояти Сайрам қишлоғида туғилган. Тошкент шаҳрида вояга етган ва Низомий номидаги педагогика институтини тугатган. 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган, 78-ўқчи дивизиянинг 228-ўқчи полки пулемётчиси бўлган. Сталинград, Белгород остоналаридаги жангларда иштирок этган. Мина ва снарядлар портлашида яраланган Зиёмат Ҳусанов бутун полкнинг кўз ўнгида ўрнидан туриб, душман томон яқинлашиб борган. Буни кўрган фашистлар унга ташланиб, жангчини тутиб олганлар. Зиёмат Ҳусанов шу вақт гранатани портлатиб юборган. 1944 йил 22 февралда «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилган. 1943 йил кузда Зиёматнинг ота-онаси уларнинг ўғиллари мардларча ҳалок бўлгани ҳақида хабарни олган. Бироқ довурак пулемётчи омон қолган эди. Ўшанда оғир яраланган сержант З.Ҳусановни фашистлар асирга олган. Бир йиллик асирликдан сўнг З.Ҳусанов бир гуруҳ ҳарбийлар билан лагердан қочишга муваффақ бўлган. Фашистлар лагеридан қочиб чиққан барча 28 нафар аскар партизанлар отрядига қўшилган. З.Ҳусанов бол-

<sup>3</sup> Туркистон легиони // @unutilgan\_tarix/16.01.2021.



гар интернационал партизан бригадаси таркибида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун Фахрий ёрлиқ ва «Халқ озодлиги учун» кўкрак нишони билан мукофотланган. З.Хусанов кадрдон қишлоғига қайтгач, узоқ йиллар давомида ўқитувчилик қилган. 1986 йил 18 январда вафот этган».<sup>1</sup>

Бироқ ўша пайтларда омон қолган ҳарбий асирларнинг тақдири жуда оғир кечган. Улар ўз ватанига қайтиб келишгач, мунтазам гумон остида бўлишган, ишга жойлашишда, уйли-жойли бўлишда қийналишган. Айримлари эса яна лагерларга, аниқроғи, советлар ҳукуматининг лагерларига тушиб қолишган. Бундай ҳолат Сталин ва унинг гумашталари яратган ишончсизлик ва гумонсираш кайфиятининг оқибати эди.<sup>2</sup>

Шу ўринда 2017 йили Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши таъсис этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.<sup>3</sup> Бу ўз навбатида, кейинги йилларда мамлакатимизда тарихнинг турли «оқ доғ»ларини илмий асосда атрофлича ўрганишга кенг имконият туғдирмоқда.

Юртимиз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридаги туркистонлик ҳарбий асирлар қисмати, хусусан, «Туркистон легиони» тарихи билан боғлиқ мавзуни имкон қадар чуқур тадқиқ этишга эътибор қаратила бошлангани диққатга лойиқдир. Хусусан, Забиҳулла Саиповнинг «Инсон ҳуқуқлари. Ижтимоий фикр» журнали 2019 йил 2-сониди эълон қилинган мақоласида<sup>4</sup> шу ҳақда сўз борган.

З.Саипов ушбу мақоласида баён этилган тадқиқот методологиясини «Туркистон легиони»нинг бош қаҳрамонларидан бўлмиш Рўзи Назар (1917 йилда Марғилонда туғилган) ва

Боймирза Ҳайит (Наманган, 17.12.1916 – Кельн, 31.10.2006) портретига ёрқинроқ чизгилар чизишга уриниш масаласида қўллаган. Маълумки, улар Иккинчи жаҳон уруши даврида немисларга асир тушиб, Гитлер Германияси томонидан тузилган «Туркистон легиони» фаолиятида иштирок этган. Кейинчалик Р.Назар АҚШга кўчиб кетган бўлса, Б.Ҳайит Германияда яшаб қолган.

Шуни айтиш жоизки, бу икки шахснинг ҳаёти ва ижодига нисбатан кўплаб ўзбекистонлик мутахассислар томонидан баҳо берилган. Масалан, Боймирза Ҳайит бир манбада «таниқли ўзбек олими», «маърифатпарвар ватандошимиз»<sup>5</sup> дейилса, яна бир манбада «хориждаги ўзбек диаспорасининг таниқли олими»<sup>6</sup>, бошқа бир манбада «етук устоз-олим»<sup>7</sup> деб ёзилган. Ушбу мавзуга бевосита алоқадор «Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар» номли мақолада эса уларнинг номи умуман тилга олинмаган, эҳтимол, бунга ботина олишмагандир.<sup>8</sup>

Рўзи Назар эса бошқа манбада «ўзбек диаспорасининг Америкадаги фахри» деб эътироф этилган.<sup>9</sup> «Туркистон легиони»ни ўрганишда аҳамиятга молик яна бир нисбатан тўлиқ нодир манба Би-Би-Си ўзбек хизмати ижодкорлари томонидан тайёрланган «Туркистон легиони: тарихнинг ўқилмаган варақлари» номли рисола ҳисобланади.<sup>10</sup> Бу аудиолавҳаларда легион туркистонликларни омон қолдирган имконият деб баҳоланган.

Рўзи Назар машҳур «Тафаккур ўйинлари» («A Beautiful Mind») китоби муаллифи Сильвия

<sup>5</sup> Боймирза Ҳайит: Икки мақола, бир суҳбат // <http://tinyurl.com/mrkukxf>

<sup>6</sup> Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. – Б.23.

<sup>7</sup> Ҳайитов Ш., Абдуллаев А. Хориждаги «фарғонийлар» ўтмишида ва бугун // 08.13.2012 <http://uzbekny.tv/archives/2488>

<sup>8</sup> Зиёев Ҳ. II жаҳон уруши ва ўзбеклар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2003. №25 // [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz)

<sup>9</sup> Мавлон Шукурзода. Автор бестселлера «A Beautiful Mind» – гордость узбекской диаспоры в Америке. – Нью-Йорк, 23.05.2011 // [www.12uz.com/ru/news/show/compatriots/6269](http://www.12uz.com/ru/news/show/compatriots/6269); Туркистон-Америка Ассоциациясининг асосчиларидан бири Рўзи Назар бугун 95 ёшга тўлди. 21.01.2012 // <http://vatandosh.uz/2012/01/21/turkiston-legionining-su-ngi-ofitseri>

<sup>10</sup> Луиза Искандарий, Исмоилов А. Туркистон легиони: Тарихнинг ўқилмаган варақлари. 2007 йил 21 февраль // [www.bbc.co.uk/uzbek/news/story/2007/02/070221\\_turkiston\\_legioni.shtml](http://www.bbc.co.uk/uzbek/news/story/2007/02/070221_turkiston_legioni.shtml); Аросат ё Туркистон легиони. 2007 йил 19 июнь // [www.bbc.co.uk/uzbek/news/story/2007/06/070619\\_arosat.shtml](http://www.bbc.co.uk/uzbek/news/story/2007/06/070619_arosat.shtml)

<sup>1</sup> Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари. – Тошкент: Sharq, 2020. – Б.333.

<sup>2</sup> Туркистон легиони // @unutilgan\_tarix/16.01.2021.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. ПҚ-1694-сон. Тошкент, 2012 йил 27 январь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012. №5. 42-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>4</sup> Саипов З. Кейс-стади методологияси ва ижтимоий фанлар муаммоларини ҳолис ўрганишнинг таҳлилий ёндашувлари // Инсон ҳуқуқлари. Ижтимоий фикр. 2019. №2. – Б.78 – 84.



(Зулфия) Назарнинг отасидир. Баъзи манбаларда Рўзи Назар туркман, Боймирза Ҳайит эса қозоқ миллатига мансублиги қайд этилган. Ўз қизи исмига Sylvia исмини қўйишининг замирида турли маъноларни фаҳм этиш мумкин. Зулфия ички оилавий истеъмол учун, Сильвия эса қўним топган давлат ҳаётига тўлақонли интеграция бўлиш, ўқиш ва иш жойида ортиқча саволларга тутилишни бартараф этиш ҳамда ўз истиқболини аввалда тарғиб этилган Туркистон келажаги билан боғламаслик истаги билан боғлиқ деган тахминларни илгари суриш мумкин. Шу каби собиқ ватандошларимиздан бири Нодир деб чақирилиб, ҳужжатда исми Nather деб кўрсатилиши ҳам юқорида зикр этилган фикрни қисман тасдиқлайди.<sup>1</sup>

Боймирза Ҳайит қаламига мансуб мақолаларнинг<sup>2</sup> бирламчи таҳлили уларнинг асосий мазмуни шўролар зуғуми устидан нафрат, Туркистон ўлкасида туркийлик ва исломийликка мансуб жамиятни барпо этишдан иборат орзу ва армонларга йўғрилган фикрларга бориб тақалади. У «Туркистон легиони»га қўшилиш хатти-ҳаракатини асирга тушганларнинг кўпини омонликда сақлашга кўмаклашгани билан изоҳлайди.

Албатта, Совет Иттифоқининг миллий ва дин ишлари бўйича сиёсати боис Боймирза Ҳайитнинг мулоҳаза ва ғоялари собиқ СССРда яшаб кетолмаслиги аниқ эди. Боймирза Ҳайит ва Рўзи Назар, СССР наздида, худбин, хоин ва ватангадо инсонлар эди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Саипов З. Кейс-стади методологияси ва ижтимоий фанлар муаммоларини холис ўрганишининг таҳлилий ёндашувлари // Инсон ҳуқуқлари. Ижтимоий фикр. 2019. №2. – Б.78 – 84.

<sup>2</sup> Baymirza Hayit. Two outstanding figures in modern Uzbek literature: Qadiri and Cholpan // Journal of the Royal Central Asian Society. Volume 52, Issue 1, 1965. – P.49 – 52; Turkistan: a case for national independence // Institute of Muslim Minority Affairs. Journal Volume 1, Issue 1, 1979. – P.38 – 50; Some reflections on the subject of annexation of Turkestani Kazakhstan by Russia // Central Asian Survey. Volume 3, Issue 4, 1984. – P.61 – 75; Western Turkestan: the Russian dilemma // Institute of Muslim Minority Affairs. Journal, Volume 6, Issue 1, 1985. – P.137 – 151; Islam in Turkestan: perspectives on an enduring problem // Institute of Muslim Minority Affairs. Journal, Volume 9, Issue 2, 1988. – P.338 – 349. Islam under Communist Rule: A View From Turkestan // Institute of Muslim Minority Affairs. Journal, Volume 14, Issue 1-2, 1993. – P.246 – 248.

<sup>3</sup> Саипов З. Кейс-стади методологияси ва ижтимоий фанлар муаммоларини холис ўрганишининг таҳлилий ёндашувлари // Инсон ҳуқуқлари. Ижтимоий фикр. 2019. №2. – Б.78 – 84.

Ўз навбатида, 2009 йилда «Америка манзаралари» кўрсатувида интервью берган Рўзи Назар аниқ сонни айтмаган ҳолда кўплаб асирлар лагерларидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик юртдошлар келганини, у ерда 9 та рота ташкил этилиб, шу роталардан биринчисига у командир бўлганини маълум қилган. Шунингдек, Р.Назар ўз суҳбатида: «Мустафо Чўқайнинг ғояси – Туркистон бирлигини яратиш, уни мустақилликка эриштириш, шу соҳада курашган у инсон. Унинг бу ғояси биз учун байроқ бўлди. Биз шу ғоя орқасидан кетдик. Биз ҳатто агар шайтон Московга қарши курашса, биз шайтон орқасидан кетамиз деганмиз»<sup>4</sup>, – деб фикр билдирган.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида чоп этилган манбалардан фарқли ўлароқ, Рўзи Назар ва Боймирза Ҳайитнинг ўзлари қўним топган АҚШ, Германия, Туркия ва Ғарбнинг бошқа мамлакатлари адабиётларида салбий ва танқидий жиҳатдан талқин этилишлари эътиборни тортади. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистон ва хорижий манбашуносликда ёритилаётган аралаш, яъни ижобий ва салбий талқинларнинг имкон қадар мағзини чақиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Пулицер мукофоти лауреати, «The Wall Street Journal» газетасининг Берлин шаҳридаги бюроси шеф-муҳбири **Айен Жонсон** «Мюнхендаги масжид: нацистлар, Марказий разведка бошқармаси ва Ғарбдаги Мусулмон биродарлар»<sup>5</sup> номли китобининг тўлиқ бир бобини Рўзи Назар ва Боймирза Ҳайит ҳаётининг биз билмаган қирраларига бағишлаган.

Чунончи, унда қайд этилишича, Рўзи Назар Рейхнинг босиб олинган шарқий ҳудудлари ва зирлиги мутахассиси Герхард фон Менде ва SS бошқармаси билан ҳамкорлик қилган. Урушдан сўнг «Озодлик» радиоси, кейинчалик эса АҚШ Марказий разведка бошқармасига ишга ёлланган. Ҳатто 1955 йилда Совет Иттифоқидан Саудия Арабистонига борган ҳожиларни йўл-

<sup>4</sup> Urush xotiralari / Memories of War. Amerika ovozi TV «Amerika Manzarlari» dasturidan. 25.05.2009 // [www.youtube.com/watch?v=xgcB3NqIRZQ](http://www.youtube.com/watch?v=xgcB3NqIRZQ)

<sup>5</sup> Ian Johnson. A Mosque in Munich: Nazis, the CIA, and the Rise of the Muslim Brotherhood in the West. 2011.



дан уришга уринган. Рўзи Назарнинг дўсти Анвар Олтойлининг Туркияда чоп этилган «Ruzi Nazar: CIA'nin Türk Casusu»<sup>1</sup> номли китоби ҳам буни тасдиқлайди.

Яна бир манбада дезертир ва коллаборационистларнинг аниқ сони турлича талқин этилиб, мавжуд далиллар орқали уларнинг миқёси ҳайратли ва мисли кўрилмаган даражада кўп бўлгани қайд қилинган. Яъни жами 1 миллиондан зиёд собиқ совет миллатлари вакиллари Германия жанговар ҳаракатларда иштирок этган, улар Шарқий фронтга сафарбар этилганларнинг чорак қисмини ташкил қилган. Улар сафида ўрта осиеликлар 110 – 180 минг<sup>2</sup> кишидан иборат бўлган дейилади.

1941 йил кузида асир тушган 100 минг нафар ўрта осиелик-туркистонликлар<sup>3</sup> орасидан атиги олти минг нафари қишдан омон чиқа олган. Уларнинг аксарияти хатна қилинган боис яҳудий деган тахмин билан суд ва терговсиз отиб ташланган. Польшанинг Ченстохова шаҳрида эса ўттиз минг ўрта осиелик аскар асирлардан атиги икки минги ҳаёт қолган.<sup>4</sup>

Маълум бўлишича, нацизмнинг бош мафкурачиси, Рейхнинг босиб олинган шарқий ҳудудлари бўйича вазири (Ostministerium) Альфред Розенберг собиқ Совет Иттифоқи ҳудудини 7 та алоҳида норусийзабон қисмларга бўлиш, шу жумладан, Туркистоннинг ҳам режасини назарда тутган бўлса-да, уларга ҳеч қачон сиёсий суверенитет ёки ўз тақдирини ўзи белгилаш ғоясини илгари сурмаганини, балки ягона немис сиёсий гегемонлигини ёқлаб чиққанини таъкидлаган. Бу мақсадга эришиш учун А.Розенберг урушда фақат ҳарбий воситалар билан ғолиб бўлиш тўғри эмаслиги, аҳоли ишончини

қозонган ҳолда маҳаллий миллатлар истиқомат қилувчи ҳудудлар бўйлаб гўё санитар тасмадек қалқон сарҳадларни яратиш фикрини ҳимоя қилган.<sup>5</sup>

Бельгиялик тадқиқотчи **Бруно де Кордиер** мусулмонларни «Рейхнинг фидойилари, Иккинчи жаҳон уруши мобайнидаги коллаборационизм»<sup>6</sup> деб атайди. Фин тадқиқотчиси **Симо Микконэн** эса улар ҳақида бафуржа тўхталиб, «Вашингтон 1950 йилларда ГФР ва АҚШдаги совет эмигрантларидан совуқ уруш стратегиясининг бир жиҳати, психологик операциялар кампанияси сифатида фойдаланди»<sup>7</sup>, – деб баҳолаган. Бу фикрни АҚШнинг ўзида сўнгги йилларда махфийлик тамғаси олиб ташланиб оммалаштирилган архив ҳужжатлари каталоглари ҳам тасдиқлайди.<sup>8</sup>

«Туркистон легиони»га ўралашиб қолганлар орасида ватан соғинчи устун келиб, ўз юртига қайтганлар ҳам бўлган. Улардан бири қўқонлик Аҳрор Аъзамовдир.<sup>9</sup> Ушбу манбада 100 дан ортиқ давлатнинг 50 дан ортиқ тилида маҳаллий ва жаҳон тарихи матбуот хабарлари хроникаси жамланган. Кўрсатилган сўнгги икки манбадан келгуси тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистонга оид қадимги ва янги тарих ҳозирда асосан ўзбекистонлик бўлмаган мутахассислар томонидан ёзилиб, оммавий воситаларда бутун дунё бўйлаб кенг тарқатилаётганига эътибор қаратиш зарур. Бундай фикрлар жанги ва мураккаб та-

<sup>5</sup> Alex Alexiev. Soviet Nationalities in German Wartime Strategy, 1941 – 1945. RAND August 1982. R-2772-NA. – P.8.

<sup>6</sup> Bruno De Cordier. The Fedayeen of the Reich: Muslims, Islam and Collaborationism during World War II // China and Eurasia Forum Quarterly. Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program. Volume 8, No. 1. 2010. – P.23 – 46.

<sup>7</sup> Simo Mikkonen. Exploiting the Exiles: Soviet Émigrés in U.S. Cold War Strategy // Journal of Cold War Studies 14:2 (Spring 2012). – P.98 – 127 // [http://dx.doi.org/10.1162/JCWS\\_a\\_00222](http://dx.doi.org/10.1162/JCWS_a_00222).

<sup>8</sup> Extensive Collection of Declassified Materials Now Accessible, Searchable in New Digital Archive. International History Declassified. Woodrow Wilson International Center for Scholars. Washington, DC // <http://digital-archives.wilsoncenter.org>

<sup>9</sup> Uzbek Repatriate's Life Abroad Profiled (R.Shagayev; Sovet Ozbekistoni, February 5, 1987 referring to «The Forty-First Parallel») via Joint Publications Research Service (JPRS) Report JPRS-UPA-87-013 Soviet Union. Political Affairs July 14, 1987. Reproduced by U.S. Department of Commerce National Technical Information Service. – P.10 – 11 // [www.dtic.mil/get-tr-doc/pdf?AD=ADA351365www.dtic.mil/dtic/search/tr/tr.html](http://www.dtic.mil/get-tr-doc/pdf?AD=ADA351365www.dtic.mil/dtic/search/tr/tr.html) <http://guides.library.harvard.edu/jprs>

<sup>1</sup> Мавлон Шукурзода. Ватандошимиз Рўзи Назар ҳақида янги китоб. 28.05.2013 // <http://vatandosh.uz/2013/05/28/ruzinazar> ҳамда [www.dogankitap.com.tr](http://dogankitap.com.tr)

<sup>2</sup> Patrick von zur Muehlen. Zwischen Hakenkreuz und Sowjetstern: Der Nationalismus der sowjetischen Orientvoelker im Zweiten Weltkrieg (Bonner Schriften zur Politik und Zeitgeschichte, Vol.5). Droste Verlag. – Dusseldorf, 1971 // Alex Alexiev. Soviet Nationalities in German Wartime Strategy, 1941 – 1945. RAND August 1982. R-2772-NA. – P.32 – 33.

<sup>3</sup> Jurgen Thorwald. Die Illusion: Rotarmisten in Hitlers Heeren. Droemer Knauer Verlag. Zurich. 1974 // Alex Alexiev. Soviet Nationalities in German Wartime Strategy, 1941 – 1945. RAND August 1982. R-2772-NA. – P.31.

<sup>4</sup> Ўша жойда.



рихни баён этишда шаффофлик, холислик, кучли далиллар ҳамиша ғолиб бўлади.

Албатта, энг янги тарих қотиб қолган догмалардан холи бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамият билан интеграциялашиш зарурлигини инобатга олиб янги пайдо бўлаётган манбалар хусусида эркин баҳс-мунозара юритиш муҳити мавжудлиги нафақат соҳа бардавомлигини таъминлаш имконини, балки унинг мунтазам ички тизимли такомиллаша олиш қобилиятини ҳам оширади.<sup>1</sup>

Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар, бир томондан, қатор Ғарб олимларининг фикри Совет Иттифоқи даврида «Туркистон легиони»га

берилган баҳолар билан муштарак бўлиб чиқаётганидан далолат беради.

Ватан тарихига боғлиқ «Туркистон легиони» каби қалтис ва нозик мавзуни ёритишдан кўзланган асосий мақсад ҳеч кимни айблаш эмас, балки уни яқиндан тушунишга уриниш, тадқиқот услубларини ҳамда тадқиқотчиларни ҳам савол остига қўйиш, шунингдек, бугунги кундаги долзарб муаммоларга муқобил ва уйғун тавсияларни ишлаб чиқишдир. Бинобарин, аслида ҳам тарихнинг қай тарзда талқин этилиши мамлакат фуқаролари муқобил ахборот билан танишиш имконига эга бўлган ҳолатларда яққол юзага чиқади.

<sup>1</sup> Саипов З. Кейс-стади методологияси ва ижтимоий фанлар муаммоларини холис ўрганишнинг таҳлилий ёндашувлари // Инсон ҳуқуқлари. Ижтимоий фикр. 2019. №2. – Б.78 – 84.



# 94-ЎЗБЕК ЎҚЧИ ДИВИЗИЯСИ АРТИЛЛЕРИЯЧИСИ ИСМОИЛЖОН ТЎХТАСИНОВ ЭСДАЛИКЛАРИДАН

Буюк Ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган юртдошларимиздан бири Исмоилжон Тўхтасиновдир.

Бу инсон 1921 йил 15 августда Марғилонда таваллуд топган. Отаси Исмоилов Тўхтасин пиллакашлик фабрикасида ишлаган, қурилиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Онаси Раҳимова Лутфинисо ҳам Марғилон пиллакашлик фабрикасида 16 йил йигирувчи бўлиб ишлаган. 1936 йили отаси вафот этгандан сўнг ёш Исмоил Марғилон пиллакашлик фабрикасида пилла йигирувчи бўлиб ишга киради. 1939 йил сентябрь ойигача шу фабрикада ишлайди. Бақувват, чаққон Исмоил ҳеч кимдан ўз ёрдами аямаган, болалигидан меҳнаткаш бўлган, китоб ўқишни жуда яхши кўрган, ўқимишли шахс, ёзувчи бўлишни орзу қилган. Кечки мактабда ўқиш билан бир вақтда «Марғилон ҳақиқати» газетасида мусахҳиҳлик ҳам қилган, унинг шеър ва кичик ҳикоялари ушбу газета саҳифаларида бериб борилган.

1941 йилда бошланган уруш бошқалар каби Исмоилжоннинг ҳам қалбида она ватанни ҳимоя қилиш туйғусини уйғотди. Эндигина 20 ёшни қаршилаган бу йигит босмаҳонанинг барча ходимлари қатори ўз хоҳиши билан фронтга жўнаш учун ариза ёзди. Фарғонада ташкил этилган 94-ўзбек ўқчи дивизияси сафидан Исмоилжон Тўхтасинов ҳам ўрин эгаллади. У эсдаликларида шундай ёзади:

«*Бригада 1941 йилнинг август-сентябрь ойларида Фарғонада тузилди. Бригада асосан кўнгилли жангчилардан иборат бўлиб, Марғилон, Фарғона, Қўқон, Тошкент шаҳарлари,*

*Қува, Тошлоқ, Олтиариқ, Риштон, Бағдод районларидан саралаб олинган. Бригаданинг мустақкам бўлишига республикамиз ҳукумати ва жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам берган. У янги кучлар ҳисобига тўлдирилган. Андижон областидан ҳам навқирон йигитлар бригада-*



Исмоилжон Тўхтасинов

*да ҳарбий тайёргарлик кўрганлар. Пиёдалар батальонлари, артиллерия ва миномёт дивизионлари, автоматчи, разведкачи роталар, сапёрлар, хўжалик ишлари билан шуғулланувчи роталар сараланди. Тўртинчи пиёдалар батальони бизга Андижон шаҳридан келиб қўшилди. Область колхоз ва совхозлари от-уловлар билан ёрдам бердилар, бригадани озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлашга астойдил кўмаклашдилар. Бригада командири этиб полковник И.Краснов тайинланди. Фарғона область партия комитетининг собиқ биринчи котиби Р.Қурбонов бригада комиссари бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул секретари А.Муродхўжаев сиёсий бўлимни бошқарди. Батальонлар, батареялар, дивизионлар, роталар, барча қисм командирлари сараланди. Штабга тажрибали офицерлар танланди. Жанговарликни ошириш учун ҳамма чора-тадбирлар кўрилди. Кўнгиллиларнинг фидойилиги, командирларнинг жонкуярлиги туфайли барча ишлар фронт талаблари даражасида олиб бо-*



рилди. Кучларни жой-жойига қўйиш, от-уловларни тақсимлаш, машгулотларни белгиланган вақтда, юқори савияда ўтказиш қисмларни тайёрлашга ёрдам берди. Сиёсий бўлим бошлиғи Абдуллахўжа Муродхўжаев ўз жонбозлиги билан ҳаммага танилди. Фидойилар ёрдами билан қисмларда партия, комсомол ташиқлотлари тузилди. Иш бошланди. Сиёсий-оммавий тадбирлар кучайтирилди. Август ойида Саткак-Фаргона-Марғилон шаҳарлари ўртасидаги Комсомол посёлкасида ҳозирги 94-ўқчи бригада ёдгорлиги жойлашган ерда умумбригада митинги бўлди. Ҳарбий қўмондонлик вакиллари-дан ташиқари Ўзбекистон раҳбарлари – Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдужаббор Абдурахмонов, машхур ёзувчи Алексей Толстой, ўзбек адиблари, область партия, совет, комсомол ташиқлотларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилик қатнашди. Наказлар берилди. Қасамёд қабул қилинди... Ўнлаб эшелонлар Фаргона станциясидан жўнади. Юзлаб, минглаб қора кўзлар бригада одамларини кузатиб қолдилар.

Эшелонлар бирин-кетин тўхтовсиз Москвага йўл олди. Ўқчилар олдинда қандай мудҳиш машаққатлар, жангу жадаллар бўлишини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Биринчи эшелон пойтахтнинг Люберци районида тушди. Қолганлари орқама-орқа келиб, ўрмонга жойлашди. Одамлар қуролланди. Замбарак, миномёт олинди. Ўқ-дори тарқатилди. Жанговар байроқ топширгани СССР Олий Совети Президиуми Раиси Михаил Иванович Калинин келди.

– Мен ўзбекларни жуда яхши биламан, – деди Михаил Иванович, – ажойиб халқ. Одамни иззат қилиб уйининг тўрига ўтқазади. Бори билан меҳмон қилади. Жонини аямайди. Аччигини чиқарсанг, жангари, ковушингни тўғрилайди. Таъзирингни беради, – бир оз тин олгач, гапини давом эттирди. – Фронгда аҳволимиз ёмон, шароит оғир. Немис Москвага хавф соляпти. Волга дарёсига интилмоқда. Вазифамиз душман режасини пучга чиқариш, уни тўхтатиш, кучини синдириш, техникасини пачоқлаш, қириб ташлаш... Сизларга ишонаман. Шер йигитларсиз. Иш бошландими, охирига етказасиз. Мен бунга аминман. Диёрингизда бўлганимда ўз кўзим билан кўрганман. Ўзбекнинг жасорати

зўр. Дўстим Йўлдош Охунбобоев кўп ҳикоя қилган. Сизлар ахир Амир Темур ва Улуғбек авлодларисиз. Мана шу буюк кишилар руҳи сизларга мададкор бўлсин. Жангга шай бўлиб туринглар, навқирон ўғлонларим! Ватан сиздан жасорат кутмоқда!

Ўша куни бригада бошқа жойга кўчирилди. Коломнага қараб пиёда йўлга чиқилди. Йўл-йўлакай жанговар қурол-аслаҳалар етказилди, машқлар давом этди. Топшириқлар бажарилди. Теп-текис ерлар қийма-яйма. Хандақлар. Турли зовлар. Машгулот оғир. Ботқоқликлар тошга айланган. Белкураклар чидмайди. Юриш қийин. Ҳар қадамда хавф. Кўкда рақиб самолётлари пайдо бўлиши билан ҳамма хандақларга тушиб яширинишга ҳаракат қилади.

Орадан оз фурсат ўтгач бригада эшелонларга чиқарилди. Поезд Сталинград фронтига қараб йўл олди. Сталинград мудофаасидаги биринчи жанговар синов бригаданинг учинчи пиёдалар батальони ва артиллерия дивизиони учинчи батарея жангчилари зиммасига тушди. Улар вазифани бажаришга киришдилар. Мудофаага олинган 8 – 10 километр масофа, орқадаги яккаю ягона жарликни ҳисобга олмаганда, текис бўлиб, атроф кўришиб турарди. Устига-устак, ҳар икки қисм жанг учун зарур нарсалар билан тўла таъминланмаган, хавф-хатарга қарши фавқулодда чоралар белгиланмаган эди. Танкка қарши снарядлар, миналар келтирилмаганди. Бирлашма командири Н.Федерченко жанговар тартибни бир қаторга жойлаштирди. Биринчи, учинчи рота пиёдалари, автоматчилар, танкка қарши қурашувчилар, замбаракчилар ўз жойини олди. Пулемётлар пистирмага қўйилди. Қўшинлар билан алоқа боғланди. Хандақлар, ерости йўллари қазиишга киришилди. Меҳнат оғир. Чанг-тўзон. Тинмай тер оқади. Ташналик. Одам чидайди, шундай иш зарурлигини билади. Душман қўшинлари қўзғалиб қолди. Немислар ҳужумга ўтди. Ўқ ёмғирдай қўйила бошлади. Олдинги маррадагилар ташвишга тушди. Хандақларга ета олмай ўқлардан орқага қайтди. Биринчи ҳужум барҳам топди. Эртасига саҳар пайтида танк ва транспортёрлар ёрдамида душман яна ҳужумга ўтди. Қаттиқ олишувлардан сўнг душман шикастланган икки танк ва бир транспортёрни



қолдириб чекинди. Кечки ҳужум янада даҳшатли бўлди. Уч немис танки пачоқланди, юзлаб одамлари қириб ташланди. Гитлерчилар қўмондонлиги ойнанинг ярмида ҳужумга тайёргарликни тугаллади. Фронтнинг олдинги марраларига янги кучлар келтирилди. 6-дала ва 4-танк армиялари шаҳарни шарқ ва ғарб томондан қуршамоқчи бўлди. Немис армияси Дон дарёсидан ўтиб, Сталинградга бостириб кирмоқчи. Танкчилари қўшинларимизни тилка-пора қилиб ташламоқчи. Армиялар шаҳарда учрашмоқчи. Осмонда душман самолётлари ҳоким. Улар бомба ёғдирди. Артиллерияси ишга тушиб, снарядлар портлай бошлади. Пиёдалари, автоматчилари ширакайф мўри-малахдай бостириб кела бошлади. Ўзбек ўқчилари сон жиҳатдан ортиқ душманга қарши мардона турди. Ҳаёт-мамот жанги бошланди. Беш ҳамла қон-жон эвазига даф қилинди. Эртасига жанг яна қизиди. Ҳавода бомбардимончи самолётлар пайдо бўлди. Танк ва пиёдалар ҳамласи бошланди. Ўқчилар аввалгидек ўз ерларини қаҳрамонона ҳимоя қилдилар. Жонга жон, қонга қон. Босқинчига жавоб битта: ўлим. Танкка қарши курашувчилар маҳорат кўрсатдилар. Худойназар Тўхтаназаров хандаққа яқинлашиб қолган душман танкини мўлжалга олди. Отди. Танк қулагандай тўхтади. Ёнди. Иккинчи ўқдан аланга осмонга кўтарилди. Айланиб ўтмоқчи бўлган иккинчи танк ёнбошидан урилди. ПТРчининг газоби қайнади. Танкдан ажраган автоматчиларни ер тишлатди. Учинчи танк Тўхтаназаров жойлашган хандақни пайҳон қилди.

Артиллериячи ўзбек жангчилари душманни аёвсиз қирдилар. Ҳарбий анжомлар юкланган автомашина ёндирилди. Бир рота душман солдатлари қириб ташланди. Батареяга бостириб келган автоматчилари қўл жангида битта қолдирмай қирилди. Бир неча танк ишдан чиқарилди. Ҳаддидан ошганлар жазосини тортди. Аёвсиз жангда ўқчилар бир жон, бир тан бўлдилар. Кун охирига бориб жанг сал сусайди. Кўп қон тўкилди. Душман ҳориди. Хандақларга суқилиб киришга уринди. Иложи бўлмади. Ўқчилар Ватанга содиқ эканликларини намойиш қилдилар. Янги ҳамлани кутиб олишга ҳозирлик кўрдилар. Душман Сталинградга кириш йўлидаги муҳим стратегик тепаликни эгаллаш учун бор

кучини сафарбар қилди. Икки-уч уринди. Бели синди. Яна уринади. Волгага чиқса, у ёғи осон кўчишини билади. Командир ва сиёсий ходимлар хандақма-хандақ юриб Ватан наказини яна бир қарра эслатдилар.

«Бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ» шиори дилингизга жо бўлсин! – Сўзини шундай деб яқунлади хандақдаги суҳбатда бригада сиёсий бўлими бошлиғи А.Муротхўжаев. – Бу – коммунистлар партиясининг шиори. Совет халқининг топириғи. Ватан буйруғи. Ота-она, ака-ука, жигарбандларимиз сўзи. Адо этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Мақсад душманни Сталинградга йўлатмаслик...»

Ҳақиқатдан душман самолётлари тонг ёришмасданоқ бригада жойлашган районни қисти-бастига олди. Пала-партиш ташланган бомбалар тушган ерини тилка-пора қилди. Артиллерияси, олти оғизли миномётлар тинмай сайради. Кўп ўтмай тиш-тирноғигача қуролланган автоматчи, пиёдалари олтмишдан ортиқ танклар ёрдамида ҳужумга ўтди. Мастилаласт немислар тик ҳолда гуж-гуж бўлиб, чумолидай ёпирилдилар. Танк дивизияси бир ҳамлада бригада мудофаасини ёриб ўтмоқчи, ўзбек ўқчиларини биттасини қолдирмай қириб ташламоқчи бўлди. Куч мувозанати душман томонда ортиқ – бир ўқчига эллик немис бўлишига қарамай, ўзбек жангчилари қимир этмадилар, ҳамлани ўқ ёмғири билан кутиб олдилар. Артиллерия ва миномётлар ёрдамга келди. Душман танклари тўғридан отилган снарядлардан шикастланди, тўхтатилди. Пиёдалари қирилди. Немислар куйган машина ва танкларини майдонда қолдириб орқага қайтди. Кўп ўтмай яна янги кучлар билан ҳужум бошланди. Ўқчилар бу гал ҳам бўш келмадилар. Душманнинг Волга бўйларига чиқиб олишларига йўл қўймадилар.

Бўлинма ўз қуролини яхши ниқоблаганди. Пистирма фойда берди. Душман пистирмадаги Аҳмад Тошбоев замбарагини пайқай олмади. Аҳмад танкларни яқин келтириб ўқ отди. Олдинда келаётган танк занжири чил-парчин бўлди. Жойида ўралашиб ёнбошини кўрсатди. Аҳмад яна ўқ узди, танк ёнди. Қутулмоқчи бўлган танкчилар мўлжалга отилган ўқлардан ер тишлади.



– Яша, Аҳмад, – қичқирди комбат Хонкелдиев. – Иккинчини тўғридан от! Батарея! Тўплар ўқлансин! Тўплар бир йўла отилсин!

Аҳмад яна биринчи бўлиб ўқ узди. Танк жойида айланиб қолди. Учинчи, тўртинчилари ҳам пачоқланди. Немис танкчилари жаҳаннамга жўнатилди...

Ҳамла бир неча соат давом этди. Ўқчилар матонат кўрсатдилар. Ҳар бир метр ерни астойдил ҳимоя қилдилар. Очиқ майдон мустаҳкам қалъага айланди. Имкониятлар ишга тушди. Командирлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Қисмлар бир-бирига кўмаклашдилар. Бу ҳақда «Сталинградский воин» – «Сталинград жангчиси» батафсил ёзди.

Душман, талафотларга қарамай, ҳамлани кучайтирди. Бир рота автоматчилари 15 та оғир танк кўмагида ўнгдаги батальонга ёпирилди. Тенгсиз жанг бошланди. Икки томон тутдай тўкилди. Ўзбек ўқчилари бўш келмадилар. Орқадагилар жангга кирди. Икки ёндаги қўшинлар ёрдамга келди. Немислар қайтишига мажбур қилинди. Чап қанотда аҳвол оғирлашди. Автоматчилар батальони танк ва самолётлар ёрдамида 9-ротага ҳужум бошлади. Ўқчилар сергак турдилар. Қуришов хавфида хандақларидан жилмадилар. Барча қуроллардан ўт очилди. Хандақ тепасига келиб қолган салб тамғали танкларга ёнлги тўлдирилган шишалар улоқтирилди. Ўнлаб душман танклари ер тишлади. Ботирлик ҳар доим кўрқоқликни ҳайдайди. Ўқчилар ана шундай фазилатга эга эдилар. Яқинлашиб қолган душман танкларидан бири командир Хонкелдиев хандагини босди. Гир айланди. Командир, алоқачи, ёрдамчи танк остида қолишиди. Буни кўрган Аҳмад Тошбоев замбарагини командир жойлашган жойга қаратди, душман танкига зарба урди. Танк ишдан чиқди. Автоматчилари ичкарига югурди. Буни сезган Тошбоев командирликни ўз зиммасига олди.

– Батарея! Эшит менинг командамни! Замбараклар шрапнель билан ўқлансин! Автоматчиларга қариши отилсин! Душманга йўл йўқ...

Оддий аскар бўлинма командири Аҳмад Тошбоев чақиригидан руҳланган артиллериячилар, пиёдалар уруш тарихида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатдилар. Немис босмоқда. Кўп. Аҳ-

мад замбарагининг овози чиқмай қолди. Одамлари нобуд бўлди. Яраланган Тошбоев ўрмалаб иккинчи замбаракка ўтди. Отди. Отди. Отди. Ёнбошдан келган танк замбаракни босди. Замбарак тилка-пора бўлди. Аҳмад Тошбоев ёнлги тўлдирилган шиша отиб душман танкини ёндирди. Шу жангда у қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Артиллериячи ўқчилар орқага қайтмадилар. Етти соат давомида ҳамлани қайтариб турдилар. Осмондан бомба ёғилиши, ўқ ёмғири, танкларнинг босиб келиши, пиёдалар ҳужуми – ҳеч нарса баҳодир ўқчиларнинг қаршилигини қайтара олмади.

Жанг чўққига чиқди. Душман шаҳарни қўлга киритиш учун бор кучини ишга солди. Ҳамла устига ҳамла. Жанглар сира тўхтамасди. Ша роит оғирлашди. Олдинги марраларни мажақлаб ўтган танклар, автоматчилар команда пунктига ёпирилдилар. Немислар тўрт томондан кела бошлади. Қуришов тобора торайиб борди. Мудофаани разведкачилар ротасининг командири капитан – ҳозир генерал-лейтенант, Тошкентда истиқомат қилувчи Собиржон Охунжонов (1991 йилдаги маълумот – У.С.) бошқарди. Одамларни гуруҳларга бўлди. Алоқачилар, сапёрлар, медиклар, штаб, комендантура ходимлари, ошпазлар, котибалар сафга кирди. Айланма мудофаага ўтилди. Немисларнинг телбаларча ташланишлари, танклар тўхтатилди. Ёриб ўтганлари қирилди. Жанговар байроқ ва муҳим ҳужжатларни хавфсиз ерга олиб кетишига тўғри келди. Буни С.Охунжонов разведкачилари бажарди. Улар қуришовни ёриб чиқдилар. Командирлар мудофаачилар сафида қолишиди. Қўшнилари қамални тугатишига кўмаклашдилар. Қонли жанг кеча-кундуз давом этди. Тарихда кўрилмаган қаҳрамонлик, ватанпарварлик, уюшқоқлик, сабр-матонат, чидам, ўта интизомлилик намойиш қилинди. Совет кишилари нимага қодирлигини амалда исбот этдилар.

Ҳар бир хандақ енгилмас кўрғонга айлантилди. Кўпгина ўқчилар ўша табаррук тупроқда қолди. Улар учун қасос олинди. Душманнинг 53 танки, 15 автомашинаси ёндирилди. Мингдан ортиқ солдат ва офицери қириб ташланди. Самолётлари уриб туширилди. Катта тала-



фотлар эвазига душман баъзи муҳим жойларни қўлга киритди.

«Тенгсиз жангларда душман ҳамласини қайтаришда 94-ОСБ ўқчилари қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатдилар, – дейилади фронт газетасида. – Бригада жангчилари ўз бурчларини англаб етганлар. Уларда ватанпарварлик мужассам. Буйруқни аъло адо этишда уларнинг паҳлавонликлари тарихдаги Бородинога тенг. Вақти келиб бу қаҳрамонларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ёзилади»...

94-ўзбек ўқчи бригадаси оғир жангларни бошидан кечирди. Душман қанча уринмасин, уст-ма-уст ҳамла, талафотларга қарамай, бригада мудофаа қилган райондан ёриб ўта олмади. Икки кеча махфий тайёргарлик кўриб, куч тўплаб, бехос ёнбошдан Шумилов армиясига ҳамла қилди. Катта куч, янги танкларга таянган немис бир ҳамла билан шаҳарга кирмоқчи. Душман зўр билан дарё бўйига чиқди. Баъзи жойлардан кечиб ўтди. Бизникилар қарши ҳамлага ҳозирланди. Қўмондонлик 94-бригада ва бошқа қисмларни генерал Шумилов ихтиёрига ўтказди. Янги жойга кўчиш ҳақида буйруқ олинди. Қарши ҳамлага ўтиш, икки қишлоқни эгаллашга ҳозирланди бригада.

Немислар, катта талафотга қарамай, ҳал қилувчи жойларга суқилиб кирди. Ўзбек ўқчилари ҳужумга ўтдилар. Немис барча қуроллардан ўт очиб қарши олди. Чақир-чуқир, яккам-дуккам, паст-тепалик, тошлардан фойдаланган ўқчилар хандақларга яқинлашдилар. Немислар буни кутмаганди. Тиккама-тикка қўл жанги бошланди. Айни шу ерда ўзбек ўғлонларининг маҳорати қўл келди. Ҳушёрлик. Чапдастлик. Биқинга тушириш. Муштлар. Калла қилиш. Оёқлар. Ҳамма ҳаммаси иш берди. Машиқлардаги қийинчиликлар, чиниқиш беҳуда кетмади. Тик жанг ўқчилар фойдасига ҳал бўла бошлади. Найзобозлик жангини эплай олмаган немислар тумтарақай бўлиб қочди. «Урра» садолари янгради. Дастлабки галабадан руҳланган ўқчилар душманни қадам бақадам қувиб, таъқиб этиб бордилар.

Разведкачилар ротаси С.Охунжонов раҳнамолигида ҳамлачиларнинг олдинги сафларида бўлди. Ислон Магаметов батальони ўз жасорати билан ажралиб турди. Хорун Эрматов пиё-

далари бир батальон немисларни қирди. Оддий солдат Абдуқодир Абдуназаров ёнилги тўлдирилган шиша билан душман танкини ёндирди. Ҳусниддин Хонкелдиев 12 фашистни ер тишлатди, пулемётчиларига граната улоқтирди, йўл очди. Миномётчилар хандақларни вайрон қилдилар. Политрук Акбар Қозоқов ўқчиларни жангга руҳлантирди, оғир яраланганига қарамай, сафда қолди. Орқага қайтмади.

– Ҳали мадорим бор. Қурол тутта оламан, босқинчиларни қиришим керак, – деди у.

Қўшилларга қийин бўлди. Душман янги куч билан уларга итдай ташланди. Ўқчилар немисларни яқин келтириб баравар-бирданига ўқ уздилар. Артиллерия ва миномётчилар яқин келган душман танкларининг адабини бердилар. Биринчи ҳамла катта йўқотишлар билан қайтарилди. Яна ҳамла устига ҳамла. Учинчи ва тўртинчи қайта ҳужумлар ҳам қайтарилди. Бригада янги жойда мудофаага ўтишга мажбур бўлди. Қўмондонликнинг буйруғи эълон қилинди.

«Орқамизда Ватан. Волга дарёси... Бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ. Ўлсак шон-шараф билан ўламиз. Чекиниш – жиноят»... деган сўзлар билан тугалланарди буйруқ. Ўқчилар янги ҳамлаларни даф қилишга ҳозирландилар.

Комбриг полковник Краснов ўз кузатиш пунктидан артиллерия дивизиони томонга душманнинг ўттиз танки, пиёда ротаси шитоб билан кетаётганини кўрди. Иккинчи, учинчи қаторларда жонли куч, турли-туман техника, ҳад-ҳисобсиз замбарак ва миномётлардан ўқлар ёмғирдай ёғди. Самолётлар ҳавога кўтарилди...

Барча қўшинлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Пиёдалар, разведкачилар, сапёрлар, орқадаги артиллериячи, миномётчилар қўшилди. Дивизион командири Федорченко буюрди: «Жангга шай турилсин! Пулемётлар панароққа олинсин! Ўқчилар автоматчилар билан душман пиёдаларини танклардан ажратишга ҳаракат қилсин! Артиллериячилар, қирувчилар танкларни яқин келтириб тўғридан отсин! Ёнилги тўлдирилган шишалар аниқ мўлжаллаб ташлансин! Жонга жон, қонга қон...»

Немислар яна ёпирилиб кела бошлади. Ҳамма қуроллардан ўт очилди. Ҳаёт-мамот жанги бошланди. Қийинчиликка қарамай, ўзбек ўқчи-



лари жойларидан жилмадилар. Кун узайганга ўхшаб кетди. Бир неча бор қўл жанги бўлиб ўтди. Ҳар сафар душманлар чекинди. Қайта-қайта янги куч, техника билан ҳамла қилди. Ана, немис пиёдалари ўқчилар хандақларига ўр-малаяпти. Танклар хандақлардан ўтди. Жанг авжига чиқди. Замбараклар гумбуради. Миналар ёрилди. Ер ларзага келди...

Ўқчилар матонатини қўмондонлик фронт бўйлаб эълон қилди. Бу жангчиларни руҳлантирди. Бригада ўзига топширилган районда мустаҳкам туриб душман ҳамлаларини қайтарди, унинг тинкасини қуритди...<sup>1</sup> Бу жангларни таърифлашга қалам ожизлик қилади, урушнинг даҳшатли жараёнлари, ҳар қадамда яраланганлар, ҳалок бўлганлар, қон излари... лекин биз бу жангларни айтишимиз керак, ёзишимиз керак, унутмаслигимиз керак, чунки бизнинг авлодимиз, набираларимиз билсин тинчлигимиз, ҳозирги фаровон ҳаётимиз қандай қийинчиликлар, йўқотишлар эвазига қўлга киритилганлигини» (Ферганская правда. 1991 йил 15 август).

Сталинград остоналаридаги жанглардан сўнг Исмоил Тўхтасинов «За отвагу» (Жасорати учун) медали билан тақдирланди. Яраланди. Тез орада яна жанг майдонларига қайтди. Сталинград остоналаридаги Морозово темир йўл станцияси учун бўлган жангдаги қаҳрамонликлари учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. 94-ўқчи бригада таркибидаги жангчилар қаторида Исмоил Тўхтасинов Ушакова, Рубашкино, Астахово аҳоли пунктлари учун бўлган жангларда қатнашди, Ростов-на-Дону шаҳри учун бўлган жангларда ўзбекистонлик йигитлар янада кўп қаҳрамонликларни кўрсатдилар...

Михайловка қишлоғида бўлган шиддатли жангларда, айниқса, жуда катта талафотлар, мисли кўрилмаган йўқотишлар бўлди, шундан сўнг 94-ўқчи бригада 266-ўқчи дивизия таркибига қўшиб юборилди («Ферганская правда». 2001 йил 28 апрель).

Бу дивизия Артемов-Берлин, Қизил байроқли Суворов орденли гвардия (Гвардейская Краснознаменная ордена Суворова, Артемовско-Берлинская дивизия) номини олган («Фер-

ганская правда». 1991 йил 15 август). 266-ўқчи дивизия Украина, Молдавия, Руминия, Венгрияни озод қилишда қатнашиб, Берлингача етиб борган. Бу жангларда Исмоил Тўхтасинов жасурлиги, мардлиги, командирларнинг ҳар бир тошириғини аъло даражада бажарадиган жангчи сифатларини намоён қилди.

1987 йилда Москва шаҳрида «Москва» нашриётида чоп этилган Ким Елисеевич Науменконинг «266-я Артемовско-Берлинская» номли китобида Исмоил Тўхтасиновнинг 266-ўқчи дивизия таркибида кўрсатган қаҳрамонликлари ёритилган (Ким Елисеевич Науменко. 266-я Артемовско-Берлинская. – М.: Москва, 1987. – С.51 – 70).

«Уруш давомида уч маротаба жангларда яраландим, бир маротабасида жуда қаттиқ контузия бўлдим, – деб хотирлайди қаҳрамонимиз, – навбатдаги госпиталдан сўнг мени кичик сержантлар тайёрлаш курсига жўнатишди, лекин курсни тугалламасдан учинчи Украина фронтдан Руминияга команда бўлди. Одессалик курсантлар қаторида Қора денгиз орқали Констанцага, кейин қолган қисмлар билан Бухарестга кириб бордик»... («Ферганская правда». 1991 йил 15 август).

Исмоил Тўхтасинов Руминиядан сўнг Венгрияда уруш ҳаракатларида қатнашди. «Айниқса, Будапешт яқинидаги темир йўл станцияси учун бўлган шижоатли жанглар ҳеч ёддан кўтарилмайди, чунки бу темир йўл станцияси уч маротаба қўлдан қўлга ўтди...» («Ферганская правда»<sup>22</sup>. 1991 йил 15 август). Исмоил Тўхтасинов охириги маротаба мана шу жангда яраланди. 1945 йил апрель ойида демобилизация қилинди. Галаба кунига тўрт кун қолганида – 1945 йил 5 май куни қадрдон Марғилон шаҳрига, ота уйига соғ-омон кириб келди...

Исмоилжон Тўхтасинов узоқ йиллар матбуот соҳасида эл-юртга, Ватанга сидқидилдан ҳалол хизмат қилди, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими даражасига эришди. У болаликдаги орзусига эришди, турли мавзуларда китоблар ёзди... Мустақиллик нашидасини ҳам кўрди.

**Мазкур эсдалик тарих фанлари номзоди Улуғбек Солиев томонидан ёзиб олинган.**

<sup>1</sup> Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.3.



Все графы заполнять полностью

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ

1. Фамилия, имя и отчество Мухитасинов Исмаил
2. Звание Сержант
3. Должность, часть Наводчик 76 мм пушки
- 100 стрелкового полка 266 артиллерийской стрелковой дивизии
- Представляется к ордену «Красная звезда»
4. Год рождения 1921 г.
5. Национальность узбек
6. Партийность Ч. ВКП(б)
7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне (где, когда) Кавказ с Января по Апрель 1943 года
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне не имеет
9. С какого времени в Красной Армии с 8 декабря 1941 года
10. Каким РВК призван Марксовский РВК Самарской области
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) не награждался
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи \_\_\_\_\_

I. Краткое, но конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

Во время боя за населенный пункт Славянка Днепродзержинской области наводчик Мухитасинов из 76 мм пушки уничтожил один танк, сжег одну автомашину с боеприпасами и уничтожил до 16 человек.

За проявленное мужество в бою и умение использовать технику пов. Мухитасинов достоин проявить к нему награду орденом «Красная звезда»

23 сентября 1943 г.



Командир Мухитасинов  
Мухитасинов (звание) Исмаил

И.Тухтасиновнинг “Красная звезда” (Қизил юлдуз) ордени билан тақдирлангани ҳақида мукофот варақаси



Фарғона шаҳри. 94-ўзбек ўқчи дивизия фронтга жўнатилган жойда ўрнатилган ёдгорлик.  
Фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги нишонлиниши  
(Обком секретари Т.А.Эгамбердиева, И.И.Тўхтасинов ва бошқалар)



# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ХОРИЖИЙ МАНБАЛАРДА

(Ҳужжатлар ва материаллар)

2021 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов ва унинг ўринбосари Д.Кенжаев Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюриб, музей ҳақида ижобий фикрлар билдирдилар. 24 февраль куни Х.М.Султонов, Д.Кенжаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга тақдим этган ахборот хатида бошқа масалалар қатори Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳақида «**Олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган Қатағон қурбонлари музейлари фаолияти ҳам ўрганилди. Андижон давлат университетидаги музей ҳам мазмун, ҳам жиҳозланиш жиҳатидан бошқа олий таълим муассасалари учун ибрат бўларли даражада ташкил этилган. Шу муносабат билан мазкур университетда барча олий ўқув юртлари учун тегишли мавзуда илмий-амалий конференция ўтказиш бўйича тавсия берилди**» деган маълумот берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов 2021 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (А.А.Абдувоҳидов, Х.М.Султоновга), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматовга), Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳокимликларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича) йўллаган 02-РА 1/1-281-сонли

хатида **Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда жорий йилнинг апрель ойида Андижон давлат университетида Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этиш мавзусида олий таълим муассасаларининг илмий-амалий конференцияси ўтказиш** белгилаб берилди. Бунга мувофиқ Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов 2021 йил 24 февралда О.Турсунов, Ў.Шукуров, С.Раҳмонов, Э.Саматов, олий ўқув юртлари ректорларига мазкур топшириқ ижроси юзасидан белгиланган тартибда иш ташкил этиш, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим қилиш вазифасини юклади. Шу кўрсатма асосида Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этиш мавзусида олий таълим муассасаларининг илмий-амалий конференциясини тайёрлаш ва 2021 йилнинг 30 апрель – 1 май кунлари Андижон давлат университетида ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилди, конференция дастури тайёрланди ва тегишли жойларга юборилди. Конференцияни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Андижон давлат университети тузилмасидаги музейни янги экспонатлар билан тўлдириш, музей залларини янгидан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сай-



тида Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этишга бағишланган республика илмий-амалий конференцияси Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида 2021 йил 30 апрель – 1 май кунлари ўтказилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сонли фармойишида қатағонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мамлакатимизда содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муайян тарихий воқеаларга оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган ота-боболаримиз ҳақида илмий-тарихий китоблар тайёрлаш вазифаси белгилаб берилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Республика ишчи гуруҳи раҳбари Р.Қосимовнинг 2021 йил 12 мартдаги 09-446-сонли хатида 2021 йил 15 мартга қадар вилоятлардаги олий таълим муассасаларининг тарихчи олимлари, рус тилидан таржима қилишга кўмаклашадиган малакали профессор-ўқитувчилар, «Ўзархив» агентлигининг вилоят бошқармалари архившунос мутахассисларидан иборат муаллифлар жамоасини тузиш кўрсатилган.

Худудий олий ўқув юртлари муассасалари архив фондларида нафақат Ўзбекистон, балки МДҲга аъзо давлатларнинг архивлари ва кутубхоналаридан олиб келинган қатағон даври тарихига оид ноёб архив материаллари ҳамда илмий-тарихий адабиётлар бор, аксарият қисми рус тилидаги мазкур манбаларни атрофлича ўрганиш, уларни қатағон даври босқичлари ва тарихий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда таснифлаш, бевосита Ўзбекистонга дахлдор бўлган материалларни ўзбек тилига таржима қилиш ва ҳар бир вилоят бўйича кўп жилдлик архив ҳужжатлари тўпламларини нашр этиш зарурияти кўрсатилган. Айни вақтда, Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов 2021 йил 12 мартдаги 02-74-сонли хати билан Ў.Шукуров, Н.Зухриддинов, олий ўқув юртлари ректорларига юқоридаги топшириқ ижроси юзасидан белгиланган тартибда иш ташкил этиш, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатга қадар Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Администрациясига тақдим этиш талабини қўйди. Юқоридаги кўрсатмалар асосида АндДУ ректори А.С.Юлдашев раислигида 2021 йил 9 апрелда йиғилиш ўтказилди. Рус ва бошқа тиллардаги китоблардан Ўзбекистонга дахлдор ҳужжат ва материалларни ўзбек тилига таржима қилиш асосида кўп жилдлик «**Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда**» номли ҳужжат ва материаллар тўпламини тайёрлаш ва нашр этишга қарор қилинди. Китобни тайёрлаш бўйича тарих фанлари доктори, профессор Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида илмий ишчи гуруҳ (Г.А.Богданович, Ш.Қаҳҳоров, Р.Ҳайитбоева, Ж.Ҳасанов, Ж.Иминовдан иборат) белгиланди.

Гуруҳ аъзолари университетдаги ўқув ишларини бажаришдан вақтинчалик озод қилинди. Ҳозирда бу соҳада илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Журнал таҳририяти ва китоб тайёрловчи илмий ишчи гуруҳ кўп жилдлик «**Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда**» номли китобга киритилаётган ҳужжат ва материаллардан айримларини «Водийнома» журналида чоп этиб боришни маъқул топди. Журналхонлар улар ҳақида ўз муносабатини билдиришлари мумкин.

## НАФАҚАДАГИ ПОЛКОВНИК

А.ЖЎРАБЕКОВГА<sup>1</sup>

### ОЧИҚ ХАТ

Умуман, бутун Россия ҳаётида, хусусан, Туркистонда ҳам бўлгани каби, барча мусулмонларининг хулқ-атворини белгилайдиган асосий тамойил уларда ягона миллий сиёсий омилни ифодалашга интилишдир. Бундай омил моҳиятан бутун инқилобий давлат учун жуда қимматли ютуқдир, чунки у умуммиллий ғояни ўзида мужассам этадиган ижтимоий кучлар коалициясини ифодалайди.

<sup>1</sup> А.Жўрабеков – йирик помешчик, истеъфодаги полковник, Тошкент уезди халқ депутатлари совети раиси, Тошкент уезди Пскент даҳа пристави, 1917 йил 26 мартда қамоққа олинган. Унинг қамоққа олинишида Хўжаев, Норбўтабеков ва аскар Юсупов иштирок этган; уларни Пскентдаги почта контораси бошлиғи Кобозев кузатиб борган. Пристав келтирилгач, уни Тўйтепа қозиси полковник Жўрабек ва прапоршик Бобобеков кутиб олишган. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том 1. – Ташкент, 1963. – С.50.



Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакатни ҳалокатдан қутқариш умуммиллий бирлашишдадир. Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг бирлиги мамлакатда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун жуда муҳим ва фойдалидир.

Мусулмонларнинг айнан шу бирлиги улар учун ҳам муҳимдир, чунки у мамлакатнинг демократик элементлари билан бирликдагина бутун Россиянинг мусулмон халқлари фаровонлигини таъминлашга ва уларнинг миллий эҳтиёжларини қондиришга қодирдир.

Афсуски, мусулмонлар орасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқариш барчамизни қийнайдиған муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг олдини олиш учун мусулмонларнинг тўлиқ бирлиги ва аҳолига катта зарар келтираётган жиноий демагогияни тугатиш зарур.

Ажабланарлиси шундаки, мен Сизнинг бутун мусулмон жамиятига, хусусан, менга ва дўстим Убайдулла Хўжаевга<sup>1</sup> шахсий адоват руҳидаги нутқларингиздан хабардорман.

Хусусан, Сиз омма олдидаги нутқларингизда гўёки мен ва У.Хўжаев Петроградда бўлганимиз, вазир А.Ф.Керенский ва Муваққат ҳукуматнинг айрим аъзоларидан Тошкент уезди мусулмонлари делегациясини қабул қилмаслик, шунингдек, делегациянинг озик-овқат ёрдами тўғрисидаги илтимосини қондирмаслик тўғрисида мурожаат этганимизни таъкидлагансиз. А.Ф.Керенский эса гўёки делегация аъзоларини келгинди деб атагани ва бизни Петрограддан бадарға қилгани, делегациянинг 2 аъзоси – фуқаро Комаров ва фуқаро Тошбоевни ўзи билан бирга Туркистон мусулмонлари манфаатлари ҳимоячиси сифатида олиб қолгани таъкидланган.

Шу билан чекланиб қолмасдан, Сиз бизни давлатга ва мусулмонларнинг манфаатларига зиён етказувчи хоин сифатида баҳолагансиз.

Сизнинг Тошкент халқ депутатлари совети раиси сифатидаги ижтимоий мавқеингиз бундан олдин ҳам «асл рус» халқини ҳимоя қилиш борасида ҳам муваффақият келтирган. Шу сабабли ҳам ушбу масалада Сизнинг тезкор му-

носабатингиз, шубҳасиз, ушбу масалани ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўлка мусулмонлари совети раиси М.Чўқаев.

Туркестанские ведомости. 199-сонига қўшимчалар. 1917 йил 10 сентябрь<sup>2</sup>

## РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Ўртоқ муҳаррир!

«Улуғ Туркистон» газетасининг 38-сонига (15 ноябрь) Ишчи ва аскар депутатлари советининг сўнгги йиғилишида Туркистон ўлкаси (Ижроия) Комитетига мусулмонлар совети аъзоларидан ҳам жой бериш масаласи муҳокама қилингани чоп этилди. Ушбу йиғилишда Тошкентдаги «Уламолар» гуруҳи раҳбари Шерали Лапин жаноблари мусулмонлар кенгаши аъзоларини ёлғончилар деб атади.

Шу муносабат билан тахририятдан қуйидагиларни чоп этишни сўрайман:

Шерали Лапин буни билмаслиги мумкин эмас, сабаби, жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган биринчи мусулмон қурултойида ўлка совети жаноб Лапиннинг шахсан иштирокида ташкил этилган ва ўша қурултойда кенгашнинг баъзи аъзолари сайланган: Лапиннинг ўзи, У.Хўжаев, И.Шоаҳмедов, Т.Норбўтабеков, С.Акаев ва мен.

Сўнгра совет аъзолари қурултой қарори асосида ҳудудлардан вакиллар билан тўлдирилган. Кейинчалик ўлка совети томонидан чақирилган 2 та съездда (иккаласи ҳам сентябрда бўлиб ўтган) советга ва унинг таркибига тўлиқ ишонч билдирилган.

Совет фуқароси Лапин ва у бошчилик қиладиган «Уламо» клерикал жамиятига ёқмайди.

Фуқаро Лапин анча вақтдан бери ўлка советининг аъзоси сифатида эътироф этилмаётгани учун «Уламо» жамиятининг съездларида бир неча марта ўлка советини қайта ташкил этиш масаласини кўтарган эди. Энди бўлса у ўлка совети аъзоларини ёлғончига чиқармоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундан олдинроқ Лапинга ўлка совети ёрлиғи керак бўлганда, ўзи

<sup>1</sup> Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев – таниқли жадидчи, Туркистондаги миллий арбоблардан бири.

<sup>2</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. Он екі томдық. Том II. – Б.36 – 37.



айтганидек, совет аъзоларига ўхшаб ёлгончи бўлган. Умуммусулмон совети аъзоларининг иштирокисиз ва уларни огоҳлантирмай ўзига керак бўлган совет қарорини чиқариб, 4 майда ўлка ишчи ва аскар депутатлари советига юборган. Бу билан у инқилобий демократиянинг олий органини алдаган («Нажот» газетасининг 20-сони, «Туркестанские ведомости»нинг 143-сонли иловаси).

Эслатиб ўтаман, у томонидан кенгаш номидан иш олиб бориш 9 май куни шахсан Лапиннинг ўзи иштирокида амалга оширилган. У ўзига керакли бўлган қарорни, совет раиси бўлмаса ҳам, қабул қилишга эришган. 24 майда Перовский ишчи ва аскар депутатлари советида Ш.Лапиннинг бундай кирдикорларини айтиб ўтганимда унинг яқин қариндошларининг норозилигига сабаб бўлиб, Перовск қирғиз большевиклари мени калтаклашларига оз қолган эди.

Хулоса сифатида айтмоқчиманки, совет аъзолари фидокорона ишлашмоқда, керак бўлса, ўз шахсий маблағлари ҳисобидан ўлканинг айрим жойларида хизмат сафарида бўлишмоқда ва халққа хизмат қилишмоқда. Лапин шахсига ҳурматимни сақлаган ҳолда унинг бошқа кирдикорларини айтмайман ва бу масалани унинг виждонига ҳавола қиламан.

*Ўлка мусулмонлари совети раиси М.Чўқаев.  
Туркестанские ведомости.  
Тошкент. 1917 йил 18 ноябрь<sup>1</sup>*

#### **МУСТАФО ЧЎҚАЙНИНГ УМУММУСУЛМОНЛАР 4-ҚУРУЛТОЙИДАГИ НУТҚИ**

*1917 йил 26 ноябрь*

Ҳозир марказда содир бўлаётган воқеалар Россиянинг чекка ҳудудларида ўз-ўзини ва она ватанимиз Россияни ҳалокатдан қутқаришни тақозо қилмоқда. Шу маънода октябрь инқилобидан эсон-омон чиққан Туркистон ҳам ўз тақдири ҳақида қайғуриши лозим.

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығирмаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.48 – 50.

Вазиятнинг ёмонлашуви Оренбургдан нон олиб келишнинг тўхтатилиши билан кучайиб, бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига ва очликка сабаб бўлди.

Ушбу вазиятдан қандай чиқиш керак?

Мавжуд совет тузумини ташкил этиш бегуноҳ инсонларнинг қони билан амалга оширилди. Агар ҳукумат мусулмон аҳоли иштирокида барпо этилганида, бундай қон тўкилишининг олдини олиш мумкин эди. Тўнтаришдан сўнг мусулмонларнинг съезд бошқарувида мусулмон ва европаликларнинг тенг миқдорда иштирок этиши лозимлиги ҳақидаги таклифи рус ишчи, аскар ва ишчи депутатлари совети томонидан рад этилди. Шу сабабли Туркистон нонсиз, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советида мусулмонлар иштироки чекланган халқ ҳокимиятисиз қолди.

*Туркестанский вестник. Тошкент.  
1917 йил 10 декабрь<sup>2</sup>*

#### **ТЕЛЕГРАММА**

#### **Туркистон Муваққат ҳукуматининг резолуцияси**

Қўқон, 3 декабрь. Тошкентдаги «Туркестанский вестник», Ашхободдаги «Призыв», Скобелевдаги «Знамя свободы», Самарқанддаги «Свободный Самарканд», Верныйдаги «Семиреченские ведомости» – Туркистон Мухториятининг барча давлат ва жамоат ташкилотларига.

27 ноябрь куни Туркистон мусулмонлари фавқулодда съездида ўлканинг ҳудудий мустақиллиги эълон қилиниб, Туркистон Мухторияти муваққат ҳукуматининг халқ совети ташкил этилди. Барча давлат ва жамоат ташкилотлари каби мустақил суд органлари фаолияти эркинлигининг зарурлигини инобатга олган ҳолда Муваққат ҳукумат уларнинг барчасини мухтор Туркистоннинг махсус қонунлари чиқарилгунга қадар амалдаги ҳуқуқий қоидалар асосида иш юритишга чақиради, Туркистоннинг барча соҳаларида вайронагарчиликлар туфайли чу-

<sup>2</sup> Мустафа Шоқай. Шығирмаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.50 – 51.



қур ҳалокатли силкинишлар рўй бераётганини ҳар ким ёдда тутиши лозим. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати аъзолари: Тинишбоев, Шоаҳмедов, Маҳмудов, Юргули Агаев, Хўжаев, Чўқаев, Ўразаев.

*Туркестанский вестник. Тошкент.  
1917 йил 5 декабрь. №18<sup>1</sup>*

## ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИДАН



Мустафо Чўқай  
(1890 – 1941)

Инқилобий демократия эълон қилган халқларнинг буюк эркинлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашнинг буюк тамойилларини эътиборга олиб, Туркистоннинг миллионлаб аҳолисининг иродасига мувофиқ ўлка умуммусулмонларининг фавқулдда съезди Туркистонни Рос-

сия Федератив Демократик Республикасининг автоном ҳудуди деб эълон қилади.

Туркистоннинг барча уюшган кучлари олдида ҳозирги пайтда илгари сурилган вазифаларнинг аҳамияти ва масъулиятини тўлиқ англаб, Туркистонда яшовчи барча халқларнинг фаровонлигини, маданий ривожланишини ва яқин дўстлигини таъминлайдиган тартибни ўрнатишга ҳар томонлама интилиб ўлка съезди Туркистон Муваққат халқ советини сайлади. Унга қуйидаги мажбуриятлар юкланди: зудлик билан Туркистон Таъсис йиғилишини чақириш, аҳолини озиқ-овқат ва бирламчи маҳсулотлар билан таъминлаш чораларини кўриш, Жануби-Шарқий Иттифоқ билан вақтинчалик шартномалар тузиш, Туркистон Мухториятининг молиявий фондини, халқпарвар милициясини ташкил этиш, мамлакатда яшайдиган барча миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чораларни кўриш.

<sup>1</sup> Мустафо Шоқай. Шығирмаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.52.



Туркистон мухторияти байроғи

Буюк рус инқилоби томонидан қайтариб берилган бирлик, эркинлик, тенглик ва биродарлик тамойилларини инобатга олган ҳолда Умуммусулмонларнинг фавқулдда съезди Туркистоннинг барча фуқароларини – мусулмонлар, руслар, яхудийлар, ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар, барча қабилалар ва халқларни, вилоят, шаҳар ва земство бошқарув органлари, сиёсий, жамоат ва касаба уюшмалари ташкилотлари ва иттифоқларини, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасаларини Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашишга ва унга юкланган масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ёрдам беришга чақиради. Урушнинг мисли кўрилмаган зарарли овози остида дунё халқлари ўз тақдирларини ўзлари белгиламоқдалар. Тарихий тақдир иродаси билан бизнинг олийжаноб Туркистон халқларнинг қонли тўқнашувидан четда қолди. Энди занжирлардан халос бўладиган, Туркистон ўз ерининг эгасига айланадиган ва ўз тарихини яратадиган вақт келди.

Олдимизда турган вазифаларнинг жиддийлиги ва буюклигини инобатга олган ҳолда катта ишонч билан Яратгандан ишларимизга муваффақият тилаб, ишга киришамиз.

Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати аъзолари: Тинишбоев, Шоаҳмедов, Маҳмудов, Юргули Агаев, Хўжаев, Чўқаев, Ўразаев ва Герцфельд.

*Қўқон. 1917 йил 1 декабрь.  
Туркестанский вестник. Тошкент.  
1917 йил 5 декабрь. №18<sup>2</sup>*

<sup>2</sup> Мустафо Шоқай. Шығирмаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.52 – 54.



## ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ

1918 йил 6 январь. Қўқон шаҳри.  
15-СОНЛИ ҚАРОР



Саïдноси́р Миржалилов  
(1884 – 1937)

Туркистон Мухторияти муваққат Халқ Совети молия комиссияси аъзоси Саïдноси́р Миржалилов ҳисоботи бўйича, Муваққат ҳукумат ва Халқ Совети эҳтиёжлари ҳамда газеталар учун қоғозлар кераклиги ҳақида фуқаро Саïдноси́р Миржалиловга етарли даражада катта миқдорда қоғозга эга бўлиш, сақлаш ва мақсадли ҳолда фойдаланиш вазифаси топширилган. Шунингдек, муваққат ҳукумат томонидан ижарага олинган Қўқон шаҳрида жойлашган фуқаро Вайнер типографиясининг ижара харажатлари учун фуқаро Миржалиловга 100 минг рублгача маблағ ажратилсин. Муваққат ҳукумат аъзолари ва кенгаш раиси.

*INALCO. L'archives de Moustafa Chokay Bey.  
Carton 1. Dossier 8'*

## ҲИНД МИЛЛАТПАРВАРИ ПРОФЕССОР МУҲАММАД БАРАКАТУЛЛО БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА



Муҳаммад Барақатулло  
(1859 – 1927)

Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммад Барақатулло 1919 йил май ойида Туркистонга келган, большевиклар томонидан қонуний ҳукумат – Туркистон Мухториятининг қуролли куч билан

ағдарилганига гувоҳ бўлган. Ўлкада большевизмнинг мустамлакачилик сиёсатини фoш этиш ва Туркистон халқига ўз-ўзини идора этиш ҳуқуқини беришлик масаласини В.И.Ленин олдига кўндаланг қўйган. Муҳаммад Барақатуллонинг В.И.Ленин билан учрашуви 1919 йил 7 майда бўлиб ўтган. Учрашувда Совет Туркистонининг Москвадаги мухтор вакили Собир Юсупов иштирок этган. Бу учрашув тафсилоти ҳақида Муҳаммад Барақатулло шундай ёзади:

«Ленин билан бўлган учрашувимизда Шарқ бўлими мудири ўртоқ Вознесенский ва Туркистон вакили ўртоқ Юсупов ҳозир бўлганда Марказий Осиёдаги кенг мусулмон оммасини совет ҳокимияти томонига жалб қилиш ва ўзларини Туркистондаги мусулмонларнинг рус ҳокимиятига анъанавий ишончсизлик ва совет бошқарувининг юксак вазифа ва тамойилларини тушунмаслиги сабаб бўлган ўта ачинарли ҳодисаларни қайтармаслик учун керакли бўлган нарсалар тўғрисида ўзимнинг самимий фикримни айтганман... Туркистонга ҳақиқий мухториятни киритиш керак, советларга ҳар қандай вазиятда мусулмонларни руслар билан тенглик тамойиллари асосида киритиш керак: вакиллардан ва комиссарлардан ярми мусулмон бўлиши керак. ТуркМИК тенглик тамойиллари асосида ташкил қилиниши керак: ярми руслар, ярми мусулмонлар, ташкил қилинаётган Турккомиссия беш кишидан эмас, ўн кишидан иборат бўлиши керак – беш нафар рус, беш нафар мусулмон бўлиши керак, босмачиларга ва Қўқон мухториятчиларига ҳам амнистия бериш керак... Юқорида айтилган чора-тадбирлар тантанали тарзда ўртоқ Ленин ва Сталинларнинг Марказий Осиё мусулмонларига мурожаати шаклида чоп этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу нарса катта таассурот қолдиради ва ҳар қачон мусулмонларни қўрқитадиган ва улар ичида совет сиёсатининг самимийлигига



Собиржон Юсупов  
(1881 – 1927)

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығирмаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.56.



ишонсизлик уругини экадиган империалистик фитналарни бас қилади.

Юқорида айтилган нарсаларни кўриб чиқингизни ва муштарак манфаатларни кўзлаб чоралар қабул қилишингизни сўрайман».<sup>1</sup>

1923 йил 13 апрелда Париждаги «Дни» газета-сида «Ҳинд миллатпарварлари большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида» номли мақола эълон қилинган. Бу мақола Мустафо Чўқайнинг 12 жилдлик танланган асарлари тўплами 2-жилдида келтирилган: «Муҳаммад Баракатулло – ҳинд, мусулмон, профессор, инглизларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлигининг ашаддий душманлардан бири. Айнан уни 1916 йилда герман ҳокимияти Афғонистонга Британияга қарши ташвиқот учун жўнатган. Герман инқилоби Муҳаммад Баракатулло ва унинг шериклари фаолиятини тўхтатган ва улар Туркистонга ишлаш учун чақирилган. Тошкентда Баракатуллога тантанали учрашув уюштирилган ва унинг келиши билан Ҳиндистон учун инқилобий ташвиқотчиларни тайёрлаш бўйича кучайтирилган иш бошланган. Тошкентда совет ҳокимиятининг паноҳида ва унинг маблағи билан «Ҳинд инқилобий ассоциацияси» ташкил қилинди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тарғибот-ташвиқот курслари таъсис этилган.

Баракатулло «Осиёдаги ҳамма қардош мусулмонларга» ташвиқот варақасини чиқарган. У Тошкентдаги «Иштирокиюн» («Коммунист») газетасида чоп этилган. Унда мусулмон халқлари Англия ва Франциянинг ашаддий душмани бўлган 3-Интернационал байроғи остига чақирилган эди. Баракатулло Ҳиндистондаги диндошларини мамлакатнинг мустақил эгаси бўлаётган мусулмон аҳоли, шунингдек, инқилобий қизил армия томонидан фақат Британиянинг босқинидан ҳимоя қилинаётган Туркистоннинг бахт намунаси билан қизиқтирган. Ва ўзининг ташвиқот варақасини «**Герман ҳукумати томонидан Афғонистонга жўнатилган Муҳаммад Баракатулло**» деб қора ҳарфлар билан имзолаган.

Мен Баракатулло билан Лозаннада Яқин Шарқ ишлари бўйича охирги конференцияда

учрашганман. Ўзининг бир неча ўртоқлари билан у шу ерга «Comité central Exécutif du Parti de l'Indépendance des Indes» делегати сифатида келган. Лозаннада менинг борлигимни билиб, у мен билан учрашиш ниятини билдирган. Албатта, умумий мавзу Ўрта Осиёдаги совет ҳокимиятининг сиёсати бўлган.

Деярли уч йил Баракатулло совет Россиясида бўлган, аксарият вақтини Туркистонда ўтказган. У Қирғизистонга борган, бошқирлар орасида бўлган, Волга бўйидаги татарларга борган. Ленин ва Зиновьев, Чичерин ва Троцкий, Сталин ва Дзержинский – Баракатулло ҳаммаси билан таниш бўлган. Улар бирга бўлиб, битта стол атрофида мусулмон Шарқни озод қилиш ва биринчи навбатда инглизларни Ҳиндистондан чиқариш режасини муҳокама қилишган.

– Туркистонда, – менга айтган эди Баракатулло, – нафақат ўтмишда, балки ҳукмронлик фаолияти давомида ёмон одамлар ҳокимиятни эгаллаган. Ва улар мусулмон аҳолига жуда кўп ёвузликлар қилишган. Туркистондаги совет сиёсати тўғрисида бизни чалғитишган. Мен Туркистонда кўрган ҳамма нарсамни Ленинга айтиш учун Москвага борганман... Совет ҳокимияти у ерга туркистонлик большевиклар фаолиятини текшириш учун алоҳида комиссияни жўнатган. Ушбу комиссиянинг бошида «яхши» большевик – грузин Шалва Элиава турган. Комиссия билан Туркистонга қайтиш учун мен ҳам борганман. Лекин йўлда тушунмовчилик бўлган: Челкар станциясида (Оренбург ва Тошкент орасида) мен бўлган вагон узиб қўйилган. Бундан кейин Оренбург ва Тошкент орасидаги мулоқот тўхтаган ва ҳали комиссия ишини тугатмасдан мен ушбу овлоқ станцияда ўтиришга мажбур бўлдим... У Туркистон совет ҳокимиятининг фаолиятидаги кўп чидаб бўлмайдиган нарсаларни очган. Айбдорлар йўқ қилинган. Туркистонга умумий раҳбар қилиш ушбу комиссияга топширилган.

– Бундан кейин Туркистондаги аҳвол яхши бўлдими? – деб сўрадим мен. Афсуски, ижобий жавоб бўлмади.

– Бунинг сабаби нима деб ўйлаяпсиз?

– Гап шундаки, – жавоб берди Баракатулло, – мусулмонлар коммунистик партияга хоҳ-

<sup>1</sup> Россия Федерацияси Марказий давлат архиви – РФ МДА, 130-фонд, 3-рўйхат, 363-иш, 46 – 47-б.



ламасдан кирадилар. Партияга кирадиганлар ҳам миллий мафкурадан бош тортишмайди. Шунинг учун совет ҳокимиятида мусулмонларга ишонч йўқдир. Уларни қизил армия сафига чақиришмаяпти. Лекин қизил армиянинг роли Туркистон сиёсатида совет Россиясидаги бошқа минтақаларга нисбатан каттароқ.

– Энди нима, сиз ушбу совет ҳокимиятининг сиёсатини тўлиқ қувватлайсизми?

– Большевикларнинг Туркистондаги сиёсатини биз қоралаймиз, лекин уларнинг Англияга нисбатан бўлган сиёсати бизнинг хайрихоҳлигимизни вужудга келтиради.

Бир дақиқа сукут сақлаб Баракатулло қўшимча қилди:

– Мен Туркистондаги совет ҳокимиятининг сиёсати ушбу мамлакатда мусулмон аҳолисининг ҳаёт-мамот учун кураши ўзи учун ҳалокатли деган фикрга келганман.

– Нима учун сиз бу тўғрисида сукут сақлагансиз ва ҳозир ҳам сукут сақлашни давом эттиряпсиз? – деб ундан сўрадим.

– Биз бу масалани ўз муҳитимизда бир неча марта муҳокама қилганмиз ва Коммунистик Интернационалнинг II конгрессига йўллаган аризамизда шу нарсани таъкидладикки, озодликка интилган халқларга совет ҳокимиятининг ёрдами уларнинг миллий ва диний ҳаётига ҳеч қандай аралашинсиз бўлиши шарт. Шуниси билан биз ўзимизнинг Туркистондаги совет сиёсатидан норозилигимизни таъкидламоқчи эдик.

– Биз ҳали большевикларнинг Туркистондаги сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиқишдан ўзимизни сақлаяпмиз, чунки улар бизнинг душманларимиз бўлган инглизларнинг душманлари, – деб қистириб ўтди Баракатуллонинг шериги Воҳид.

– Агар, сизнинг фикрлашингиз бўйича, туркистонликлар ўзларининг ўлимига олиб келувчиларни дўстлар деб қараб турса, сиз қандай муносабатда бўласиз? Ва бу нарса сиз томондан тарғиб қилинаётган «совет» қардошлиги ва мусулмонларни бирлаштиришга қандай таъсир кўрсатади? – савол бердим мен ҳиндларга.

Баракатулло тўғри жавоб бериш ўрнига шу ерда, Лозаннада, Чичерин билан гаплашиб, унга

Туркистонга нисбатан советлар сиёсатини тубдан ўзгартириш кераклигини кўрсатмоқчи эканлигини баён қилди.

Ҳинд миллатпарварларининг большевикларга таъсири европалик социалистларнинг таъсиридан каттароқ бўлмаслиги тўғрисидаги менинг мулоҳазамга жавобан Баракатулло ўзининг сўзларига ишонч билан айтди:

– Биринчидан, биз социалистлар эмасмиз, шунинг учун уларнинг ижтимоий тажрибаларига хавф солмаймиз. Иккинчидан, биз зулм остида қолган мамлакатдаги миллатпарварлармиз, шунинг учун биз большевикларни Англияга қарши курашда ишончли куч ҳисоблаймиз.

Мен ўзига ишонган профессорга фақат ўзи томонидан айтилган воқеани эслатдим, нима учун унинг вагони овлоқ бўлган Челкар темир йўл станциясида узиб қўйилган?

– Шу воқеани қандай тушунтирасиз?

– Бу большевиклар ажойиб одамлар экан, – хўмрайиб жавоб берди Муҳаммад Баракатулло. – Уларнинг сўзларини эшитсангиз ва ташвиқот қозғоларини ўқисангиз, бутун миллий интилишларимизнинг ташналигини босасиз. Лекин улар Туркистон, Қирғизистон, Бошқирдистонда қилган ишларини ўйласангиз, даҳшатда қоласиз...

Шундай қилиб, биз Муҳаммад Баракатулло билан хайрлашдик.

Дни. – Париж, 1923 йил 13 апрель<sup>1</sup>

## БАРАКАТУЛЛО ХАТИ ТЎҒРИСИДА МУСТАФО ЧЎҚАЙ

Британия эгаллаб олган Ҳиндистонда туғилган профессор Баракатуллонинг давлатга тегишли расмий ҳужжат билан биргаликда чиққан хати (қаранг: Дни. №217. 1923 йил 19 июль) мени умуман ҳайратга солмаган, чунки совет «конвойи» сиз у раддияга журъат қилмасди.

Хат мазмуни бўйича эса қуйидагиларни эълон қилишни зарур деб ҳисоблайман:

1. «Дни» таҳририяти мутлақ тўғри айтганидек, жаноб Баракатулло билан ҳеч қандай ин-

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. II том. – Алматы, 2012. – Б.407 – 409.



тервью менда бўлмаган. Бизнинг суҳбатимиз эса Баракатуллонинг ўз ташаббуси билан ўтган ва бу мақолада қайд қилинган.

2. Ҳа, суҳбатимиз ўз характериға кўра шахсий бўлган, чунки биз расмий вакиллар сифатида гаплашмаганмиз.<sup>1</sup> Лекин биз фақат икковимизга тегишли бўлган шахсий мавзуда эмас, балки Ўрта Осиёдаги совет ҳокимиятининг амалий сиёсати тўғрисида гаплашганмиз, бу ерда ўша сиёсат маҳаллий мусулмон аҳолидан миллиондан ортиқ одам ҳаётини талаб қилган<sup>2</sup>; биз «мусулмон аҳолини таъқиб қилиш орқали фаолиятини амалга оширган» ҳукумат тўғрисида гаплашганмиз (қаранг: Известия. 1919 йил 7 июнь), ушбу ҳукуматнинг «армияси тинч мусулмон аҳолисини йўқ қилиш билан шуғулланган» (қаранг: Тошкентда чиққан «Инқилоб» журналининг 1919 йил февраль сони); биз ушбу сиёсатнинг натижаси британиялик агентлар томонидан ташкил этилаётган ва ҳозиргача тугалланмаётган исёнчилик эканлиги тўғрисида гаплашганмиз (қаранг: Правда. 1923 йил 17 апрель), лекин жаноб Баракатулло шу нарсага ишонмаса керак. Мен Туркистондаги аниқ бўлган сиёсий оқим вакили сифатида ушбу ҳукуматга қарши курашман, ҳиндистонлик Баракатулло эса уни қўллаб-қувватламоқда. Ва мен ҳеч қандай сукут сақлашни ваъда қилмаганман, унинг ушбу ҳукуматга нисбатан айтилган фикрини сўзмасўз келтириб мақолани ёзганимда жаноб Баракатулло мени ноҳақ айблаб ўзининг қўрқоқчилигини кўрсатган.

3. Жаноб Баракатулло, яна бир бор такрорлайман, матнда қуйидагиларни айтган:

**«Мен Туркистондаги совет ҳокимиятининг сиёсати ушбу мамлакатда мусулмон аҳолиси ҳаёт-мамоти учун ҳалокатли деган фикрга келганман».**

4. Ҳа, менинг сиёсий капиталим Туркистонга оид бўлган нарсаларни мутлақо очиқдан-очиқ гапиришимдан иборатдир. Жамоат олдида сирли ёки махфий бўлмаган суҳбатда айтилган

<sup>1</sup> Қайд қилишим керакки, мен ҳеч қандай расмий миссияга эга эмасман.

<sup>2</sup> Ушбу ўлим сабаблари тўғрисида қаранг: 12.11.1919 йилдаги Туркистон Олий Инқилобий Совети мажлиси баённомаси; Москвадаги «Правда» (20.6.1920 ва 20.5.1922)дан.

нарсаларни инкор қилиш фақат уруш даврида герман императори ҳузурида ёки урушдан кейин Коминтерн ҳузурида хизматда орттирган бўлиши мумкин бўлган маънавий капитали исботидир. Ушбу капиталнинг жаноб Баракатуллода мавжуд эканлиги тўғрисида баҳслашмайман. Ва унинг ушбу капитали кўпайсин.

**P.S.:** Мен ушбу мавзу бўйича жаноб Баракатулло билан кейинги сафар баҳс юритишни ўзимдан соқит қиламан.

*Дни. – Париж, 1923 г. 28 июль, №225<sup>3</sup>*

### ГРУЗИЯНИНГ «ВОЛЬНЫЙ ГОРЕЦ» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДАН «Исёнкор» Фарғона (Суҳбатдан) (Боқудаги мухбиримиздан)

Туркистонда Фарғона области ёки шунчаки Фарғона деб номланадиган жой, қадим Россиянинг чекка ҳудудларида жойлашган, бойликларга кон бўлган (пахта, тошкўмир, нефть) ҳудуд бутун туркистонлик большевиклар бошқаруви давомида «исёнкор» вилоят сифатида қолмоқда.

1917 йил сентябрь ойида Тошкент большевиклари қисқа вақт ичида ўзларининг қўлларида бўлган марказий ҳокимиятни эгаллаб олишга муваффақ бўлгач, Фарғона ўз делегатларини Тошкентга юборди ва вазият тикланди. Шу пайтдан бери «исёнкор» тавқи лаънати Фарғонани тарк этмади.

Фарғонанинг маркази бўлмиш Қўқонда Туркистон мухториятчилари бирлашиб, ноябрда (1917 йил) Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукуматини ташкил этишди ва зудлик билан Туркистон Таъсис мажлисига сайловларни ташкил этишга киришишди.

Бу «аксилнқилобий» режа туркистонлик коммунистларга ёқмади ва «қўқонлик қароқчилар»ни йўқотиш учун сабаб излашни бошлашди. Бир оз ўтиб баҳона ҳам топилди, аниқроғи, уни уюштиришди: 1918 йил 29 январдан 30 январга ўтар кечаси Қўқон қалъасига ҳужум бошланди... Бир ҳафтага чўзилган уруш ўзи-

<sup>3</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. II том. – Алматы, 2012. – Б.419 – 420.



нинг шафқатсизлиги билан Россиядаги икки йиллик фуқаролар урушига ўхшаб кетганди...

Большевиклар билан уруш ҳақида эмас, балки аҳолини бирлаштириш, уларнинг фикрини ўрганиш билан банд бўлган Туркистон Мухторияти тўқнашувнинг бошидаёқ мағлубиятга учради.

Мухторият вакилларининг большевиклар билан зиддиятни тинчлик йўли орқали ҳал қилиш борасидаги даъватлари натижа бермади. Бундан ташқари, большевиклар томонидан мухторият аъзоларига таслим бўлиш юзасидан қўйилган уч соатлик ультиматумга қарамай, 20 дақиқадан сўнг улар мусулмонлар шаҳри бўлган Қўқонга ўт очиш тўғрисида буйруқ беришди...

Қуролсиз Қўқон аҳолисига фарғоналик «босмачилар» ўзларининг йигитлари билан ёрдамга шошилишди. Шундан сўнг тақдирнинг инояти билан «босмачилар» халқни озод қилувчиларга айланишди, мисол учун, Эргаш миллий қаҳрамонга айланди.

Большевиклар ғалаба қозонишди, чунки ҳарбий тизимни яхши билмайдиган, шунингдек, ов милтиқлари билан қуролланган душман устидан замбараклар ва пулемётлар ёрдамида ғалаба қозониш қийин эмас эди. Лекин Қўқондаги ғалаба уларни Фарғона областидаги ҳолатнинг издан чиқишига ва турли ҳудудларда ғалаёнлар бошланишига олиб келди.

«Қароқчилар»ни қўлга олиш учун махсус отрядлар ташкил этилиб, қишлоқларда шафқатсиз реквизициялар уюштирилди. Лекин бу ишлар ўз натижасини бермади ва «босмачилар» большевикларни хавотирга солишда давом этишди.

Кимки Тошкент комиссарлари билан тил топишмаса, «исёнкор» Фарғонада қўним топди.

Туркистон советларининг аввалги бошлиғи бўлган Осипов ҳам муваффақиятсиз исёндан кейин (1919 йил январда) ўзининг йигитлари ва миллионлаб пуллари билан Фарғонада қўним топди. Тақдирнинг тақозоси билан Осипов билан Эргаш, аввалги зиддиятларга (Осипов Қўқонни вайрон қилган, Эргаш эса уни ҳимоя қилган эди) қарамай, бирлашишди ва Тур-

кистонни Тошкент комиссарларининг мутлақ ҳукмронлигидан озод қилишга киришишди...

Осиповнинг ҳозир қаердалиги номаълум. Лекин Эргаш ва унинг йигитлари яхшилаб қуролланишда давом этишмоқда.

Аста-секинлик билан большевиклар «босмачилар»ни темир йўллар жойлашган ҳудудлардан сиқиб чиқариб, Олой тизмасигача таъқиб қилишди. Ҳозирда улар ўртасидаги тўқнашувлар қорақирғиз ва қипчоқлар яшайдиган Сирдарёнинг юқори оқимларида юз бермоқда.

Ўш ва Наманган шаҳарлари бир неча бор қуролсиз мусулмонлар ва яхши қуролланган қизил аскарлар ўртасидаги қонли тўқнашувларга гувоҳ бўлди.

Шаҳар харобаларида ва сарт қишлоқларида нафақат инқилоб, балки маънавий бойликлар ҳам кўмилди.

Бир вақтлар гуллаб-яшнаган Фарғона музлаб қолди. Икки йилдан бери аҳоли пахта экмаяпти ва уни экишдан бош тортмоқда; кўмир ва нефть қазиб олиш тўхтатилган. Кўплаб сартлар Кошғарга бош олиб кетишган.

Мурасиз тўқнашув нима билан яқун топишдан қатъи назар (у большевикларнинг ғалабаси билан тугаши аниқ), иқтисодий жиҳатдан Туркистоннинг бой ҳудудларидан бири ҳисобланган ҳудуд узоқ вақт оёққа турмаслиги ва олдинги ҳаётга қайтмаслиги маълум.

Большевиклар эса сарт қишлоқларига тасодифий келган ва миллий озчиликдан иборат махсус отрядлар ёрдамида миллатлараро низони кучайтирувчи уруғни сепмоқдалар.

*Боку, 1920 йил 5 март.*

*Вольный горец. – Тифлис, 1920 йил 29 март<sup>1</sup>*

### СОВЕТ ШАРҚ СИЁСАТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ Қўқон ва Ганжа

Советларнинг шарқий сиёсатида иккита қонли босқич мавжуд: Қўқон ва Ганжа.

Яқинда содир бўлган Ганжанинг вайрон этилиши кўп жиҳатдан Марказий Осиёнинг энг бой

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаарынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.144 – 146.



мусулмон шаҳарларидан бири бўлган Қўқоннинг вайронага айланган ҳолатини эслатиб юборади.

Уларнинг бундай фожиали тақдирида кўп ўхшашликлар мавжуд.

Туркистоннинг миллий ўзлигини англаши Қўқонда содир бўлди. Айнан бу ерда Халқ Совети ва Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати ташкил этилди ҳамда Туркистон Таъсис мажлиси ҳақида шиор пайдо бўлди.

Мустақил Озарбайжоннинг биринчи Миллий Совети ва унинг биринчи Муваққат ҳукумати Ганжада пайдо бўлди. Бежизга бу ҳудуд Озарбайжон миллий давлатчилигининг бешиги деб айтилмайди.

Тан олиш лозим, миллий ҳаракатларнинг маркази ҳисобланган бу икки ҳудуд инқилоб натижасида мусулмонларга қарата: «Бугундан сизнинг диний эътиқод ва урф-одатларингиз ҳур ва дахлсиздир», – деб айтган шахслар томонидан вайрон қилинди. Юқоридаги сўзларга ишонганлар учун Қўқон ва Ганжа воқеалари сабоқ бўлиши лозим.

Ҳозир Туркистон осуда ҳаётга қайтган, лекин улар қалбининг тубида қўқонлик шаҳид кетганлар, вайрон этилган масжидлар, хўрланган сарт аёлларининг оғриқлари сақланар экан, бу ҳеч қачон хотирадан чиқмайди.

Ва яна маълумки, аҳолининг 90% дан ошигини мусулмонлар ташкил этадиган совет Туркистонидида ҳукумат маҳаллий аҳолини Қизил армия қаторида кўрмаяпти...

Ганжа исёни бостирилди, совет армияси галаба қозонди. Лекин Ганжа кўчаларида тоғ каби ётган ўликлар ва аёллар кўз ёши рус большевиклари ҳамда мусулмон аҳолиси ўртасида ҳали-бери тўсиқ сифатида қолади.

Аmmo рус большевиклари биз қўзғолонни бостирдик дейишлари мумкин. Ундай бўлса, тинчлик тўғрисидаги декретга эътиборингизни қаратсам (26.Х.1917 йилги):

«Агар бирон-бир миллат зўравонлик билан маълум бир давлат чегараларида сақланса ва у ўзлари тарафидан билдирилган хоҳишга зид бўлса, ушбу миллатга давлат мавжудлиги тўғрисида энг кичик мажбурловсиз қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, унда унинг қўшилиши аннексия ҳисобланади».

Худди шундай муносабатга биз Озарбайжонда гувоҳ бўлдик.

Бокудаги рус совет ҳукумати бундан қандай хулоса қилиши бизга аён: «совет Озарбайжони рус қизил аскарларининг «ҳимояси»да қолади».

*Вольный горец. – Тифлис, 1920 йил 14 июнь<sup>1</sup>*

## ТУРКИСТОН ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИ

Фарғонада қўзғолонлар авж олмоқда  
(Бокулик мухбиримиздан)

Фарғона областида большевиклар ҳукуматига қарши исёнлар авж олмоқда.

Туркистон большевиклари ушбу исёнларни куч билан бостира олмай, бундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун янги йўл топишга уринмоқдалар. Ушбу масалани муҳокама қилиш учун Тошкентда 1-совет армиясининг инқилобий ҳарбий комитети вакиллари иштирокида махсус йиғилиш чақирилди.

Ашхободдан Тошкентга 1-армия инқилобий ҳарбий комиссияси аъзоси Паскуцкий чақирилди, у Туркистон мусулмонларининг феъл-атворидан жуда яхши хабардор шахс ҳисобланади.<sup>2</sup>

## ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ

(Бокулик мухбиримиздан)

Большевиклар тузумидан норози бўлган туркистонлик мусулмонлар Совет Россияси ва Туркистон ўртасидаги ўзаро муносабатларда янада қатъиятли бўлиш ҳақида гапиришмоқда.

Туркистонликлар «Красний Восток» тарғибот поездининг ишидан қониқмай, ўз ташаббусларисиз ҳеч нарсага эриша олмасликларига ишонч ҳосил қилишди.

10 сентябрь куни Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзолиги учун бўладиган конгресс сайловида бу борада мусулмонларнинг биринчи чиқишлари кутилмоқда.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.151 – 153.

<sup>2</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. 12 томдық. Том II. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012. – Б.188 – 189.

<sup>3</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.189.



## ТУРКИСТОНЛИК КОММУНИСТ БИЛАН СУҲБАТ

(*Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан*)

Шарқ халқлари съездига келган мусулмон делегатлари большевиклар айтганидек яхши кайфиятда эмас.

Туркистонлик делегатлар, биринчи навбатда, Шимолдан ўзининг мамлакати озод қилиниши зарурлиги тўғрисида айтмоқдалар. Улардан бири тахминан шундай деди: «Фақат ўзимиз «Қизил Шимол»нинг мустамлака сиёсатидан озод қилишимиздан кейин бизнинг чет элдаги ака-укаларимизни европалик империалистлар зулмидан озод қилиш учун боришимиз мумкин. Большевиклар томонидан ваъда қилинган озодлик бўлганда биз ҳаммамиз, балки, очликдан ўлиб кетамиз. Бизни пахта экишга мажбурлашади, шу нарса албатта очликдан ўлимни келтириб чиқаради. Марказий Россия биздан тортиб олинган хомашё ҳаққини большевистик адабиёт ва чиройли сўзлар билан тўлаяпти».

Туркистондаги совет амалиётидан биз ўрганган ягона ижобий нарса – бу чегарасиз дадил интилишдир. Ва мен ишонаманки, бизнинг дадил қадамларимиз, биринчи ўринда, Совет Россияси марказлаштиришига қарши ва ҳақиқий ўз-ўзининг мавқеини белгилаш ва Туркистон озодлиги томонга йўналтирилади. Биз кўп вақт ичида қизил террор остида уйқуда бўлганмиз, оч қолиб жим бўлганмиз. Ҳозир эса биз ҳам уйғонмоқдамиз.<sup>1</sup>

## БУХОРО ТАҚДИРИ

(*Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан*)

Бухородаги тўнтарилиш тўғрисида биз ишончли манбадан қуйидаги маълумотни беришимиз мумкин. Бухоро билан Совет Россияси номидан чиққан Туркистон ХКС ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч қачон самимийлик билан ажралиб турмаган. Туркистонлик большевиклар ҳамаша Бухоро ҳокимияти

ишларига аралашинган ва чор ҳокимияти далолатномаларига асосланиб Бухорога худди Россияга тобе бўлган давлат сифатида қарашган.

Бухородаги совет резиденти чор пайтидаги резидентлар сингари сиёсат олиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳар қандай совет ишчиси хонлик ҳудудига тушиб, ўзи хоҳлаган ишни бемалол қила олган.

Москванинг Бухоронинг ўзига хосликларига нисбатан бўлган ҳурмати тўғрисидаги бир неча марта айтилган ваъдалари, аслида, ҳеч қачон амалга оширилмаган ва Бухоро амири ўзининг чегаралари ёнида, Ўрта Осиё йўлида (Зиёвуддин – Чоржўй) ҳар доим қуролланган ҳимояни ушлаб туришга мажбур бўлган. Совет режимини ўрнатишга олиб келган Хивадаги тўнтаришдан кейин туркистонлик большевиклар Бухорога нисбатан ҳам ўзларининг тўхтаиб бўлмас талаб ва эътирозларини янада кучайтира бошладилар.

Тахминан бир ой олдин Туркистон совет ҳокимияти Бухоро амирига қуйидаги талаблари билан ультиматум қўйган:

- 1) ҳамма чекка ҳудудлар учун ўрнатилган тартиб бўйича Бухородан ҳам Совет Россиясига хомашёни эркин олиб чиқиш;
- 2) фақат чор ҳокимияти далолатномалари билан олдиндан кўзда тутилган қўшинлар сонини қолдириб бухоролик солдатларни сафдан бўшатиш;
- 3) хонлик чегараларини ҳарбий қўриқлашни олиб ташлаш;
- 4) Бухоро ички бошқарувини Россия совет ҳокимияти тузуми билан келиштириш ва ҳоказо.

Амир Бухоро армияси ҳозирги ҳолати бўйича рус қўшинлари билан тўқнашса, унинг учун мағлубият билан тугагини билса ҳам, ушбу талабларни рад этган.

Афғонистондан Бухорога катта миқдорда қурол келтирилишига қарамасдан, у томондан ваъда қилинган одамлар билан ёрдам келишга улгурмаган. Бухоронинг ультиматумга жавобини олишдан олдин большевиклар бухоролик қисмларга ҳужум қилиб, уларни қуролсизлантиришга улгуришган. Тўқнашув-

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.189.



лар бошланди. Бухоролик қўшинлар дарров ўз базасидан узилди ва амир кўп вақт қаршилиқ кўрсатмасдан Афғонистон томонга қочди.

Самарқанддан орқага қайтган бухоролик қисмларнинг йўлини тўсиш мақсадида большевиклар кучли чора-тадбирларни кўрган, катта отрядлар олдинга ташланган ва улар афғонлар томонидан тўхтатилган.

Ҳозирги вақтда амир ўз отряди билан Афғонистондадир.

Бухоронинг беҳисоб бойликлари шошилиқчи равишда Россияга чиқарила бошланган.<sup>1</sup>

### ЭКСПОРТНИНГ ЯНА БИТТА ҚУРБОНИ

Туркистоннинг нон билан таъминоти масаласи вақти-вақти билан гоҳ у, гоҳ бу совет муассасасида музокара қилинмоқда ва ҳар сафар «иш жойидан жилмаган» деб аниқланмоқда.

Давлат режа комитетининг охириги мажлисида сентябрь ойида Туркистонга 500 000 пуд буғдой етказиб беришга қарор қилинганлиги тўғрисида ҳисобот берилган, октябрь ойи ўрталарида ушбу миқдордан фақат бир неча минг пуд буғдой белгиланган жойга етказилган.

1924 йил 1 январь кунига келиб нон маҳсулоти Озиқ-овқат халқ комиссарлиги билан Туркистонга ҳаммаси бўлиб 8 миллион пуд буғдой етказиб беришни зиммаларига олганлар, лекин ушбу режани бажаришнинг ҳеч қандай белгилари кўринмайди.

Самарадан хабар олинди: у ерда ҳам буғдойдан ҳеч қандай нишон йўқ. Давлат режа комитетида ушбу масалани музокара қилиш пайтида Озиқ-овқат халқ комиссарлигида жануби-шарқий районда қандайдир буғдой захираси борлиги, лекин бу Туркистон аҳолисини таъминлаш учун эмас, балки экспорт учун мўлжалланганлиги аниқланган.

Ўлкадаги оғир аҳвол туфайли Давлат режа комитети Президиуми Меҳнат ва Мудофаа со-

ветидан Туркистонга дарҳол 4500000 пуд буғдой етказилишини талаб қилган.

*Дни. – Париж, 1923 г. 28 октябрь<sup>2</sup>*

### ТУРКИСТОННИ СОВЕТЛАШТИРИШ

Туркистон, хусусан, Фарғона битмас-туганмас ва тенги йўқ бойликларга эга бўлган ўлкадир. Эски тузум пайтида бу олис ва унутилган ўлкада йирик табиий бойликлар қазиб олиш бошланган.

«Улуғ Октябрь» биринчи қадамлардаёқ ушбу сахий табиатдан фойдаланиш йўлини узиб қўйган. Ва ниҳоят, олти йилдан сўнг яна бунга эришилди. **Туркистон МИК раиси Хидиралиев** «Известия» мухбирига бу ҳақда ҳикоя қилиб берди:

«Улкан бойликлар, масалан, мис, қўрғошин-кумуш каби рудалар умуман қазиб олинмапти. Дунёвий аҳамиятга эга бўлган энг қимматли конларда фақат яқинда қазиш бошланган. Дунёда ягона бўлган шифобахш ўсимлик сантонин ва маданий кўкнори экиш етарли бўлмаган (!) даражага кўтарилган».

Ўз вақтида йўлга қўйилган кончилик саноати эса шундай ишламоқда: тинчлик вақтида қазилган 7 миллион пуд ўрнига ҳозирги кунда 1200000 пуд нефть, кўмир эса 12 миллион пуд ўрнига 4 миллион пуд қазилмоқда.

Хўжаликка келсак, унинг умумий баланси 1915 йилдаги (бу «урушдан олдинги» замон эмас) 35% ўрнига 30% ни ташкил қилади, шуниси билан Туркистоннинг қишлоқ ҳудудларида ҳар бир солиқ тўловчига тинчлик пайтидаги 2 рубль 95 тийин ўрнига 2 рубль 8 тийин тўғри келади, яъни қишлоқ хўжалиги баланси 70% га тушганга солиқлар йиғиндиси 30% га тушган ва МИК раиси ҳам ушбу солиқ солинишини «ўта оғир» деб тан олишга мажбур эди.

Туркистондаги Калинин ўзига ишонган суҳбатдошига шуни ишонтаришга ҳаракат қилмоқдаки, «қишлоқ хўжалиги юксалиш йўлидадир» (ҳатто гуллаб-яшнамоқда!), лекин ўз хато-

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.195 – 197.

<sup>2</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.448 – 449.



сини бирдан сезиб, «унинг тез тикланиши имкониятига ишонмаслик»ни илтимос қиляпти: ахир биргина Фарғонада 280000 оч қолганлар бор, яна 70% чорва ўлган, беш хўжаликка битта от тўғри келади, бунинг устига, экин майдонлари икки баравар қисқартирилган («гуллаб-яшнаш йўлида»!).

Қоғоз пуллар ҳолати ҳам ёмон: 33 миллион сўраганмиз, 11 миллион ассигнация қилишиб, 3 миллион беришди ва кейинги йилда бир тийин ҳам қўшишмади. Тежашга тўғри келяпти. Нимага? Албатта, мактабларга: 1921 йилда улар 2680 та бўлган, ҳозир эса 1708 та.

Маиший ҳолат ҳам ёмон эмас: оч қолган милиция ноҳақ йиғимлар билан шуғулланади, судьялар гадолик қиладилар ва, балки, «суд апаратининг камбағаллиги» сабабли олинандиган ойликка мувофиқ ишламоқдалар, чунки «диний асосдаги (балки, комсомол яхши ишламаяпти) ва маиший анъаналарга мувофиқ» фаолият кўрсатадиган судлар ривожланмоқда.

Хуллас, советлаштириш дадил олиб борилмоқда.

*Дни. – Париж, 1923 г. 4 ноябрь<sup>1</sup>*

### ТУРКИСТОНДАГИ СУРОНЛИ ВОҚЕЛИК

Тошлар сўзлайдилар... Туркистоннинг оғир аҳволи тўғрисида биз аллақачон ёзганмиз, ҳозир эса буни ТуркМИК раиси Хидиралиев деган расмий шахс тасдиқламоқда.

Унинг 1 ноябрдаги БМИКнинг<sup>2</sup> учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамма даҳшатга тушмоқда. Туркистон хўжаликларида вайронгарчилик ва очарчилик ҳукмрон. Фарғонада, айниқса, очарчилик кучайганлиги сезилади, бу ерда 1915 йилдаги 886 минг десятина ўрнига жорий йилда фақат 270 минг десятина ерга экин экилган. Дарҳақиқат, совет хизматчиларини 95000 дан 16000 нафарга қисқартиришган. Лекин маҳаллий маблағлар ҳисобига ўтказилган касалхоналардаги 3000 койкадан биттаси ҳам

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.449 – 450.

<sup>2</sup> СССР Советлари Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети (Р.Ш.).

ишламаяпти. Мактаб ёшидаги 700000 маҳаллий болалардан ҳозир мактабларда фақат 31000 нафари, яъни 1/20 қисми таълим олмоқда.

Хидиралиев ёрдам сўраб илтимос қилган.

*Дни. – Париж, 1923 г. 9 ноябрь<sup>3</sup>*

### ЎРТА ОСИЁДА

Виборг, 16 ноябрь

(Ўз мухбиримиз)

Москвадан хабар беришларича, Фарғонада очарчилик ва озиқ-овқат юқларининг секин етказиб берилиши туфайли босмачилар ҳаракати яна кучайган. Босмачиларга оч қолган бирлашган рус-маҳаллий исёнчилар отрядлари қўшилишни бошлаган. Босмачилар ва исёнчилар коммунистларни ва совет ишчиларини ҳукуматга оид муассасалардан ҳайдашмоқда, дон ва маҳсулотларни оч қолган деҳқонлар ва маҳаллий аҳоли орасида тарқатиб, озиқ-овқат омборларини босиб олишмоқда. Исёнчилар томонидан Қўқон яқинидаги темир йўл бузилган ва телеграф алоқаси узилган. Тошкентдан Самарқандга ҳаракатни йўқ қилиш учун ҳарбий қисмлар жўнатилган. Пахтакор сартлар совет валютасига пахтани топширишдан бош тортиши тўғрисида Туркистон МИКга аризани бериб, улар билан нон маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилмоқдалар.

*Дни. – Париж, 1923 г. 20 ноябрь<sup>4</sup>*

### «ТУРКИСТОН МАОРИФИ»

«Известия»нинг охириги маълумотларига кўра, Туркистонда жорий ўқув йилида фақат 6% мактаб ёшидаги болалар таҳсил олмоқда. Мактаблар фақат шаҳарларда сақлаб қолинган ва маҳаллий маблағларнинг етишмаслиги туфайли қишлоқларда умуман қолмаган.

*Дни. – Париж, 1923 г. 9 ноябрь<sup>5</sup>*

<sup>3</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.450.

<sup>4</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.451.

<sup>5</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. Том II. – Алматы, 2012. – Б.450.



Ўзбекистон Жумҳурияти вилоят маориф мудир ва раҳбарларининг кенгаш мажлиси.

Ўзбекистон Жумҳурияти вилоят маориф мудир ва раҳбарларининг кенгаш мажлиси

### «ЯНГИ ТУРКИСТОН»ДА<sup>1</sup>

«Накануне»да (ўтган йилнинг 20 ва 25 октябрь ва 3 ноябрь сонлари) «Янги Туркистон» деб номланган мақола пайдо бўлган. Муаллифи коммунист ва Туркистон совет ҳокимияти расмий раиси Турор Рисқуловдир.

Ижро этувчи амалдор сифатида Рисқуловга чет эл матбуотида пайдо бўлган Туркистон тўғрисидаги маълумотлар қаршисига бошқа, яъни большевиклар учун ижобий бўлган маълумотларни қўйиш вазифасини беришган. Ва у қатор «фактик маълумотлар» билан «Туркистоннинг ҳозирги ҳолатини акс эттиради». Туркистон масаласида совет «қайчи»ларини сиқиш осон эмас ва бечора Рисқулов Туркистоннинг тарихий-географик жойлашиши ва табиий бойликлари тўғрисида гапирганда қалбакилаштирил-

ган рақамлардан фойдаланиш, ҳатто... ўз-ўзини рад қилишга мажбур. Лекин бу ерда совет ҳокимиятининг бунга мутлақо алоқаси йўқ.

Ушбу совет ҳокимиятининг декрети бўйича мавжуд бўлмаган маълумотлардан ташқари Рисқулов томонидан келтирилаётган ҳамма ёки деярли барча «фактик» маълумотномалар ҳозирги Туркистон воқелигига тўғри келмайди.

\* \* \*

Рисқулов томонидан биринчи ўринга қўйилган совет ер ислоҳотидан бошлаймиз. У шундай ёзмоқда («Накануне», 25.Х.дан): «1920 йилдан 1921 йилгача федерация марказининг ёрдами билан Туркистонда қирғизлардан тортиб олинган ерларнинг ярмига яқинини қайтариш имконини берган ер ислоҳоти амалга оширилмоқда».

Билиш керакки, эски тузум пайтида Туркистондаги қирғизлардан қулай бўлган ернинг деярли ярми тортиб олинган. Маҳаллий аҳолидан кўчиб келган руслар фойдасига тортиб

<sup>1</sup> Муаллиф учун баъзи маълумотларни жойидан олиш зарурлиги туфайли шу ерда чоп этилаётган совет давлатининг «дурдона»си бўлган Туркистоннинг ҳозирги ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги мақолалар бир оз кечикиб пайдо бўладилар (*Тахририят*).



олинган ер майдони биргина Еттисув обла-  
стида (1913 йилда) 4.193.520 десятинали ташкил  
қилган.<sup>1</sup>

Лекин Рисқулов сўзларидан шуни тушуниш  
мумкинки, гап бу ерлар тўғрисида эмас.

Туркистондаги совет «ер ислоҳоти» фақат  
1916 йилдаги воқеаларга боғлиқ бўлган ва «со-  
вет ҳокимияти даврида» қирғизлардан ўзбо-  
шимчалик билан тортиб олинган ерларга те-  
гишли бўлган. Георгий Сафаровнинг партия X  
съездида (1921 йил) сўзлаган нутқи бўйича кў-  
ринадики, «совет ҳокимияти даври мобайнида  
рус қулоқларининг ерга эгадорлиги 35% дан  
70% гача кўтарилган ва ерлар қирғизлардан  
шу орада совет ҳокимияти органлари орқали  
ҳам тортиб олинган».

1922 йил май ойида ўша Сафаров «Правда»-  
да шундай ёзган: «Қирғиз томорқалари (гап  
1917, 18 ва 19 йиллар тўғрисида кетяпти) улар-  
нинг чорваларни ҳайдашига халақит бериш  
учун тортиб олинган. Кўчманчилар ерларида  
чорваларни ҳайдаган барча шахслардан конт-  
рибуция солиғи олиш учун асалари хўжалик-  
лари тузилган»... Ва совет ер ислоҳоти Тур-  
кистонда «самовольческие» (ўзбошимчалик  
билан ташкил қилинган), яъни 1916 йилдаги  
исёндан кейин тортиб олинган рус посёлка-  
ларни (Сафаров сўзлари бўйича, «...шу орада  
совет ҳокимияти органлари орқали ҳам ер-  
лари тортиб олинган») йўқ қилган ва энг ке-  
ракли бўлган кўчманчиларнинг йўллари  
бўшатган.<sup>2</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича  
ҳисоботидан. №4 (172)**

1923 йил 11.12.13 ва 14 январь,  
1923 йил 17 январь

...Туркистон.

Самарқанд области (2 декабрь бўйича дав-  
лат ахборот ҳисоботи). Каттақўрғон уездида  
қишлоқ хўжалигининг тикланиши талончи-  
лик ва босмачилар босқинлари томонидан се-

<sup>1</sup> Қаранг: «1909 – 1913 йилларда Румянцев бошчилигида кўчириш  
бўйича статистик бошқарма партия томонидан қилинган ялпи тадқиқот  
маълумотлари».

<sup>2</sup> Скалов Г. Опыт классового расслоения в условиях Туркестана //  
Жизнь национальностей. Кн. 2-я. 1923. – С.38.

кинлашиб борди. Ўша даврда 80 фоиз майдон-  
ларга кузги экинлар экиш режалаштирилган.  
Қурғоқчилик сабаби билан 30 фоиз ерга экин  
экилган.<sup>3</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича  
ҳисоботидан. №30 (198)**

1923 йил 23, 24 ва 25 январь, 1923 йил 27 март

...Туркистон.

Самарқанд области (5 февраль бўйича дав-  
лат ахборот ҳисоботи). Ўратепа уездидаги 4  
та волость аҳолиси оч қолган деб тан олинган.  
Уездларда ўзаро ёрдам комитетлари ташкил  
қилиш бошланмоқда. Деҳқонлар баҳорги мав-  
сум учун уруғ бўйича ёрдам пулини олишма-  
са, балки, улар босмачи тўдаларга қўшилиб  
кетишар.<sup>4</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича  
ҳисоботидан. №42 (120)**

1923 йил 23, 24 апрель, 1923 йил 26 апрель

...Туркистон.

Самарқанд области (1 апрель бўйича дав-  
лат ахборот ҳисоботи). Камбағал деҳқонлар  
босмачи тўдаларининг ҳужумлари ва улар  
томонидан деҳқонларга солиқ солишлари ту-  
файли жонли ва жонсиз жиҳозларга муҳтож.  
Ўратепа уездида босмачилар томонидан жой-  
лар вайрон қилинган, баъзи волостларда оч-  
лик эълон қилинган. Деҳқонлар орасида экин  
майдонларини кенгайтиришга интилиш ку-  
затилади.

Қўшчи иттифоқи орқали деҳқонларга уруғ  
бўйича ёрдам берилади ва бу, биринчи навбат-  
да, босмачилар томонидан жабрланган қиш-  
лоқ аҳолисига берилади. Область пахта коми-  
тети томонидан пахта экишдаги оқсашларга  
жиддий эътибор қаратилган. Қўшчи чорва ва  
баъзи жойларда экин уруғлари етишмовчили-  
гига қарамасдан, баҳорги экин ишлари қони-  
қарли ўтмоқда.

<sup>3</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и мате-  
риалы. Том 2. 1923 – 1929. – М.: РОССПЭН, 2000. – С.61.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С.88.



Жиззах уездидаги волостларда ўтроқ қирғизларнинг Қўшчи иттифоқлари ташкил қилинмоқда. Қўшчи иттифоқлари аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган.<sup>1</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан. №147 (676)**

1923 йил 2 июль

...Туркистон.

Самарқанд области (7 июль бўйича давлат ахборот ҳисоботи). Самарқанд участкасидаги 7 та волостда босмачилар қатагон қилинганлигига қарамай, аҳоли совет ҳокимиятидан ёрдам олмасдан улар таъсирига тушмоқда.<sup>2</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботларидан. №82/№75 (243)**

1923 йил 12 ва 13 июль

...Туркистон.

Самарқанд области (30 июль бўйича давлат ахборот ҳисоботи). Областнинг кўпгина уездларида босмачилар ҳаракатининг тугатилмаганлиги туфайли деҳқонларнинг иқтисодий аҳоли шу пайтгача мустаҳкамланмаган. Озиқ-овқат захираси камайиши сабаби билан баъзи уездлар – Ўратепа, Хўжанд, Каттақўрғонда очлик эълон қилинган.

Босмачилар ҳужумлари давом этиши ва уезд марказининг узоқлиги туфайли ўзаро ёрдам комитетлари иши айрим жойларда меъёрида кетмаяпти.

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботларидан. №86/№89 (257)**

1923 йил 16 ва 17 август

...Туркистон.

Сирдарё области (28 июль бўйича №27 давлат ахборот ҳисоботи). Ҳосил йиғиштириб олинганлиги туфайли Туркистон уездидаги очарчилик тугатилган. Мирзачўл (Голодная степь) уездида бўлиб ўтган қирғизлар ва Грузия мамлакати ижарачилари орасидаги низо туга-

тилган. Ер 15 йилга ижарага олинган, шу муддат ўтгандан кейин у яна Туркистон республикаси ихтиёрига қайтарилади. Ер пахта экиш учун ижарага олинган. Низонинг келиб чиқиш сабаби, қирғизлар ижарага олинган ернинг суғориш тармоғидан ўз ерларини суғориш учун каналлар қазиганлар.

Шу туфайли низо чиққан. Ушбу низода айбдор бўлган маҳаллий ҳокимиятлар суд қилинмоқда.<sup>3</sup>

**ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботларидан. №101/№229 (286)**

1923 йил 8 октябрь

...Туркистон.

Самарқанд области (1 октябрь бўйича 31-сонли давлат ахборот ҳисоботи). Босмачиликка қарши қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли совет ҳокимиятига бўлган деҳқонларнинг муносабати яхшиланди. Волост ижроия комитетлари ва қишлоқ советларида Қизил армия қисмларига босмачиларга қарши курашга ёрдам бериш таъкидланган. Ягона солиқ бўйича рўйхатларни тузиш тугатилган. Деҳқонларнинг хўжалик ишларига бўлган муносабати қониқарли. Самарқанд уездидаги Қўрбоши волостида Мирза полвон исми босмачи қишлоқдаги ишчиларни суғориш бўйича қувғин қилди. Ишчилар ишдан қочишди. Шу ҳолатда 23 минг десятина ердаги экинлар сувсиз қолса, нобуд бўлиши мумкин.<sup>4</sup>

**1923 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари учун ГПУнинг СССР сиёсий ва иқтисодий ҳолати тўғрисидаги шарҳидан**

1924 йил 1 январидан кейин

...Фарғона областида 487 минг киши оч қолгани қайд этилган, улардан 40 фоизи болалар; болалар очлик ва касалликлардан нобуд бўлмоқдалар.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ўша асар. – С.96.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С.116.

<sup>3</sup> Ўша асар. – С.131.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С.164.

<sup>5</sup> Ўша асар. – С.166.



**1924 йил 4 – 18 февраль бўйича ОГПУ  
маълумот бўлимининг 1-сонли  
ҳисоботидан**

1924 йил 18 февраль

...Туркистон.

Деҳқонларнинг оғир иқтисодий аҳволи. Деҳқонларнинг, айниқса, босмачилиқдан жабрланган аҳолининг аҳволи оғир: улар очликда яшайдилар ва ҳар жойда қулоқлар ва бойларга иқтисодий қарамдирлар. Деҳқонлар уруғ маҳсулотларига ўта муҳтож. Фарғонада деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи бир оз яхшироқ.

Ягона солиқ миқдори Самарқанд областида 18 январь ҳолатига 62 фоиз, Фарғона областида 80 фоиз, Еттисув областида 14,2 фоизга келишилган. Сирдарё областида солиқ йиғиш ўта суут амалга оширилмоқда. Амударё областида эса энди бошланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг яхши сотилмаётганлиги, совет ва молия муассасаларининг яхши ишламаётганлиги натижасида қишлоқларда пул йўқ. Шу боис солиқлар йиғими муваффақиятсиз амалга оширилмоқда.

Солиқ деҳқончилик учун ўта оғир; Сирдарё областида деҳқонлар солиқ тўлаш учун ўзининг бор захирасини сотишга мажбур. Солиқ комиссияларида тартибсизлик оқибатида солиқ имтиёзлари бўйича кўплаб аризалар мавжуд.

Солиқ мансабдорларининг суиистеъмоллари. Бухоро ССРда солиқ кампанияси фақат ўз чўнтақларини тўлдиришга ҳаракат қилаётган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Молия ходимларининг порахўрлиги Сирдарё областида ҳам кузатилмоқда.

Қизил армия аскарлари. Бўлинмаларда озик-овқат билан таъминлашнинг ёмонлиги ва маошларнинг кеч тўланиши (туркман области, Полторацкдаги қисмлар, Марв ва бошқалар) натижасида норозилик мавжуд. Қўлга олинган Қизил армия аскарларининг апрель ойида таътилга чиқиши ҳақида тарқалган мишмишлар сабабли уларнинг кайфияти демобилизация бўлишдан иборат.

Антисовет гуруҳлар... Фарғона областида зиёлилар маъмурий сургунларга хайрихоҳли-

гини билдириб, улар ишини тартибга солиб, ҳар томонлама ёрдам бермоқда.<sup>1</sup>

**1924 йилнинг октябрь ойи учун СССР  
сиёсий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги  
ОГПУ шарҳига «Шарқ мухтор  
республикалари» иловаси**

1924 йил 1 ноябрдан сўнг

**1. Руслар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги  
муносабатлар**

*Руслар ва маҳаллий аҳоли сиёсий-иқтисодий ҳолати*

Низоларнинг энг кўп бўлишига сабаб бўлган омиллардан яна бири илгари жойлашган чорвачилик ҳудудларидаги маҳаллий аҳоли ва кўчиб келган руслар ўртасидаги ер бошқарилишидадир. Шу асосда ривожланган шарқий чекка ҳудудлардан русларнинг кўчирилиш жараёни ҳозирги кунда бутун Туркистон, Қирғизистон ва қисман бошқа минтақалар бўйлаб кенг тарқалган. Туркистондаги айрим жойларда бу борада Россия деҳқонлари томонидан ўз мол-мулкларини сотиш ҳоллари қайд этилган.

*Рус қишлоқларидаги сиёсий кайфият*

Рус деҳқонларининг сиқиб чиқарилиши ва кўчирилиши ҳақидаги кўплаб мишмишлар бутун Қирғизистон ва Туркистоннинг қирғиз областлари бўйлаб тарқалмоқда.

**2. Маҳаллий миллатлараро муносабатлар**

*Ҳокимиятнинг миллий низодаги иштироки*

Давлат амалдорларининг алоҳида миллатлараро низоларга жалб этилиши Кавказдан бошқа Шарқ ҳудудларига ҳам хосдир. Туркистоннинг миллий-ҳудудий бўлиниши муносабати билан бу аралаш ўзбек-қирғиз областларида кескин шаклда намоён бўлди. Масалан, Ўш районида ўзбеклар билан қирғиз маҳаллий ишчилари ўртасидаги қарама-қаршилиқ шу даражада авж олганки, комиссия Қирғизистон Мухтор Республикаси чегараларини аниқлаш учун районларга борганида қирғиз овулларида ўзбек ишчиларининг бир кеча ҳам қолишига йўл қўймаган. Ўзбеклар томонидан

<sup>1</sup> Ўша асар. – С.186.



ишчиларнинг ташвиқоти таъсири остида қирғиз областидан ўзбекистонликлар билан волостлар ажратиш бўйича аризалар топширилиши кўпайган. Худди шундай ҳолатлар Сирдарё областида ўзбеклар ва қозоқ-қирғизлар ўртасида ҳам кузатилган.

*Уруғлар ва жамоалараро зиддиятлар ва курашлар*

Туркистоннинг Сирдарё области Авлиё-ота районида алоҳида уруғларнинг ўз рақибларига бир неча марта ҳужум қилиш ҳоллари юз берган ва ҳолатларнинг бирида 300 отлиққача ҳужумда қатнашган.

*Курашнинг ҳокимият қўйи аппаратида акс этиши*

Қирғизистонда советларни қайта сайлаш пайтида уруғлар ўртасидаги курашга бутун қишлоқ аҳолиси қўшилди. Лекин советларнинг эски таркибида вакили бўлган уруғлар ва гуруҳлар бу сафар уларни қўлга киритишга ҳаракат қилиб, аввалги сайловларда ғолиб чиққан гуруҳларга бирлашиб уларга тўсқинлик қилдилар. Партия аъзолари, сайлов комиссиялари ва УИК (уезд ижроия комитети) вакиллари курашга жалб этилди, натижада кўп ҳолларда кенгашларга яна битта уюшма вакиллари киритилди. Худди шундай ҳодисалар Туркистонда ҳам кузатилади. Бу ерда кураш порахўрликлар билан бирга юзага келиб, уларнинг ҳажми баъзан қишлоқ учун ўта катта миқдорни ташкил этади. Масалан, Мойтун волостида БРИК раисининг мансабини олиш учун 15 минг сўмгача, Бодин волостида (Сирдарё области) шу мақсадда 1 минг рубль ва 2 та от сарфланди. Самарқанд областида қишлоқ кенгаши раиси лавозимига 130 сўмлик таклиф ҳолати қайд этилган ва волост ҳокимияти буни жуда кам деб топиб, 250 сўм талаб қилган.

Кенгашни эгаллаб олган гуруҳ фаолияти юқорида қайд этилган 300 кишининг Туркистоннинг Авлиё-ота районида душманлар овулига ҳужуми билан тавсифланади ва ушбу ҳужумда маҳаллий ҳокимият вакили иштирок этган. Жиноят қидирув бўлими вакили келиб, ҳужумни амалга оширган уруғ ва у билан боғлиқ шахсларни ҳибсга олгач, УИК бошқарма

бўлим бошлиғи дарҳол ушбу вакилнинг ўзини ҳибсга олиб, у томонидан қўлга олинган шахсларни озод қилди.

*Маҳаллий қишлоқларнинг табақаланиши*

Иқтисодий табақаланиш асосан, рус қишлоқларида бўлгани каби, ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида давлат органларидан фойдаланиш ва камбағал деҳқонларни эксплуатация қилиш орқали юзага келмоқда. Иқтисодий табақаланиш элементлари ва патриархал-уруғ ва феодал анъаналарнинг яшashi, рус қишлоқларида бўлгани каби, сиёсий курашда ҳам у қадар аниқ акс этмайди. Шу билан бирга, иқтисодий табақаланиш жараёни рус қишлоқларига нисбатан бу ерда кўп ҳолларда кучлироқ бўлади. Буни маҳаллий қишлоқ аҳли бутунлай камбағал қатламларнинг катта оммасини ташлаб, айни пайтда жуда кучли хўжаликларга ажралаётганидан ҳам билса бўлади. Масалан, Туркистонда, Фарғона областининг кўп жойларида деярли ҳар бир мустақил маҳаллий бойда 1-2 та, баъзиларида эса 40 тагача камбағал деҳқон бор. Фарғонада 200 га яқин камбағал мулкдор бойда пахта толасини деярли бепул йиғириш учун ишлагани тўғрисида иш очилган.<sup>1</sup>

### **1924 йилнинг декабрь ойи бўйича СССРнинг сиёсий ҳолати ОГПУ шарҳида**

*1925 йил 1 январдан сўнг*

### **...Қишлоқ аҳолисининг сиёсий кайфияти Мусулмон қишлоқларда ўзаро муносабатлар**

*Маҳаллий аҳолининг руслар билан ердан фойдаланиш бўйича олиб борган кураши.*

...Туркистонда ер можаролари ҳам бир оз кичик миқёсда (асосан Сирдарё областида) қайд этилади. Низолар суғориш ҳудудларида сувдан фойдаланишда кузатилади, кўпинча бу руслар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги жанжалларга олиб келади. Илгари маҳаллий аҳолининг ихтиёрида бўлган ерларни руслардан талаб қилиш тўқнашувларга сабаб бўлмоқда.

<sup>1</sup> Ўша асар. – С.252 – 260.



*Маҳаллий аҳоли ўртасида миллий-қабилавий кураш*

Туркистонда Сирдарё ва Еттисув областларида маҳаллий аҳолининг турли гуруҳлари ўртасидаги муносабатларда бу ҳолат кўпинча қотиллик билан тугаган, бу жараёнда қуролли ҳужумлар ва қорамолларнинг ўғирланиши кўпайганлиги кузатилади.

*Ҳокимият учун миллий-қабилавий кураш*

Туркистоннинг ўзбек областларида, Сирдарё областининг жанубий қисмида қуйи ҳокимият атрофидаги қabila ва гуруҳлараро кураш, айниқса, кучли ривожланмоқда. Аҳолининг 70% гача қисмини қуйи ҳокимият учун кураш асосида тузилган гуруҳлар ташкил этади. Аксарият ҳолларда гуруҳ раҳбарлари район ҳокимияти (УИК ва УКОМ) вакиллари билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам доимий ғалаёнларга олиб боради ва қуйи гуруҳлар раҳбарларини ўз томонига ағдариб, уларнинг оммавийлигини таъминлашга интилади. Гуруҳлараро кураш қирғиз аҳолиси ичидаги қабилавий муносабатларда, ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги муносабатларда миллий бўлиниш муносабати билан, айниқса, кучли ривожланмоқда.

**Мусулмон қишлоқларининг табақаланиши**

Туркистонда ўтган пахта мавсуми натижалари деҳқон хўжалигининг янада кўп табақалари ҳисобига юксалишни кўрсатади. Деҳқончиликнинг ёнма-ён равишда ўсиб бораётган фаолияти унинг қарама-қарши қисми – собиқ қabila ва руҳоний зодагон вакилларига нисбатан муносабатларда яққол намоён бўлиб, у кўп ҳолларда аҳолига бир хил таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Бу қатламлар фаолиятидаги марказий нуқталар (айнан улар орасидан гуруҳ раҳбарлари тез-тез келиб туради) қуйи ҳокимиятни қўлга олиш ва янги усул мактабларига қарши ташвиқот олиб боришдир.

Собиқ қуйи кенгашларга қайта сайлаш жараёни аксарият ҳолларда босмачилар яшайдиган районларда бой-босмачи унсурлар ёки уларнинг тарафдорларини сайлаш билан ниҳоясига етди. Бу эса реакцион бойларнинг мавқеини мустаҳкамлайди, шу сабабли гуруҳ курашининг янада ривожланиши босмачиликни тугатиш ва бартараф этишни анча кечиктиради. Давлат мактабларига қарши реакцион



Германиядаги ўзбек талабалари. Ўртада Мажид Қодирий, Мирсун ва Олимжон ўртоқлари



бойларнинг ҳаракати ҳам сиёсий тус олмоқда (янги усулга кўра ўқитиш тарафдорларининг ўлдирилиши ҳақида фактлар бор)...<sup>1</sup>

**1925 йил сентябрь ойи бўйича СССРдаги  
сиёсий ҳолат ҳақида умумий маълумот  
Ўрта Осиё**

**Қишлоқлардаги иқтисодий ҳолат ва сиёсий кайфият.** Ўзбекистоннинг икки области ва Туркменистоннинг Полторацкий районида қурғоқчиликдан ҳосил ва яйловларнинг нобуд бўлгани эътиборни тортади. Ёз ойларида Сурхондарё областидаги экинларнинг учдан икки қисми, ҳатто сунъий суғориладиган майдонларда ҳам 100% нобуд бўлди. Тожикистонда пахта экинларининг қисман нобуд бўлиши айрим волостларда 50% гача етиши қайд этилган. Сиёсий вазият соҳасида тожиклар билан ўзбеклар, ўзбеклар билан қирғизлар ва руслар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги ер-сув низолари ва ҳокимият учун кураш асосида ўзаро муносабатлар кескинлашмоқда. Миллий қарама-қаршилик ҳолати фитна йўли билан аҳолини тўқнашувларга ташвиқ қилаётган янги совет ва партия аппарати ходимлари томонидан кучайтирилмоқда. Босмачилик ҳам сон жиҳатидан, ҳам фаоллик жиҳатидан пасайишда давом этмоқда. Шу билан бирга, кураш олиб бораётган аҳолидан аввалги қўлловни тополмай қолгач босқинчилик, ниҳоят, жиноий ҳодисага, маданий ва иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ ҳудудларда эса кундалик маиший-жиноий ҳодисага айланиб бормоқда. Бироқ босмачилик ҳаракатини тўлиқ тугатилган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида босқинчи тўдалар томонидан фаоллик қайд этилган. Тожикистонда босмачилар пешвоси Иброҳимбек томонидан сўнгги пайтларда аҳолига солиқ солиш тизимини ўзгартириш орқали уларнинг хайрихоҳлигини қозонган жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди (солиқнинг фақат бойлардан ундирилиши).

**Совет аппарати.** Бир қатор ҳолатларда феодал хон тўлов тизимининг қолдиқлари

акс этган: шахсий бойиш манбаи ҳисобланган қишлоқ совети ёки волост ижроия комитетлари раислари лавозимлари атрофида кўплаб порахўрлик ҳолатлари билан бирга гуруҳбозлик курашлари бўлмоқда. Каттароқ лавозимларни эгаллаб турганлар (масалан, волост ижроия комитети раиси) билан кўпроқ пора тақдим этган шахслар ўртасида лавозимлар савдоси амалга оширилади. Шу йўл билан курсига ўтирганлар, ўз навбатида, сарфланган пулларни қайтариш мақсадида аҳоли зиммасига ноқонуний йиғимларни юклайди, давлат маблағларини ўзлаштиради ва пора олади. Бир ойнинг ўзида Ўзбекистоннинг учта областида, Тожикистонда, Қирғизистонда ва Туркменистонда 84 та йирик қонунбузарликлар (ноқонуний ўзлаштириш ва порахўрлик) ва кичик миқдордаги ҳуқуқбузарликлар қайд этилди. Қуйи аппарат собиқ амир амалдорлари, бойлар ва босмачилар билан алоқада бўлганларга тўла. Айниқса, сўнгги гуруҳнинг босмачиликка қарши кураш кампаниясини бузишга уриниши қайд этилган.

**Диндорлар.** Диндорларнинг кучли таъсири нафақат омма орасида, балки совет ва партия ходимлари орасида ҳам қайд этилган. Муллалар томонидан ўтказилаётган тадбирларга нафақат рағбат кўрсатиш орқали, балки уларнинг эҳтиёжлари учун давлат маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Диндорларнинг таъсири давлат хизматчилари орасида уезд идоралари даражасига қадар тарқалмоқда. Аҳоли муллаларни қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда, уларнинг фойдасига хайр-эҳсон йиғиб, ҳосилнинг маълум қисмини ажратиб бермоқда. Муллалар фаолиятида совет мактабларига нисбатан ортиб бораётган тескари ташвиқот эътиборни тортади. Улар бу мактабларни тугатган болаларни Қизил армияга олиб кетишади деб жар солмоқдалар. Тарғибот натижалари ўқувчиларнинг совет мактабларидан диний мактабларга ўтиб кетаётганида ўз аксини топмоқда.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўша асар. – С.263 – 266.

<sup>2</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 3. 1925 г. Часть 2. – М., 2002. – С.510 – 511.



## ЎРТА ОСИЁ

**Миллий қарама-қаршилиқ.** Фарғона области. Аравон қишлоғида ўзбеклар «қирғизлар биздан кўп солиқ олишади, лекин бизга ҳеч нарса беришмайди» деб 1000 га яқин киши қатнашган йиғилиш ўтказиб, Аравон волостини Ўзбекистонга бирлаштириш мақсадида Ўзбекистонга бориш учун вакиллар танлади. Волост ижроия комитети ва партия комитети ушбу протоколни ноқонуний деб топди. Вакил ҳибсга олинган ва протокол олиб қўйилган. Ҳибс тўғрисида хабар топган аҳоли 50 киши бўлиб ҳайқирӣқ ва таҳдидлар билан волост ижроия комитетига етиб борди ва ҳибсга олинган шахсни озод қилишди. Ўзбекистонга қўшилиш мақсадида вакилларни Ўзбекистонга юбориш масаласи давом этмоқда.

**Ўзбекистон.** Сўнги пайтда Тошкент областининг Мирзачўл районида маҳаллий аҳоли – ўзбеклар ва европаликлар ўртасидаги муносабатлар кескинлаша бошлади. Мирзачўл шаҳрида Туркистонни тарк этиш таклифи билан европаликларга мурожаат қилган варақалар тарқатилмоқда.

Тошкент области Мирзачўл уезди Крестьянский волостида Тошкентнинг Қирғиз уезди Ижар волости Қалпа овули қирғизлари томонидан Обетованный посёлкаси деҳқонларининг экин майдонлари устига катта миқдорда чорва моллари бостириб юборилган. Мазкур посёлка аҳолиси бу мол подаларидан кўп марта зарар кўриб, сабр косаси тўлиб, учлари найзадек йўнилган таёқлар ва паншахалар билан қуролланиб, бутун қишлоқ қирғизлар билан уруш қилгани тўпланди. Аммо етиб келган расмийлар томонидан тўқнашувнинг олди олинди.

Конимех автоном уезди Бешрабат волостида ўзбекларнинг ҳокимият тепасидаги қорақалпоқ ва қирғизлардан норози эканликлари ҳақидаги баёнотини инобатга олиб Самарқанддан келган махсус комиссия Бешрабат волост инқилобий комитетига битта ўзбекни кириштишга қарор қилган. Конимех инқилобий комитети бу ишни амалга ошириб, бир ўзбекни комитетга олди. Ҳамда ўша кимсани шундай ўз таъсирига олдики, у Конимех инқилобий коми-

тетидан норози бўлган барча ўзбеклар ҳақида хабар ташийдиган бўлиб қолди. Натижада улар у ёки бу баҳона билан ҳибсга олина бошладилар. Ушбу ҳибслар натижасида ўзбеклар ўртасида кучли норозилик пайдо бўлди ва 7 август куни уларнинг бир гуруҳи, шу жумладан, 30 – 40 киши Конимехга бориб, ҳибсга олинганларнинг озод қилинишини талаб қилдилар.

### Совет аппарати. Самарқанд области

Жиззах уездининг қўйи бошқарув тизимини текшириш бўйича махсус комиссия қайд этади: «Уезд қишлоқларида совет ҳокимияти умуман мавжуд эмас. Ҳатто уезд бошқарувчилари ҳам босмачилик ва жиноий тўдалар билан алоқанда». Комиссия томонидан белгиланиб, ўтказилган қайта сайлов пайтида ҳам кўпчилик нима учун бу қайта сайловлар ҳозиргача мавжуд бўлган тизим «пакетлар»сиз ўтказилганидан таажжубга тушдилар (гап шундаки, ким бирор лавозимга талабгор бўлса, масалан, волост ижроқўм раиси бўлмоқчи, у маълум сумма солинган «пакет»ни президиумга жўнатган. Кимнинг пакетида кўпроқ маблағ бўлса, ўша сайланиб кетаверган). Комиссияга «биз ўзимиз хоҳлаган номзодларни тайинлашимиз мумкинми?» қабилида саволлар берилди.

Каттақўрғон уездининг 10 та волости ўрганилганда маълум бўлдики, нафақат қишлоқ ижроқўм раислари, ҳатто волост ижроқўм раислари ҳам иш ҳақи қайдномаларига фақат қўл қўйиб беришган, холос. Пулларни эса уезд ижроқўми олган. Асли батрак бўлган Янгиқўрғон волости ижроқўм раиси шу қадар маҳаллий бойлардан бирининг измида бўлганки, волост ижроқўми маъмурлари ўша бойни отдан тушириб қўядилар. Деҳқонлар бирор масала юзасидан волост ижроқўм раисига мурожаат қилмай, ўша бойга мурожаат қилишади. Бой эса уларнинг мурожаатларига тегишли қарорни (резолүцияни) қўйиб бериб, сўнг волост ижроқўм раисига жўнатар экан.

Қашқадарё волости Майдарӣқ кентида ижроқўм раиси томонидан совет ҳукумати бераётган, гўёки жуда кам бўлган таъминотга қўшимча равишда аҳолини ноқонуний солиққа тортишнинг такрорӣй ҳоллари қайд этилган. Бунда деҳқонлардан 40 ботмон буғдой йиғиб



олган ва 1924 йил учун қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича тўланмай қолган қарз учун аҳолидан йиғилган пул маблағларини ҳам ўзлаштириб олган.

**Фарғона области.** Ашт район ижроқўми раиси Фарғона область ижроия комитети томонидан ҳосили нобуд бўлишидан талафот кўрганларга тарқатиш учун ажратилган 1000 рублдан фақат 500 рублни тарқатган, холос. Уезд ижроия комитети томонидан муҳр ва бошқа канцелярия жиҳозларини сотиб олиш учун ажратилган 225 рубль ҳам ўз ўрнига сарфланмаган. Шунингдек, Бободархон волости қишлоқ советларининг раис ва котиблари маоши учун берилган пул маблағлари ҳам у томонидан ушлаб қолинган. Маблағнинг бир қисмига (140 рубль) от сотиб олинган...

**...Сурхондарё областида** уезд ижроия комитети раисининг ўринбосари томонидан эҳсон йиғиш учун Самарқанддан келган эшонга бутун Бойсун уездини айланиб чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилди. Бойсунга етиб келган эшонга қўшимча равишда барча совет ташкилотлари унинг шахсий саёҳати ва уезд бўйича тўпланган совғаларни ташиб кетиши бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин деган мазмунда гувоҳнома берилди. Бойсунга келган эшон бир муддат ушлаб турилганда уезд ижроқўм раиси аҳоли ва мусулмонлар отряди орасида уни озод қилиш учун тарғибот юргиза бошлади. Қатъият билан эшонга тарафдор бўлиб турган аҳоли орасида саросима ва норозиликни келтириб чиқармаслик учун уни қўйиб юбордилар.

**Қашқадарё области** Шаҳрисабз уезди ижроия комитети йиғилишида уезд ижроқўм раисининг таклифига кўра Ҳайит байрами кунига муллаларга анъанавий совғалар бериш учун 200 рубль маблағ ажратилган.

**Самарқанд области.** Каттакўрғон уезди Гарганав қишлоғида, Истарафшон области (Тожикистон АССР) Ганжи қишлоғида руҳонийлар томонидан янги усулдаги мактабларга қарши қаттиқ тарғибот ўтказилгани аниқланди. Гарганав қишлоғида мулла Юсупов янги усул мактабларида таълим олаётган болалар у ердан ёш бухороликлар, яъни Куръон душмани бўлиб

чиқадилар деган мазмунда тарғибот олиб борган. Тарғибот натижасида ушбу қишлоқ болаларининг барчаси ҳозирда мударрис Юсупов қўлида таълим олмоқдалар. Ганжи қишлоғида эса янги усул мактабларининг обрўсига путур етди. А.Рустанов деган бой эшон янги усул мактабларида ўқиган ва комсомолга ўтган болалар оқибатда албатта Қизил армияга олинади деб ташвиқот юргизган.

*Ахборот бўлими котиби Соловьёв'*

## МИЛЛИЙ ШАРҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР Ўрта Осиё

*Сиёсий кайфият.* Кўпгина районларда турли миллатлар ўртасида муносабатлар кескинлашуви давом этмоқда. Тошкент областида ер ислоҳоти бўйича ерларнинг ҳақиқий ишлайдиган шахсларга берилиши туфайли Тошкент уездидаги қирғизлар, одатда, чек ерларини ҳам ўзбекларга берганлиги учун ҳозирги кунда ўзларини Қозоғистонга қўшиш тўғрисидаги масалани кўтармоқда<sup>2</sup>, чунки, уларнинг фикри бўйича, ер ислоҳоти фақат ўзбекларнинг манфаатлари учун амалга оширилмоқда. Шу сабабли бу ерда ўзбек аҳолининг руслар билан муносабатлари ҳам кескинлашуви давом этмоқда. Тожикистонда ўзбек ва тожиклар ўртасидаги сувдан фойдаланиш масаласи бўйича низолар ўзбекларнинг тожик ишчисини заҳарлашга уринишига олиб келган. Шунга ўхшаш ҳодисалар Туркменистонда (туркманлар – қирғизлар) ва Қирғизистонда (қирғизлар – руслар) ҳам қайд этилган.

Кўздан бошлаб фаолияти кескин пасайган босмачилик ҳозирги вақтда қандайдир тур-

<sup>1</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 3. 1925 г. Часть 2. – М., 2002. – С.559 – 561.

<sup>2</sup> Қозоғистон – Октябрь инқилобига қадар ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қозоқларни қозоқ ва қирғизлар деб аташган (бундан Қирғиз республикаси номи келиб чиққан). 1925 йилда Қозоғистон ССР Советлар съезди бундан кейин БМИК Президиуми Қирғиз республикасини Қозоғистон АССРга қайта номлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Лекин 20-нчи йилларнинг ҳужжатларида Қозоғистон, қозоқлар номлари учраб туради. Д.И.Ушаков таҳрири остидаги «Рус тилининг изоҳли луғати»да айtilган: «Қозоқлар Каспийортидаги чўлларда яшаётган ва Қозоғистон АССР аҳолисининг аксариятини ташкил қилаётган туркий миллатлардан биридир» (Т.1. – М., 1935. – С.1280).



ғунлик ҳолатида (1925 йилнинг 1 декабрида 717 киши, 1926 йилнинг 15 январидида 738 киши). Тожикистонда ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё областида эса энг қатъий тусда давом этмоқда. Кўрсатилган районларда босмачи тўдаларининг отрядларимиз билан тўқнашувлари натижаси босмачиларнинг мағлубиятлари билан тугагани қайд этилган. Айтиш керакки, босмачилик аҳоли орасида ўзига ишончни йўқотмоқда. Босмачи тўдаларининг бошлиқлари томонидан уларга қарши қурашга ёрдам берган қишлоқларга нисбатан ўтказилаётган террор улар учун ижобий натижаларни бермаган ва аҳоли босмачиликни тугатишга ёрдам беришда давом этмоқда (IV. 1 – 8).

*Ер ислоҳоти.* Ўтган йилнинг декабрь ойида ер ислоҳотининг амалда бажарилиши бошланган. Ислоҳотни амалда бажариш учун жўнатилган махсус ер комиссияларининг ишида фаолиятсизлик ва улар томонидан бой<sup>1</sup> унсурларни ҳимоя қилиш ҳолатлари кўп учраётганлиги қайд этилган. Кўп жойларда комиссия ҳануз камбағаллар уюшмасини ташкил этишни бошламаган. Ҳолатларнинг аксарият қисмида комиссия аъзолари иш билан мутлақ қизиқмасдан, вақтининг кўп қисмини шаҳар кезиш билан ўтказмоқда. Фарғона областида ташвиқот кампаниясининг кучсизлиги туфайли ерни ер билан ишловчи кишиларга бериш ўрнига олдин қурилиш ишлари учун фойдаланувчи шахсларга сотиш ҳолатлари қайд этилган. Бойларнинг ерлари аниқланганда комиссия аъзолари баъзи ҳолатларда била туриб уларни яширганлар. Самарқанд областида хўжаликларни бойлар туркумига киритишда комиссия аъзолари томонидан меъёрларни ўзбошимчалик билан белгилаш ҳолатлари кузатилган. Уезд комиссиялари вакиллари ерни бўлиб олган камбағал хўжаликларга тарқатиш учун белгиланган қишлоқ хўжалиги анжомларининг комиссия кўз олдида бойлар томонидан сотиб юборилишига рухсат бериш ҳолатлари қайд этилган (IV. 9 – 11).

Ер комиссиялари ишида меъёрдан чиқишлар, бойлар ва руҳонийларнинг ташвиқоти

туфайли аҳоли томонидан ислоҳотга қарши чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида ислоҳотнинг фаол тарафдорларидан бири ўлдирилган. Ўша областнинг Андижон уездида кескин муҳит мавжудлиги туфайли иккита волостга қуролланган қўриқчилар юборилган.<sup>2</sup>

#### 4-ИЛОВА

### МИЛЛИЙ ШАРҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР

#### Ўрта Осиё

**Ўзбекистон.** Тошкент уезди. Тошкент уездининг қатор жойларида ер ислоҳоти бўйича маҳаллий аҳоли (ўзбек ва қирғизлар) ва европаликлар ўртасида муносабатларнинг кучайиши аниқланган. Тўйтепа волостида ўзбеклар европаликлар яшаётган бутун посёлка (Петропавловский) аҳолисини мажбуран кўчиришга ҳаракат қилиб, сўнгра уларнинг ерларини тортиб олишни режалаштирмоқда.

Русларга нисбатан маҳаллий аҳолининг, айниса, қирғизларнинг худди шундай антагонизми (қарама-қаршилиги) Хитойтепа волостида, кам ҳолатларда эса Зангиота, Ниёзбек ва Пскент волостларида кузатилмоқда.

**...Ўзбекистон.** Самарқанд области. Область ҳудудида ҳисобот даврида Ургут ва Панжикент районларида фаолият кўрсатаётган тожик Мулла Абдураззоқнинг босмачилар тўдаси (30 йигит) фаоллиги қайд этилган. Айнан шу тўда томонидан ушбу вақт ичида Панжикент шаҳрига ҳужум уюштирилган. Бундан ташқари, ушбу тўда томонидан аҳолидан оммавий пул йиғиш қайд этилган: Саримсоқ қишлоғида 1000 червонец, Ўрта қишлоғида 500 червонец ва Ширча қишлоғида 200 червонец.

...Душамўйин-Файзиобод районида Иброҳимбек томонидан ушбу районда тайинланган қўрбоши Азиш мағлубиятидан кейин (унинг ёрдамчиси ва 6 йигити ўлдирилган) ўзининг доимий жойига – Лоқайга қайтишга мажбур бўлган, шу ерда у қўрбоши Мулла Маҳмуд тўда-

<sup>1</sup> Бой – инқилобдан олдин Ўрта Осиёдаги бойвачча, йирик ер эгаси ёки чорвадор.

<sup>2</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – М., 2001. – С.40 – 41.



лари таркибига кириб, ушбу районда мустақил ҳаракатлар ўтказиш учун жўнатилган.

Вахш дарёсининг чап қирғоғида Лоқайдан келган Иброҳимбек фаоллик кўрсатмоқда. У чап қирғоқдаги энг катта тўдалар (Абдулло ва Ҳайдар) билан бирлашиб, ўзи учун муваффақиятсиз тугаган отрядларимиз билан қатор жангларга кирган (50 нафаргача йигитлар йўқотилган).

Тошкент уездида Хитойтепа уезди район ер комиссиясининг раиси ўринбосари охириги пайтгача бойларнинг хўжалиklarини аниқлаш жараёнида маълум миллатчилик оғмачилигини кўрсатиб, қирғизларни яширган ва ўзбекларни астойдил аниқлаган; ҳатто қирғизларга ўзбек бойлари устидан ёлғон аризаларни ёзишни таклиф қилиш ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Жиззах уездининг ер комиссияси раиси очиқдан-очиқ бойларни ҳимоя қилиб чиқмоқда.

Облиқ район ер комиссиясининг раиси ўринбосари Облиқ қишлоғида бой ҳузурида яшаган, шу бой кейинчалик бу нарса ўша ер комиссиясининг раиси ўринбосари фойдасига ва унинг маслаҳати билан қилинади деб ўз ерини ихтиёрий равишда топширган.

Бойларнинг ер ислохотига адоватли муносабати, айниқса, Фарғона областининг Марғилон ва Андижон уездларида аниқланган. Марғилон уездидаги Чимён волостининг Каттархон қишлоғида ер ислохотининг тарафдори, фаол жамоатчи бўлган собиқ қишлоқ советининг раиси ўлдирилган, Андижон уездида хатарли ҳолат мавжудлиги сабабли ер ислохоти комиссияси томонидан Норин ва Қўқонқишлоқ волостларига қуролланган қўриқчилар юборилган.<sup>1</sup>

### **1926 ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИ БЎЙИЧА СССР СИЁСИЙ ҲОЛАТИНИНГ ШАРҲИ**

1926 йил 24 март

...Ўрта Осиё

*Сиёсий ҳолат.* Миллий антагонизм ва уруғлараро курашнинг ривожланиши давом этмоқда. Тўқнашувлар асосан ер ва сувдан фойдаланиш ва ҳокимиятни қўлга олиш масаласи юзаси-

дан содир этилмоқда. Ўзбекистон Қашқадарё областининг Беҳбудий уездида ўтлоқлар учун бўлган низолар туфайли қирғиз ва араблар ўртасида 5 кишининг яраланиши билан тугаган қуролли тўқнашув содир этилган. Қирғизистонда Боғишев волости рус посёлкаларининг босмачиларга қарши курашда фаол қатнашган аҳолиси қўшни овуллар қирғизлари томонидан қирғин қилинмоқда. Қирғизлар томонидан русларга 1919 йилда ўлдирилган қирғиз босмачилари учун «икки баравар қасос олиш» дўқ-пўписалари янграмоқда. Миллий антагонизмнинг ўткирлашуви Тожикистонда тожик ва ўзбеклар ўртасида ҳам мавжуд. Тожиклар ўзбек ишчилари томонидан ҳокимият органларининг қўлга олинишидан норозиликларини билдирмоқдалар.

Сурхондарё областида ҳам эрсари ва шайх туркман уруғлари ўртасида уруғлараро кураш ривожланмоқда. Шайх уруғи томонидан эрсариликларга зулм қилиш туфайли 4000 хўжалиқдан иборат бўлган эрсариликлар Сурхондарё областини тарк этишни режалаштирмоқдалар.

Босмачилар сонидан ҳам, фаоллик жиҳатидан ҳам пасайиш давом этмоқда. 15 декабрь ҳолатига 700 одамга яқин, 1 март ҳолатига эса 600 нафарга яқин бўлган. Босмачилик бора-бора фақат жиноий ҳодисага айланиб бормоқда. Босмачилик ўзининг жиддий хусусиятини Тожикистонда Вахш дарёсининг чап қирғоғида сақлаган. У ерда Иброҳимбекнинг тўдалари томонидан аҳолидан пул тўплаш тугалланмаган ва босмачиликни қўллаб-қувватлашни рад этган уруғлар устидан қирғин қилинмоқда. Бу тўда босмачилари тўдаларни таслим бўлиш тўғрисида музокараларга чақирган 4 кишидан иборат делегацияни ўлдирган.

*Қайта сайловлар.* Қайта сайлов кампанияси ҳар ерда ҳар хил уруғ ва миллий гуруҳлар ўртасида ҳокимият аппарати учун кураш кўринишида ўтказилмоқда. Самарқанд ва Фарғона областларининг уездларида сайлов комиссиялари бу курашда ўз одамларини қўйган ва ўзлари фаол иштирок этган. Қўқон уездининг Юқори қишлоғи аҳолиси сайлов комиссияси вакилига норозилик билдирганда ушбу масъ-

<sup>1</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – М., 2001. – С.40 – 41.



ул бунга жавобан қуролдан ўқ узган. Кейин бутун қатнашчилар югуриб қочишган. Сайлов комиссиясининг бундай хулқи туфайли аҳоли сайловларда иштирок этишни рад қилмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида қишлоқ жамоаларининг бирида 1400 кишидан мажлисга фақат 120 киши келган. Шу сабабли Зарафшон областининг Бухоро уездида деҳқонлар милиция томонидан сайлов мажлисларига мажбурлаб олиб келинган. Кўп ҳолатларда советларга бойлар, собиқ амир амалдорлари ва уларнинг таъсирида бўлган шахслар ўтмоқда.

Қайд этиш жоизки, умумий жиҳатдан ўтган йилга нисбатан қайта сайловлар қониқарлироқ ўтмоқда. Қайта сайловларнинг жорий йилги кампаниясида қатнашаётганларнинг фоизи ўтган йилги қатнашчиларнинг фоизидан анча ортиқроқ. Тошкент областидаги камбағаллар советларга «тўра» (зодагон)ларнинг ўтказилишига катта куч билан қарши чиқмоқда. Фарғона областида қишлоқ советларига ва ВИКларга 60% дан 70% гача камбағаллар ва батрақлар, 20 – 25% ўртақоллар ўтган. Қишлоқ мажлисларида қатнашаётганлар босмачилик билан кураш ва сув қурилиши масалалари бўйича чиқмоқдалар.<sup>1</sup>

### **1-сонли илова. ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ ҲУДУДЛАР ...Ўрта Осиё**

...Қашқадарё областининг Беҳбудий уезди Жинҳовуз овули қишлоқ жамоасидаги Жинҳовуз қишлоғи аҳолиси бўлган ўзбеклар (кўпчилиги бойлар) ва Шўрчи қишлоғида яшовчи туркманлар (кўпчилиги камбағаллар) ўртасида сувдан фойдаланиш масаласи бўйича кескинлашган муносабатлар қайд этилган. Ҳар икки томондан Қарши шахрига делегациялар жўнатилган. Қишлоқ совети раиси Жонҳовуздаги бойлар томонига қўшилган. Сув етишмаслиги сабабли шўрчиликлар экиш ишларини амалга оширмаганлар ва кейинчалик очликка дучор бўлганлар.

<sup>1</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – М., 2001. – С.108 – 109.

*Сурхондарё области.* Бойсун уезди. Ўзбек ва европаликлардан иборат уезд ижроия комитетининг масъул ходимлари ўртасида сўнги пайтларда пайдо бўлган миллий антагонизм бутун уезд совет аппаратига кучли таъсир этмоқда.

Маҳаллий гуруҳ раҳбари Юсупов ЎзКП бошқарув комитети масъул котибининг катта таъсиридан фойдаланмоқда.

...*Ўзбекистон.* Охирги пайтда Сурхондарё областида эрсари ва шайх туркман уруғлари ўртасида уруғлараро адоват кучайган. Шайх уруғи туркманлари асосан собиқ оқсоқоллар, собиқ амир амалдорлари ва бойлари бўлиб, эрсари уруғининг деҳқонларига ҳар томонлама зулм қиладилар. Шайхларнинг раҳбари бир пайтлар амирнинг қочишидан кейин Афғонистонга келган, кейинчалик у ерда ташкил этилган тўдани бошқариб эрсари уруғига босқинларни (талончиликлар ва аёлларни ўғирлаш) ўтказган таниқли бойдир. Сурхондарёга қайтгач у шайхларнинг ёрдамида аҳолига нисбатан қирғин ўтказишда давом этмоқда. Ушбу мазлумлик ҳолати сабабли ҳокимият томонидан эрсариларни шайхларнинг бебошлигидан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмаган тақдирда улар бутун уруғи билан (4000 хўжаликкача) Сурхондарёни тарк этишни режалаштирмоқда.

*Ўзбекистон.* Самарқанд области. Каттақўрғон уезди. Калқўрғон волост ижроия комитети (ВИК) раисининг қайта сайлов жараёнида аҳоли томонидан танланган қандайдир Ортиқов аксарият овозларни олган, лекин у қайта сайлов бўйича мухтор вакили томонидан партиясиз сифатида рад қилинган эди ва ВИК раиси мансабига бўшатишган ВИК раисининг вакили бўлган собиқ қўрбоши ва босмачиларнинг шериги сайланган.

*Марғилон уезди.* Лайлахон қишлоқ жамиятида (Олтиариқ волости) сайлов комиссияси раиси мажлис томонидан танланган (1000 тача киши қатнашган) 23 та даъвогар (батрақ ва камбағал)лардан иборат бўлган рўйхатдан 11 тасини ўзбошимчалик билан ўз шериклари (бойлар) билан алмаштирган, бундан кейин мажлисни ёпиб, қишлоқ советига сайлов ўтказиш учун фақат рўйхатдаги делегатларни



қолдирган. Делегатларнинг бир қисми рўйхатга киритилган ўзгаришлардан норозилигини билдирганлар, аммо сайлов комиссияси раиси уларга бақриб, тарқалишга мажбур қилган. Ўз тарафдорлари билан қолгач раис томонидан баённома тузилган, шу баённома бўйича унинг икки нафар вакиллари советга худди аксарият овоз олгандек сайланган.

*Фаргона области.* Қўқон уезди. Сўх волостидаги Юқори Қўрғон қишлоғида сайлов комиссияси раиси сайловчиларнинг иродасига қарши ўзининг вакили номзодини қишлоқ советига ўтказмоқчи бўлган. Қатнашчилар бунга қарши чиқиб норозилигини билдирганда улар томонидан ўқ отилган, бундан кейин улар юғриб қочишган.

*Тошкент уезди.* Еттикент волости Бошқизилсой қишлоқ жамиятида қайта сайлов жараёнида бир батрак 15 йил масжид имоми бўлиб, сўнг компартия аъзоси бўлган, кооператив маблағларини камомад қилган бошқа бир кўштирноқ ичидаги «батрак»ка қаршилиқ кўрсатади ва у дарҳол сохта «батрак» томонидан калтакланади.

*Аслига тўғри: ОГПУ Ахборот бўлими котиби Соловьёв<sup>1</sup>*

### **1926 йилнинг март ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи**

1926 йил 28 апрель

**...Ўрта Осиё**

*Қишлоқнинг сиёсий кайфияти.* Ҳар хил миллатлараро антагонизмнинг намоён бўлиши ва кузатилиши давом этмоқда. Ўзбекистоннинг Самарқанд области Хўжанд уездида қирғизлар орасида Қирғизистонга қўшилиш тенденцияси яна ривожланмоқда. Сабаби маҳаллий ҳокимият органларида ўзбекларнинг ҳукмронлиги ва қирғиз бойларининг ер ислоҳоти муносабати билан чорва молларини Қирғиз автоном областига кўчириш йўли билан олиб қочишга интилишидир. Хоразм областида Туркменистон билан чегарадош ҳудудларда ер низолари асо-

сида туркманлар энг яхши ер участкаларини эгаллаб олган ўзбек қишлоқларига талончилик рейдлари уюштирадilar. Тожикистоннинг Душанбе областида тожиклар ва ўзбеклар ўртасида жанглар қайд этилди.

Босмачилар сонида барқарорлик сақланмоқда (600 нафар атрофида). Босмачи тўдаларнинг фаолияти Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё областларида намоён бўлмоқда. Қашқадарё областида босмачиларнинг тўдаси томонидан гарнизонларимиздан бирига босқин уюштирилди. Тожикистонда Иброҳимбек (босмачиларнинг раҳбари) томонидан Тожикистоннинг барча босмачи раҳбарлари учрашуви чақирилиши ҳақида аҳоли орасида мишмишлар юрибди.

*Ёрни бошқариш.* Бойларнинг ер ислоҳотига қарши чиқишлари давом этмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида бойлар ислоҳотни қўллаб-қувватлаган шахсларга нисбатан қирғин амалга оширган. Бойлар томонидан махсус ташкил этилган босмачиларнинг тўдаси томонидан ўша шахслар талон-торож қилинган ҳолатлар мавжуд. Самарқанд областида Каттақўрғон уездининг Қарши қишлоғида партия ташкилотларини қўлга олган бой ва руҳонийлар тазйиқи остида ислоҳот давомида ўз ерларини ажратишни талаб қилган бир қатор деҳқонлар партия ва Қўшчи иттифоқи таркибидан чиқарилди.

Шу билан бирга, аҳолининг энг камбағал қатламлари ер ислоҳотига жуда хайрихоҳ. Ислоҳот ўтказилмаган жойларда кичик ер участкалари эгалари бўлган деҳқонлар уни эртароқ амалга оширишни ва бойларнинг ерларини тортиб олишни талаб қиладилар. Бойларга ижара ҳақини тўлашдан бош тортиш ҳолатлари мавжуд. Ўзбекистоннинг Хоразм областида ва Тожикистонда ерсиз деҳқонлар томонидан бойларнинг ерларини рухсатсиз эгаллаб олиш ҳолатлари қайд этилган (IV. 39 – 41).

*Совет аппарати.* Совет органларида укувсизлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг оммавий кузатилиши давом этади. ВИКларда жамият маблағларини ўзлаштириш ва 2 минг, 5 минг сўмлик ноқонуний йиғимлар кузатилади. Қизил армия бўлинмаларидан олинган озиқ-

<sup>1</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – М., 2001. – С.158 – 160.



овқат учун тўловга тайинланган маблағларни ўзлаштириш жуда кенг тарқалган. Сурхондарё областининг ижроия комитетида, Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг Душанбе область (округ) аппаратида (Тожикистон) ҳамда Ҳисор область (округ) ижроия комитетида (Тожикистон) ҳисоботларнинг йўқлиги ҳамда катта камомад аниқланган. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг Душанбе область (округ) аппаратида 68000 рубль камомад аниқланди. Ҳисобот даврида жами 65 хил суиистеъмолликлар маълум бўлди.

Суд органларида жуда катта номаъқулчиликлар кузатилади. Сурхондарё область судига собиқ амир амалдорлари кириб олган, Самарқанд областининг Каттакўрғон уезди халқ суди кўплаб долзарб характерга эга бўлган ишларни ташлаб қўйган. Тожикистоннинг Ҳисор областида халқ судлари йўқлиги сабабли аҳоли турли масалаларни ҳал қилиш билан босмачилар раҳбарларига мурожаат этади (IV. 41 – 43).<sup>1</sup>

**1925 йилнинг 15 ноябрь кунига миллий шарқий республикалар ва мухтор областларда ер тузилиши бўйича ОГПУ ахборот бўлими материаллари**

**4-сонли ҳисобот**

1925 йил 21 ноябрь

**Ўрта Осиё**

**Ердан фойдаланиш бўйича можаролар.** Ўзбекистон. Ўзбекистон ССР Фарғона области Андижон уезди Қўқонқишлоқ волости таркибига кирувчи Кўктўнлик, Авушка ва Янгичек қишлоқларидаги ўзбеклар ҳамда Ниёз ва Қашғар қишлоқларининг қашғарлари билан қўшни Қирғизистон мухтор области аҳолиси – қирғизлар ўртасида ердан фойдаланиш асосида миллий адоват қайд этилган. 1,5 минг десятина миқдорида ўзбеклар юрти, қашғарларнинг 2,5 минг таноб миқдоридаги ерлари Қирғизистон мухтор области ҳудудида жойлашган. 1918 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда бу ҳудудда босмачилар тўдалари (қирғизлардан иборат)нинг ҳаракати туфайли мазкур ҳудудлар ўзбеклар

ва қашғарлар томонидан ташлаб кетилди. Бу ерларда эксплуатация қилинган қирғизлардан фойдаланишган. Ер ҳудудий бўлинишидан кейин ўз далаларига қайтган қашғар ва ўзбекларга қирғизлар юртга қайтишдан олдин Қирғизистонга қўшилишни таклиф қилиб, рад этилган тақдирда ўз далаларига қўймасликни айтиб таҳдид қилишган. Қашғар ва ўзбекларнинг қўшилишдан бош тортишига жавобан Орол қишлоқ жамоа МИК раиси далаларни шудгор қилаётган ўзбекларнинг 20 жуфт ҳўкизини тортиб олди ва бу қорамол унинг далалари учун ҳам, Новкент волост ВИК раисининг ерлари учун ҳам ишлатилди. Қирғизлар ҳам ўз ихтиёри билан ўзбекларга суғориш учун сув беришмайди, лекин уни олмоқчи бўлганлар катта тўловлар тўлашга ёки олинган ҳосилнинг ярмини бериш учун ишлашга мажбур. Андижон УИК ва уезд ер бўлимига ўзбеклар ва қашғарлар томонидан берилган аризалар жавобсиз қолдирилди.

**Сувдан фойдаланиш.** Фарғона районининг Поласон қишлоқ жамияти КИК раиси (Фарғона области) қишлоқ Қўшчи иттифоқи (волост мироби) раиси ва сув тарқатиш жамиятидан вакил билан биргаликда сувни бойроқ аҳолига поражўрлик эвазига берадилар, натижада ҳосилдорликда кескин ўзгаришлар юзага келди, хусусан, пахта, бой деҳқонларда (ҳосил мўл ва ўсиш юз берди) ва шароити оғир (камбағалларда эса ҳосил кам бўлди). Мазкур ҳокимият вакиллари август ойи давомида бойларга берилган қўшимча сув учун 600 сўм ундириб олишди. Олтиариқ волост мироби тарафидан ҳам шундай ҳолат қайд этилган (ушбу уездда), бу ҳолат баъзи камбағал одамларда пахтанинг нобуд бўлишига олиб келди.

Конимех мухтор районининг Сарой-Қорақалпоқ қишлоғида қорақалпоқлар ва ўзбеклар ўртасида сувдан фойдаланиш асосида миллий норозиликлар қайд этилди. Юқоридаги қишлоқнинг ўзбек деҳқонлари Конимех зовурига, яъни ариқдан сув олиш учун келган қорақалпоқлар ўта норозилик билан кутиб олинди ва уларга ишлашга рухсат берилмади. Қорақалпоқлар ўзбекларнинг бу ариқдан сув олмаса ҳам, Сарой қишлоғида уларнинг иккинчи ари-

<sup>1</sup> Совершенно секретно: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – М., 2001. – С.187.



ғи бор (ариқнинг боши Зарафшон дарёсига ту-ташган) деб ўзларининг бу ҳаракатларини оқлаганлар.

**Табий офатлар.** Ўзбекистонда, Ўш волостини Наманган уезди (Фарғона области)да сув ва ёгингарчилик камлиги туфайли экиладиган 4 минг таноб ердаги пахтанинг 75% йўқотилди ва 25% қурғоқчилик хавфи остида қолди, демак, деҳқончилик бу йил пахта саноатида бўлган қарзни ҳам қоплай олмайди.

**Ер ишлари апаратининг фаолиятидаги камчилик ва хатолар.** Фарғона областида бойларнинг камбағаллар фойдасига ўз еридан ихтиёрий равишда воз кечиш ҳоллари учраб туради. Ер ислоҳоти муносабати билан жойларда, хусусан, Тошкент областида олиб борилаётган тайёргарлик, ҳисоб-китоб ишларида айрим камчиликлар мавжуд. Ерларни ҳисобга олишда экин ерларининг турларга бўлиниши аниқ ҳисобга олинмаган, натижада хўжаликларнинг иқтисодий қувватини тўғри белгилаш имконияти йўқ (3 дес. пахта, буғдой, гуруч ёки узум, уларнинг қийматида бир-биридан катта фарқи бор); шунга ўхшайдиган ҳолат тойларга нисбатан ҳам кузатилади, улар ва бошқа ёш ҳайвонлар ҳам йирик, ҳам майда қорамол деб юритадилар; шу боис баъзи ер ҳисобчилари, масалан, эшакларни қўшчи чорва сифатида таснифлаган эдилар, баъзилар эса эшакларни қўшчи чорва ҳисобламай, ҳатто уларни кичик чорва деб билганлар; иш кучини ёллаш ва хўжаликда иштирок этиш тўғрисидаги устун кўрсатилмаган; бу ерда иш кучи мавсумий иш билан шуғулланади, шунингдек, ушбу иш кучи ҳам, у томонидан фойдаланаётган ер ҳам тўғри тақсимланмаган; чорикорлик шароитлари ҳам ҳисоб-китоб қилинмаган; ерларни ижарага берувчи ва ижарага олувчи хўжаликлар тоифасини ҳисобга олиш устунчаси ва бунинг сабаблари (чорва моллари ёки жиҳозларнинг етишмаслиги ёки ортиқчасини яшириш мақсадида) ва бошқалар кўрсатилмаган. Бундан ташқари, жойларга борадиган ва яхши тайёргарлик кўрмаган ишчиларга нотўғри кўрсатма бериш туфайли бошқа майда-чуйда нарсалар олдиндан эътиборга олинмаган, бу йил суғорилмаган ерларнинг ҳисоб-китоби тақдим этилмаган, шу

боис баъзи ерлар сув босадиган ер, баъзилари эса лалмикор ер деб ҳисобланган.

**Ер етишмовчилиги.** Сирдарё области. 1 октябрь. Казалинск уездидаги 9 волостда – Барракўл, Оқтуба, Чабандин, Сарик-Тўқай, Райим, Кастам, Қувондарё, Қалимбос ва Жамансиртда солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш натижаси қуйидагича: чорвачилик 39% га оширилди ва барча волостлардаги экинлар деярли ярмига қисқарди.

**Камбағалларнинг бойларга иқтисодий қарамлиги.** Сирдарё области. 8 октябрь. Казалинск уездининг Ёрбой, Тўқай ва Қора-тўқай ҳудудлари оролларидаги ўтлоқ ерлар машҳур бойлар томонидан 100 рубль эвазига ижарага олинган. Бир-иккита молини боқиш учун ўтлоқ ери бўлмаган камбағаллар бойлар учун ишлашга, уларга ўтларнинг ярмини беришга ёки юқори нархга ўт сотиб олишга мажбур бўладилар. Камбағаллар устидан бойларнинг шу асосдаги иқтисодий ҳукмронлиги давлат ҳокимиятидан норозиликни пайдо қилади ва улар: «Наҳотки, юқори ҳокимият буйруғи билан Қўшчи иттифоқи ёки овул ижроия комитетлари томонидан ўтлоқ ерлар тўғри тақсимланмаса?» – деб айтишмоқда.

**Ўрмон хўжалиги.** Сирдарё области. Туркистон уезди. Чатаев волостида хизмат кўрсатувчи ўрмон кузатувчиси Растопчин уч нафар балиқчидан солиқ йиғмаслик учун пора олди. Чилий волостида хизмат кўрсатувчи ўрмон кузатувчиси ёқилғидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи чипта учун аҳолидан пора олди. Масалан, ёқилғидан фойдаланиш ҳуқуқи учун «Барак» оиласидан 25 червонец олиб, атиги фақат 6 сўмлик 4 чипта берган. Қолган пулларни қайтармаган. Шунингдек, у «Тубай-Тайип» қозоқ-қирғиз оиласидан 15 червонец олиб, ўтин ишлатиш ҳуқуқи учун ҳеч қандай чипта бермаган.

Қорақалпоқ области. «Боғот» жамиятида ўзбек бойлари томонидан ортиқча ерларни ижарага бериш уч ҳолатда учрайди. Ишчиларга қулларча муносабат бўлмоқда, яъни ҳосилнинг ярми бойнинг фойдасига қолиши керак, бундан ташқари, ариқларни тозалаш каби барча меҳнат мажбуриятлари камбағал ижарачилар томонидан амалга оширилади. «Оқ-Қамиш» жамиятида бой Бекжонов (ўзбек) оғир шартлар



асосида уч камбағалга 10 таноб ернинг 5 танобини камбағалларнинг ўзлари ишлатиши, 5 танобини эса ўзининг фойдасига ишлатиш шартини билан топширган.

Тўрткўл округида ҳисобот даврида бир қатор қишлоқ ва овулларда ердан фойдаланиш жараёнида тўқнашувлар қайд этилди. Бунда ҳукмрон ролни шу пайтгача ер ислоҳоти бўйича ҳеч қандай фармонларда ҳуқуқлари бузилмаган бойлар ўйнайди ва улар ердан мулк сифатида фойдаланади. Масалан, Амиробод жамиятида бой Муллатқаров 5 таноб ерни ўртаҳол деҳқон Жулаповга ижарага берди, лекин Жулапов ердан фойдаланишга улгурмади ва бой ижара шартномаси бекор қилинганини эълон қилиб, 50 рубль олдиндан тўлаган пулни қайтиб олмасдан, ерни қайтариб олди. Жулаповнинг қишлоқ ижроия комитетига ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати ҳеч қандай натижа бермади.

#### **Бойларнинг ерларни эгаллаб олиши туфайли камбағалларнинг совет ҳокимиятидан норозилиги**

«Хўжайли» жамиятининг бойи Қосимхонов бир пайтлар камбағал одам Умаровга қарз учун пул бериб турган, Умаров қарзни узмасдан оламдан ўтган. Шундан сўнг бой Қосимхонов ерни эгаллаб, Умаровлар оиласини (хотини ва икки боласини) уйдан дарҳол ҳайдаб чиқарган. Бева аёл ижроия комитет раисига бой Мадаминовга ёрдам учун мурожаат қилган, бироқ иккинчиси Қосимхонов ҳақ эканини айтган, чунки, совет ҳокимияти қонунларига кўра, қарзи борлар тўлаши шарт. Жамиятдан бир гуруҳ камбағал ўзбеклар воқеа ҳақида шундай дейди: «Агар бойимизга қарши чиқсанг, совет ҳокимияти бунга қарши туради ва ҳокимият билан кураша олмайсан, шунинг учун ҳамма нарсага фақат сабр билан чидашинг керак».

Тўрткўл округида бойлар билан камбағаллар ўртасида ер низолари бўйича 7 та ҳолат мавжуд.

«Чибиқли» жамиятида қашшоқ ўзбеклар «давлат ҳокимиятининг энг қашшоқ аҳолига ер бериш ваъдалари фақат қуруқ сўзлар, асли-

да эса қишлоқда мутлақ хўжайинлар ҳукмрон» деб норозилиklarини билдиради.

«Сахтиён» жамиятида бой қорақалпоқ Саидназаров район йўмут уруғи тўдаларининг мағлубияти пайтида ерни ноқонуний равишда қўлга киритгани сабаб камбағал ўзбек Хўжаевдан ер олди. Шу билан бирга, у ерда бир низо бор эди ва иш деярли бир кураш билан якунланди, лекин қишлоқ ижроия комитети раиси бой Матёқубов (қорақалпоқ) шу низога аралашди ва камбағалга ўзганинг мол-мулкни ўзлаштиргани учун ҳам, қаршилиқ кўрсатгани учун ҳам судга бериш билан дўқ-пўписа қилди. Натижада камбағал ердан воз кечиб, уни бойга қайтаришга мажбур бўлди. Бу пайтда камбағал шундай деди: «Бу ерда совет ҳокимияти нима, чоризм вақти билан ҳеч қандай фарқ йўқ».

Амиробод жамиятида ўзбеклардан бой Саидовнинг бир қанча ерлари бўлган, 1918 йилда йўмут уруғи тўдаларининг босиб олиши муносабати билан камбағал Худойберганов ундан 2,5 таноб ер олиб, ҳозиргача текин ишлатиб келган. Шунга асосан Саидов бу ерларни Худойбергановдан тортиб олди. «Уғубуғ» жамиятида худди шундай ҳолат – камбағалдан ер олиб қўйиш ҳам қайд этилган (15 октябрь бўйича ҳисобот).

«Уғубуғ» жамиятида ўртаҳол деҳқон Жонийез ва бой Хўжаев ўртасида ўртаҳол деҳқонларнинг ерига бўлган даъво асосида тўқнашув содир бўлиб, бой ўртаҳол деҳқонни дўппослаб, бир пайтлар ўзига тегишли бўлган 2 таноб ерни тортиб олган.<sup>1</sup>

#### **1926 йил 25 май кунига миллий шарқ республикалари ва мухтор областлар ер тузлиши бўйича ОГПУ ахборот бўлимининг 1-сонли ахборот ҳисоботидан**

1926 йил 31 май

**Ўрта Осиё**

#### **Ер-сув можаролари**

Кескин ер ва сув тақчиллиги, ерларнинг ҳар хил тақсимланганлиги ва ер муносабатларини тартибга солишда ер маъмуриятининг сусткашлиги кўплаб ер ва сув низоларини келти-

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 2. 1923 – 1929. – С.344 – 354.



риб чиқармоқда. Низоларнинг аксарияти аҳолининг турли миллий гуруҳлари ва ер жамиятлари (овул, қишлоқ) ўртасида бўлиб, миллий ва қабилавий адоватни қўзғайди, натижада бутун қишлоқларни ўз ичига олган қонли жангларга сабаб бўлмоқда.

### Миллатлараро ер низолари

Миллатлараро ер низолари, бир томондан, ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари – тожиклар, туркманлар, қирғизлар, иккинчи томондан, маҳаллий миллатларнинг ўзлари ўртасида тўпланиб, айрим ҳолларда жанг ва қирғинларга олиб келади. Хоразм областида туркманлар энг яхши ер ва сув участкаларини эгаллаб олган ўзбек қишлоқларига доимий равишда қуролли босқинлар уюштириб, чорва молларини, жиҳозларни аҳолидан тортиб олиб, асирларни олиб кетишмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари кўпинча етилган можароларни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўрмайдилар. Улар ҳатто низони ўз миллати манфаатлари йўлида ноҳолис тарзда тарқатиб, бошқа томонни ўз йўли билан ечим излашга мажбур қилиб, низонинг кескинлашувига ҳисса қўшадиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

...*Хоразм области*. Минтақанинг Туркманистон билан бутун чегараси бўйлаб ўзбеклар ва туркманлар ўртасида ер ва сув муносабатлари асосида катта можаролар юз бермоқда. Ўзбеклар Хоразмни босиб олиш давридан бошлаб яхши жойларга жойлашдилар. Областга туташ туркман овуллари фақат ўзбеклар ерларидан ўтадиган ариқлар билан суғорилади, улар эса кам сувлидир. Туркманлар яйловлар ва суғориладиган майдонларни эгаллаш мақсадида ўзбек чегара посёлкаларида қуролли босқинлардан тез-тез фойдаланишади. Ана шундай босқинлардан бири жорий йилнинг февраль ойи охирида 12 кишилик қуролланган туркман отлиқларидан бир гуруҳи ўзбек қишлоқларидан бирига бостириб кириб, мол ўғирлаши, чўпонларни қўлга олишида кузатилган эди.

Худди шундай туркманларнинг босқинлари март ва февраль ойларида Шовот районидаги (Довдонқўл кўли яқинида) ўзбекларга нисбатан

амалга оширилиб, у ерда саксовул учун қўлга келган ўзбеклардан арава ва отлари тортиб олинди. Қишлоқ кенгашининг маҳаллий раиси (Кулчук) қўллаб-қувватлашидан фойдаланган туркманлар бу қўлни ўзбеклардан тўла фойдаланиш учун олиш ниятини билдиришмоқда.

...*Фаргона области*. Марғилон уезди. Марҳамат волостидаги Рус қишлоғида ер ислоҳоти ўтказиш жараёнида асосан демобилизация қилинган Қизил армия аскарларидан иборат бўлган ерсиз деҳқонларга илгари рус деҳқонларига тегишли бўлган мавжуд бўш ерлардан ер берилди. Ўзбеклар, шу жумладан, Қўшчи иттифоқи волост комитети раиси бошчилигидаги партия аъзолари русларга ер берилишидан норози бўлиб, жамоатчилик йиғилишларидан бирида руслар ўзбекларнинг орасида яшашини истамагани учун бу ерларнинг берилмаганини очиқ айтиб, сўзга чиқдилар.

*Тошкент области*. Мирзачўл уезди. Крестьянская волостида ўзбекларга тегишли бўлган қорамолларнинг европаликларнинг экинларини пайҳон қилиш ҳоллари давом этмоқда. Ҳисобот даврида Петропавловск посёлкада яшовчи айрим фуқароларнинг (Подмосковний, Гавриленко ва ҳоказо) пахта ҳосили йўқотилди. Жабрланувчиларнинг шикоятларига қарамай, ВИК ҳеч қандай чора кўрмади.

*Самарқанд области*. Каттақўрғон уезди. Тўрткўл волостидаги Жагаи қишлоғида бир гуруҳ чорикорлар ва қирғиз камбағал деҳқонлари район ер комитетига ерга эгалик қилиш мақсадида бундай ер бой ўзбекда (300 таноб) ортиқчаси билан борлиги тўғрисида ариза беришди. Ер мусодара қилинди, лекин ўзбекларга топширилди. Қирғизлар томонидан таркиби фақат ўзбеклардан иборат бўлган ва қирғизларнинг манфаатларини эътиборга олмаётган ер комиссиясига нисбатан қаттиқ норозилик кузатилмоқда.

### Қишлоқлараро низолар

Ўзаро ҳисоб-китоб низоларининг ривожланиши ҳамма жойда кузатилади. Бу заминда содир бўлаётган тўқнашувларда бутун қишлоқлар, баъзан эса уларнинг бутун гуруҳлари



иштирок этмоқда. Тўқнашувлар, айниқса, тарафлар турли қабила ёки оила гуруҳларига тегишли бўлган ҳолларда ўта шиддатли кечади. Қашқадарё областининг Бекбўта уездида февраль ойида қирғизлар ва араблар ўртасида 5 кишининг оғир жароҳат олиши билан тугаган ўтлоқ учун бўлган низо асосида тўқнашув содир бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, Зарафшон областининг Кармана уездида қишлоқларнинг икки гуруҳи ўртасидаги қирғин натижасида 5 киши ўлдирилган ва 20 киши ярадор бўлган. Ер ишлари бўйича ходимлар ва маҳаллий ҳокимият томонидан ер низоларини ҳал этиш фаолиятида жинояткорона совуққонликка йўл қўйиш ҳамда ўз уруғи ва жамоаларига тарафкашлик қилиш кузатилмоқда.

### **Ердан фойдаланиш бўйича камбағалларнинг бойлар билан кураши**

Бир қатор жойларда амалга оширилган ер ислоҳоти муносабати билан камбағалларнинг бой ерларини эгаллаш учун кучли ҳаракати юз бермоқда. Ислоҳот ҳали амалга ошмаган жойларда аҳоли ёрдам кўрсатмагани учун давлат органларидан норози.

Ўзбекистоннинг Хоразм ва Зарафшон областларида бойларнинг ерлари тортиб олиниб, камбағаллар қаторига қўшишга уринишлар кузатилади.

Регар кентида деҳқонлар бойларнинг бўш ерларига ўзбошимчалик билан уруғ сепа бошлади ва деҳқонлар билан ер эгалари ўртасида қўл жанглари кузатилди. Шу билан бирга, камбағаллар баъзан ижарага олинган ерларни бойларга қайтаришдан ёки ижара ҳақи тўлашдан бош тортадилар (Хоразм области, Ўзбекистон).

*Зарафшон области.* Ғиждувон уезди, Вобкент волости. Тешиктепа қишлоғининг бир гуруҳ кичик ерли деҳқонлари (30 киши) маҳаллий бой Мир Солиҳовнинг ерларини мусодара этиш ва улар орасида тарқатиш учун ижроия комитетга илтимос қилиб шу тўғрисида қарор чиқартирдилар.

Пешку волостидаги Янгибозор қишлоқ жамоасининг бир гуруҳ камбағаллари (20 киши) қишлоқ кенгаши раисига ер участкаларини

бойлардан тортиб олиш ва улар ўртасида тақсимлаш хусусида мурожаат қилдилар ҳамда эътиборлиси шуки, бунга розилик олдилар.

Вобкент волости Парчак қишлоғида яшовчи кичик ер эгаси деҳқон Ҳақимов 1924 йилдан бошлаб бойдан ижарага олган 42 таноб ерни қайтаришдан бош тортиди...

### **Ер ислоҳоти натижалари**

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг айрим ҳудудларида ер ислоҳоти амалга оширилиши муносабати билан ҳали амалга ошмаган жойларда изчил ислоҳ қилиш учун кучли ҳаракат ривожланмоқда. Бир қатор жойларда ўта камбағал аҳоли ҳокимият сусткашлигидан норозилик билдиради, ўзбошимчалик билан бойлар ерлари ва мол-мулкни танлайди. Шу билан бирга, округ ислоҳотига қарши агитация қилиб, ўз ер участкаларини олдиндан сота бошлайди.

Ислоҳот ўтказилган айрим жойларда деҳқончиликнинг давомий ҳукмронлигига фаол қарши чиққан камбағалларнинг синфий ўз-ўзини англаши ортиб бормоқда.

Шунингдек, ер ислоҳоти ўтказиладиган жойларда давлат ёрдамининг камлиги туфайли ерли камбағаллар айрим ҳолларда уларга кўрсатилган бошқа жойларни ўзлаштиришга қодир эмаслиги кузатилади. Иккинчиси, айрим ҳолларда ислоҳотни бартараф этишга киришиб, ўз ерига эга бўлган камбағаллар иш бошлашларининг олдини олади ва мусодара этилган ерларни тазйиқ ва таҳдидлар билан тортиб олишга ҳаракат қилади. Ерли камбағалларнинг бойлар томонидан ўлдирилиш ҳоллари кузатилган (апрель ойида Тошкент областида 3 та ҳолат). Айрим ҳолларда бойлар раҳбарият (қуйи) совет ишчиларидан мадад олади.

Самарқанд ва Фарғона областларида қирғиз бойларининг ер ислоҳотларидан қочишга қаратилган ташвиқотлари сабабли қирғизлар орасида Ўзбекистон ССРга қўшилишга мойиллиги бор кишилар ортиб бормоқда. Ҳаракатнинг ривожланишига ўзбек ҳукумати вакилларининг қирғиз халқи эҳтиёжларига етарли даражада эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмаслиги сабаб бўлмоқда.



## Қирғиз халқи орасида ер низолари

Ердан фойдаланиш асосида низолар алоҳида уруғлар орасида ҳам, уруғлар ичида ҳам, алоҳида хўжалик бўлган овуллар ўртасида ҳам, айрим ҳолларда эса камбағаллар ва бойлар ўртасида ҳам пайдо бўлмоқда. Баҳор фаслининг бошланиши муносабати билан ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш, пичан ўриш ва сувдан фойдаланиш бўйича низолар тобора кучайиб бормоқда. Баъзи жойларда низолашаётган томонлар (Казалинск уезди, Сирдарё губернияси) ўртасида тўғридан-тўғри тўқнашув хавфи мавжуд. Низоларни ҳал этишда совет органлари ва ишчиларининг бе-парволиги ва низоларни ҳал этишни кечикти-раётганлиги масалани янада оғирлаштириб, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Кўп-лаб бойлар, алоҳида хўжалик овуллар ва баъзи пайтда бутун уруғлар томонидан пичан ўриш ва ҳайдаладиган ерларни эгаллаш ҳолатлари учрамоқда.<sup>1</sup>

### **1927 йилнинг 24 сентябридан 1 октябригача бўлган 28-сонли ахборот ҳисоботидан**

#### **Дехқонларнинг оммавий чиқишлари**

Ўзбекистон, 21 сентябрь. Ўзбекистон ССР ХКС томонидан Қашқадарё округидаги Косон ва Бешкент районлари оч қолган деб тан олинган. Август ойига белгиланган ун олиб келиш (очлик) минимум миқдори фақат 64% га бажарилган. 21 август кунини Бешкент райони ва шаҳарга яқин бўлган қишлоқлардаги 2000 аҳоли ун бериш талаби билан Осиёнон омборларига қараб кўзгалди. Ҳокимият вакиллари аҳолининг бу талабини рад этдилар ва оломон шаҳар томон интилди. Шаҳардан келган ҳокимият вакиллари ун беришга рухсат берганлар, шу тўғрисида тўқнашув бартараф этилди. 1 вагон ун ва 1 вагон кепак тарқатилди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 2. 1923 – 1929. – С.401 – 404.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С.587.

## КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ, ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ТАРИХИГА ДОИР

*Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийнинг антисовет гуруҳларни тугатиш бўйича тадбирларнинг бориши ҳақидаги тўғридан-тўғри ахбороти қайдномаси. 1930 йил 21 – 22 февраль*

*ОГПУ Тезкор-махфий бошқарма бошлиғи Евдокимовга, ОГПУ Шарқ бўлими бошлиғи Дьяковга, ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Запорожецга Тезкор ахборот №2. 15 – 20 февраль. Тезкор ишлар натижалари*

Фарғонада оммавий намоийишлар сабабли бойларнинг икки гуруҳи тугатилди, 37 нафар шахс ҳибсга олинди. Бухорода колхоз қурилишига қаршилик кўрсатаётган бир антисовет гуруҳ тугатилди, 5 нафар шахс ва 2 нафар жиноятчи ҳибсга олинди. Самарқандда колхоз тузилишига қарши антисовет тарғибот юргизгани учун 38 нафар ёлғиз жиноятчи, 8 нафар террорчи ҳибсга олинди. Бир нечта бойларнинг антисовет гуруҳлари тугатилди, 13 нафар шахс ҳибсга олинди. Андижонда бойларнинг 4 антисовет гуруҳи тугатилди, 11 нафар шахс ҳибсга олинди. Колхозга қарши тарғибот учун 11 нафар бой ҳибсга олинди. Қашқадарёда 3 та жиноий гуруҳ тугатилди, 20 нафар шахс ҳибсга олинди, якка тартибда антисовет ташвиқот юргизгани учун 14 нафар шахс ҳибсга олинди. Сурхондарёда бойларнинг 2 гуруҳи тугатилди, уларнинг бири террористик гуруҳ, 13 нафар шахс ҳибсга олинди. Колхоз қурилишига қаршилик кўрсатиб якка тартибда антисовет ташвиқот юргизган 28 нафар шахс ҳибсга олинди. Хоразмда 1 та бойлар гуруҳи тугатилди, 8 нафар шахс ҳибсга олинди, уларнинг 2 нафари террорда айбланди. Туркманистоннинг Марв районида 1 та бойлар гуруҳи тугатилди, антисовет ташвиқот, колхоз қурилишига қарши фаолият учун 4 нафар шахс ҳибсга олинди, 10 нафар шахс якка тартибда ҳибсга олинди. Тожикистонда бойларнинг 2 гуруҳи тугатилди, 8 нафар шахс ҳибсга олинди, 13 нафар шахс якка тартибда ҳибсга олинди, улардан 7 нафар бой террорда айбланди.



### Сиёсий вазият

Фарғона округида вазият бирданига кескинлашди. Бойларнинг фитнаси билан деҳқонлар томонидан уюштирилган колхозга қарши оммавий намойишлар Бағдод, Олтиариқ, Риштон, Бувайда районларини қамраб олди, кейинчалик бу кучайиб, кўзғолон келиб чиқиш хавфи бор. Риштон, Бувайда, Олтиариқ районларидаги оммавий намойишлар бўйича жўнатилган навбатдан ташқари хатга қўшимча шуки, вазият кўйидагича: Бағдод районида намойишни уюштирган ифвогарлар ҳибсга олингандан сўнг Серово станциясида вазият кескинлигича қолмоқда. 18 февралда Бачқир, Бекобод, Шўрбек, Бача қишлоқларидаги йиғилишларда оммавий намойишлар кузатилди, унда қулоқларни колхозларга қўшиш талаб қилинди. Шўрқишлоқда коллективлаштириш бўйича вакил оломоннинг талабларига рози бўлди. Риштон районида вазият янада кескин тус олган, кучлироқ ғалаёнлар хавфи бор. 19 февралда Зодиён қишлоғида 3 минг кишилик ҳаяжонланган оломон коллективлаштиришни тўхтатишни талаб этди, узоқ вақт давомида иш жойларига қайтган хизматчиларга гапиришга йўл қўймади. Кечга томон аҳвол юмшади, бироқ намойишлар эҳтимоли бор. Қанғли қишлоғида оломон колхозларга қулоқларни қўшишни талаб этди, коллективлаштириш бўйича вакилни ва қишлоқ совети раисини ўлдирамаиз деб таҳдид қилди. Улар қочиш кутулди. Ушбу оломон йўлда Зодиёнга кетаётган округ комитети котибини тўхтатди ва яна 3 та қишлоқ аҳолисини кутишни талаб этди, гапиришга йўл қўймади, калтаклаш билан таҳдид қилди. Фаоллар кўмагида калтаклашнинг олди олинди.

Энг кескин вазият Бувайда районида сақланиб турибди. 13 февралда Бувайда қишлоғида район ҳокимияти томонидан 3 нафар қулоқнинг ҳибсга олинишидан сўнг район ижроқўми биносига 400 кишилик оломон етиб келди. Совет ҳокимиятини ағдариш билан таҳдид қилиб, бойларни ҳибсга олмаслик, мол-мулкни хатлов қилмаслик талабларини қўйди. Райижроком раиси оломоннинг босими остида маҳбусларни озод қилди. Тарқалган оломон 2 соатдан сўнг яна минг кишилик бўлиб тўпланди. Эски

колхозларни тарқатиб юбориш, қулоқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, колхоз қурилишини тўхтатиш, тарқатиб юбориш, қишлоқ совети таркибини қайта сайлаш талабларини қўйди.

Олтиариқ районида янги намойишлар кузатилмади. Намойишларнинг умумий сабаби аҳолининг оммавий коллективлаштиришга тайёр эмаслиги, шунингдек, коллективлаштириш бўйича белгиланган рақамларни орттириш ва бу масалада районлар ўртасидаги асоссиз мусобақа, аниқ маъмурий ўлчовлар билан иш кўрилмагани ҳисобланади.

Андижон округида оммавий коллективлаштириш ишлари кетаётган районларда бойларнинг ташвиқотлари кескин кучайди. Коллективлаштириш бўйича икки йиғилишни бузишга қаратилган учрашувлар тузилмаси аниқланди. Жалақудуқ, Зеленский, Норин районларида тушунтириш ишлари жуда суст, колхозга киришни хоҳламаган камбағаллар ҳибсга олинди, йиғилишларга мажбурий тартибда қатнашиш ҳолатлари мавжуд. Шаҳрихон районида бойлар колхозга аъзо бўлишга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Коллективлаштириш оммавий бўлмаган районларда бойларнинг ўзи билан чорвасини олиб қочиши кучаймоқда.

Сурхондарё округи Шеробод районида бойлар мулкнинг тартиб олинишидан хавфсираб ердан воз кечишни бошлашмоқда, чорвасини, мол-мулкни сотмоқда, бунга ўртаҳол деҳқонларни ҳам қарши чиқишга ва мол-мулкни сотишга жалб қилишмоқда, бу тўғрида 9 та ҳолат қайд этилган; Сарийосиё ва Денов районларида оммавий коллективлаштириш ишига аҳоли умуман тайёрланмаган, тушунтириш ишлари 15 февралда бошланган, бойларнинг таъсири кучли. Денов райони Омборсой қишлоғида 16 февраль куни бойлар 100 кишилик деҳқонлардан иборат оломонни тўплаб, колхозга қарши тарғибот юргиздилар. Ушбу районларда маъмурий босим ўтказиш йўли билан коллективлаштиришни амалга оширишда жиддий хавф юзага келмоқда. Бойсун ва Патта-Ҳисор районларида чорвани оммавий сотиб юбориш ва Афғонистонга кўчиб кетиш ҳолатлари мавжуд.

Самарқанд округида шаҳар бозорига районлардан катта миқдорда чорва молларининг



кириб келиши кузатилмоқда, жумладан, Қашқадарё округида ҳам шу ҳол. Оқдарё ва Зомин районларида коллективлаштириш бўйича икита мажлис тўхтатилди. Бойлар очиқчасига колхозга қарши оммавий ташвиқот юргизилди, айрим ҳолларда камбағалларга ҳам таҳдид солмоқдалар. Зомин ва Пайариқ районларида фаолларга қарши уч марта ҳужум уюштирилди. Пайариқ районида маҳаллий ҳокимият бойларнинг қаршилиги кучайиб кетишидан қўрқиб бойларни ҳам колхозга қабул қилмоқда. Пастдарғом районида оммавий коллективлаштиришда маъмурий оғмачилик, колхоз ҳақида изоҳ талаб қилган ўртаҳол аҳолини ҳибсга олиш кузатилмоқда. Чорва молларининг сотилиши, мол-мулкни мусодара қилиш, жумладан, партия аъзолари томонидан ҳам бирданига ортиб кетди.

Бухоро округи Ғиждувон районида оммавий коллективлаштириш ҳудудларида бойлар фаол равишда қарши чиқишлар қилмоқда. 17 февраль куни камбағаллар йиғилиши томонидан Бухоро қишлоқларида мулкдан маҳрум бўлганларнинг бойлик мақомини тиклаш илтимоси рад этилгандан сўнг бойлар «ҳуқуқларни тиклаш», «фаолларга ўлим» шиорлари билан аёллар намойишини ташкил этишди. Районда бойларнинг янги гуруҳлари шаклланди. Янги Бухоро районида бойлар ўз ҳуқуқларининг тикланиши бўйича оммавий тартибда ариза бермоқдалар. Талаблари ҳозирча кўриб чиқилмади.

Қашқадарё округи Ғузор районида уруғлик дон тўплаш муносабати билан бойларнинг фаоллиги жонланиб қолди. 17 февраль куни Араббой қишлоғида колхоз тузиш хусусидаги мажлисда уруғлик дон тўплашга ошқора тарзда қарши чиқдилар. Уруғлик дон тўплаш бўйича масъул вакилни эса қуролсизлантириб калтакладилар. Тошгузар қишлоғида 65 хўжалик уруғлик дон топширишдан бош тортди. Қамай қишлоғида бойлар қўзғабган фитна сабаб 200 нафар деҳқон бош кўтариб колхозларга ва уруғлик дон топширишга қарши чиқдилар, қишлоқ совети раисини эса калтакладилар. Камбағал халқ бойларнинг зулмидан қўрқиб ер ҳайдашга ажратилган ҳайвонларни қайтариб

берди. Шаҳрисабзда руҳонийлар ва йирик савдогарлар оммавий норозиликлар тайёрлаётган эдилар, ифвогарлар ҳибсга олиндилар. Косон районида янги ташкил топаётган колхознинг зоотехнигига ҳужум қилмоқчи бўлишган.

Қирғизистон ва Туркменистондан оммавий норозиликлар ва террор бўйича маълумотлар келиб тушмади.

Каруцкий<sup>1</sup>

**Ўрта Осиёдаги вазият**  
**ВКП(б) МК – И.В.Сталинга ОГПУ**  
**раҳбариятининг Ўрта Осиёдаги вазият**  
**ҳақидаги ҳисобот хати**  
*1930 йил 12 мартдан кейин*

Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятга энг кўп таҳдид соладиган ва жиддий эътибор талаб қиладиган асосий нарса оломоннинг коллективлаштиришга қарши тез-тез ва кенг кўламли оммавий намойишларидир.

**Оммавий намойишлар бўйича маълумот**  
**қуйида келтирилган:**

№	Республикалар	Февраль	Март
1	Ўзбекистон	21	59
2	Қирғизистон	1	9
3	Туркменистон	2	1
4	Тожикистон	–	1

**Иштирокчилар сони қуйидаги**  
**рақамларда ифодаланган:**

№	Республикалар	Февраль		Март	
		намоишлар	иштирокчилар	намоишлар	иштирокчилар
1	Ўзбекистон	19	12570	53	30143
2	Қирғизистон	1	350	8	6220
3	Туркменистон	2	300	1	500
4	Тожикистон	–	–	2	700

Ушбу намойишлар, айниқса, сўнгги кунларда кескинлашди. Яъни 8 март куни Андижон округи Қўрғонтепа райони Хидирша қишлоғида йиғилишга чақирилган аёллар эркалар би-

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – С.203.



лан биргаликда коллективлаштиришга қарши чиқиб, экин экиш комиссияси вакилини калтакладилар. Шундан сўнг 500 кишилиқ оломон Хонобод қишлоғига йўл олди. Йўл-йўлакай Фозилмон қишлоғида оломон бир ўқитувчини пичоқлаб, маҳаллий ишчиларни дўппослаб, сўнг 600 кишигача кўпайиб, болта, таёқ ва шу каби нарсалар билан қуролланиб, милициячиларга ҳужум қилди, улардан бирининг қуролини тортиб олдилар. Бироқ бошқа милициячилар томонидан кўрсатилган қаршилик оломонни тарқалиб кетишга мажбур қилди. Оломондан 45 киши қўлга олинди. Оломон ўзбеклар ва қирғизлардан иборат эди. Қирғизлар ўзбекларга қараганда анча тажовузкор кайфиятда эдилар. Қирғизлар коммунистларни ўлдириш ниятида эканларини айтдилар.

Тошкент округи Ховос райони Жўйлангар қишлоғида умумий йиғилишда деҳқонлар бойлардан тортиб олинган мол-мулкни қайтариб беришни ва бойларни ҳам колхозга қабул қилишни талаб этдилар. Мажлисни ўтказган район ижроия комитети раиси талабларни қондиришдан бош тортди, натижада раисни дўппосламоқчи бўлдилар, бироқ унинг тарафини олган бир қишлоқ фаоли калтакланди. Кечга бориб район ижроия комитети раиси 15 ташаббускорни ҳибсга олди. 3 март куни бойлар маҳбусларни озод этишга қарор қилган қишлоқ йиғилишини чақирди. Бутун аҳоли кўчага чиқди, огоҳлантириш учун ўқ узилганига қарамай, маҳбусларни озод этдилар. Ҳокимият вакиллари қочиб кетди. Аҳоли қатъият билан бойларнинг колхозга қабул қилинишини ва мусодара бўлган мулкни қайтариб беришни талаб этмоқда.

Коллективлаштириш ва бошқарув масалаларидаги оғмачиликлар, ҳақиқий вазиятни ҳисобга олишни истамаслик, қолоқ жойларда коллективлаштириш бўйича ВКП(б) МКнинг белгиланган кўрсатмаларини тўғри тушунмаслик ушбу ҳаракатларнинг сабаблари ҳисобланади.

Масалан: а) Зарафшон округида (Ўзбекистон) 1929 йил декабрь ойига қадар эски колхозларнинг қолоқ ва қашшоқ ҳолда таназзулга юз тутиб бораётганига қарамай, округдаги 50 – 55% хўжаликларни коллективлаштириш бўйича қарор чиқарилган;

б) Чорвачилик колхозини ташкил қилиш учун Қултурсун қишлоқ советига (Самарқанд округи Митон райони) келган Чорвачилик уюшмаси инструкторлари (фамилиялари маълум эмас) колхозга қўшилмоқчи бўлганларнинг рўйхатларини номигагина тузиб, кейин кетаверганлар;

в) Зомин райони ер бошқармаси (Самарқанд округи) ходимлари Каттабеков ва Читариқ қишлоқ совети раиси мулла Имом Назаров Чолжугут, Қуртули, Қариз ва Тошкескан қишлоқларида колхозлар ташкил қилишни қуйидаги тартибда ўтказганлар: аҳолини тўплаганлар, ҳар бир деҳқон билан мол-мулки ва ижтимоий келиб чиқиши ҳусусида бирма-бир сўров ўтказганлар, бармоқларини босиб имзо чекишга мажбурлаганлар ва бундан буён улар колхоз аъзолари эканини эълон қилганлар;

г) Янгиқўрғон қишлоқ советининг (Самарқанд округи Оқдарё райони) қишлоқларни коллективлаштириш бўйича масъул йўриқчилари Ҳалимов ва Муқимов томонидан Тошқози қишлоғида ташкил этилган колхозга давлат аппаратидан ҳайдалган, сайлов ҳуқуқларидан маҳрум бўлган Алижон Муҳамедовни қабул қилиб, уни колхоз котиби этиб тайинлаганлар;

д) Бағдод районида Марказий статистика бошқармаси Колхозцентр томонидан мол-мулкни рўйхатга олиш бўйича йўриқноманинг ишлаб чиқилгани ва унга нафақат умумлаштиришга тортиладиган нарсалар, балки мол-мулкнинг бари, ҳатто товуғигача киритилиши, шунингдек, коллективлаштиришни олиб бораётган ходимларнинг бошқарувлари сабаб оммавий намоийшларнинг янги тўлқини кузатилаётгани қайт этилган;

е) Ёғдудов районида ва Чадгар қишлоқ советида 3 март кунги уч қишлоқнинг йиғилишида халқ коллективлаштиришга қарши чиққан. Ушбу намоийш ишчи гуруҳнинг лаёқатсизлиги ва уқувсизлиги сабаб юзага келган. Негаки улар деҳқонларга қурол ўқталиб, босмачилар деб ҳақорат қилганлар. Оломон бригадирларни дўппослаган, сўнг тарқалган.

Норин райони Учқўрғон қишлоғида чорва молларини жамоалаштирмаслик имкониятини аниқлаш учун йиғилиш чақирдиш ҳусусида



ва жамоалаштирилган чорва молларининг арзонлиги хусусида деҳқонлар томонидан қўйилган талабларнинг бригадада кўриб чиқилмагани, қўшни колхозларнинг тарқатиб юборилиши, жамоалаштириш ишида комиссия аъзоси Дўсматовнинг иш юритиш тарзи намойишларнинг сабаби бўлган.

Бунга ишнинг бошқа соҳаларида маъмурий ўзбошимчалик ҳолатларининг мавжудлигини ҳам қўшиш керак:

Уқувсизлик билан кўрилган чоралар сабабли қўзғалган аҳоли аксилинқилобий шиорларга мойил бўлиб қолади; деярли барча оммавий намойишларда ҳуқуқлардан маҳрум бўлганларнинг ҳуқуқларини тиклаш, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, аёлларни ҳимоя қилувчи қонунларни бекор қилиш ва бошқа талаблар қўйилмоқда.

3 март куни Бувайда райони Қанғли қишлоғида 100 кишидан иборат аёллар гуруҳи коллективлаштиришга қарши норозилик намойиши ўтказиб, ҳуқуқлари чеклаб қўйилганлар ва руҳонийларнинг ҳуқуқлари тикланишини, қизларнинг ёшидан қатъи назар турмуш қуришига руҳсат берилишини, ҳибсга олинган бойларнинг озод қилинишини, солиқларнинг синфий тизими бекор қилинишини талаб этдилар. Намойишдан кетиб қолаётган камбағал аёлларга эса ўч оламиз, қишлоқдан ҳайдаймиз деб таҳдид қилдилар.<sup>1</sup>

### **1930 йил 9 мартдаги «Қулоқлаштириш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида»**

#### **37-сон махсус хулосадан**

#### **(Шимолий Кавказ, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ ўлкалари бўйича)**

1930 й. 9 март ИИБ гуруҳ 1. Ўрта Осиё  
Қўшимча:

<b>Йўқ қилинган жиноий гуруҳлар</b>	46 та
Бунда ҳибсга олинганлар	298 нафар
<b>Йўқ қилинган жиноий тўдалар</b>	1 та
Бунда ҳибсга олинганлар	8 нафар
Якка ҳолда ҳибсга олинганлар	552 нафар
Ҳибсга олинган қочоқ қулоқлар	650 нафар

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – С.253.

Йўқ қилинган тузилмалар ва қўлга олинган шахслар бўйича жами қўшимча равишда 831 киши ҳибсга олинган.

Ўрта Осиёда 1930 йил 9 март ҳолатига кўра йўқ қилинган тузилмалар ва қўлга олинган шахслар бўйича 993 киши ҳибсга олинган.

<b>Йўқ қилинган аксилинқилобий ташкилотлар</b>	2 та
Бунда ҳибсга олинганлар	17 нафар
<b>Йўқ қилинган жиноий гуруҳлар</b>	59 та
Бунда ҳибсга олинганлар	337 киши
<b>Йўқ қилинган жиноий тўдалар</b>	1 та
Бунда ҳибсга олинганлар	8 нафар
Якка ҳолда ҳибсга олинганлар	631 нафар
Ҳибсга олинган қочоқ қулоқлар	650 нафар

ОГПУ ОЦР бошлиғи ўринбосари Лебедев<sup>2</sup>

### **Тошкент – Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийга**

1930 йил 22 февраль

Нухаси Новосибирск ОГПУ мухтор вакили Заковскийга

Ёлғиз қочоқ қулоқларни ҳибсга олинг, икки-уч вагон қилиб гуруҳлаштириб, уларни Сибирга сургунга юборинг, у ерда улар Заковский томонидан ишга йўналтирилиши керак. Оиласи билан қочаётган қулоқларни ҳам қўлга олинг. Улар Қозоғистонга жўнатилади, районлари ҳақида қўшимча хабар берамиз. Бошқа ҳудудлардан қочган, қўлга олинган ва жойлаштирилган қулоқлар сонини дарҳол хабар қилинг. Ўлкангизга қочиб келаётган қулоқлар оқими-ни камайтириш мақсадида Кинель, Оренбург станциялари ва Кавказнинг асосий портларида назорат гуруҳлари тузилган.

ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягода  
ОГПУ Тезкор-махфий бошқарма бошлиғи  
ёрдамчиси Ольский<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – С.126.

<sup>3</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. – С.162.



**ОГПУ Транспорт бўлиmidан Тошкент –  
ОГПУ йўл-транспорт бўлимига**

1930 йил 22 февраль

Қулоқлар Ўрта Осиёга Кинель, Оренбург шаҳарлари, Каспий денгизидан Красноводск шаҳри орқали қочмоқда. Биз барча йўналишларга назорат тўсиқлари қўймоқдамиз. Зудлик билан Красноводскда махсус назорат тўсиқларини ўрнатинг, ташриф буюрувчиларни текширинг, қулоқларни қўлга олинг, уларни биринчи пароход биланоқ ўз маблағлари эвазига ортга қайтиб кетишга мажбур қилинг. Қаршилиқ кўрсатганларни ҳибсга олиб, ОГПУ маҳаллий район бўлимларига топширинг. Кўпчилик камбағал ва ўртаҳол одамларнинг сохта ҳужжатлари билан йўлга чиқмоқда. Ижрога етказилсин.

*ОГПУ Транспорт бўлими бошлиғи ўринбосари  
Кишкин<sup>1</sup>*

**Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили  
В.А.Каруцкийнинг Е.Г.Евдокимовга  
Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ҳақидаги  
тўғридан-тўғри ахбороти қайдномаси**

1930 йил 11 февралдан кейин

*Нусхаси Дьяков, Бельский, ИНФО Алексеев ўртоқларга*

Матбуотда, хусусан, Ўрта Осиё матбуотида ҳам кенг тарқалган ташвиқот ишлари, Тошкент округи ва бошқа округларда қулоқлаштиришнинг амалда бошланиши муносабати билан, ашаддий пахта топширмайдиганларга қарши кураш муносабати билан, оммавий коллективлаштириш ҳудудларини эълон қилувчи Ўрта Осиё республика ва ҳудудий-маъмурий ташкилотларининг кенгайиши муносабати билан, Иттифоқ марказида бошланган тадбирлар муносабати билан жойларда, айниқса, оммавий коллективлаштириш районларида бойлар ҳаракати, антисовет унсурларнинг фаоллиги ошиб бормоқда, бу билан камбағалларнинг ҳам фаоллиги ошиб бормоқда. Бу ҳолат қулоқлаштиришни талаб қилади. 11 февраль куни қабул

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. – С.162.

қилинган ҳудудлардаги сиёсий вазият ҳақида қуйидаги маълумотларга эгамиз:...

...Қашқадарё округи Бешкент райони Бешкент қишлоқ советида батрақлар йиғилиш биносига колхоз ташкил қилиш масаласи бўйича 25 нафар мулки тортиб олинган бойлар гуруҳи бостириб кирди, мажлисни тарқатиб юбориш ва уларни колхозга қабул қилишни талаб қилиб чиқди.

Фарғона округи Бағдод райони Янги қишлоғида катта милициячи Кузиревнинг қимор ўйнаган бир гуруҳ деҳқонларни тарқатиб юборишга уриниши муносабати билан жанжал келиб чиқди, милициячининг атрофида 200 деҳқондан иборат оломон тўпланди. Тартибсизликни тўхтатиш учун оломонни қўзғатувчилардан бирини ҳибсга олиши ижтимоий келиб чиқиши номаълум бир қатор одамларнинг янада ғазабланишига сабаб бўлди ҳамда уларнинг ҳайқириқлари сиёсий тус ола бошлади: «Совет ҳокимияти мажбурий равишда колхозларга ёзди-ряпти, барча мол-мулкни олиб қўймоқда, жамоа охирги пулимизгача олиб қўйяпти!» ва ҳоказо. Милициячи оломоннинг ур-калтаги таҳдиди сабаб ҳибсга олинган ифвогарни озод этди, ўзи эса қочиб қутулди. Оммавий намойишда қатнашган экиш кампанияси вакили ва партиячейка котиби оломонни тинчлантириш чораларини кўрмади. Райондан келган вакил оломон орасидан фитнани бошлаганларни ҳибсга олмоқда...

*Каруцкий<sup>2</sup>*

**Москва ОГПУ – Евдокимов, Дьяков,  
Запорожецларга**

1930 йил 22 февралдан кейин

...Бухоро округи. Ромитан районидан ўлчов тахтачалари, бойларнинг ерларини артелларга кесиб беришда қўлланилган ер ўлчов ишлари мосламалари бўлган рақамли устунлар бойлар томонидан намойишкорона тарзда йўқ қилинди.

Қашқадарё. Қамашчи станциясидаги трактор колоннасида 8 та трактор плуги пружиналари ўғирланган. Тезкор тергов ҳаракати чоралари кўрилди.

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. – С.164.



*Ўш округи.* Бозорқўрғон райони бўйича ялпи коллективлаштириш масаласида колхозга киришга оммавий қарши чиқиш ҳолатлари кузатилган. Коголди қишлоғида 170 кишилиқ деҳқонлар оломони ерда жамоа бўлиб ишлашга қатъий рад жавоби бериб: «Бунда зарардан бошқа ҳеч нарсага эришмаймиз», – деди. Ўзган районида бойлар томонидан колхозга қарши ҳамда чорваларни сотиб юбориш бўйича қаттиқ ташвиқот юргизилмоқда. Адирқишлоқ деган қишлоқ советида бойлар томонидан бир умумий йиғилиш тарқатиб юборилган. Бойларнинг ташвиқоти таъсири билан Тўртқўл ва Кирахўжа қишлоқларида 200 кишилиқ деҳқонлар оломони коллективлаштириш бўйича вакилга қасд қилмоқчи бўлди ва ташкил бўлган колхозлар аъзолари рўйхатлари йиртиб ташланди. 27 нафар шахс ҳибсга олинди, шундан 7 нафари йирик бой. 11 февраль куни ОГПУ Ўзган райони вакилиги девонхонаси ҳовлисида бойларнинг таъсирига учраган 150 кишилиқ оломон бостириб кирди ва маҳбусларнинг озод этилишини талаб қилди, музокарадан кейин оломон тарқалди.

*Каруцкий<sup>1</sup>*

### **Фарғона округидаги вазият хусусидаги ҳисобот хатига илова**

1929 йил ноябрь ойи охири ва декабрда Фарғона округи Қўқон шаҳрида «Ботир гапчилар» номли аксилинқилобий ташкилот тузилди. Ташкилот таркибига «Янги Фарғона» газетаси (Қўқон, Ўзбекистон) муҳаррири Лутфулла Олимов ҳам кирган. Ташкилот мунтазам равишда тахминан ҳафтада бир марта гапларда йиғилиб, Ўзбекистондаги мавжуд вазиятни муҳокама қилиб, ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб боради.

Умуман, аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти платформаси гап иштирокчилари томонидан билдирилган ва 1929 йил 12 декабрдаги йиғилишда қайд этилган қуйидаги фикрлар билан белгиланади:

1. Совет тузуми илгари мустамлака бўлган халқларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини таъминламайди.
2. Ўзбеклар учун совет тузуми ўрнига Швейцарияга ўхшаш давлат ташкилотини тузиш, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва янада ривожлантириш керак.

Совет ҳукуматидан норозилик коллективлаштириш, пахта сиёсати, бойларга босим, саноат қурилишининг етишмаслиги ва бошқалар билан боғлиқ эди. Ташкилотнинг мақсадларига яширин газета чиқариш ҳам кирган. Аъзоларни танлашнинг асосий мезони унинг талабалар ва миллатчилардан бўлишлиги эди. Ташкилот Мустафо Чўқаев билан алоқаларни ўрнатиш учун чоралар кўрди.

Совет ҳукуматини ағдаришни мақсад қилган ташкилот ўзининг энг яқин амалий вазифалари сифатида: «...мамлакат ичидаги ҳар бир норозилик ва нотинчлик ҳаракатидан фойдаланиш, уларни кенгайтириш, халқни қўзғолонга тайёрлаш. Бошқа давлатлар билан бўлган ҳарбий низолардан фойдаланиб ички тартибсизликларни қуролли қўзғолонга айлантириш ва қурол топиш чораларини кўриш» (дастурнинг 7-илоvasи) деб ўйларди.

Тактик вазифаларни амалга ошириш, ташкилот аъзоси Эркиннинг баёнотида кўра, қуйидагича бошланди: «У совет ҳукуматига пахтачиликка оид материалларни ва агрономларнинг муваффақиятини газетага киритмай, ахлатга ташлаб юбориш билан қарши чиқа бошлади».

Ҳақиқатан ҳам, Лутфулла Олимовнинг квартирасида ўтказилган тадбир пайтида нашр этилмаган: 1) ирригация қурилишининг ютуқ ва муваффақиятларини тасвирловчи деҳқон мухбир – «Ислимухбир» қўлёзмаларининг асл нусхалари; 2) деҳқонларга етарли миқдорда буғдой етказиб бериш ва деҳқонларнинг назорат рақамларидан ортиқча пахта эккани ҳақида тайёрланган мақоланинг асли; 3) рўзанинг зарарли эканлиги ҳақидаги динга қарши ёзилган мақоланинг асл нусхаси каби материаллар топилган.

Ташкилот январь ойида (1930 й.) тугатилган, 18 киши ҳибсга олинган, Олимов ҳам шу жумладан.

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. – С.205.



### Зарафшон округидаги вазият хусусидаги ҳисобот хатига илова

Зарафшон округида тўлиқ коллективлаштириш ҳудудлари йўқ, лекин округ ташкилотлари реал вазиятни ҳисобга олмасдан колхоз қурилишини мустаҳкамлаш бўйича умумий директивалар билан боғлиқ ҳолда округдаги барча хўжаликларнинг 50 – 55% ни коллективлаштиришга қарор қилдилар.

Колхоз қурилишининг бундай суръати омма ни колхозларга жалб қилишнинг ҳаққоний даражасига ҳеч қанақасига мос келмайди. Ташкилотларнинг ҳеч бири бундай суръатга тайёр эмас.

Колхоз ҳаракатида етакчиликнинг йўқлиги ва бу масалада ташкилотларнинг лоқайдлиги эски колхозларга бўлган муносабатда ўз ифодасини топди. Ушбу эски колхозлар 1929 йилнинг декабригача том маънода аянчли борлигини судраб келиб, парчаланиб кетди.

Бундай шароитда округ ташкилотларининг хўжаликларнинг 50 – 55% ни коллективлаштириш тўғрисидаги қарори ҳар қандай шароитда бажарилиши керак бўлган назорат кўрсаткичи сифатида қабул қилинди.

Район ташкилотлари ҳеч қандай тушунтириш ишларини олиб бормасдан, жамоа хўжаликларини бевосита ташкил этиш учун қишлоқларга масъул вакилларни юбордилар. Улар жамоаларга деҳқонларнинг жиддий бир интилишини кўрмай туриб топшириқни шунчаки бажариш мақсадида деҳқонларни бевосита алдаб, бошқарувда расмиятчилик йўлини тутган.

Кармана райони Қалқай оға қишлоқ советидаги коллективлаштириш бўйича вакиллар деҳқонларга ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қишлоқ хўжалиги техникаси, трактор ва машиналар етказиб бериш ҳақида амалга ошмайдиган ваъдалар беришган.

Каттақўрғон райони Алижон қишлоқ советида коллективлаштириш бўйича вакил колхозга қўшилганларнинг мол-мулкани рўйхатга олиш ва паст баҳоларда баҳолашни амалга оширди; натижада барча чорва молларини сотиб тугатди.

Каттақўрғон район комитети раиси коллективлаштириш бўйича рекорд суръатларга ин-

тилиб районни тўлиқ коллективлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Саросима ва режасизлик ҳолати, колхоз қурилишида тўғри бошқарувнинг йўқлиги шу билан тавсифланадики, ташкилотларнинг ҳеч бири қанча колхоз тузилгани, уларга қанча ва қандай хўжаликлар киритилганини ҳам билмайди.

Айни пайтда, коллективлаштириш билан боғлиқ ҳолда бир қатор хавотирга сабаб ҳодисалар кузатилмоқда. Уларнинг асосийлари: 1) баҳорги экиш ишларининг барбод бўлиш хавфи; 2) жамоаларга қўшилишдан олдин барча ижтимоий қатламдаги деҳқонлар томонидан чорва молларининг оммавий равишда ўринсиз нест-нобуд қилиниши; 3) янги ташкил этилган колхозларга ижтимоий ёт ва бой унсурларнинг кириб бориши.

Экиш масалалари давом этиб келаётган оммавий колхоз қурилиши шароитида умуман ўйланмаган, ташкил топган колхозларни баҳорги экинга тайёрлаш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Ҳудуддаги барча бозорлар том маънода деҳқонлар сотган моллар билан тўлиб-тошган. Чорванинг нархи 30 – 50% га тушиб кетган (200 сўм турган от 100 – 120 сўмга сотилмоқда). Аҳолини қамраб олган ваҳима шунчалик кучлики, баъзи қишлоқларда молларни насияга сотиш бошланган.

*Ўрта Осиё ОГПУ мухтор вакили Бельский,  
Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси  
Волинский<sup>1</sup>*

### 1930 йил 19 мартдаги тезкор иш натижалари ҳақида Тошкентдан 5392-сонли тўғридан-тўғри хабар қайдномаси

*1930 йил 20 март, соат 13:40 да олинди  
Москва – ОГПУ Евдокимовга, Дьяковга, Запорожецга*

1930 йил 19 март бўйича тезкор хабар. Оммавий чиқишлар билан қамраб олинган районнинг барча ҳудудлари бўйлаб аксилинқилобчи элементларни сезиларли миқдорда бартараф этиш бўйича олиб борилган тушунтириш иш-

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.255.



лари туфайли хотиржамлик пайдо бўлди. Советларга қарши бўлган асосий ҳаракатлар қуйидагилар:

Зарафшон-Кармана районида колхозга босқин уюштирилган, отлар олиб кетилган, бир колхозчи яраланган. Босқинни уюштирганлар, уни ташкиллаштирган бойлар, жами 8 киши қўлга олинган. Нарпай районида 16 март куни Хуросон қишлоқ кенгаши коллективлаштиришга қарши чиқди, зиддият бартараф этилди. 260 нафар колхозчидан 60 нафари қолди. 17 март куни Нарпай районида 15 нафар аксилинқилобчи бойлар ҳибсга олинди. Хоразм-Шовот районида тартибсизликлар барҳам топди, ҳарбий қисмлар олиб чиқилди. Қашқадарё, Бешкент, Косон районларида колхозга қарши оммавий кайфиятлар кучайди, колхоздан чиқиш тўғрисида аризалар тушмоқда. 272 та мурожаат рўйхатга олинган. Накрабат қишлоғида колхозларни ҳимоя қилган батракни дўппослашга уринганлар.

### **1 февраль – 7 март кунлари бўйича тезкор иш натижалари**

Советларга қарши бош кўтарган асосий районларда оммавий намоёишлар тўлқини ва бойлар фаолиятининг умумий жонланиши муносабати билан аксилинқилобчи бой фаолларнинг кўпчилик кадрлари, ташкилотчилари, оммавий чиқишлар иштирокчилари қўлга олинди.

Андижон округи. Қўлга олинган аксилинқилобчиларнинг умумий сони 607 нафар (шундан 400 кишидан ортиғи оммавий намоёишларга алоқадор), шундан бойлар – 257, муллалар – 31, савдогарлар – 22, ўртаҳоллар – 54, камбағаллар – 33, қолганлари районларда бўлгани учун аниқланмади. Камбағаллар ва ўртаҳоллар фақат оммавий намоёишларда фаол қатнашгани учун қўлга олинди. Ҳибсга олинганлар орасида бузғунчилик ва ҳаддидан ошганлик учун 8 хизматчи ҳам бор.

Ҳибсга олинган шахсларнинг ижтимоий таркиби ва ҳибсга олинишларининг асосланганлиги Андижон ва Қўқонга борган ҳарбий округ раҳбари Круковский томонидан текширилди. Терговни тезлаштириш учун ваколатли ходимлардан бир гуруҳи жалб қилинди.

Фарғона. Оммавий намоёишларда фаол иштирок этган 164 нафар ташкилотчи ва қатнашчилар қўлга олинди. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳақида бўлим томонидан маълумот тақдим этилмаган. Круковский томонидан текширилмоқда, қўшимча хабар жўнатамиз.

Бухоро округи. Жами 156 нафар шахс ҳибсга олинган. Шундан 67 нафар бой, 5 нафар мулла, 63 нафар ўртаҳол, 17 нафар камбағал, 4 нафари аниқланмаган. Қатағонга учраган ўртаҳол ва камбағал унсурлар оммавий намоёишларда, қисман оммавий террор, жиноий босмачи гуруҳларда фаол иштирок этганлар.

Самарқанд округи. Жами 127 нафар шахс ҳибсга олинган, шундан 81 нафар бой, 10 нафар мулла, 23 нафар ўртаҳол, 13 нафар камбағал.

Қашқадарё округи. Жами 123 нафар шахс ҳибсга олинган, шундан 50 нафар бой, 8 нафар мулла, 16 нафар савдогар, 18 нафар ўртаҳол, 7 нафар камбағал, бузғунчилик учун 7 нафар шўро ходими.

Хоразм округи. Сўнгги беш кунликда ҳибсга олинганлар 18 нафар. Шундан 8 нафар бой, 3 нафар мулла, 1 нафар савдогар, 4 нафар савдогар, 2 нафар камбағал.

Ўзбекистон бўйича жами 1195 киши ҳибсга олинган. Ўзбекистон бўйича 51 та аксилинқилобчи бойлар гуруҳи йўқ қилинди. Бу бўйича умумий ҳисобга кирган 385 киши ҳибсга олинган...

*Каруцкий*

### **Фарғона округидаги колхозларнинг парчаланиши тўғрисида Қўқондан келган телеграф хабар**

*1930 йил 25 март*

*Ер уюшмаси халқ комиссари Ратнерга*

Фарғона округида оммавий коллективлаштириладиган 5 райондан 75% коллективлаштирилган, битта район қолди, холос. Колхозларнинг ярми парчаланиб кетди. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра давом этмоқда: 1) ходимлардаги уқувсизликлар қулоқларнинг оммага таъсирини оширди; 2) умумлаштириш ишла-

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.257 – 259.



ридан ўртаҳол қатламнинг норози бўлиши; 3) эски колхозларнинг ёмон иш юритиши; 4) коллективлаштириш бўйича тайёргарликнинг йўқлиги. Колхозларнинг парчаланиши оқибатида экин ишлари секинлаб қолди, пахта экиш режасининг бажарилмай қолиш хавфи бор. Тегишли муассасанинг босими талаб қилинади.

*Коричев<sup>1</sup>*

**1930 йил 5 апрель ҳолатига Ўрта Осиё бўйича ОГПУ Мухтор вакилликнинг тезкор иш натижалари ҳақида ахбороти**

1930 йил 17 апрель

6112-рақамли хабаримизга қўшимча қиламиз: 5 апрель ҳолатига минтақа бўйича ҳибсга олинганлар 2776 киши. Шундан аксилинқилобчи ташкилотлардаги, гуруҳлардаги иштироки учун, аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқот учун, оммавий намойишлар ва террор учун: бойлар – 990, ўзига тўқлар – 41, ўртаҳоллар – 216, камбағаллар – 84, руҳонийлар – 110, савдогарлар – 99, ҳунармандлар – 10, хизматчилар – 47, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 70, ҳарбий хизматчилар – 1, ишчилар – 1, аниқланмаганлар – 21.

Мол-мулк ва чорва молларини қасддан йўқ қилиш: бойлар – 66, ўртаҳоллар – 10, камбағаллар – 2, руҳонийлар – 7, савдогарлар – 6, хизматчилар – 4.

Жосуслик: бойлар – 5, ўртаҳоллар – 4, камбағаллар – 6, савдогарлар – 3, ҳунармандлар – 4, хизматчилар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 5, ишчилар – 1.

Босмачилар ва уларнинг тарафдорлари: бойлар – 71, ўзига тўқлар – 2, ўртаҳоллар – 145, камбағаллар – 110; сўнгги икки гуруҳ бўйича асосан қишлоқ хўжалигини тарк этган жиноятчи, синфий бегона унсурлар; руҳонийлар – 7, савдогарлар – 15, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 14, ҳунармандлар – 3, хизматчилар – 1.

Чегарадан ноқонуний ўтиш: бойлар – 19, ўртаҳоллар – 12, камбағаллар – 4, руҳонийлар – 6, савдогарлар – 31, ҳунармандлар – 11, хизматчилар – 19, ҳарбийлар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 112, аниқланмаганлар – 1.

Контрабанда: бойлар – 34, ўртаҳоллар – 4, камбағаллар – 1, савдогарлар – 6, ишчилар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 3, аниқланмаганлар – 2.

Чайқовчилик: : бойлар – 7, ўртаҳоллар – 1, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 10, хизматчилар – 2, ҳарбийлар – 4, раҳбар ходимлар – 8, ижтимоий зарарли ва хавфли унсур: хизматчи – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 23.

Чор Россияси даврида ишчилар синфига қарши фаол ишлаганлар: бойлар – 4, ўртаҳоллар – 2, хизматчилар – 2, собиқ офицерлар – 1. Ва бошқа ҳолатларда: бойлар – 26, ўзига тўқлар – 1, ўртаҳоллар – 20, камбағаллар – 14, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 10, ҳунармандлар – 3, ҳарбийлар – 21, ишчилар – 9.

Қочган қулоқлар 307 киши. Олдинги директивалар ва 2886-сонли кўрсатмага мувофиқ оммавий намойишларга, аксилинқилобий ташкилотларга ва гуруҳларга жалб қилинган ўртаҳол ва камбағаллар тергов жараёнида қатъият билан текширилмоқда.

*Миронов<sup>2</sup>*

**ОГПУ – Е.Г.Евдокимовга Тошкентдан Ўрта Осиё ОГПУ органлари терговига остида бўлган шахслар ҳақида тўғридан-тўғри ёзма ахборот**

1930 йил 15 июнь

1 июнь ҳолатига Ўрта Осиёда 2192 нафар шахс ҳибсда ушлаб турилибди, шундан аксилинқилобий ҳаракат учун (оммавий намойиш, антисовет ташвиқот ва тарғибот, террор): бойлар – 415, ўртаҳоллар – 142, камбағаллар – 66, савдогарлар – 32, руҳонийлар – 51, собиқ босмачилар – 9, хизматчилар – 97, амир хизматида бўлганлар – 35, ишчилар – 8, ҳунармандлар – 6, талабалар – 2, ҳарбий хизматчилар – 5, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 16, аниқланмаганлар – 16 нафар;

босмачилар ва уларнинг тарафдорлари: бойлар – 201, ўртаҳоллар – 209, камбағаллар – 58, савдогарлар – 30, руҳонийлар – 59, ҳунармандлар – 3, хизматчилар – 15, собиқ босмачи-

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.259.

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.306.



лар – 113, эркин касб эгалари – 2, аниқланмаганлар – 67 нафар;

жосуслик: бойлар – 7, ўртақоллар – 3, камбағаллар – 5, савдогарлар – 5, руҳонийлар – 1, хизматчилар – 7, ишчилар – 7, аниқ машғулотли бўлмаганлар – 9, эркин касб эгалари – 1, қизил аскар – 1, аниқланмаганлар – 4 нафар;

контрабанда: бойлар – 3, ўртақоллар – 5, камбағаллар – 3, савдогарлар – 12, ишчилар – 1, аниқ касби йўқлар – 4, аниқланмаганлар – 1 нафар;

иқтисодий аксилинқилобчилик: хизматчилар – 13, ҳарбий хизматчи – 1;

чегарадан ноқонуний ўтиш: бойлар – 6, ўртақоллар – 8, савдогарлар – 16, ишчилар – 24, хизматчилар – 21, ҳунармандлар – 10, аниқ касби йўқлар – 8, руҳонийлар – 1, аниқланмаганлар – 8 нафар;

пул савдоси: бойлар – 1, хизматчилар – 2, савдогарлар – 4, аниқ касби йўқлар – 4, қизил армия солдатлари – 7, комиссарлар таркиби – 1 нафар;

лавозимни суиистеъмом қилиш: хизматчилар – 60, савдогарлар – 2, ҳарбий хизматчилар – 3 нафар;

қалбаки пул ясовчилар: аниқ касби йўқлар – 4, аниқ касби йўқ зарарли унсурлар – 65, бойлар – 7, камбағаллар – 5, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 3, ишчилар – 3, хизматчилар – 15, қизил аскарлар – 1, аниқланмаганлар – 10, қочоқ қулоқлар – 133 нафар.

*Маълумот берувчи жавобгар навбатчи  
Героцкий<sup>1</sup>*

**ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили  
В.А.Каруцкийнинг ОГПУга йўллаган  
9458-рақамли тўғридан-тўғри ёзма  
ахбороти**

1930 йил 28 сентябрь

Москва – ОГПУ Ахборот бўлими Запорожецга, ОГПУ Шарқий бўлим Дьяковга, Ягодага

26 сентябрь куни Ўзбекистонда (Бухоро округи Вобкент райони) қулоқ бўлганлар бошчилигида топширилган пахта эвазига нон талаб қилиш баҳонасида Чорбоғ, Роҳкент, Қипчоқ, Холач

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.389.

қишлоқ советларидан 300 кишилиқ камбағал ва ўртақол деҳқонлардан иборат ва бошқарувчилари ҳуқуқларидан маҳрум қулоқлар бўлган оломон оммавий норозилик намойиши ўтказди. Оломон район ижроком котибини ушлаб олди ва «Бизга нон бермагунингча сени тириклайин қўйиб юбормаймиз» деган бақириқлар билан уни Пахта бирлашмаси биносига олиб келди. Бино олдида оломон котибни калтаклашга ҳаракат қилди. Одамлар: «Сенлар бизларни буғдой, жўхори ўрнига пахта экишга мажбур қилипсанлар, нонни эса бермаяпсанлар», – деб тўполон қилишарди. Уларнинг баъзилари дон бўйича қарз мажбуриятларини беришни талаб қилдилар ва бу талаблари бажарилди. Парткомнинг тушунтиришларидан кейин оломон тарқалди. Округ бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда. Қўшимча хабар берамиз.

*Каруцкий<sup>2</sup>*

**ОГПУ Ахборот бўлимининг «Колхозларнинг  
синфий ёт-бегона унсурлар билан тўлиб  
кетгани ҳақида»ги ҳисобот хати**

1931 йил 30 январь

...Ўзбекистонда, Икромов райони колхоз уюшмаси (оммавий коллективлаштирилган район) берган маълумотга кўра, колхозчилар таркиби қуйидагича: батрақлар – 14,4%, камбағаллар – 41,4%, ўртақоллар – 44,2%. Ёт унсурлар йўқ. Бироқ ОГПУ ходимлари томонидан колхозчилар таркиби ўрганилганда 172 та қулоқ ва савдогарлар хўжаликлари, 3 та судхўр, 7 та чайқовчи ва 5 та руҳоний хўжаликлари мавжудлиги аниқланди. Жами 187 хўжалик ёки колхозчилар умумий сонининг 2,3% ни ташкил қилган. Собиқ Бухоро райони колхозларида 367 қулоқ ва бой хўжаликлари аниқланди. Район ташкилотлари берган хабарга кўра, қулоқлар йўқ дейилган собиқ Андижон округи бўйича ҳам колхозлар таркибида 1000 дан ортиқ қулоқ ва бой хўжалиқлар борлиги аниқланди.

*ОГПУ Ахборот бўлими бошлиги Запорожец,  
1-бўлим бошлиги ёрдамчиси Иванов<sup>3</sup>*

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.483.

<sup>3</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.576.



**«3-категория қулоқларининг округ бўйича кўчирилиши ҳақида» ҳисобот хати**

1931 йил 9 февраль

**III. 3-категория қулоқларининг хўжалик ва жойлаштириш ҳолатлари ...Ўрта Осиё**

Ўтган йилнинг март ойида собиқ Бухоро округининг Шофиркон райони Жилвон тураргоҳига жўнатилган қулоқлар бошиданоқ ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Иш ҳайвонларининг ва қишлоқ хўжалиги меҳнат қуролларининг етишмаслиги, район ташкилоти томонидан назоратнинг йўқлиги оқибатида 304 гектар ер ишловсиз қолиб кетган.

Қулоқ қилинган хўжаликларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда қашшоқлик ҳолатида кун кечирмоқда. Иш ҳайвонлари озуқасиз ва очиқ жойларда қолиб кетган. Сургун қилинган қулоқларнинг умуман тураржойлари йўқ, улар палаткаларда яшашмоқда. Жойларда қурилиш материаллари йўқ ва уй-жой қуриш бўйича ҳеч ким ҳеч қандай чора ҳам кўрмаяпти. Қишлоқдан қочиш ҳолатлари тобора ортмоқда: улар кўчириб келтирилган кундан то 1930 йил 15 августгача қишлоқдан жами 100 кишидан иборат 11 оила қочиб кетган. Қишлоқ 7 милиция ходимидан иборат махсус наряд орқали кўриқланади. Милициячилар ўз хизматларини тартибли олиб бормайдилар. Қишлоқ фақат кечқурун кўриқланади. Кундузлари эса сургундаги қулоқлар милиция ходимларининг рухсатсиз атрофдаги қишлоқларнинг бозорларига бориб келадилар.<sup>1</sup>

**Қулоқларни кўчириш ва жойлаштириш бўйича А.А.Андреев комиссиясининг йигилиши 3-сон баённомаси**

1931 йил 24 мартдан кейин

**Қатнашдилар:** комиссия аъзолари ўртоқ Андреев, ўртоқ Ягода.

**...Эшитилди:** 2. Ўзбекистондаги оммавий коллективлаштириш районларини тасдиқлаш тўғрисидаги ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг қа-

рори: Гиждувон, Оқдарё, Қўқон районлари; мазкур районлардан бойларни кўчириш тўғрисида; эски оммавий коллективлаштириш районларидан кўчириш тўғрисида (Ўзбекистоннинг Янгийўл, Мирзачўл, Икромов, Қува районларидан...) ва Сурхондарё округининг чегара районларидан кўчириш тўғрисида (Ўрта Осиё ОГПУ Мухтор вакилиги ўртоқ Мироновдан телеграмма).

**Қарор қилинди:** 2. Колхозлашмаган жойлардан бойларни ўлка ичи бўйича кўчириш ҳақидаги қарор тасдиқлансин: а) Ўзбекистондан 750 тагача бой хўжалик; б) Туркменистондан 100 тагача бой хўжалик, в) Тожикистондан 20 тагача бой хўжалик.

...Комиссия аъзолари:  
Андреев, Ягода, Постишев<sup>2</sup>

**1930 йил 1 январдан 1931 йил 1 июлга қадар ОГПУ Махсус бўлимининг қулоқлаштириш ва қулоққа тортилганларни кўчириш тўғрисидаги маълумотномаси**

1931 йил 15 июль

... Ўрта Осиё бўйича

Ўлкадаги деҳқон хўжаликларининг умумий сони – 1 210 000

ОГПУ Мухтор вакилигининг 1930 йилги маълумотларига кўра, қулоқлаштирилган қулоқ хўжаликларининг сони – 748

1930 йили сургун қилиниб кўчирилган қулоқ хўжаликларининг сони – 159

1931 йил 1 январдан 1 июлгача бирга рухсат этилган яқинлари билан кўчирилган қулоқ хўжаликларининг сони – 6000

Жами қулоқлаштирилган хўжаликлар сони – 6159

Ўлка бўйича қулоқлаштириш учун рухсат этилган қулоқ хўжаликларининг сони – 6000 ...

ОГПУ Махсус бўлими бошлиги ёрдамчиси  
Николаев<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.616 – 617.

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.660 – 661.

<sup>3</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.716.



**ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягодага ОГПУ  
Транспорт бўлими бошқармасидан кўчириб  
келинган деҳқонларнинг озиқ-овқатлари  
йўқлиги ҳақидаги ҳисобот хати**

1931 йил 8 сентябрь

Харьков ОГПУ Транспорт бўлими Жанубий округ бошлиғининг хабар беришича, Ўрта Осиёдан Украинага келаётган эшелонлар йўл учун озиқ-овқат билан умуман таъминланмаган; жумладан, Харьковга келган 608- эшелондаги одамлар жуда ҳам оч қолган, нонлари ва пуллари ўз жойида олиб қўйилган. Ўзлари жуда аянчли аҳволда. Харьковда эшелондаги одамлар биз томондан нон, шакар, чой билан таъминланди ва бу билан кўчкиндиларнинг тамоман тушкун кайфияти бир оз кўтарилди. Юқоридаги ҳолат 606-эшелонда ҳам кузатилди. ОГПУ Транспорт бўлими томонидан озиқ-овқати бўлмаган эшелонлар иссиқ овқатдан ташқари қўшимча равишда нон билан таъминлансин мазмунида кўрсатма берилди.

Эътиборингизга ҳавола этаман.

ОГПУ Транспорт бўлими вақтинча бошлиқ  
ўринбосари вазифасини бажарувчи Балашев<sup>1</sup>

**«Иттифоқнинг айрим ҳудудларидаги  
салбий ҳолатлар ва сиёсий вазият  
тўғрисида»ги ОГПУ Махфий сиёсий бўлими  
махсус маълумотномаси**

1932 йил 1 апрелдан кейин

... Ўрта Осиё

ОГПУ сиёсий вакилликнинг январь ва февраль ойларида берган маълумотларига кўра, бир қатор районларда деҳқонларнинг колхозларни тарк этиши жиддий тус олди. Аммо бу тўғрида ҳеч қандай статистик маълумотлар йўқ.

Аксарият колхозларнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолати ўрнашиб олган аксилинқилобчи зарарли бой унсурларнинг кўплиги сабабли ёмонлашмоқда. Улар уюшган ҳолда ичкаридан туриб колхозларни пар-

чалаш бўйича жиддий фаолият олиб бормоқдалар.

1931 йил давомида колхозлар бўйича турли хил антисовет унсурлардан бўлган 4582 киши қўлга олинди, уларнинг 2860 нафари маъмурий-хўжалик лавозимларида ишлаган. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида 1931 йилда колхозлар бўйича 388 та аксилинқилобчи бойлар гуруҳлари фoш этилган ва тугатилган.

Колхозларнинг озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминланиши бўйича маълумотлар деярли йўқ. Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчиликлари хусусида қисман маълумотлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистоннинг Нурота райони Хитойча қишлоқ советида колхозчилар орасида нонга катта эҳтиёж сезилмоқда. Тариқ ва майдалаб туйилган илдизлардан тайёрланган нон истеъмол қилмоқдалар. Колхозчилар уй-рўзғор буюмларини сотиш ва нонга айирбошлаш билан шуғулланмоқдалар. Ушбу ҳолат сабабли бир қатор қишлоқ советларидан 60 та хўжалик кетиб қолди. Бошқа колхозчилар ҳам илиқ об-ҳавонинг бошланиши билан кетиш ниятидалар.

**Совет тузумига қарши  
фаолиятлар**

Ўрта Осиё республикаларида сўнгги пайтларда бойлар ва шу кабиларнинг советларга қарши ҳаракатида сезиларли фаоллик кузатилмоқда. Ноаниқ маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки ойларида иши очилган ва тугатилган аксилинқилобчи бойлар гуруҳлари сони 50 тага етди, шундан 40 дан ортиғи, жами 500 кишидан ортиқ аъзоси Ўзбекистон ҳисобига тўғри келади. Шунга эътибор бериш керакки, айрим ҳолларда ҳатто қишлоқ советлари ва район аппаратининг ходимлари ҳам аксилинқилобчи бойлар гуруҳларида иштирок этганлар (46 нафар район ходимлари гуруҳларда қатнашган). Ўтган йилнинг охири чорагида 9 та, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 2 та оммавий ва гуруҳ намоишлари ҳисобга олинди.

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.766 – 767.



**Оммавий намойишлар**

1931 йил											1932 йил		
январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль
11	8	47	37	48	25	4	4	5	4	3	2	2	–
кварталда 66			кварталда 110			кварталда 13			кварталда 9				

1931 йилда Ўрта Осиёда совет тузумига қарши бўлган турли хил унсурлардан жами 23584 киши бартараф этилди. Жорий йилнинг биринчи ўн кунлигида 1324 киши қатағон қилинди. Январь-февраль ойларида турли аксилинқилобчи унсурлар бўйича 1306 та тергов иши келиб тушди (ўтган йилнинг охириги чорагида 106 та эди).<sup>1</sup>

**ОГПУ Махфий сиёсий бўлимининг  
1932 йилда қулоқ хўжаликларини кўчириш  
бўйича тахминий режаси**

1932 йил апрель

№	Ўлка, худуд номи	Меҳнатга лаёқати бўлган қулоқ хўжаликлари ҳисобга олинди	Кўчиришнинг зарур миқдори	Қаерга кўчириш мўлжалланган	Қайси санада кўчирилади
...	...				
15	Ўрта Осиё	13 473	7000	–	кўчириш бўйича санкция берилди
...	...				

ОГПУ Махфий сиёсий бўлими бошлиғи

Г.Молчанов,

ОГПУ Махфий сиёсий бўлими 2-бўлинмаси  
бошлиғи Люшков<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.83 – 84.

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.98.

**ОГПУ Махфий сиёсий бўлимининг  
1933 йил 25 апрель ҳолатига махсус  
кўчкндиларнинг сиёсий кайфияти  
ва аксилинқилобий фаоллиги ҳақида  
147514-рақамли махсус ҳисоботидан  
1933 йил 3 май**

**... Ўрта Осиё**

Ўзбекистон махсус посёлкаларидан 1932 йил октябрь ойида 1798 киши қочган. Махсус посёлкалар ташкил этилганидан бери қочиб кетганлар сони эса тахминан 6000 нафарга яқинни ташкил қилади...

ОГПУ Махфий сиёсий бўлими бошлиғи

Г.Молчанов,

2-бўлинма бошлиғи ёрдамчиси Каган<sup>3</sup>

**ОГПУнинг 1933 йилда қулоқ хўжаликларини  
кўчириш бўйича тахминий режаси**

1933 йил 12 май

№	Ўлка, худуд номи	Кўчиришга мўлжалланганлар сони	Қаерга кўчирилади	Кўчиришнинг тахминий муддати	Изоҳлар
...	...				
14	Ўрта Осиё	500	2000	–	10 июнь – 15 июнь 15 июлдан 20 июлга

ОГПУ Махфий сиёсий бўлими бошлиғи

Г.Молчанов,

ОГПУ ГУЛАГи бошлиғи Берман<sup>4</sup>

**1933 йилда якка тартибдаги деҳқонлар  
ва колхозчиларнинг оммавий тарзда  
мавсумий ишларга кетиб қолиши тўғрисида  
ОГПУнинг 50766-рақамли махсус ахбороти  
1933 йил 20 октябрь**

ВКП(б) МК секретари ўртоқ Сталинга, ВКП(б) МК секретари ўртоқ Кагановичга, СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўртоқ Молотовга

Ўрта Осиёнинг Зомин ва Қизилмозор районларида давлатга ғалла топшириш бўйича мажбуриятни 100% га бажарган колхозларга қўшимча мажбуриятлар юклатилгани сабаб-

<sup>3</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.398.

<sup>4</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.419.



ли 15 сентябрь ҳолатига 1260 та хўжалик кўчиб кетган. Айна сабабларга кўра Мўминобод районидан 25 сентябрь ҳолатига 1000 та хўжалик кўчиб кетган. Сентябрь ойининг биринчи даҳаси бўйича Афғонистонга кетишни мақсад қилган 1500 та хўжалик чегара ҳудудида ушлаб қолинди. Ёрқўтон қишлоқ советида экин майдони ва иш ҳайвони бўлмаган камбағалларга давлатга ғалла топшириш бўйича мажбурият берилди. Булар ҳам жавобгарликдан қўрқиб қишлоқдан қочмоқдалар. Яна шу сабабларга кўра 1 сентябрь ҳолатига Ғаллаорол районидан яқка тартибдаги 44 та хўжалик кетиб қолган. Чибран, Кубиноп, Чашманат қишлоқларидан Афғонистонга 60 та хўжалик кетиб қолган. Ёвур, Султонбой қишлоқ советларидан ҳамда Хўжаариқ, Жонтут ва бошқа қишлоқлардан ҳам дон етказиб беришда йўл қўйилган хато-камчиликлар сабабли сентябрь бошида бошқа районларга 230 та яқка тартибдаги хўжалик кетиб қолган...

*ОГПУ раиси ўринбосари Агранов<sup>1</sup>*

## ЎЗБЕКИСТОН «КАТТА ТЕРРОР» ДАВРИДА

### **И.В. СТАЛИН ВА В.М. МОЛОТОВНИНГ**

#### **А.И.ИКРАМОВГА**

**учлик таркибини ўзгартириш ҳақидаги  
шифротелеграммаси**

**1937 йил 9 июль №906 / ш**

**Тошкент. Ўзбекистон Марказий  
Комитетининг котиби ИКРАМОВГА**

Учлик таркибига Каримов ўрнига бошқа одамни киритишни таклиф қиламиз. Сўнгги маълумотларга кўра, Каримов Файзулла Хўжаевнинг антисовет гуруҳи аъзосидир. Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимидаги Каримов бошқа бир ишончли номзод билан алмаштирилса яхши бўлар эди.

(Шифротелеграммада қўлда ёзилган ёзув мавжуд: «Каримов ва Болтабоев эмас, балки Тўрабеков»). **Сталин, Молотов<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1930 – 1931. – М.: РОССПЕН, 2003. – С.479.

<sup>2</sup> Лубянка Сталин и главное управление госбезопасности НКВД, 1937 – 1938. – М., 2005. – С.240.

## **«СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ЭЛЕМЕНТЛАР ТЎҒРИСИДА» ВКП(б) МК СИЁСИЙ БЮРОСИ ҚАРОРИДАН**

*1937 йил 11 июль*

212 – Антисовет элементлар тўғрисида қарши кучлар тўғрисида (Сиёсий бюро (СБ) 2.07.37 й. 51-сон.

Антисовет элементларни текшириш бўйича учлик тасдиқлансин:

3. Ўзбекистон ССР бўйича Икромов, Болтабоев ва Загвоздинлардан иборат таркиб.

Отувга ҳукм этилган 1489 киши ва сургун қилиш учун кўрсатилган 3952 киши (барча тоифалар телеграммада кўрсатилган) тасдиқлансин.

Миллатчи-террорчилик ишларига қараб учликни қайта кўриб чиқишга рухсат берилсин. Қорақалпоғистон АССР бўйича антисовет унсурларини қайта кўриб чиқувчи учлик тузилмасин.<sup>3</sup>

### **А.И.ИКРОМОВДАН И.В.СТАЛИНГА**

**шифротелеграмма (40) 1937 йил 15 июль**

**№1263 / ш – Тошкентдан**

**Москва. ВКП(б) Марказий Комитетининг  
секретари ўртоқ СТАЛИНГА**

**СССР Халқ Комиссарлари Советининг  
раиси ўртоқ МОЛОТОВГА**

Барча ходимларни (ўзбекларни) текширгандан сўнг биз Ўзбекистон халқ комиссари бўлиши мумкин бўлган иккита ўртоқни танладик, уларни биз партиямизга ва унинг Сталин Марказий Комитетига сўзсиз содиқ деб биламиз. Биринчи номзод ўртоқ С.Болтабоев (ҳозирда Ўзбекистон Компартияси (большевиклар) Марказий Комитетининг учинчи котиби бўлиб ишлайди). 1927 йилгача у ишлаб чиқаришда ишлаган, давлат ишларида тажрибага эга: бир йил округ ижроия комитети раиси, икки йил Компартия Марказий назорат комитети раиси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари ва сўнгги уч йил давомида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, иккинчи номзод – ўртоқ Тўрабеков. У ҳам 1925 йилдан бошлаб бошқарув ишида фаолият кўрсатиб келади – бир йил округ комитетида котиб, 1931 – 1934 йилларда Ўзбекистон Марказий Комитети раиси, яна бир йил Ўзбекистон Компартияси бўлим бошлиғи

<sup>3</sup> Ўша асар. – С.242.



лавозимларида ишлаган. Икки йил Москвада ўқиди ва яқинда Тошкентга қайтиб келди.

Ўртоқ Болтабоев садоқатли, ишончли хизматчи, фақат унда саводхонлик етишмайди, ҳеч қаерда ўқимаган. Агар унинг номзоди тасдиқланса, албатта, ҳеч бўлмаса бир йил Марказий Комитет курсларида ўқиши керак.

Ўртоқ Тўрабеков анча билимдон ва саводхон, лекин қизиққон, у жиддийлик ва ўзини бошқаришни ўрганиши керак.

Бизнингча, Болтабоев номзоди ушбу лавозимга тўғри келади, Тўрабековни эса ўринбосар сифатида тасдиқласа бўлади. Сизнинг Кенгашингиздан ушбу алмашувни қонун доирасида тартиб бўйича расмийлаштиришингизни сўраймиз.

Сизнинг Каримов тўғрисидаги телеграммангиз мен учун мутлақо қутилмаган ҳол бўлиб, 13 йил бирга ишлаган Каримов миллатчиларга, айниқса, Файзулла Хўжаев гуруҳига қарши доимо фаол ва саботли бўлган.

*Ўзбекистон Компартияси МК котиби  
ИКРОМОВ<sup>1</sup>*

**И.В.СТАЛИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДАГИ  
Шифротелеграммаси. 1937 йил 2 август**

**№1167 / ш**

**Тошкент. Ўзбекистон КП(б) Марказий  
Комитети**

Каримов ХКСнинг раислигига мос келмайди. Бу ҳақда сизга аллақачон хабар қилинган. ВКП(б) Марказий Комитети Каримовни бошқа номзод билан алмаштиришни талаб қилмоқда. Болтабоевни кўрсатиб бўлмайди, чунки у ҳибсга олинган Рисқулов, Хўжанов, Отабоев, Файзулла Хўжаевлар билан алоқада бўлган. Тўрабеков номзодини ХКСга раҳбарликка кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бизнингча, Ўзбекистонда антисовет унсурларга қарши кураш олиб борилмаяпти. Икромов шундай ҳолатдаки, у атрофидаги ҳолатни кўрмайди ва сезмайди.

*ВКП(б) МК секретари Сталин<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Ўша асар. – С.247 – 248.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С.297.

**Н.И.ЕЖОВНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ  
ТРОЦКИЙЧИЛАР ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА**

**И.В.СТАЛИНГА ЮБОРГАН**

**махсус хабар телеграммасидан (телеграмма нухаси О.Я.Нодевга)**

**1937 йил 19 сентябрь, №60238, ўта махфий,  
ВКП(б) МК котиби ўрт. СТАЛИНГА**

*1664-сонли телеграмма нухасини Туркменистон ССР ички ишлар халқ комиссари ўртоқ Нодевга юборяпман.*

*СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежов*

*Меморандум №32673. Ашхобод,*

*1937 йил 18 сентябрь*

31 августдаги 75398-сонли хабарга қўшимча равишда мен «Туркмангосиздат»нинг ҳибсга олинган муҳаррири Қултоев Дангатарнинг гувоҳлик берганлигига асосан 1919 йилда инглизлар ва оқлар орқага чекиниш пайтида Сахат Муродов большевикларга қарши курашдан расман воз кечиш, Коммунистик партияга қўшилиш ва ичкаридан бузғунчилик ишларини бошлаш бўйича кўрсатмалар берган.

Бу фитнада машхур (Усмонхон) Эшонхўжаев, (Абдулла) Раҳимбоев, Ҳожибоев, (Турор) Рисқулов, Хўжанов, (Султон) Сегизбоев, (Қайғусиз) Отабоев қатнашган.

Туркменистондаги барча аксилинқилобий ишларда Сахат Муродовнинг раҳбарлик фаолияти кейинги иши, шу жумладан, троцкийчилар билан ҳамкорлиги кўплаб ҳибсга олинган шахсларнинг, шунингдек, Сахатов ва (Недирбой) Айтаковларнинг гувоҳликлари билан исботланган, иккинчиси (Айтаков) 1924 йилдан буён радикал ташкилотдаги иштирокини тан олган, лекин у ҳали тўла маълумотларни очиқламаган.

Мен сизлардан Сахат Муродов ва унинг рафиқаси Левинани ҳибсга олишни тезлаштиришингизни ва Отабоев билан бирга уларни Ашхободга ўтказишингизни сўрайман.

*17.XI – 37 йил. №1644, Нодев<sup>3</sup>*

<sup>3</sup> Ўша асар. – С.375.



# ФАЙЗУЛЛА ХЎЖА ВА АКМАЛ ИКРОМЛАР ҲАҚИҚАТДАН ҚИЗИЛ МОСКВАНИНГ ДУШМАНЛАРИ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИЛАР



Файзулла Хўжаев

«Ёш Туркистон»да чоп этилган Москвадаги «21» процесда Файзулла Хўжа ва Акмалларнинг кўрсатмалари ва охириги сўзлари, бундан ташқари, ушбу иш бўйича бизнинг мақоламиз тўғрисида ўзимиз ватандошлардан бир неча хат олганмиз. Улар бизга мазкур мақоладаги сар-

лавҳада турган саволни бермоқдалар. Шу билан баъзи хатларда биздан сўрашадикки, ушбу туркистонлик большевикларнинг бошлиқларини Москва томонидан айблашга журналда шунча кўп жой бериш нима учун керак эди?

Ушбу саволлар жуда ҳам ўринли ва биз ватандош мухлисларимизнинг ватанида бўлаётган воқеаларга қизиқиши тўғрисида маълумот беради. Ва биз ҳар хил фараз ва тахминларга эътибор қаратмасдан, шу ерда ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Файзулла ва Акмалларнинг кўрсатмалари матнларига эътибор қаратинг (Ёш Туркистон. №101). Улар суд жараёнида ҳар хил мумкин бўлган ва бўлмаган «жиноятлар»ни зиммасига олганлигини эътибордан четда қолдираемиз. Уларнинг Москва совет ҳокимиятига қарши «жинояти»даги энг асосийси – Сталин диктатурасига яширин адоватини оламиз. Бу нарса ҳақиқатга ўхшайдими? Ҳа, ҳақиқатга ўхшайди. Бўлиши мумкин.

Биз ўтган вақтларда Файзулла ва Акмалларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилмаймиз ва уларни туркистонлик миллатчилар сафига қўймаймиз. Йўқ. Улар большевиклар, совет ҳокимияти хизматчилари бўлишган. Тарозининг бир пал-

ласига улар совет ҳокимиятига хизмат қилишда мамлакатга келтирилган зарарни, иккинчи паллага уларнинг «зарари»дан келган «фойда»сини қўйсақ, шубҳасиз, ёмонлиги устун бўлади. Лекин ушбу нарса ҳеч қанақасига бизни Файзулла ва Акмаллар ва юзлаб бошқа туркистонлик

большевикларнинг совет ҳокимиятига қарши махфий кураши имкониятларини яширишга мажбурламайди. Аксинча, биз уларга қарши Москва томонидан ташланган махфий зараркунандаликни айблашдан кенгроқ ва чуқурроқ фойдаланишимиз керак, чунки ушбу туркистонлик большевиклар бошлиқларининг «махфий зараркунандалиги» халқимизнинг совет ҳокимиятига қарши очиқ ва муросасиз адовати тўғрисида маълумот беради.

Биринчидан, Файзулла ва Акмалларнинг советларга қарши фаолияти бошланиши хронологиясидаги икки ҳолатга эътибор беринг. Файзулла ўзининг 1920 йилданоқ махфий антисовет бўлганлигини айтмоқда. Маълумки, большевиклар (Фрунзе ва Куйбишевлар бошчилигида) ўша пайтда рус қизил армия штаби билан Бухорога бориб, ёш бухороликлар номидан шаҳарни советлаштиришга рози бўлишларига мажбурлашган. Ёш бухороликлар, албатта, уларнинг собиқ амир ва унинг тузумига қарши адоватлари билан совет тузumi тарафдорлари бўлмаганлар. Рус найзалари таҳдиди остида ёш бухороликларни Бухорони советлаштиришга мажбурлаб большевиклар уларни Бухородаги совет ёвузликлари учун жавобгар



Акмал Икромов



қилганлар. Файзулла ҳам, бошқа ўша пайтда бирга бўлган ёш бухоролик бошлиқлари ҳам ушбу ..... жиноятлар учун жавобгарлик билан рози бўлмаганлар. Усмонхўжа, Носир афандилар бошчилигида ёш бухороликлар қисми тез кунда, эсларингда бор бўлса, советпараст Бухоро ҳокимияти сафларидан чиқдилар. Қолган қисми жойида қолди. Улар ичида Файзулло ҳам бўлган. Ва, албатта, у қалбан совет Москвасига содиқ бўлиб қолмаган эди.

Акмал Икром айтганки, у 1928 йилдан бошлаб зараркунанда бўлган. 1928 йил биринчи совет беш йиллигининг бошланишидир, ўша пайтда большевикларнинг ўзлари учун ҳам совет ҳокимиятининг ҳақиқий марказлаштирилган характери батамом шаклланган эди. Большевиклар сўзда бўлса ҳам рози бўлган барча маҳаллий хусусиятлар энди ҳисобга олинмаган. Мажбуран коллективлаштириш, аҳолидан бутун чорвани тортиб олиш, пахта сиёсатидаги талончилик, очлик – булар ҳаммаси Акмал Икромни, у қандай архибольшевик бўлса ҳам, ўз халқининг тақдири тўғрисида ўйлашга, албатта, мажбур бўлган.

Файзулла Хўжа ҳолати каби Акмалда ҳам махфий антисоветларга ўтиш санаси бизни у ҳақиқатан ҳам москвалик диктатурага махфий душман бўлиши мумкин эканлигига ишонимга мажбур қилади.

Биз мухлисларнинг эътиборини қаратмоқчи бўлган иккинчи факт Бухариннинг «21» процесдаги кўрсатмаларидир. Бухарин айбланганлар ичида ўзининг эски большевик ва ғоявий коммунист «пок номи»ни қатъий ҳимоя қилган ягона одамдир. У ўзининг Туркистондаги Акмал ва Файзуллалар билан бўлган учрашувлари ва партия ичида ҳамда ҳокимият сафларида Сталинга қарши курашни ташкил этиш ҳақида суҳбатлар олиб борганлиги тўғрисида гапирган. Бу учрашувларда, фақат айрим жиҳатлардаги фарқларни ҳисобга олмаганда, Бухарин, Файзулла Хўжа ва Акмал Икромларнинг совет тузумига қарши курашиш ҳаракати, айниқса, Туркистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олишга тайёргарлик кўришга оид содир этган жиноятларда фикрлари айнан бир хил.

Файзулла Хўжа ва Акмал Икромлар ҳақиқат-

дан қизил Москванинг душманлари бўлиши мумкин эдиларми деган саволга ижобий жавоб қайтаришимиз учун ёрдам бераётган объектив маълумотлар шулардан иборатдир.

Ҳа, Файзулла Хўжа ва Акмал Икромлар юзлаб бошқа туркистонлик миллий большевикларга ўхшаб қизил Москва махфий душманлари бўлишлари мумкин эди ва бўлдилар ҳам.

Лекин бу нарса бизни улар совет ҳокимияти агентлари бўлган пайтларида қилган ишларидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Такрорлаймиз, уларнинг совет ҳокимияти билан ҳамкорлиги сабабли етказган ёвузлиги шу ҳокимиятга улар келтирган зараркунандаликдан анча оғирроқдир.<sup>1</sup>

### АКМАЛ ИКРОМ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ

«21» процесс ҳамон европалик жамоатчилик фикрини ўзига тортишда давом этмоқда. Биз томондан «Ёш Туркистон»нинг олдинги ва мазкур сонларида ёритилган немис ва инглиз сиёсий адабиётларида келтирилаётган маълумотлар шу ҳақда гувоҳлик беради. Айниқса, европалик жамоатчилик фикрини «21» процесда туркистонлик икки йирик жамоат вакили – Файзулла Хўжа ва Акмал Икром ўзига тортмоқда. Улар судда берган кўрсатмаларида жараённинг биринчи ўрнига СССРда миллий-озодлик кураши масаласини илгари сурганлар. Файзулла Хўжа ва Акмалларнинг «21» процесда қатнашишга нисбатан бўлган ўзимизнинг нуқтаи назаримизни биз бир неча марта айтганмиз. Уларнинг махфий антисовет фаолияти тўғрисидаги кўрсатмаларида ҳақиқат борлигига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ. 1920 йил сентябрь охи бошларидаги рус қизил армияси Бухорога юришининг фаол қатнашчиси бўлган Файзулла Хўжа жуда қисқа вақтдан кейин совет ҳомийлигидаги Бухоронинг рақибига айланыпти. Файзулла Хўжани 1922 йилда «советлашган» Бухорони тарк этган ва Анвар томонига ўтган ёш бухороликлар гуруҳидаги ўртоқларига қў-

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. X том. – Алматы, 2014. – Б.106 – 109.



шилишдан ва қизил армия ёрдами билан Бухоро амирини ағдаришдан фақат тасодиф ушлаб қолган.

Ўзининг Бухарин билан бирга бўлган махфий антисовет иши тўғрисида Файзулла Хўжа судда ўзи гапирган. Ва биз у айтган сўзлардан кўпи ҳақиқатга тўғри келишига ишонамиз. Ўзи йирик савдогар, ёш бухороликлар миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг тузувчилардан бири бўлган Файзулла Хўжа, албатта, юз ёки ҳатто эллик фоизга коммунист бўлмас эди. Лекин Файзулла Хўжа бир марта совет диктатураси ғилдираги остига тушиб, унинг тагидан чиқишни эплай олмаган. Бунга унда мардлик етишмаган.

Акмал Икром-чи? У бизнинг инқилобдан олдин бўлган миллий зиёлиларнинг сонига кирмаган, аммо ўша муҳитда ўсиб, ундан нафас олган. Унинг антисовет чиқишлари тўғрисида биз билмаганмиз. Партия съездларида у бир неча марта Файзулланинг «миллатчилик борасидаги четга чиқишлари»га қарши чиққан ва шу билан у ўзи Туркистонда рус пролетариат диктатурасининг энг содиқ агенти деган умумий фикрни мустаҳкамлаган. Биз ўзимизга «бу нарса бўлиши мумкинми?» деган савол берганмиз. Ва фақат халқ билан ўзининг боғлиқлигини сезган, озгина бўлса ҳам миллий идеални таниган ва совет воқелигини тушунадиган туркистонлик рус пролетариат диктатураси билан мурасага келмайди деган фикрга асосланиб биз Акмалнинг ўз-ўзини фош этиши воқеликка тўғри келишига, яъни Акмал ташқаридан қараганда Москвага итоаткорлиги ва садоқатини намоён қилиб, ўз қалбида антисоветчи бўлиб қолган деган фикрга ишонч билдирганмиз. Акмалнинг қандайдир Исмоил Саидвақос ўғли, Султонбек Хўжан ўғли ва бошқаларнинг чиқишларига ўхшаган антисовет чиқишлари тўғрисида биз билмаганмиз. Ва фақат Москвадаги жараёнда «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа Туркистон газеталари Акмалнинг Туркистондаги совет сиёсати тўғрисида Сталин билан қачондир бўлган баҳсига ишора қилганлар. Лекин газеталар Акмалнинг ўз нутқини келтирмаганлар. Миллий масала бўйича большевистик ҳужжатларни излаб биз охирида

Акмалга нисбатан ушбу айбловлар манбаларини топдик. Бу шу йил ёзда француз тилида чоп этилган Сталиннинг «Марксизм ва миллий-колониал масала» номли нутқлар ва мақолалар тўпламидир. Акмал ҳақиқатдан Туркистондаги совет колониал сиёсатига қарши чиққан экан. Бу воқеа 9 – 12.VI.1923 йилдаги «4-партия МКнинг миллий республика ва областлар масъул ходимлари билан ўтказилган мажлиси» пайтида бўлган. Гап «XII партия съездининг миллий масала бўйича резолюцияни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар», хусусан, пантуркизм, панисломизм ва «босмачилик»ни қўллаб-қувватлашда айбланган «Султон Галиев иши» тўғрисида кетган. Ушбу мажлисда Сталин нутқи муҳокама қилинган. Сталин китобида сўзга чиққан нотиклар ичида учта туркистонлик – Турор Рисқул ўғли, Султонбек Хўжан ўғли ва Акмал Икромлар тилга олинган. Турор тўғрисида Сталин «Султон Галиев билан «мафкуравий боғланган» деб ёзди, ушбу мажлисдаги Турор нутқи эса Сталинда ёмон таассурот қолдирган. 1919 йил ёзларида Каспийнинг нариги томонидаги ҳамма туркий қисмларни Туркистон, Туркия Республикаси байроғи остида бирлаштиришни талаб қилган резолюциянинг муаллифларидан бири Турор бўлганлигини унутиш мумкин эмас. Шунинг учун Турорга Султон Галиевнинг «пантуркистик четга чиқиш» йўлини рад қилиш жуда қийин бўлган.

Акмалнинг «антисталинизм»и нимада ифодаланган? Буни Сталиннинг сўзлари билан баён қиламиз.

– Фикрим бўйича, ўр. Хўжанов яхши гапирган; ўр. Икромов ҳам ёмон айтмаган. Лекин мен ушбу ўртоқларнинг нутқларида ўйлашга олиб келадиган битта жойни қайд қилишга мажбурман. Улар иккови ҳозирги ва чоризм пайтидаги Туркистон орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат номланиши ўзгарган, Туркистон чоризм пайтидадек қолган деб айтишган.

– Ўртоқлар, – давом этмоқда Сталин, – агар бу нарса ўйламасдан айтилган гап бўлса, агар бу нарса ўйлаб айтилган нутқ бўлса, ушбу ҳолатда босмачилар ҳақ, биз эса ноҳақ деб айтишимиз лозим... Туркистон ҳақиқатда чоризм пайтидагидек мустамлака бўлса, ... бу нарса



тўғри бўлса, биз ўзимиз нима учун босмачилик сари кетмадик, мен тушунмаяпман.

Такрорлаймиз, биз Акмалнинг нутқини ўқи-маганмиз. У ҳеч қаерда чоп этилмаган. Лекин, Сталиннинг гувоҳлик беришича, у совет ҳо-кимиятини колониал (мустамлака) империа-лизмда айблаш сифатида таърифлаган.

Демак, 1923 йилда Акмал Султонбек ва Ту-рорлардек совет мустамлакачилик сиёсатига қарши чиққан. Бу йилларда, ҳали Ленин ти-рик бўлган пайтда, большевистик партиядан унинг ичидаги демократиянинг қандайдир қисми бўлган ва ички муҳитда «ўз-ўзини тан-қид қилиш» мумкин эди. Сталин ҳам, партия МК ҳам жавобгар шахслар учун ҳали дахлсиз, муқаддасга айланмаганди. Уларни ўртоқлар-ча танқид қилиш мумкин эди. Улар ўзлари ҳам «гуноҳлари»ни тан олишларини рад этишма-ган ва, асосийси, воқеликни инкор этиш, кўзга ташланадиган фактларни йўқ дейишга қарор қилишмаган. Сталин ҳам шундай қилди.

Лекин у, биринчидан, «МКга ортиқча иш юкланган ва ҳар ерда улгуриш ҳолати мавжуд эмас», иккинчидан, «рус халқ маданияти паст» деб ўзини оқлаган. «Бу тўғрисида Ильич ҳар доим бақирмоқда, – ўзини оқлашда давом эта-ди Сталин, – бизда маданият йўқ, рус мадания-тини икки-уч ёки ҳатто ўн йил ичида жиддий равишда кўтаришнинг иложи йўқ».

Ўша пайтдан кейин нима ўзгарди? «Партия ичидаги демократия ва танқид» истеъмолдан чиқди. Сталин худо даражасига кўтариб қў-йилди. «Интернационализм» ўрнини ҳайвонча «буюк Россия шовинизми» босиб олган. «Ма-даниятсиз рус халқи» дунёда энг маданиятли халқ даражасига кўтарилган ва шу халқнинг буюклиги олдида ҳамма рус бўлмаган халқлар таъзим қилишлари керак. Бундай мунофиқ со-вет ҳоқимияти мустамлака сиёсати энг чекка-даги чегарагача етиб борган. «Туркистон» сўзи-нинг ўзи географик луғатдан ўчирилди ва шу номни олган мамлакат бутун бир «қабилавий республикалар»га бўлиб юборилди.

Акмал 1923 йилда айтилган, Туркистондаги совет сиёсатига нисбатан нуқтаи назарини ўз-гартирармиди? Албатта, йўқ, чунки у Турки-стондаги совет сиёсати янада ёмонроқ нарсага

айланганлигини кўрган ёки ўзи ҳам иштирок-чиси бўлган бўлиши мумкин эди. Аммо 1923 йилдагидек очиқ гапириш, бу мустамлака сиё-сатни танқид қилиш мутлақо мумкин эмас эди. «Ўзини ўзи танқид қилиш» партия сиёсати ва фаолиятини танқид қилишдан жамоатчилик олдидаги танқид ва ўзини ўзи сўкишга айлан-ган. Ҳоқимият ва партия сиёсатидан норози бўлган одамлар учун ягона йўл – конспирация йўли қолган эди. Акмал учун, Файзулла Хўжа ва кўпгина ўзининг туркистонлигини эслата-диган, мамлакат билан яқиндан ёки узоқдан боғланган бошқа туркистонликлар учун кон-спирация йўли, албатта ва шак-шубҳасиз, анти-совет миллатчилик, «национал-контрреволю-ция»га олиб боради.

Акмал ва Файзуллалар «иши»ни мана шун-дай тушунтириш мумкин. Ҳатто Акмал ва Фай-зуллалардек қайсидир вақт ичида рус октябрь инқилобининг озод қилувчи ролига ишонган одамларни «миллий контрреволюция» ва се-паратизм лагерига ташлайдиган Москванинг империалистик сиёсатига қарши чиққан Тур-кистон миллий қизиқишларини таъкидлаш учун биз яна шу саволга қайтиш керак деб ҳи-собладик.<sup>1</sup>

### УХТО-ПЕЧОРА МЕҲНАТ-ТУЗАТИШ ЛАГЕРИ 3-БЎЛИМ СОБИҚ ХОДИМИНИНГ ТЕРГОВ БАЁННОМАСИДАН

1938 йил 8 декабрь

САВОЛ: 1937 – 1938 йилларда НКВДнинг Ух-то-Печора лагеридан ўтказилган тадбир даво-мида беш марта нотўғри қатл этиш ҳолатлари кузатилгани аниқланган: Ҳасанов Раҳим (1895 й.т.) ўрнига Ҳасанов Олим (1915 й.т.) отилган; ҳозиргача лагерда жазосини ўтаб келаётган Якименко Пётр Ильич ўрнига ушбу Якименко-нинг айнан ўзи отилган деб ҳисобланади; Сте-панов Н.В. ўрнига Ананенко отилган; Поляков А.В. ўрнига унинг фамилиядоши Поляков А.В. (1914 й.т.) отилган; Орлов-Оганов ўрнига худ-ди шу фамилияда бўлган номаълум бир шахс

<sup>1</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. X том. – Алматы, 2014. – Б.188 – 192.



отилган, чунки Орлов-Оганов ҳозирда тирик ва Севжелдорлагда жазо муддатини ўтаяпти, аслида эса у ҳеч қандай Орлов-Оганов ҳам эмас, балки Шурпа лақабли ўғри-рецидивист.

Бу 5 маҳбуснинг отувини қандай изоҳлайсиз, ваҳоланки, улар отувга ҳукм қилинмаган эди.

ЖАВОБ: Беш маҳбус: Ҳасанов, Поляков, Ананенко, Якименко ва Орлов-Огановларнинг нотўғри отуви сабаби менинг 3-бўлимга ишга келишимдан олдинроқ, ушбу тадбирларнинг илк кунидан бошланган оператив ҳисоботдаги чалкашлик саналади. Бутун тадбирни ГУЛАГнинг собиқ 3-бўлими бошлиқ ўринбосари, давлат хавфсизлиги капитани Григорович бошқарган. У оператив йиғилишларда Черноиванов тадбирни бошқаришга ноқобил бўлгани учун бошқарувни ўз зиммасига олганини кўп марта таъкидлаб келган. Григорович бутун тадбирнинг техник томонини ташкиллаштирган.

Григоровичнинг катта тезкор бошлиқ сифатидаги кўрсатмаларига биноан илгари лагер суд коллегиясига юборилган кўплаб маҳбусларнинг тергов ишлари ва чекка жойлардан жўнатилган эски тергов ишлари мазкур тадбир бошланиши билан лагер суд коллегиясидан сўраб олинган, бу ҳужжатларнинг бари Архангельск области бўйича УНКВД учлиги томонидан кўриб чиқишга юборилган. Аммо бу ишларга алоқадор бўлган маҳбуслар аксарият ҳолларда лагерларнинг турли бўлимларида бўлганлар ва уларни ижро этиш тўғрисида учликнинг қарорларидан кўчирма олмагунча ҳибсга олинмаганлар. Ишлари учликка юборилган маҳбуслар ҳибсга олинмаганлиги, ҳатто кўпинча аниқланмаганлиги сабабли у ёки бу маҳбусни отиш тўғрисида қарор чиққанда бу маҳбус ё қочиб кетган, ё аллақачон озод қилинган ва лагерни тарк этган бўларди. Григорович бу фактларнинг барчасини жуда яхши биларди. Шахсан мен 3-бўлимда операциялар бўйича 1937 йил декабрнинг сўнгги кунларидан ишлай бошладим. Бу вақтга келиб, яъни 1937 йил декабрь ойи охири ва 1938 йил январь ойининг бошларида энг кўп тергов ишлари Архангельскка жўнатилди, уларнинг рўйхатга олиниши ва расмийлаштирилиши билан ҳеч қандай алоқам йўқ эди.

САВОЛ: Тадбирнинг оператив ишидаги иштирокингиз, ўрнингиз қандай бўлган ва собиқ Ухто-Печора лагерининг 3-бўлимида ишингизни қайси лавозимда бошлагансиз?

ЖАВОБ: Мен 1937 йил 20 декабрдан собиқ Ухто-Печора лагерининг 3-бўлимида вақтинча шу бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида иш бошладим. Ушбу лавозимда 1938 йил январь ойининг сўнгги кунларига қадар ишладим, яъни тахминан бир ой ёки ундан кўпроқ вақт. Вақтинча 3-бўлимнинг бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида бўлимдаги барча жорий ишларни бошқардим. Тадбирни Григорович бошқарган. У ҳибсга олишни режалаштирган, терговга раҳбарлик қилган. Техник жиҳатдан мен ҳибсга олишларни Григорович кўрсатмаларига биноан расмийлаштирдим, ҳибсга олиш ҳақидаги ордерларни, қарорларни имзолардим.

Архангельскка учлик томонидан кўриб чиқишга юборилган тугалланган ишлар ҳақидаги барча маълумотномалар Григоровичнинг визасидан сўнг мен ва Лагерлар бошқармаси собиқ бошлиғи Мороз томонидан имзоланган. Ишлардаги айблов хулосалари қисман мен ва қисман Григорович томонидан имзоланган. Мен эса ҳукмларни ижро этиш бўйича қарорларга имзо чекардим ва шахсан ҳукмлар ижро этиладиган жойга борардим. Григорович ҳеч қачон ҳукмлар ижро этиладиган жойда бўлмаган.

САВОЛ: Чалкашликлар натижасида лагерда бўлмаган маҳбусларга ҳукмлар чиқарилаётганлиги қачон аниқланди?

ЖАВОБ: Тахминан 1938 йил январь ойида, яъни вақтинча бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлганимда, учлик қарорларидан кўчирмаларнинг биринчи гуруҳини олганимиздан кейин биз кўчирмаларни ҳибсга олинганларнинг иши билан таққослашни бошладик, шундан сўнг ҳукм қилинганларнинг лагерда йўқлиги, шахсий маълумотлардаги чалкашлик ва бошқалар кўрина бошлади.

Эсимда, 1937 йил декабрь ойи охирида ВОХР (Ҳарбийлаштирилган қоровул бўлини маси) ходимларидан иборат махсус бригада қисмининг турли лагерларига отув ҳукмлари келган маҳ-



бусларни топиш ва қамоқхонага етказиш учун юборилган эди.

**САВОЛ:** Нима учун сиз бўлим бошлиғи ва зифасини бажарувчи сифатида дарҳол, тергов ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар илк марта аниқлангандаёқ, ушбу хатоларни тузатиш учун қатъий чоралар кўрмадингиз ва шу тариқа 1938 йил март ойида отиб ташланган Ҳасанов ва бошқаларнинг отиб ташланишига тўсқинлик қилмадингиз? Ваҳоланки, чалкашлик аниқланганига 3-4 ой бўлган эди.

**ЖАВОБ:** Учлик қарорларидан кўчирма олингандан сўнг ишларини учлик кўриб чиққан бир қанча маҳбусларнинг лагерда бўлмаганлиги ёки улар аниқланмаганлиги маълум бўлди ва уларни қидириб топиш чоралари кўрилди. Ушбу қидирув мен бўлим ишларига раҳбарлик қилганимда ҳеч тўхтамади ва бўлимни ўртоқ Ключинга топширганимдан кейин ҳам давом этди. Тергов ҳибсхонаси ва 1-тоифадаги маҳбусларни ушлаб турадиган бошқа жойларни (яъни ишлари кўриб чиқилиши учун учликка юборилганларни) текшириш фақат рўйхат асосида амалга оширилди. Ҳар бир ҳибсга олинган шахснинг шахсий сўрови ўтказилмади ва мен ҳам бу саволни кўтармадим. Бундан ташқари, терговга тортилганларнинг барчасини бевосита тергов иши билан таққослаш мумкин эмас эди, чунки тергов ишлари Архангельскда бўлиб, бўлимга бир ярим-икки ойдан кейин учликнинг отув қарори кўчирмаси билан бир вақтда етиб келарди. Ўша пайтда Ҳасанов иши билан боғлиқ чалкашликлар маълум эмас эди.

**САВОЛ:** Сиз тўғридан-тўғри жавоб бермаяпсиз: сиздаги жиноий бепарволик туфайли ҳеч қандай асоссиз 5 нафар маҳбуснинг отиб ўлдирилганлигида ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

**ЖАВОБ:** Менинг жиноий бепарволигим сабабли отилганлар Ҳасанов Олим, Поляков А.В. (1914 й.т.), отувга ҳукм қилинган Степанов билан фамилиялари алмашиб қолган Ананенко ва фамилияси Якименко Пётр (1915 й.т.) бўлган номаълум шахс ҳисобланади. Отилган Орлов-Оганов ишига менинг ҳеч қандай алоқам йўқ.

4 нафар маҳкумнинг ҳеч қандай сабабсиз қатл этилишига олиб келган жиноий бепарволигим шунда эдики, ҳукм ижро этилишидан олдин шахсий маълумотларни ҳукм ва тергов ишлари билан аниқ қиёслаб олишим керак эди, мана шунга етарлича эътибор қилмаганман. Маҳбус Поляков А.В. 1938 йилнинг апрель ёки май ойида Печорада отилган. Ушбу ҳукмни ўртоқ Жаринов ижро қилган.

**САВОЛ:** Кадрлар бўйича катта инспектор Фроловичнинг маҳкум Раҳим Ҳасановга нисбатан ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги актни тузишда сиз Фроловичга Ҳасановга яна бир исм, бундан олдинроқ отиб ташланган Олим Ҳасанов исмини кўшишни буюрганингиз ҳақиқатми?

**ЖАВОБ:** Мен Фроловичга маҳбус Ҳасанов Раҳимни аниқлаш тўғрисидаги актни тузишни буюрдим ва ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги далолатномада ушбу актни тузган Фроловичга уни Ҳасанов Раҳим-Олим деб кўрсатишни буюрдим, бироқ бу вақтда отилган, аслида, Ҳасанов Раҳим бўлгани ва лагерда Ҳасанов Раҳим-Олимнинг бўлмагани маълум эди.

Фроловичга бундай кўрсатмани беришимдан мақсад, ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги далолатномадаги шахсий маълумотлар учлик қарори кўчирмасидаги шахсий маълумотлар билан тўлиқ мос келиши керак деб ҳисоблардим.

**САВОЛ:** Аммо Ҳасанов Раҳимга тегишли бўлмаган Олим исмини ёзиш вазиятни адолатсиз равишда сохталаштириш деганидир. Ёки сизда Ҳасанов Раҳимга Олим исмини бериб, Ҳасанов Олимнинг нотўғри отилганлигини яшириш ёки ушбу фактнинг текширувини чалкаштириш мақсади бўлганми?

**ЖАВОБ:** Мен Ҳасанов Олимнинг нотўғри отилганини яширмақчи бўлмаганман. Буни 1938 йил 25/ХІ, 26/ХІ да ёзиб берилган тушунтириш хатим тасдиқлайди.

**САВОЛ:** Ҳасанов Олимнинг қатл этилиши бўйича хато аниқланганда ва отувга ҳукм қилинган Ҳасанов Раҳим бир неча ойдан бери қамоқхонангизда экани маълум бўлгандан кейин дарҳол бу ҳолатнинг изоҳи бўйича Архангельскка билдирги билан Ҳасанов Раҳим номи-



га шахсий маълумотларни жўнатишини сўраб мурожаат қилсангиз тўғри бўлмасмиди?

Ахир Ҳасанов Раҳимнинг отилишидан олдин ҳам, кейин ҳам ноаниқликлар билан турли кўчирмалар тузатиш учун Архангельск области УНКВДга жўнатиб турилган.

Нега бу вазиятда сиз ҳам шундай йўл тутмадингиз ва Фроловичга Ҳасанов Раҳим-Олимни отиш учун далолатнома тузишга кўрсатма бердингиз? Ахир, сиз аниқ билардингиз-ку, Ҳасанов Раҳим ва Ҳасанов Олим бошқа-бошқа инсонлар эди.

ЖАВОБ: Ҳасанов Олимнинг нотўғри қатл этилганини яширишга ҳаракат қилмадим, буни беркитишнинг ўзи ҳам имконсиз, чунки бир киши ўрнига икки киши отилган. Мен йўл қўйган қўпол хатойимни, яъни ноаниқликка эга кўчирмаларни ва шахсий маълумотларни тузатиш учун қайта жўнатишда ўрнатилган тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузганимни тан оламан.

САВОЛ: Сиз ўз кўрсатмаларингизга яна нима қўшимча қила оласиз?

ЖАВОБ: Мен қўшимча қиладиган ягона нарса шуки, мазкур ҳолатларнинг ҳеч бирида ҳеч қандай зарарли ният, қасос ва ғаразли мақсадни кўзламаганман.<sup>1</sup>

### УХТО-ПЕЧОРА ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАР

Ўзбекистондан қатагон қилинган, совет салтанатининг кўплаб концентрацион ва меҳнат-тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаган, жабру жафо тортган ўзбек маҳбуслари миқдори жуда катта бўлган. «Катта террор» авжига чиққан 1937 йил 1 октябрдаги маълумотда СССР Ички ишлар халқ комиссарлари лагерларида 1-қисм бўйича 20954 ўзбек маҳбуси азобланаётгани қайд этилган. Улардан 2643 нафари Байкал-Амур лагериди, 1923 нафари Волга-Москва канали қурилиши лагериди, 1554 нафари Углич-Рибинск қурилиши бўлаётган Волга лаге-

рида, 1673 нафари Беломор-Болтиқ лагериди, 6870 нафари Коми АССРдаги Тем лагериди, 2247 нафари Владивосток лагериди, 643 нафари Новосибирск лагериди, 3029 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагериди қамоқ жазосини тортаётган, оғир меҳнат қилаётган эди.

2-қисм ахборотларида эса ўзбеклардан 854 киши Қарағанда, 12 киши Пророф, 23 киши Наринский, 1999 нафари Вязенск, 69 киши Калуга, 250 киши Сталин станцияси, 665 киши Шимоли-Шарқий лагерларда, жами 3275 нафар ўзбеклар борлиги аниқланган.

1939 йил 1 январь маълумотида қараганда, НКВД меҳнат-тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасида 23855 нафар ўзбек бўлган.<sup>2</sup>

**1. Ўрозматов Собир** – 1909 йилда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон ССР Калинин райони Оқликқорамас овулида туғилган. 1935 йил 24 сентябрда туғилган жойида ҳибсга олинган. ЎзССР Олий суди 1935 йил 23 декабрда ЎзССР Жиноят кодексининг 17-54-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Лагерга 1938 йил 11 июнда келган.

**2. Салоҳиддинов Юнус** – 1898 йилда туғилган, тожик, Тожикистон ССР Кўлоб шаҳрида туғилган, 1933 йил 1 августда қамоққа олинган, 1934 йил 27 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58-6-моддасига кўра СССР ОГПУ Коллегиyasi қарори билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1946 йил 28 мартда озод этилган.

**3. Ҳайдаров Ҳайитжон** – 1902 йилда туғилган, ўзбек, 1933 йил 27 сентябрда қамоққа олинган, 1933 йил 29 сентябрь РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-моддаси билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Лагерга 1934 йил 7 майда келган.

**4. Алимбетов Қушқийм** – 1890 йилда Қорақалпоғистон АССР Куйбишев райони Қўтанчи қишлоғида туғилган, НКВДнинг Архангельск области учлиги РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддасига кўра отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 29 мартда ижро этилган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

<sup>1</sup> Покаяние. Хранить мартиролог вечно. Коми республиканский мартиролог жертв массовых политических репрессий. 8-том. – Сыктывкар, 2006. – С.225 – 228.

<sup>2</sup> ГУЛАГ, 1918 – 1960. Документы. – М., 2002. – С.410 – 435.



**5. Исаев Саид Амин** – 1909 йилда туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик 1938 йил 9 январда РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм этган. 1938 йил 14 апрелда отилган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**6. Эшниёзов Нурмат** – 1906 йилда туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси учлиги 1938 йил 9 январда РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм этган. 1938 йил 29 мартда отилган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**7. Қурбонов Абдурасул** – 1906 йилда Хитойнинг Кошғар шаҳрида туғилган, 1937 йил 17 ноябрда қамоққа олинган, НКВД Архангельск области бошқармаси учлиги 1937 йил 21 декабрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-, 10-, 11-моддалари билан отувга ҳукм этган. Отилган жойи: Чибью.

**8. Мингбоев Шокир** – 1907 йили туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси учлиги томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм қилинган, 1938 йил 4 мартда отилган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**9. Ўтаганов Нахид Муборак** – 1900 йилда туғилган, СССР НКВДнинг 00447-буйруғи бўйича НКВДнинг Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан отувга ҳукм этилган, 1938 йил 25 апрелда отилган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**10. Хўжаев Ҳожи Акбар** – 1913 йилда туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан 1938 йил 21 мартда отувга ҳукм этган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**11. Ёқубов Муҳаммадқодир** – 1910 йилда туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик 1938 йил 4 январда РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича отувга ҳукм этган. Отилган жойи: Новая Ухтарка.

**12. Ашуоров Оқил** – 1910 йили Самарқандда туғилган, ўзбек, 1935 йили қамоққа олиниб, Магадандаги ГУЛАГ лагерига юборилган. Маҳбус Оқил Ашуоров «Учлик»нинг 1937 йил 15 сентябрдаги қарори билан Жиноят кодексининг 58-моддаси бўйича, яъни аксилинқилобий фао-

лияти учун олий жазога ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган. 1989 йил августда оқланган.

**13. Бердиев Мулла Ҳорун** – 1893 йилда Ургут райони Гиждувон қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, маълумоти ўрта, Гиждувон қишлоқ совети Калинин номли колхоз аъзоси, Гиждувон қишлоғида яшаган, 1931 йилда 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, шу ердаги «Омутия» участкасида умумий ишларда ишлаган. 1938 йил 28 февралда қамоққа олинган. Тергов баённомасида унинг оиласи таркиби берилган: хотини Улур Бердиева 31 ёшда, ўғли Язвондул 16 ёшда, қизи Руқиз 13 ёшда, қизи Тўти 11 ёшда бўлган. Аксилинқилобий тарғиботда айбланиб отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 10 мартда ижро этилган.

**14. Ботиров Зиёд** – 1905 йили Оқдарё райони Терак қишлоғида туғилган, ўзбек, саводсиз, 1938 йил 9 апрелда қамоққа олинган. 1938 йил 5 июнда НКВДнинг Москва области бўйича бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган. 1938 йил 20 июнда Бутово полигонидан отилган. 1990 йил 10 февралда оқланган.

**15. Жалилов Рустам Башкирбекович** – 1887 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, яшаш жойи Узоқ Шарқ ўлкаси Николаевск-Амур шаҳри, 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган. 1939 йил 29 майда РСФСР Жиноят кодексининг 58-7-, 58-8-, 58-11-моддалари билан айбланган. Айбловлар исботланмагани учун иш тўхтатилган.

**16. Каримов Ўринбой** – 1903 йили Самарқанд области Юқори Дарғом райони Работ қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, деҳқон. 1933 йили СССР ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликдаги учлик томонидан Самарқанддаги босмачилик ҳаракатида иштирок этгани учун 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Қамоқ жазосини Дмитров лагеридан ўтаган. 1937 йил 7 июнда Каримов Ўринбой қамоққа олинган. У Дмитров лагеридан аксилинқилобий, террорчи, қурол-



ли ташкилотга аъзо бўлганликда айбланган. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги, СССР Прокурори ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси комиссияси томонидан Дмитров лагеридаги аксилинқилобий, террорчи ташкилотда иштирок этганликда айбланиб 1937 йил 16 июнда отувга ҳукм қилинади. 1957 йил 6 мартда оқланган.

**17. Қиличов Қурбон** – 1903 йили Арабхона қишлоғида туғилган. 1930 йили кулоқ сифатида қамоққа олинган ва Магадандаги лагерга юборилган. 1938 йил 10 апрелда аксилинқилобий троцкийчилик фаолияти учун олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 28 апрелда ижро этилган. 1989 йил августида оқланган.

**18. Маманазаров Уруф** – 1898 йили Фориш райони Устухон қишлоғида туғилган, ўзбек, кулоқ, деҳқон оиласидан, партиясиз, маълумоти ўрта, «Бедняк» колхозида қора ишчи бўлиб ишлаган. 1935 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1937 йил 23 сентябрда қамоққа олинган. 1937 йил 23 сентябрда советларга қарши тарғибот (айниқса, миллатлар орасида) олиб борганлик ва баракда намоз ўқишни ташкил этганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 26 сентябрда ижро этилган.

**19. Мингбоев Тўхли** – 1901 йили Митан райони Қорақалпоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, кулоқ оиласидан, партиясиз, маълумоти ўрта. 1934 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда ўтаган, 1937 йил 12 ноябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 29 ноябрда мутгасил равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 2 декабрда ижро этилган. 30 ёшли хотини Қамбарнисо бева қолган, у заводда ишлаб, Горчаково темир йўл бекатида яшаган.

**20. Эрназаров Мулла Исо** – 1885 йили туғилган, Самарқанд округи Янгиқўрғон райони Гадои қишлоғидан, ўзбек халқ судида инструктор, Самарқанд округида яшаган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. ОГПУ Коллегияси 1932 йил 14 октябрида РСФСР Жиноят кодексининг 58-4-моддаси бўйича отувга ҳукм қилган, сўнгра 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган. Жа-

зони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВДнинг Ленинград области бошқармаси махсус учлиги томонидан «маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун» 1938 йил 14 февралда олий жазога ҳукм қилинган. 1938 йил 17 декабрда Соловецкий лагерида отиб юборилган.

**21. Файзуллин Муҳаммаджон** – 1902 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, ўзбек, партиясиз, Жиззах шаҳридаги 6-сонли мактабнинг собиқ ўқитувчиси, кооператив ташкилот хизматчиси, ОГПУ коллегияси 1932 йил 14 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-4-моддаси бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этган, жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВД Ленинград области бошқармаси махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилган, Карелия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида 1937 йил 27 октябрида отилган.<sup>1</sup>

**22. Олимжонов Ориф** – 1899 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, ВКП(б) нинг собиқ аъзоси, хизматчи, бир қатор масъул лавозимларда бўлган, Тошкент шаҳрида яшаган, ОГПУ коллегияси томонидан 1932 йил 14 октябрда отувга ҳукм қилинган, сўнгра жазо 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига алмаштирилган, жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВДнинг Ленинград области бошқармаси махсус учлиги томонидан 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилинган. 1937 йил 27 октябрда Карелия АССРдаги Сандармох қатлгоҳида отилган.

**23. Ражабов Камол** – 1889 йили Пастдарғом райони Арабхона қишлоғида туғилган, ўқимишли, «Бирлашган» колхози раиси, 1934 йил 26 ноябрда ҳамқишлоқлари Муҳаммад Саломов, Дониёр Гадоев, Ҳожикулбой Исмоилов, Абдулла Ризоқулов, Шодмонқул Тоғаев билан бирга ҳибсга олинган. Улар 1934 йил 3 декабрида асоссиз, сўроқсиз, терговсиз суд қилиниб, отувга ҳукм этилганлар. 1935 йил 10 январда ЎзССР Олий суди қарори билан отув жазоси 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Са-

<sup>1</sup> Возвращенные имена: Список жертв политических репрессий, осужденных на территории Республики Коми (Покаяние: Коми республиканский мартиролог жертв массовых политических репрессий. Т.1 – 2. – Сыктывкар, 1998 – 1999) // <http://vizs.nlr.ru/searchword.php?q=%F3%E7%E1%E5%EA> 26.03.2011



марқанд шаҳри турмасидан Узоқ Шарқнинг Амур области Забитан колониясига юборилган. Узоқ Шарқ ўлка ИИХКлиги қарорига асосан РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-моддаси билан судланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 23 декабрда ижро этилган. 1992 йил 19 июнда оқланган.

**24. Козимов Раҳим** – 1906 йили Самарқандда туғилган, миллати эроний, 1930 йил 26 июнда қамоққа олинган, 1930 йил 13 октябрда 8 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1931 йил 2 январда Самарқанддаги маҳбуслар уйидан Ухто-Печора лагерига келтирилган, 1939 йил 22 февралда лагердан озод этилган.

**25. Саидов Жўра** – 1899 йили Самарқанд области Нарпай райони Қарноқ қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши кулоқ, савдогар, партиясиз, қуйи маълумотли, оилали, хотини Баҳри 30 ёшда, колхозда ишлайди, қизи Бибиҳон 7 ёшда, ўғли Фахриддин 7 ёшда, ўғли Насриддин 6 ёшда.

Саидов Жўра 1 от, 1 мол, 1 қўй, 1 гектар мевали боғ, гуруч сотиладиган дўконга эга бўлган. Икки марта судланган, биринчи бор 1927 йили 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, қамоқдан қочган, иккинчи марта ЎзССР ЖКнинг 109-моддаси билан айбланиб, 1934 йили отувга ҳукм қилинган, кейин Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан ўлим жазоси 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган. Жазони Дмитлагда ўтаган. Маҳбус Саидов Жўра 1938 йил 22 февралда лагерда қамоққа олинади. Бунга сабаб қилиб унинг маҳбуслар орасида мунтазам равишда партия раҳбарлари, ҳукумат аъзоларига бўҳтон қилувчи, халқ душманларини мадҳ этувчи аксилинқилобий тарғибот олиб бориши кўрсатилган. Масалан, унинг маҳбуслар орасида: «Мен барча коммунистларни осиб ўлдирардим, чунки улар еримизни, барча мол-мулкларимизни тортиб олишди, эндиликда эса бизларни кун кўриб яшашимизга мутлақо имкон беришмаяпти, эркинликда ҳам, лагерда ҳам бизларга зуғум ўтказишмоқда. Коммунистларнинг ўзлари эса аввалги помещиклардек яшашмоқда. Ҳозирги вақтда колхозларда яшаш жуда ҳам оғир, кўп меҳнат қилинади, оз таъминлана-

ди. Чунки колхозчилар маҳсулотни, биринчи навбатда, давлатга топширишади, ўзлари эса ҳеч вақога эга бўлмай, оч ҳолда кун ўтказишмоқда. Колхозчилар тўқ яшашмоқда деган сўз қоғоздагина, холос, амалда улар ниҳоятда оғир ҳаёт кечиришмоқда», – деб айтгани айблов хулосасида терговчи Москалёв томонидан келтирилган. Шу айблов хулосасида унинг мана бу гаплари ҳам қайд этилган: «Сессия депутатлари Сталин ва Ежов шаънига қарсак чалишади. Ваҳоланки, улар мамлакатда террор олиб боришмоқда, яхши одамларни, Тухачевский каби Қизил армия раҳбарларини ва бошқаларни отиб юбормоқдалар. Ахир бу инсонларнинг ишчилар синфи олдидаги хизматлари катта эди, улар ҳеч қачон халқ душманлари бўлишмаган, улар мамлакатда тинчлик ўрнатмоқчи бўлган эдилар. Шу боис улардан кўрқиб отиб юбордилар». Совет ҳокимиятига қарши мағлубиятчилик кайфиятини ифодалаб: «Тез орада уруш бўлади, уруш бу ҳукуматни қулатмаслиги мумкин, ammo ба-рибир бу ҳукумат охир-оқибатда ҳалокатга учраб тугайди, бундай бўлмас экан, яшаб ҳам бўлмайди», – дегани ҳам айблов хулосасида кўрсатилган.

Маҳбус Саидов Жўранинг иши Москва области Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги учликка кўриб чиқиш учун топширилади. Учлик 1938 йил 2 мартда тизимли равишда аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, «халқ душман»ларини мақтагани, партия ва ҳукумат раҳбарларига бўҳтон қилгани, Олий Советга бўлган сайловларни аксилинқилобий руҳда талқин қилгани учун отувга ҳукм этади, ҳукм 8 мартда ижро этилади, 1990 йил 10 февралда оқланган.

**26. Хўжанов Хушназар** – 1891 йили Самарқанд области Оқдарё районида деҳқон-кулоқ оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, чаласавод, Комсомол номли колхозда кетмончи бўлиб ишлаган. 30 ёшли хотини ва 5 фарзанди бўлган. Самарқанд шаҳрида яшаган. 1935 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 29 январда ҳибсга олинган. 1938 йил 2 февралда маҳбуслар орасида муттасил равишда аксилинқилобий



тарғибот олиб борганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган.

**27. Эшбоев Маъмур** – 1910 йили Булунғур райони Қорақурсан қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон оиласидан, партиясиз, маълумоти ўрта, ўз хўжалигида ишлаган. 1931 йили 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони Дमितлагда ўтаган, 1938 йил 17 январда ҳибсга олинган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.<sup>1</sup>

### СССР БОШ ПРОКУРОРИ

**ЎРИНБОСАРИ К.А.МОКИЧЕВНИНГ**

**1941 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ**

**СССР ПРОКУРОРИ В.М.БОЧКОВГА**

**«Чкалов шахри корхоналаридаги ҳарбий саноат ишчи ва хизматчиларининг корхоналардан ўз ҳолича кетиб қолишлари учун жавобгарлиги тўғрисида»ги маъруза хати**

1942 йил январь  
Мутлақо махфий

...Бу ёзма мутлақо махфий маъруза хатида 1942 йил январда қочоқлик бўйича 7 ҳолат аниқланганлиги қайд этилган.

Улардан бири эгар-жабдуқ фабрикаси ишчиси Абдулғаниев доимий равишда меҳнат интизомини бузгани, 23 октябрь куни фабрика директори Чкалов шахридаги Дзержинск райони прокуроридан Абдулғаниевни жиноий жавобгарликка тортишни илтимос қилгани, аммо район прокурори жиноий иш қўзғатишни рад этгани, 19 – 23 ноябрь кунлари Абдулғаниев 4 кун ишга келмагани; 2 декабрда у ишга келмаганлиги учун 6 ой муддатга меҳнат билан ахлоқ тузатадиган ишларга ҳукм қилингани, 5 декабрь куни Абдулғаниев яна ишга келмагани, ишда ўзининг ёмон хулқ-атворини намоён этгани, очикдан-очик ялқовлик қилиб юргани, 26 декабрь куни ўзбошимчалик билан ишни ташлаб кетгани учун фабрика директори 30 де-

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. Коллективлаштириш ва «Катта террор» даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби. Самарқанд вилояти (1929 – 1939 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.338 – 344.

кабрь куни бу ҳақда халқ судига хат йўллагани, шу суд томонидан 5 декабрь куни содир этилган Абдулғаниев томонидан ишга келмаслик ҳолатлари тўғрисидаги иш кўрилиши кераклиги, суд ишни кўриб, Абдулғаниевни 9 ой муддатга меҳнат билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилгани қайд этилган.

1942 йил 2 январь куни Абдулғаниев ишга чиққани, лекин меҳнат интизомини бузиб, ялқовлик қилишни давом эттиргани, цех бошлиғининг таклифи бўйича Абдулғаниевга оид бўлган иш Абдулғаниевни қочоқлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун НКВД қўшинлари ҳарбий прокурорига ўтказилгани қайд этилган.<sup>2</sup>

**СССР БОШ ПРОКУРОРИ Р.А.РУДЕНКОНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА С.АЗИМОВ ВА БОШҚАЛАРНИНГ ИШНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА БИЛДИРИШНОМАСИ**

КПСС МК, 1954 йил 19 ноябрь

Аксилинқилобий жиноятларда айбланиб судланган шахсларга нисбатан жиноий ишларни қайта кўриб чиқиш бўйича 1954 йил 15 ноябрда Марказий Комиссия Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг собиқ котиби Сулаймон Азимов ва бошқаларнинг айблови бўйича жиноий ишни қайта кўриб чиқди ва жиноят далиллари йўқлиги сабабли иш тугатилди.

Мазкур иш бўйича Азимовдан ташқари Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғининг собиқ муовини Сотти Хусаинов, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг собиқ раҳбари Тўхтасин Жалолов, шу газетанинг адабий ходими Юнус Латифов, «Муштум» журнали адабий ходими Ғафур Расулов, «Ёш куч» журнали таҳририяти



Роман Андреевич Руденко

<sup>2</sup> Массовые репрессии в СССР. Том 1. – М.: РОССПЭН, 2004. – С.430 – 431.



котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлими мудирини Обид Ҳошимов, шунингдек, «Тароқчи» (ёки «Даракчи») артели ошпази Соли Иминов ҳам ҳибсга олинган эди.

Аксилинқилобий жиноятларни содир этганликда айбланган С.Азимов ва бошқаларнинг айбдорлиги ҳақида далиллар умуман бўлмагани ҳолда 1941 йилда собиқ Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари Амаяк Қобулов томонидан жиноий иш қўзғатилганлиги аниқланди.

А.Қобулов ҳибсга олинган шахсларга нисбатан калтаклаш ва қийноқ усулларни қўллаганидан сўнг айбланувчи Жалолов гўёки Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети котиби Азимов томонидан тузилган миллатчи исёнчи ташкилотга аъзо бўлгани ва унинг буйруғи бўйича Иминов ва Ҳошимовни ушбу ташкилотга жалб қилгани ҳақида гувоҳлик берди.



Андижон фарзанди,  
ёзувчи, шоир  
Тўхтасин Жалолов

Аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлган ҳолатлар ҳақида Жалоловнинг гувоҳлик беришича, гўёки 1940 йилнинг февраль ва июнь ойларида Азимов билан учрашган пайтларида унинг акселинқилобий фаолияти ҳақида билиб олган.

Бундан ташқари, Жалоловнинг гувоҳлик беришича, 1941 йилнинг сентябрида шаҳарда айланиб юриб тасодифан Азимовнинг хонадонига бориб қолган, ўша пайтда профессор Қори-Ниёзов (ўшанда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси муовини, ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти) ва Йўлдошев (Тошкент области партия комитетининг собиқ котиби) иштирокида «антисовет йиғини» бўлаётган эди.

Азимов гўёки Жалоловни тингловчиларга «ўзимизнинг одам» деб таништирган, шундан сўнг улар антисовет ҳаракатини фаоллаштириш усулларини муҳокама қилишга киришишган.

Жалолов кўрсатмаларининг асоссизлиги аниқ эди, чунки у 1940 йилда Тошкентда

Азимов билан акселинқилобий суҳбатлар ўтказмаган, сабаби, автоҳалокатга учраб оғир жароҳат олган Азимов Сочи шаҳрида даволанаётган эди. Жиноий усуллар билан олинган ушбу тергов кўрсатмалари Азимов ва бошқаларни ҳибсга олиш ҳамда уларга нисбатан репрессиялар қўллаш учун баҳона бўлиб хизмат қилди.

Ҳибсга олинганларни калтаклашда шахсан иштирок этган А.Қобулов уларни акселинқилобий жиноятларни тан олишга мажбур қилди, шундан сўнг иш СССР НКВД ҳузуридаги махсус йиғилишга юборилди.

Ишни тергов қилиш қонунни қўпол равишда бузган ҳолда олиб борилди. Шундай қилиб, иш бўйича айблов хулосаси 1942 йил 24 июнда тузилган ва тергов якуни айбланувчиларга фақат 1942 йил 1 – 2 июлда эълон қилинган.

1942 йил 12 августда, яъни Тошкентда ҳибсга олинганларга нисбатан бу тўхматли қўшимча айблов эълон қилинган куни мазкур иш юзасидан Москвада махсус йиғилиш ўтказилди. Унга кўра, Ҳусаинов ва Латифов ўлим жазоси – отувга, Азимов ва Жалоловнинг ҳар бири 10 йиллик қамоқ жазосига, қолганлари эса турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган.

Бу қарор асосида Ҳусаинов ва Латифов отиб ташланди; айбланувчи Расулов лагерда вафот этди, қолган айбланувчилар эса ўз жазоларини ўтаб бўлгач, сургунга жўнатилди.

Акселинқилобий жиноятларда айбланган шахсларга нисбатан жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича марказий комиссия томонидан Ҳусаинов, Латифов ва Расулов ўлимидан кейин реабилитация қилинди, қолган маҳкумларга нисбатан эса уларни сургундан озод қилиш тўғрисида буйруқ берилди.

Мазкур ишни сохталаштиришда асосий айбдор бўлган халқ душмани А.Қобулов ушбу хоинлик фаолияти учун СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазо – отувга ҳукм қилинди.

*СССР Бош прокурори Р.Руденко<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Реабилитация: Как это было. Документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы. Март 1953 – февраль 1956. – М., 2000. – С.180 – 181.



# «НАРОДНЫЕ СУДЫ ОСЕДЛОГО НАСЕЛЕНИЯ» В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ (ПО МАТЕРИАЛАМ РЕВИЗИИ СЕНАТОРА К.К.ПАЛЕНА)

Н.Б.Махмудова

В ходе завоевательной политики Царской России и образованием Туркестанского генерал-губернаторства, одной из очередных задач являлось изучить судебную систему, существовавшую среди местного населения. В материалах ревизии сенатора К.К.Палена приводятся сведения о действовавших трёх типах народного суда: «1. Для оседлого населения Сыр-Дарьинской, Самаркандской, Ферганской и Семиреченской областей. 2. Для кочевого населения тех же областей. 3. Для туземцев Закаспийской области» [1.3].

В «Проекте Временного Положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства» от 1865 г. отмечалось, что «главная цель – установление в новых русских владениях спокойствия и безопасности путём определения общих начал управления. Вся власть была сосредоточена в руках военного начальства, а на административные органы возложен был лишь надзор за населением, внутренний быт которого оставался без изменений» [2.6], по которому – то следовало утверждение и смещение с должности казиз находилась в руках Военного губернатора. В следующем Положении от 1867 г. уже проявились другие положения, такие как «...в основе устройства края: 1. Нераздельность власти административной и военной и соединение их в одних руках. 2. Предоставление внутреннего управления туземным населением по всем де-

лам, не имеющим политического характера, выборным из среды самого народа, применяясь к местным правам и обычаям» [2.8], и по § 24, следовали первые изменения в мусульманском праве, создание двух самостоятельных инстанций казийского суда: «1. Казия, решающего окончательные дела на сумму до 100 руб. и 2. Съезд казиев для решения дела на сумму свыше 100 руб. и для дел уголовных» [1.7]. Однако, необходимо отметить и изменения в деятельности народных судов в отношении телесных наказаний и смертной казни, они были заменены штрафами, арестами и ссылками в Сибирь

Так же по Положению от 1867 г., коренному населению предоставлялось право обращаться к русскому суду. Таким образом, военная форма управления проявилось в трёх вышеуказанных нововведениях: выборное начало, съезды народных судей и ограничение наказаний, чем собственно говоря, и был «уничтожен прежний казийский суд» [1.8].

Рассмотрен порядок суда, который совершается публично и гласно по ст. 246 Туркестанского Положения: «Камера народного судьи всегда находится в его собственном доме, где живет и семья судьи. Наружный дворик (ташкари) служит хозяину и для приёма гостей и для проведения правосудия». Еще есть две комнаты – в одной сам судья и его советники (муфтии и аглямы), а в другой писцы (мирзы). Перед судьёй должностной знак с цепью, печать и пись-



менный прибор. Графика приёмных дней и часов нет, просители собираются с раннего утра, войдя в комнату где сидит судья проситель немедленно садится в позу, установленной для молитвы и ждёт, когда судья обратится к нему. Обычно дела ведутся через профессиональных поверенных (вакилей), в европейской России это адвокаты. Дела рассматриваются по обычаям, что как считал сенатор К.К.Пален, явилось «крупной ошибкой Положения ст. 210», так как вся «жизнь сартов и деятельность казиев нормировались исключительно неизменёнными правилами Шариата, которые стали для народного суда не обязательными и недобросовестные из судей получили возможность безнаказанно кривить душой и постановлять решения по личному усмотрению» [1.21], однако, наблюдение за правильным исполнением закона возложено на уездных начальников, которые не только в силу многочисленных обязанностей физически не успевали следить за деятельностью народного суда, а в силу того, что не владели местными языками и юриспруденцией.

У кочевого населения число народных судей значительно больше, чем у оседлого, а именно: на волость не меньше 4 судей и не более одного на каждое аульное общество, тогда как у оседлого населения один судья ведёт дела нескольких волостей – ст. 222 Положения.

У оседлого населения каждый судья имеет свой определённый территориальный район, а у кочевников съезды образуются в каждой волости. Жалобы на неоконченные решения подаются у оседлого населения уездному начальнику, а у кочевников волостному управителю – ст. 243.

Чрезвычайные съезды оседлого населения состоят из судей тех судебных районов, к которым принадлежат стороны, а у кочевников съезды образуются из судей тех волостей к которым принадлежат стороны, а также из назначаемых уездным начальником, причём, при его же присутствии. В противоположность судьям оседлого населения, народные судьи у кочевников не решают вопросы по опекунскими делами.

В результате выборной компании народный судья избирается на 3 года, который не всегда

исправно выполняет роль защитника правосудия, пользуясь гибкими и не имеющими безусловного обязательного значения нормами обычного права, народный суд имеет возможность привлекать к ответственности даже за несуществующий ни в каких кодексах преступления; безгранично властвуя используя свои полномочия, т.к. нет единого письменного свода законов, и он может «...постановлять совершенно произвольные несправедливые приговоры и решения» [1.42].

Ещё одно существенное различие в ведении судебных разбирательств между оседлым и кочевым населением, то что киргизы постоянно перекочёвывают и добыть доказательства вины или свидетелей крайне тяжело, поэтому они применяют свойственный только кочевникам метод доказательства своей не виновности – это применение «кумана» – присяги, «присягателями должны быть почётные лица общества» [1.44], которым подтверждают его невиновность и суд постановляет оправдательный приговор. Мало того, родовые группы не только несут круговую ответственность преступления сородичей, но и если надо, выплачивают штраф.

По сведениям из отчетов ревизии выяснилось, что только в Закаспийской области был учреждён «кяризный» суд.

Помимо вышеуказанных видов судов, в Закаспийской области действовал ещё один вид суда созданного 28 марта 1902 г. приказом Начальника области учрежден в пределах Мургабского Государева Имения Байрам-Алийский приставский народный суд по образцу подобных судов, но с тем отличием, что судьи выбираются не аульными обществами, а жителями Государева Имения.

Естественно, сенатор К.К.Пален, как царский чиновник, критически отнёсся к такому разнообразию форм судов в Закаспийской области, созданные по распоряжению Начальниками области.

Для «усовершенствования» судебной системы сенатор К.К.Пален предлагал: «устранить основной и существенный дефект народного суда оседлого населения – покуп выборщиков, претендентами на избрание в народные судьи;



взяточничество» [1.206], хотя существование аналогичных коррупционных методов можно было наблюдать и в судебной системе Царской России, так как в качестве преступлений в Царской России рассматривалось две формы коррупции – казнокрадство и взяточничество. Имеется ряд взглядов историков и современников о фактах свидетельствующих о росте коррупции в царствование Александра II. Так, советский историк П.А.Зайончковский писал о «массовых злоупотреблениях и хищениях», способствовавших «падению авторитета Императора и всего царствующего дома». Есть и примеры крупных взяток, когда предприниматели выплачивали чиновникам за те или иные разрешения в свою пользу, что было очень распространённой практикой. В 1903 г. было введено Уголовное уложение, которое в части борьбы с коррупцией было гораздо более проработано, Уголовное уложение разделило понятия «взяточничество» и «лихоимство» [3.ru/m/Wikipedia]. Кстати, и самим сенатором К.К.Паленым во всех областях были выявлены серьезные злоупотребления чиновниками своим служебным положением практически во всех ведомствах, но на первом месте среди них были противозаконные действия полиции. Однако, К.К.Пален, осознал, что отмена выборов невозможно, так как, это могли истолковать как «ограничение прав населения, дарованных Верховной властью» и с другой стороны «уездные начальники и губернаторы должны будут взять на себя ответственность за избрание судей из туземцев», быт, нравы, устои которых им не известны. Причём назначать пришлось бы не одного или несколько лиц, а например «в Сырдарьинской области свыше 400 судей, в Семиреченской 1300» [1.206]. Поэтому он предлагал «ослабить возможность подкупа выборщиков, за счёт изменения системы выборов, заменив участие в выборах только пятидесятниками, всеми домохозяевами, имеющих право голоса на сельском сходе. Подкупить большинство пятидесятников возможно, а вот всех домохозяев невозможно». Таким образом, каждое сельское общество на сход домохозяев выбирает одного кандидата на должность народного судьи. Из избранных всеми сельскими сходами

данной волости или судебного региона, состоящего из нескольких волостей, кандидатов один утверждает Военным Губернатором в должности народного судьи. У кочевников, каждое аульное общество должно не одного, а двух или даже трёх кандидатов выбирать.

«Вторым недостатком, – считал К.К.Пален, – народного суда оседлого и кочевого населения Центральных областей Туркестана и Семиреченской области – совершенная обособленность от общего строя имперских судебных установлений и отсутствие всякого надзора и контроля за деятельностью народного суда» [1.208]. В связи с чем, он предлагал «председательствовать на съездах народных судей мировым судьям», являющихся представителями царской администрации. К.К.Пален считал, что участие русского судьи в заседаниях съезда «послужит мощным рычагом к сближению туземной юстиции с русской», хотя на самом деле здесь преследовались политические цели, а не идеи толерантности! На самом деле К.К.Пален считал «народный суд – оплот мусульманства, это единственный официальный орган уполномоченный проводить в жизнь правила проникнутые религиозной нетерпимостью мусульманского права и поддерживающий в туземном населении ... фанатизм правоверных последователей ислама. Вредное влияние сартовского народного суда сказывается заметно и на киргизах, которые ... переходят от суда по Адату к казийскому суду по Шариату» [1. 204].

В третьих, К.К.Пален предлагал «установить для народных судей определённое содержание из земских сумм...». Так же, сенатор предлагал внести изменения и в статьи 141 – 142 Туркестанского Положения, которые, по его мнению, «уже до известной степени устарели» [1. 211]; ограничить пределы власти в назначении наказания – это относительно ст. 219 Туркестанского Положения, по которому предоставлялось право народному суду присуждать привлекать виновных к денежному взысканию до 300 рублей и к заключению под стражу до 1 года и 6 месяцев. В отношении данного правила ревизор был прав, так как не было разработанных критериев и указаний по степени тяжести и при-



суждаемой меры наказания, это определялось исключительно самим судьёй и здесь, конечно же, могли быть воздействия на волю судьи. По предложению К.К.Палена, необходимо было точно указать в законе, «что народные суды могут налагать наказания только за деяния, преступные по русским законам. Установить градацию в определении размеров наказаний: за кражу, мошенничество, присвоение и растрату, умышленное нанесение ран, увечий и тяжких побоев, мужеложство с несовершеннолетними и подлог туземных документов виновные присуждаются к заключению в тюрьму на срок от 1 1/2 месяца до 1 1/2 лет, а за другие, подсудные народному суду преступления, в случае непримирения сторон, они приговариваются к аресту до 3 месяцев или к денежному взысканию не свыше 300 рублей [1. 216].

В отношении опекунского дела К.К.Пален предлагал вообще изъять из ведения народного суда, хотя, в Положении об управлении Туркестанским краем говорилось о народном управлении, а так же о невмешательстве во внутренние дела, т.е. правовой быт местного населения, однако как доказывают источники, в частности, и материалы ревизии, управление было все таки военным, нежели народным. К.К.Пален как истинный патриот предлагал выгодные варианты управления краем. Он утверждал, что: «Разумное руководство съездами со стороны

председательствующих в них русских судей за отправлением народными судьями правосудия заставит их, а с ними и все туземное население уважать и соблюдать обязательными для них предписания русских законов, укоренит в них убеждение, что они не представляют собой замкнутого мусульманского мира, а входят в состав единой Российской Державы и обязаны жить одной с ней жизнью, общими с нею интересами. Воочию убеждаясь в превосходстве культурных правовых принципов над грубыми, примитивными нормами киргизского и туркменского обычного права и жестокими, мёртвыми в своей неподвижности правилами Шариата, туземное население Туркестана без всяких принудительных мер, само забудет старые и создаст новые обычаи, облагороженные, смягчённые и согласованные с русским законом и интересами русского государства» [1. 218]. В принципе нет ничего нового во взглядах и предложениях сенатора К.К.Палена, они отражали сущность любой завоевательной политики. Однако, при более близком знакомстве с народами Туркестана сенатор К.К.Пален неоднократно в своих воспоминаниях восхищался и воспитанием, и традициями, и историей народов края, так как и тогда край был многонациональным и многоконфессиональным, а при проведении правосудия учитывали национальное и религиозное происхождение.

### Литература:

1. Народные суды. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым. – СПб.: Сенатская типография, 1910. – 309 с.
2. Краевое управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым. – СПб.: Сенатская типография, 1910. – 270 с.
3. [ru/m/Wikipedia.org/wiki/ Коррупция в Российской Империи.](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Коррупция_в_Российской_Империи)
4. Махмудова Н.Б. Сенаторская ревизия графа К.К.Палена в Туркестане: причины, ход, последствия // *Метаморфозы истории.* 2016. №7.
5. Махмудова Н.Б. Состояние пенитенциарной системы Туркестанского края в начале XX в. (по материалам отчёта сенаторской ревизии графа К.К.Палена) // *Метаморфозы истории.* 2016. №8.
6. Махмудова Н.Б. Мемуары К.К.Палена «Миссия в Туркестане 1908 – 1909 гг.» // *Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность.* 2017. №3. – С.72 – 80.
7. Махмудова Н.Б. Историко-источниковедческий обзор отчетов ревизии сенатора К.К.Палена // *Метаморфозы истории.* 2019. №13.
8. Turdiyev B.S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal // *Scientific Bulletin of Namangan State University.* 2019. T.1. №6. – С.229 – 233.



# БУЮК ЧЎЛПОН ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

Р.Шамсутдинов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5598-сонли фармойишида кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Фармойишда қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг аниқ ва пухта тадбирлари белгилаб берилди. Шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари хотира» китобларини тайёрлаш ва чоп этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ходимлари томонидан тайёрланган 2 жилдлик «**Қатағон қурбонлари хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар)**» номли китоб нашрдан чиқди. Китобдан истиқлол йўлида шаҳид кетган буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳаёт йўлидан айрим лавҳалар ўрин олган. Муҳтарам журналхонларга тақдим этилаётган мазкур илмий ахборотда жадидчилик ҳаракатининг атоқли арбобларидан бири Чўлпон ҳаётининг сўнгги йилларидаги фожиали воқеалар ҳақида ҳозир-

гача эълон қилинмаган ҳужжатлар ва материаллар ўрин олган. Бу ҳужжат ва материалларни айрим объектив ва субъектив омиллар туфайли тўлалигича беришнинг имкони бўлмади. Шунга қарамай, эълон қилинаётган ҳужжат ва материаллар буюк адиб, шоир Чўлпоннинг фожиали қисматини қисман ёритиб беради.

## ТЕРГОВ БАЁННОМАСИ

1937 йил 23 июль

Сулаймонов Абдулҳамид (адабий тахаллуси «Чўлпон») 1897 йилда туғилган, ўзбек, савдогар, адабиётчининг ўғли, партиясиз.



**Савол:** Сиз аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг иштирокчиси эканликда айбланмоқдасиз, бунга тан оласизми?

**Жавоб:** Мен ўзбек адабиётида аксилинқилобий миллатчи идеологлардан бири эканлигимни эътироф этаман, бу йўлга Октябрь инқилобининг дастлабки кунларидан ўтганман, совет ҳокимиятига қарши курашиб Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқидан мустақил бўлиши учун курашмоқдаман. Мен таниқли ўзбек эски жадидчилик адабиётидаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳда иштирок этаётганимни тан оламан.

**Савол:** Ўзбек адабиётида аксилинқилобий миллатчи гуруҳ таркиби ва бу гуруҳ қачондан шаклланигани ҳақида билганларингизни айтинг.



**Жавоб:** (Афсуски, бу жавоб бизга берилган ҳужжатда ўчирилган. Лекин биз ўша жавобда 20 га яқин шахслар номи келтирилгани, улар ҳақиқатан ҳам таниқли жадиждлар эканини ҳужжатда ўқиганмиз – Р.Ш.)

Аксилинқилобий миллатчи ташкилотдаги совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган бу шахслар билан аввалдан ҳам бир неча йиллар давомида алоқам бўлган. Номлари келтирилган шахсларнинг ҳар бири совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлган ва амалда аксилинқилобий миллатчилик ишларини тил, адабиёт ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш соҳаларида фаолият олиб борганлар.

**Савол:** Сиз номларини келтирган шахслар маданий фронтда амалий аксилинқилобий, миллатчиликдан иборат қандай ишлар олиб борганлар?

**Жавоб:** Ўзимдан бошлайман. Октябрь инқилобидан бери бўлган бутун даврда мен аксилинқилобчи, миллатчи сифатида ҳаракат қилдим. Тўғри, айрим даврларда менда ўз нуқтаи назаримни қайта кўриб чиқиш ҳолатлари ҳам юз берган. Аммо бундай ҳолат узок давом этмаган ва мен аввалгидек миллатчи ва аксилинқилобчилигимча қолаверганман. Ёшлигимдан мен жадиждчиликка қўшилганман, кескин антисовет кайфиятдаги шахслар даврасида доимий равишда бўлганман ва бу кейинчалик ҳам давом этиб, бутун ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. 1921 йилдаёқ «Балжувон» сарлавҳаси остида «Ўлдирилган қаҳрамонлар ҳақида йиғла» номли шеъримни Қизил армия томонидан сотқинларнинг айби билан аксилинқилобчи Анвар пошонинг ўлдирилганлигига бағишлаганман. Сўнгги йиллар давомида мен матбуотда советларга қарши миллатчилик руҳида кескин асарлар ёздим, улар орқали асарларимни ўқиётганлар орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, совет ҳокимиятининг маҳаллий миллатларга ўтказётган зулмига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, Совет Иттифоқида яшаётган шарқ миллатларини жипслаштириш ва советлар ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳақидаги фикр-ни илгари сурдим. Чунки мен совет ҳокимияти

ва коммунистик партиянинг душманман. Шу билан бирга, мен Туркияни, Туркиядаги давлат тузумини мақтадим, буни менинг атрофимдаги шахсларга таъсир этиши учун ҳаракат қилдим, қисқаси, мен пантуркчман.

Менинг советларга қарши миллатчилик характеридаги асарларим қуйидагилардир: «Смерть идеи», «Боязнь птички», «Шашка и кровь», «Свобода совести», «Эпоха», «Азм», «Любовь» ва бошқалар, мен советларга қарши кўп ёзганман, уларни ҳозир эслай олмайман. Шуни таъкидлайманки, мен аксилинқилобчи, миллатчи сифатида танилганман. Мен Ўзбекистоннинг раҳбар ходимларидан бири томонидан маънавий ва моддий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватланмоқдаман.

**Савол:** ... Сизни моддий ва маънавий жиҳатдан ким қўллаб-қувватламоқда?

**Жавоб:** (Матн ўчириб юборилган). У бизнинг аксилинқилобий миллатчи гуруҳимизнинг энг таниқли аъзоларидан – мени ва профессор Фитратни қўллаб-қувватлаган. У Фитрат билан Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Республикаси давридаёқ яхши муносабатда бўлган...

1930 йили бир қатор миллатчи, аксилинқилобчилардан Боту, Рамзий ва бошқалар ҳибсга олинди, мен ҳам хавфли ҳолатда қолдим, мени ҳам қамоққа олишлари мумкин эди. Аммо Фитрат менга хабар қилиб, унинг боғида бўлган Файзулла Хўжаев унга ва менга хавф солинаётганлиги, қамоққа олишлари ҳақида гап кетганда боғидаги суҳбатда менинг беҳуда хавфсираётганимни айтиб, мен ва Фитратга тегмайдилар деб айтган. Аммо Фитрат менга Файзулла Хўжаевда бўлганида қўл текизмасликларини айтган. 1931 йили менинг матбуотдаги алоҳида фаоллигимни буржуа миллатчилиги деб билишган. Шу вақтда Тошкентдан яшириниб Москвага кетиб қолганман, мен ҳақимдаги эски фикрлар эсдан чиққан деган фикр билан Москвадан қайтиб келганман.

**... Савол:** Москвада яшаётганингизда сиз чет эл фуқаролари билан алоқада бўлганмисиз?

**Жавоб:** Йўқ, мен чет эл фуқаролари билан алоқада бўлган эмасман.

**Савол:** Сизнинг кўрсатмаларингиз ёлғон. Терговга сизнинг Москвадалигингизда чет эл фуқаролари билан алоқада бўлганингиз, улар



бир чет эл элчихонасига келишгани маълум, терговчи сиздан ҳаққоний кўрсатма беришингизни талаб қилган (*матнда узилиш*).

**Савол:** Сиз Хитой фуқаролари билан тез-тез учрашгансиз, ана шу учрашувларда нималар ҳақида гап кетган?

**Жавоб:** Мен... (*матнда узилиш*) у билан бир неча бор учрашганман, бизнинг ўртамызда адабиёт тўғрисида суҳбат бўлган.

**Савол:** Собиров сизга ўзи тўғрисида нималарни айтган?

**Жавоб:** У менга яқинда Туркияда бўлгани, иккита укаси қандайдир сиёсий мактабда ўқиётгани, унинг ўзи Москвада савдо ишлари билан шуғулланётгани ва тез-тез Хитой элчихонасига келиб турганини айтган. У менинг отамни ҳам биларкан, у билан Синзьян провинциясида инқилобгача савдо алоқаларида бирга бўлган. Суҳбатда, жумладан, Япониянинг шиори – «Осиё осиеликлар учун» шиорини мактаб, япон халқининг жипслиги ва маданиятини мақтаган.

**Савол:** Ўша ҳолатлар тўғрисида кўрсатма беринг.

**Жавоб:** Жосуслик ташкилотига тўғридан-тўғри ёллаб олинмаган ва бундай ташкилот борлиги ҳақида менга айтмаган. Бироқ эътироф этаманки, уни қизиқтирадиган айрим маълумотлардан разведка мақсадларида фойдаланиши мумкин, мен тушунамани, амалда у ўзининг қармоғига илинтирмоқчи бўлган, қолаверса, табиий, моддий шароитларга муҳтожлигимни билган, ундан пул олганман.

**Савол:** Сиз қанча олгансиз?

**Жавоб:** 5 рубль бон олганман.

**Савол:** Жосуслик характеридаги қандай маълумотлар бор?

**Жавоб:** ... мен билан бўлган учрашувда Хитой Туркистонда миллий ҳаракатга бош бўладиган, мамлакатда маърифатга раҳбарлик қиладиган маданий кишилар оз, шунинг учун ҳам менга Синзьянга эмигрант бўлишимни таклиф этди. Унинг бу таклифига рад жавобини бердим. Шунда менга совет ҳокимиятига қарши мурасасиз бўлган таниқли кишилар рўйхатини беришимни сўради. Шунда мен миллатчилар, аксилинқилобчилар ва бошқалар ҳақида маълумот келтирганман, Тошкентдаги эски ишончли жадидлардан юборишни илти-

мос қилди, мен унга манзилни тақдим этдим. Оқибатда ўша чоғдаёқ мен Тошкентда бўлдим, менга келган бир киши... ишлаш учун Синзьянга қочиб кетишни бир уйғур тавсия қилди, келишдим, у СССРдан қочиб кетиши зарурлигини огоҳлантирди. Агар уни чегарада ушлаб олишса, қаттиқ жазоланишини айтдим...

... **Савол:** (*матн ўчирилган*)

**Жавоб:** Москвада мен Совет Халқ Комиссарлигида тилмочлик қилдим. Турли қонунчилик бўйича ҳужжатларни таржима қилишимга тўғри келди... Мендан қонунчилик бўйича қандай нашрлар борлигини, совет ҳокимияти томонидан қандай нашрлар босилганини сўраб қолди. Бу ҳақда унга жавоб бердим. Аниқ қандай қонунлар тўғрисида нашрлар чиққанини эслаб ўтишимни сўради, уни ҳозир айтишнинг иложи йўқлигини билдирдим. Бундан ташқари, менга Ўзбекистон Республикасида очарчилик авжига чиққани, ўликлар тўлиб-тошгани, Бухорода аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти мавжудлиги ҳақида маълумотлар айтишди.

**Савол:** Сиз кимдан Бухорода «Миллий Иттиҳод» номидаги аксилинқилобий ташкилот мавжудлиги тўғрисида хабар олгансиз?

**Жавоб:** Ҳозирда мен айна ким бу ҳақда айтганини эслаб олмайман.

Менинг айтганларим ёзиб олинганлиги тўғри ва менга ўқиб берилди.

Чўлпон имзоси.

Терговни олиб борган ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 4-бўлим бошлиғи давлат хавфсизлик лейтенанти Оғабеков.

## СЎРОҚ БАЁННОМАСИ

1937 йил 10 август

Сулаймонов Абдулҳамид (адабий тахаллуси «Чўлпон»), 1897 йили туғилган, ўзбек, савдогар ўғли, партиясиз, адабиётчи-шоир.

**Савол:** Тергов сизнинг пантуркчилик аксилинқилобий ташкилотига тегишли эканлигини тўғрисида аниқ маълумотларга эга. Бундан кейинги тонишларингиз бефойда, пантуркчи ташкилотнинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида кўрсатмалар беринг.

**Жавоб:** Ҳа, кўриб турибман, тергов менга қарши далилларга эга эканлигини аниқлаб билган, бундан кейинги тонишим шарманда-



ларча фош этилишимга олиб келади, шунинг учун мен ҳақиқатни айтишга қарор килдим.

**Савол:** Сиз қачон совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий кураш йўлига чиқдингиз?

**Жавоб:** Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши вақтидан бошлаб мен унга қарши бўлган лагерга ўтганман ва совет ҳокимиятига қарши фаол курашни бошлаганман. Мен 1918 йилда фактик жиҳатдан (расмий процедураларсиз) ўша даврда Ўзбекистонда пайдо бўлган «Миллий Иттиҳод» миллий аксилинқилобий ташкилотига ёлланганман. Шундан буён мен аксилинқилобий миллий фаолиятни бас қилмаганман. Кўп ҳамфикрларим турли вақтда фош этилган ва қатағон қилинган, менга эса совет жамоатчилиги ҳар доим «босим қилиш»ига қарамасдан, барибир охириги пайтгача фаол пантуркчилик ишини давом эттирганман.

**Савол:** Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда мавжуд бўлган пантуркчи аксилинқилобий ташкилот тўғрисида кўрсатма беринг.

**Жавоб:** Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда чет эл аксилинқилобий эмиграция билан алоқага эга бўлган кўп тармоқли пантуркчилик ташкилоти мавжуд. Ушбу ташкилот совет ҳокимиятини ағдаришга тайёргарлигини ва шарқий республикалар ҳудудида турк миллий-буржуа давлатини яратишни кўзда тутган. Мен ҳам ушбу аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси ҳисобланаман.

**Савол:** Пантуркчилик аксилинқилобий ташкилотнинг таркибини айтинг.

**Жавоб:** Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилинқилобий пантуркчилик ташкилотининг фаол аъзолари: *(матнда узилди)*

**Савол:** Пантуркчилик ташкилоти Ўзбекистондан ташқари яна қайси аксилинқилобий ташкилотлар билан алоқага эга?

**Жавоб:** Менинг билишимча, Ўзбекистонда мавжуд бўлган пантуркчилик ташкилоти Озарбайжондаги пантуркчилик ташкилоти ва Татаристон, Бошқирдистон ва Москвада жойлашган алоҳида пантуркчилар билан алоқага эга бўлган.

Озарбайжондаги пантуркчилар ташкилотни бошқараётган машҳур *(матнда узилди)*.

**Савол:** Ўзбекистонда пантуркчилик ташкилотининг амалий аксилинқилобий иши тўғрисида ўз кўрсатмаларингизни беринг.

**Жавоб:** 1922 – 1923 йилларда пантуркчилик ташкилоти босмачилик ҳаракатини қисқартиришга йўл олган пайтда қуролланган босмачиларнинг исёнчи кадрларни сақлаш мақсадида...

... бир вақтда Туркистон Республикасининг халқ хўжалигини бошқарган...

... пантуркчилик ташкилотининг ҳужжатларидан совет миллий республикаларини Совет Иттифоқидан айириш ва ягона турк-татар буржуа-демократик давлатини барпо этиш вазифаси аниқ кўринган эди. Маълумки, бу вазифа аксилинқилобий пантуркизмнинг охириги мақсади бўлган.

1920 йилда Бокуда Шарқ халқлари съезди бўлган, шу съездга пантуркчи арбоблар жўнатилган: ...

... совет ҳокимияти ва коммунистик партиёга қарши йўлланган. Ўшанда «Сиз қизил генералларингизни йўқотинг», – деб айтишган пантуркчилар. Лекин уларнинг олиб борган сиёсати мақсадга эришмаган...

... бошчилигида Туркистон делегациясининг «доҳийлар»и тўпланиб, совет ҳокимиятига қарши курашни кучайтиришга қарор қилишган ва босмачилик кучларини тўплаб, ушбу ҳаракатга очиқ пантуркистик шиорларни беришган. Шундай қилиб ... нинг босмачиларга кўшилиши пантуркистик ташкилотнинг съезддан кейинги қарори бажарилишига амалий қадам бўлган. Шу съезддан кейин Бокуда Шарқ халқларининг совети ташкил қилинган, шу советнинг доимий аъзолари яна пантуркчилар бўлган ...

... (бошқалари эсимда йўқ). Ушбу мажлисда, бундан ташқари, пантуркчилик ишини ҳамма томонлама фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинган.

1934 йили Москвада мен Рисқулов билан суҳбатлашдим. Унинг хизмат хонасида мендан олдин ... ҳам бўлган...

... миллатнинг ҳурматиға сазовор бўлган ходимнинг (Турор Рисқулов – Р.Ш.) иштироки бўйича афсусланганлиги қайд этилган.

... совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борган аксилинқилобий миллатчи миллий иттиҳодчи... *(матнда узилди)*



... мажлисларда ҳар доим совет ҳоқимияти билан кураш услублари ва тактика масалалари муҳокама қилинган.

1922 йилда шу мажлисларнинг бирида ... ташаббуси билан музокара қилиш учун аксилинқилобий мақсадларда қонуний имкониятлардан фойдаланиш масаласи қўйилди. Шу мажлисда аксилинқилобий пантуркчилик ишини олиб бориши учун шакл жиҳатидан «совет», мазмуни бўйича эса буржуача «Нашри маориф» жамияти – буржуа-миллий жамиятни ташкил қилиш қарорига келинди.

... ушбу мажлисда қатнашган ва музокарада ҳам, ушбу ташкилотни яратишда ҳам иштирок этган.

... Бу йилда (1922) ... уйида бўлган мажлисда пантуркчи адабиётни сотиб олиш масаласи муҳокама қилинган. Масала менинг ташаббусим билан қўйилган. Музокара қилиш натижасида ... сотиб олиш қарорига келинди. Шу вақтда Орскда... Шу мақсад учун маблағлар ташкилот томонидан ажратилган ... олганлар ... (матнда узилиш)

... (матнда узилиш) ташкилотнинг тадбир тўғрисида билган ва унинг амалда ўтказилишида иштирок этган.

1923 йилда (матнда узилиш) Фарғона областига босмачилик билан курашиш учун жўнатилган. Ушбу хизмат сафари тўғрисида (матнда узилиш) мажлисларнинг бирида ташкилотнинг аъзоларига маълум қилган; шу мажлисда мен ҳам қатнашганман. (матнда узилиш) таклифи билан мен ҳам у билан бирга газета ходими сифатида борганман, мендан ташқари у яна (матнда узилиш).

... айтганки, ҳозир, янги иқтисодий сиёсат киритилган пайтда, босмачиликка нисбатан ҳеч қандай чора-тадбирларни кўриш керак эмас, чунки босмачилар ҳаракати «ўз-ўзини йўқ қилади». Босмачилик совет ҳоқимияти зулм сиёсатининг натижасидир ва янги иқтисодий сиёсат бу зулмга нуқта қўйиши учун бутун омма босмачиликни ташлаши керак ... фикри билан (матнда узилиш).

Шу мажлисда «Дархон» номли, бу дегани «афв этиш», фронт газетасини ташкил этишга қарор қилинди. Бу газетада миллатчилик ғоялари илгари сурилган, хусусан, ўзим бир неча миллатчилик мавзусидаги шеърларни ёздим. Газетани (матнда узилиш) ўзим таҳрир қилганман, муҳаррир Тошкентга кетганда эса расмий равишда муҳаррир мен ўзим бўлганман.

### Газет чиқди, йўлдошлар!

*Андижонда «Дархон» деб газет чиқди, йўлдошлар,  
Ўқуш-билим кўпайса, камиб қолур авбошлар.*

*Газетани ҳар кимга ўқуб туруш лозимдир,  
Маълум бўлур дунёда бўлуб турган кенгашлар.*

*Қаю элнинг мактаби, газетаси кўпайса,  
Узоқ яшар, тинч яшар, қадрли ошар, қардошлар.*

*Ёзуб турсун газетга қалам тутқан ўртоқлар,  
Гулзор бўлур қаламнинг кўз ёшидан тоғ-тошлар.*

*Узоқ замон Фарғона қаттиг кунлар кечирди,  
Виждони бор инсонлар тўқуб турди кўз ёшлар.*

*Эмди умид ипини ушлаб турсақ ўрунлик,  
Алдамчилар фитнаси яқин бўлди тарқашлар.*

*Эл кўб еди калтакни, пишиди боши (Кетманқул),  
Энди енгни шимарлаб лозим ишга чирмашлар.*

**Кетманқул<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Дархон. 1923 йил 5 июль. 4-сон. – Б.2.



ئەدەبىيان:

گەزىت چىقىدى، يولداشلار!

ئەندىجاندىن «دارخان» دىب گەزىت چىقىدى يولداشلار،  
ئوقۇش - بىلىم كۆپەيسە كەمب قالور اوباشلار.

گەزىتەنى ھەر كىمگە اوقۇب تۇرۇش لازىم،  
مەلۇم بولور دۇنيادا بولوب تورغان كىنگاشلار.

قاىو ايلنىڭ مەكتەبى، گەزىتەسى كۆپەيسە  
اوزاق ياشار، تىنچ ياشار، قدىرى آشار قارداشلار.

يازوب تۇرسون گەزىتكە قەلەم تۇتقان اورتاقلار،  
گولزار بولور قەلەمنىڭ كوز ياشىدىن تاغ - تاشلار.

اوزاق زامان فەرغانە قاتتىغ كۈنلەر كىچىردى،  
وجدانى بار انسانلار توكوب توردى كوز ياشلار.

ايمىدى اومىد اىپىنى اوشلاب تۇرساق اورۇنلىك،  
آلدامچىلار فېتنەسى ياقىن بولدى تارقاشلار.

ايل كۆپ بىدى كەلتەكنى، پىشىدى باشى (كىتمەن فول)،  
ايندى بېگىنى شىمارلاب لارم اشگە چىرماشلار.

كىتمەن فول.

«Газет чикди، йўлдошлар!» шеърининг асл матни



## Қурбон

Кўча чанг... тупроқда кўз очиб бўлмайдир,  
Кун иссиғ, ҳарорат нафасни бўғадир.  
Кўча танг... тиқинда йўл очиб бўлмайдир,  
Юракда борлиққа зўр нафрат тугадир.

Тили йўқ, гуноҳсиз ва ювош ҳайвонлар  
Муқаддас ном билан юз минглаб сўюлур;  
Озмиди тўкилган шу қадар пок қонлар?  
Савоб деб, «қурбон» деб янами қуйилур?

Бир элким беш йилдир қонларга буланган;  
Отаси ўглини «душман» деб бўғадир;  
Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан таланган  
Ёш гўдак боласи: «Бир бурда нон!» – дейдир.

Очлиқ ҳам ҳар кун «қурбонлиқ» сўрайдир;  
Ҳар кун унга ҳам юзларча қурбонлар.  
Қирлиб-туғалиш даҳшати ўрайдир;  
Янами беҳуда гуноҳсиз, соф қонлар?

Бир бурда нони йўқ гўдакга бергали,  
Мингларча қўйи бор қурбонлиқ қилгали!..

### Қаландар<sup>1</sup>

(*матнда узилиши*) Фарғона областида бўлиб, «Миллий Иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаолиятини фаоллаштириш учун ҳар қандай чораларни кўрган, хусусан, у шахсан ташвиқот иши учун «Миллий Иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси машҳур иттиҳодчи (*матнда узилиши*) жалб қилган (*матнда узилиши*).

(*матнда узилиши*) чойхоналарда аҳолини йиғиб, русларга қарши адоватни тарқатиш йўли билан уларни совет ҳокимиятига қарши оёққа тургизган.

(*матнда узилиши*) Москвада ССР Иттифоқининг МИКи миллий советнинг котиби бўлиб, (*матнда узилиши*) билан яқин алоқада бўлган (*матнда узилиши*) (у бу пайтда (*матнда узилиши*) институтда (*матнда узилиши*) Москвада доимий вакил бўлган.

1934 йилдаги (тахминан июль ёки август ойида) (*матнда узилиши*) уларнинг суҳбатини

айтишга иложим йўқ, чунки уларнинг суҳбатидан мен иштирок этмаганман.

(*матнда узилиши*) жуда муҳим ва махфий суҳбат бўлган, чунки эшиклар қулфланган эди ва ҳеч кимни қабул қилишмаган. Бундан кейин тез кунда (*матнда узилиши*) менга яқин бўлишга ҳаракат қилган, у ўзига чақириб, атамашунолик бўйича алоҳида топшириқларни берган. Ўйлайманки, улар мени аниқ мақсад билан ўз таъсирларига олмоқчи бўлганлар.

(*матнда узилиши*) Ўзбекистонга у бу нарсани қилган. Ўзбекистонга қайтиб, мен ўз ишимни давом эттиришга мажбур бўлганман. Бунинг учун шароитлар яратилган эди, чунки ... яқин ... менга ҳам ёрдам берган.

(*матнда узилиши*) иккинчи тавсиянома ни берган. У ёзган: «Мен йирик адабиётчи ва сиёсий жиҳатдан ишончли одам (*матнда узилиши*)». Шунини тасдиқламоқчиманки, улар ҳаммаси бирга аксилинқилобий иш билан боғланганлар ва мени шахс сифатида сақлаш чораларини кўрганлар; шу йўналишда Ўзбекистоннинг бошқа масъул ходимлари ҳам ишлаган.

**Савол:** «Ўзбекистоннинг бошқа масъул ходимлари» деб кимларни назарда тутасиз?

**Жавоб:** Мен (*матнда узилиши*) тўғрисида айтмоқчиман. Гап шундаки, Москвадан Ўзбекистонгача бўлган йўлда мен (*матнда узилиши*) билан битта поездда келганман (*матнда узилиши*). Хусусий суҳбатлардан кейин у мени купесига чақирди, кейин эса (*матнда узилиши*) Москвада туриб ёзган, менинг Ўзбекистонга боришимни маъқуллаган, менинг моддий аҳолимни сўраган ва ҳоказо. Тошкентда, вокзалда (*матнда узилиши*) менга пул бериб, машинасида олиб борди ва зарур пайтда менга ёрдам беришини ваъда қилган. Тошкентда бўлиб, мен хизмат (*матнда узилиши*) борганман (*матнда узилиши*).

**Савол:** Сиз аксилинқилобий пантуркчилик ташкилотининг бошқа етакчилари тўғрисида кўрсатмаларни бермоқчи эдингиз. Бу тўғрисида айтиш имконингиз борми?

**Жавоб:** (*матнда узилиши*) инқилобдан олдин энг йирик пантуркчи бўлган. Шахсан ўзим у билан 1919 йилда Фарғонада танишганман,

<sup>1</sup> Дархон. 1923 йил 21 июль. 10-сон. – Б.2.



تهدەبىيات:

قوربان .

كوچەچەك... توپراقدا كوز آچپ بولمايدىر.  
 كون ئىسغ، حەرارەت نەفەسنى بوغادر.  
 كوچەتەك... تېقىندا يول آچپ بولمايدىر.  
يورەكدە بارلىققا زور نەفرەت توغادر.

تېلى يوق، گوناھسىز وە يوواش ھەيوانلەر،  
 موقەددەس نام بىلەن يۈز مكلەب سويولور؛  
 آزىمىدى توكلگەن شو قەدەر پاك قانلار؟  
 ئەواب دىب. «قوربان» دىب يەنەمى قۇيولور؟

بر ئىل كم، بېش يىلدر قانلارغا بولانغان؛  
 ئاتاسى اوغلىنى «دوشمان» دىب بوغادر؛  
 سوگ بوردە نانى ھەم قالماسدان تالانغان؛  
 باش گودەك بالاسى: «بر بوردە نان!» دىدر.

آچلىق ھەم ھەركونى «قوربانلىق» سورايدىر؛  
 ھەر كونى اونگە ھەم يۈزلەرچە قوربانلار.  
 قىرىلب- توگەش دەھشەتى ئورايدىر؛  
 يەنەمى بېھودە، گوناھسىز، صاف قانلار؟

بر بوردە نانى يوق گودەكگە بىرگەلى،  
 مكلەرچە قویى بار قوربانلىق قلغالى!..  
 قەلەندەر

«Курбан» шеърининг асл матни



бу ерда у область халқ таълими бўлими раҳбари ва «Янги Шарқ» пантуркчи газетасининг муҳаррири бўлган. Мен у томонидан шу газетанинг ходими сифатида таклиф қилинганман. Унинг яқин ходимлари (*матнда узилиш*) Қримдаги университетда ишлаганлар. Шу газетада ҳар доим рад этишсиз менинг миллатчиликка оид материалларим чоп этилган. У область халқ таълими бўлимини бошқарган пайтда Фарғонанинг деярли ҳамма шаҳарларидаги ўзбек мактабларида, бундан ташқари, область ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларида турк офицерлар ҳарбий асирлари ишлаганлар. Кейин мен уни Тошкентда у маориф халқ комиссари бўлган пайтида учратганман. У вақтда у ўзини (*матнда узилиш*), у пайтда раҳбарлик қилган Назир Тўрақуловнинг тўғри директиваларига асосан аксилинқилобий пантуркчи ташкилотнинг қуйидаги тадбирлари ўтказилган:

1. Еттисув ва Фарғонада кўчирилган русларга нисбатан қатағонлар. Жалолобод райони (уезди)да машҳур пантуркчи Сайидали Султонов қатағонларни амалга оширган; у менга шу қатағонларнинг шафқатсизлиги (оммавий отувлар) ва уларнинг вайрон қилувчи оқибатлари тўғрисида сўзлаб берган.

2. Ҳар ерда бўлган шаръий судьяларнинг съездларини ташкил қилиш. Шу съездларда пантуркчилар ўзининг аксилинқилобий ишини ўтказган.

3. Ўзбек тилида «Инқилоб» журналин ташкил қилган, шу журналда доимо менинг ... асарларим чоп этилган ... Нукул диний ислоҳот мазмунига эга бўлган «Ҳақиқат» журнали ... Шу журналнинг муҳаррири (*матнда узилиш*) Н. одами бўлган. Шу журналда асосан исломнинг ислоҳотини замонавий руҳда амалга оширишга ҳаракат қилган муллалар, яъни пантуркчилар ишлаганлар, масалан, (*матнда узилиш*). У охириги журналларнинг бирида машҳур пантуркчи арбоб (*матнда узилиш*)нинг мақоласини берган, уни «бизнинг даҳомиз» деб айтган, шу мақолада пантуркчилар ва панисломчиларнинг умумий ғоясини илгари сурган ва шундай қилиб совет ҳокимиятига қарши ягона фронтни ташкил этган. Шу ерда, бун-

дан ташқари, (*матнда узилиш*) чоп этилган. (*матнда узилиш*) шундай исломий сиёсатнинг даҳоси деб, у ўз-ўзи «Назад к Асри Саадати» деб айтган, бу дегани «Пайғамбарнинг бахтли асри сари» дегани.

1923 йилда (*матнда узилиш*) раҳбарлик ишидан бўшатиладан кейин ва Москвага бормоқчи бўлган пайтда у (*матнда узилиш*) ҳузурда бўлган ва у билан шахмат ўйнаганда (*матнда узилиш*) унга айтган: «Сен Москвани ютқазгансан (*матнда узилиш*)». (*матнда узилиш*) жавоб берган: «Мен кичик фигураларни ютқазиб йўли билан рақибимнинг ишончини қозониш ёки уни ҳушёрликдан чалғитиб, кейин энг жиддий пайтда ҳужум қилиб ютмоқчи эдим» (*матнда узилиш*).

Москва билан (*матнда узилиш*) ва бу нарса унинг Москвага нисбатан ишонч сиёсатининг оқибати бўлган. Бундан кейин мен у (Назир Тўрақулов – Р.Ш.) билан Москвада 1925, 1926, 1927 йилларда у Марказий (*матнда узилиш*) бошқарув раиси бўлган пайтда учрашганман. ... ўзининг хонадонидан 1931 йилнинг охирида, у чет элдан қайтганда (Жидда шаҳридан, у ерда у совет (*матнда узилиш*) бўлган) (*матнда узилиш*).

«Сабрли бўлиш керак, сўкишса, ҳеч нима, бу фойдали нарса, сизлар чиниққан ва мустаҳкам одамлар бўласизлар». Шу ерда у бизга турк тилида чиройли чоп этилган китобни кўрсатди, шу китобни унга унинг ҳамкасби, у билан дўстона муносабатда бўлган Арабистондаги Туркия элчиси совға қилган. Бу китобда Туркия элчиси (консули) имзоси билан бағишлов бор. Китобда Мустафо Камолнинг фикрларидан ҳикматли сўзлар бор. Мен у ерда дарров шу китобни тез қараб, (*матнда узилиш*)га қайтардим. Бу Туркия консули ҳақида у жуда яхши баҳо берган ва у билан жуда дўстона муносабатларда бўлганлигини айтган. Унинг фамилиясини айтмаган.

(*матнда узилиш*) билан кейинги бўлган учрашувим у чет элдан охириги қайтишида, 1936 йилнинг охирида бўлган. Уни Москвада 1936 йилнинг май ойигача кутишганлиги тўғрисида унинг укаси Қодирдан билиб олдим, кейин курортдан қайтиб, мен телефон орқали унинг



келишини билдим ва унга қўнғироқ қилдим, у дарров мени қабул қилди. Ушбу қабулида биз Туркиянинг ҳар хил соҳадаги охириги ютуқлари тўғрисида гаплашганмиз. Эски Туркиядан ҳеч нима қолмаган деб айтдик. Бундан ташқари, Тўрақулов (Назир – Р.Ш.) Ибн Сауд ҳам туркларнинг хизматларидан фойдаланиши тўғрисида айтган. Хусусан, у айтдики, Арабистонда турклар ҳарбий ишларни бошқарадилар, қўриқлаш ва полиция ишларини олиб борадилар. Шу ерда у (*матнда узилиш*) тўғрисида сўраган (*матнда узилиш*), пантуркчилар қандай яшаб ишлаганлиги билан қизиққан.

Тахминан 1935 йилда (*матнда узилиш*) араб тилида катта асарни (Миср нашри) кўрсатган (*матнда узилиш*) китобни ўзида қолдириб, менга суратли Миср журналининг битта сонини берган.

1921 йили Еттисувнинг Хитой чегарасида иккита қочиб ўтмоқчи бўлган кишилар ушланган, (*матнда узилиш*) ёзувчи, миллатчи, иккинчисининг фамилияси эсимда йўқ, улар иккови япониялик интервентчиларга борганлар ва уларга (японларга) пантуркчилик ташкилотидан мурожаатномани етказишга мажбур бўлганлар, лекин ЧК органлари томонидан ушланганлар.

Шу қочиб ўтмоқчи бўлган кишиларнинг ҳибсга олиниши боис пантуркчилик ташкилотининг раҳбарияти безовталанган, хусусан, (*матнда узилиш*) шахсан Тошкентда бўлган суд жараёнига аралашиб, сотқинлар бундан кейин озод бўлишига ёрдам берганлар.

**Савол:** Энди сиз профессор (*матнда узилиш*) пантуркчилик амалий ишига таъриф беринг.

**Жавоб:** (*матнда узилиш*) 1914 йилда, у Самарқандда машҳур жадидчи арбоб Беҳбудий томонидан чоп этилган пантуркчиликка доир «Ойна» журналида ишлаган пайтида, у пантуркизм ғояси тарафдори бўлган. Кейин эса (*матнда узилиш*) ҳаваскор актёр бўлиб спектаклда қатнашган, шу спектаклдан келган маблағлари 1914 йилнинг рус-турк уруши пайтида жабрланган мусулмонлар фойдасига ўтган. Шу боис у Бухородаги қушбегидан мансаб олган ва шундай қилиб мусулмон аҳоли ичида машҳур бўлган.

Кейин мен уни 1917 йилда Самарқанддаги миллатчилик газетасининг муҳаррири мансабида кўрдим. Шу газетага (*матнда узилиш*) мен ўзимнинг шеърларимни берганман.

(*матнда узилиш*) шеърларимни газетага жойлаган, мен билан саломлашган ва аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбияланган.

Менинг у билан шахсий таниш бўлишим Тошкентда 1919 йилнинг бошларида бўлган. Унинг аксилинқилобий фаолияти бу пайтда қуйидагилардан иборат бўлган:

1. У «Чиғатой гурунги» аксилинқилобий жамиятини ташкил қилган, шу жамиятга фаол (*матнда узилиш*) тил ва имло соҳасида маданий ислоҳот мақсадларини (*матнда узилиш*), аслида эса ўзбек зиёлилари ўртасида аксилинқилобий пантуркчилик ишини олиб борган.

Унинг бошчилигидаги шу жамият Чиғатой феодализмнинг «Олтин асри»ни ташвиқот қилган. Ўша пайтдаги арабчилик ва форсчилик унсурларига эга бўлган ўзбек тили аҳолининг катта оммаси учун оғир бўлган ва у пантуркчилик ғояларини ташвиқот қилиш учун оммага «тушунарли» бўлган тил учун курашган. «Чиғатой гурунги» жамияти янги имло учун курашган. Бу мақсадда махсус пантуркчилик руҳида дарсликлар тузилган, матбуотда доимий тадбирлар ўтказилган, менинг томонимдан шакл жиҳатдан энг оммавий, мазмун бўйича миллатчилик руҳида шеърлар, мақолалар, очерклар кўринишидаги ёрқин намуналар берилган.

«Чиғатой гурунги» жамияти бошидан катта ташвиқот маъносини (*матнда узилиш*) берган. (*матнда узилиш*) пантуркчиларнинг оммасига мусиқада ҳам таъсирини таъминлашга ёрдам берган мусиқали драмани ёзган.

2. Жамиятнинг деярли ҳамма аъзолари маданий фронтнинг ҳар хил соҳаларида аксилинқилобий ишни олиб борган ва улар ҳаммани (*матнда узилиш*) бошқарган, шуниси билан жамиятнинг энг катта аксилинқилобий тадбирларида Фитрат шахсан қатнашган. Масалан, имло масаласига бағишланган бир конференция пайтида (1919 йилда) маърузачи (*матнда узилиш*) бўлган. Бу конференция пантуркчилик руҳида бўлган.



3. (матнда узилиш) жуда катта эътибор янги кадрларни тарбиялашга қаратилган. «Тонг» журнали ишига у томонидан Боту ва Санжарлар жалб этилган. (матнда узилиш) уларни аксилинқилобий руҳда тарбиялаган.

(матнда узилиш) бундан ташқари, чет элда янги кадрларни тарбиялашга катта аҳамият берган. Унинг ташаббуси билан пантуркчилар жамияти томонидан Туркистон Республикасидан чет элга ёшларни жўнатишга пул йиғиш учун «Кўмак» жамияти ташкил қилинган. Шу жамиятда етакчи ролни унинг иштирокчилари Боту ва (матнда узилиш) (Германияда қолган) ўйнаганлар. Боту шахсан ўзи шу жамиятга студентларни жалб қилган.

(матнда узилиш) ёллаш ёш пантуркчиларнинг маблағларига ўтказилган.

Бухорога келганда (матнда узилиш) 1920 йилда пантуркчилар маркази билан келишиб яна шу масаласини кўтарган. Бухородаги мактабларда ўқиётган ёшларни чет элга жўнатган.

4. 1919 – 1920 йилларда (матнда узилиш) Тошкентдаги афғон консулигида таржимон сифатида хизмат қилган. Унинг сўзлари бўйича, у консулик раҳбарлари билан жуда яқин муносабатда бўлган. У жуда мақтаб йирик (матнда узилиш) тўғрисида фикр айтган (матнда узилиш) афғон консули билан разведка тўғрисида (матнда узилиш).

5. Адабиёт соҳасида пантуркизм ғояларини кенг ташвиқ қилиш ва кадрларни пантуркизм руҳида тайёрлаш мақсадларида Фитрат Тошкентда 1920 йилда «Тонг» журналини ташкил этади. Бухородаги инқилобнинг бошидан (матнда узилиш) инқилобга қарши чиққан. Бир куни Фитратнинг ўзи бу соҳада бир амир амалдорига тан олган (матнда узилиш). Бу воқеа менинг иштирокимда 1921 йилда Бухородаги (матнда узилиш) уйининг бош меҳмонхонасида бўлган. У амалдорга форс тилида айтган: «Биз ахир бундай инқилобни хоҳламаганмиз, тақсир». Бухородаги инқилобдан кейин (матнда узилиш) Бухорода яшаб, албатта, (матнда узилиш) билан энг яқин муносабатда бўлган.

1921 йилда мен бир неча марта (матнда узилиш)га келишларимда (матнда узилиш) кўрганман ва унинг ишчилари ҳар доим (матнда узилиш).

(матнда узилиш) 1920 йилда мусиқа мактаби ташкил қилинган, бу мактабда фақат эски форс ва турк наволари ўргатилиб, тараннум этилган.

Биламанки, Самарқанддаги мусиқа институти норасмий жиҳатдан (матнда узилиш) томонидан бошқарилган.

(матнда узилиш) 1930 йилда ташкилот барбод бўлган, Боту ва бошқалар ҳибсга олинганлар (матнда узилиш).

1925 – 1929 йилларда Самарқанд шаҳрида атамашунослик ва янги алифбо масаласи бўйича конференция ўтказилган, шу ерга марказдан келган делегатлардан ташқари миллий республикалар вакиллари ҳам келганлар, масалан: (матнда узилиш).

Конференция жараёнида аксилинқилобий пантуркчилик ғояларини етказишда қуйидаги ўзбек миллатчи-пантуркчилар фаол иштирок этганлар: (матнда узилиш)

Айтишим керакки, конференция ишлаган пайтида пантуркчилар параллел равишда ўзларининг мажлисларини ўтказишган, шу мажлисларда пантуркчилик масалаларини муҳокама қилишган. Шахсан мен шу конференцияларда иштирок этмаган бўлсам ҳам, лекин менга бу иштирокчилар ахборотидан маълум, хусусан, битта шундай мажлис Абдулло Алавий уйида бўлган, Абдулло ўзи бунини менга айтган.

Бу конференцияда тақдим этилган пантуркчилар чуқур ниқобланган иккиюзламачилик сиёсатдан самарали фойдаланган, масалан, пантуркчиликнинг энг атоқли ғоячиси Чабанзода ушбу конференцияда совет зиёлиларининг ашаддий вакили сифатида чиққан, лекин, маълумки, Чабанзода ҳамма миллий республикаларда пантуркчиликнинг энг йирик ва тан олинган раҳбарлардан бири ҳисобланади.

Пантуркчилик ташкилотининг ҳозирги вақтдаги сиёсий аксилинқилобий ишлари ҳа-



қида ўзимнинг кўрсатмаларимни кейинги сўроқда бераман.

Баённома менинг сўзларимдан тўғри ёзилган, ёзилганини ўқидим.

Сулаймон Абдуҳамид.

Сўроқ қилдим: ЎзССР НКВД УГБ 4-нчи бўлимининг 3-нчи бўлинмаси бошлиғи ёрдамчиси Тригулов.

**1937 йил 1 ноябрь** куни терговчи Тригулов А.Сулаймоновни тергов қилиш тугагани муносабати билан унга шундай савол берган: «Сизга тергов тугатилгани эълон қилинган ва тергов материаллари билан танишиб чиққансиз. Айтинг-чи, қандай эътирозларингиз бор ва нималар билан терговни тўлдиришингиз мумкин?»

**Жавоб:** Тергов материаллари билан танишиб чиқдим, тергов тугаганлиги тўғрисида менга хабар қилинди, терговга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Терговга ҳеч қандай қўшимчалар қила олмайман. Имзо: Чўлпон.<sup>1</sup>

**1938 йил 29 сентябрда** Давлат хавфсизлиги хизмати бошқармаси 4-бўлим бошлиғи ўринбосари, Ўрта Осиё ҳарбий округи вақтинчалик прокурори Сменшиков Абдулҳамид Чўлпонни тергов қилган.

**Савол:** Аксилнқилобий ташкилотда иштирок этганингиз тўғрисида терговда берган кўрсатмаларингизни тасдиқлай оласизми?

**Жавоб:** Ҳа, аксилнқилобий фаолиятим ва аксилнқилобий ташкилотда иштирок этганлигим ҳақида терговда берган маълумотларимни тасдиқлайман.

**Савол:** Терговга шикоятларингиз борми?

**Жавоб:** Терговга ҳеч қандай шикоятларим йўқ. Кўрсатмаларим ўз оғзимдан ёзиб олингани ва менга ўқиб берилганлиги учун имзо чекам. А.Сулаймонов.

**1938 йил 2 октябрда** Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси 4-бўлим бошлиғи ўринбосари, Давлат хавфсизлик хизмати катта лейтенанти Полосов Сулаймонов Абдулҳамид (Чўлпон)ни тергов қилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архиви, П 978056, 68-варақ.

**Савол:** Файзулла Хўжаевни сиз анчадан бери биласизми?

**Жавоб:** Мен уни Бухорода 1921 – 1922 йилларда «Озод Бухоро» газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган вақтимдан бери биламан. Биз бир-биримизни билганмиз, бироқ ҳеч қачон бир-биримизни тушуна олмаганмиз.

Мен уни иккинчи марта Самарқандда 1928 – 1929 йилларда хотинимни излаш чоғида кўрганман...

Уни учинчи марта Самарқандда ҳинд Сайид Афанди билан учрашганда кўрганман. Имзо: Чўлпон.

**Савол:** Нима ҳақида гаплашгансизлар?

**Жавоб:** Суҳбат фақат дори-дармон ўсимликлари ҳақида, уларнинг ёрдами билан Сайид Афанди даволагани ва дори-дармонларни яхши билиши ҳақида бўлган.

**Савол:** Терговчи сизга ишонмайди. Жосус билан бирга тонмоқдасиз. Дори-дармон ўсимликлари тўғрисида гаплашганингиз мумкин-дир. Бироқ энг асосий мавзу жосуслик иши ҳақида бўлган. Шунга тўғри жавоб беринг. Нима мақсадда сиз унинг квартирасига таклиф қилингансиз, инглиз разведкачиси Сайид Афанди, сизнинг дўстингиз, қаерда турибди?

**Жавоб:** Мен бу учрашув тўғрисида бошқа ҳеч нарса айта олмайман. Бу квартирада нима ҳақида гап борганини эслай олмайман. Имзо: Чўлпон.

**Савол:** Юзма-юз учраштирилганда сиз Сайид Афандидан пул олганингиз ҳақида нотўғри хабар бергансиз. Нима учун ўша пулни олгансиз?

**Жавоб:** Мен Сайид Афандидан ҳеч қандай пул олмаганимни мутлақо тасдиқлай олмайман. Имзо: Чўлпон.

**Савол:** Терговга аниқ маълумки, сиз Фитрат билан 2 октябрда учрашганингизда Сайид Афанди билан бўлган учрашув тасодифий характерга эгами? Сиз инглиз жосуси билан учрашганингизни тан оласизми?

**Жавоб:** Буни тасдиқлай олмайман, чунки бу нотўғри. Жосус билан менинг ҳеч қандай алоқам бўлмаган.



**Савол:** Ғулом Зафарий билан Сайид Афандининг сўнги йилларда алоқаси борлиги сизга маълумми?

**Жавоб:** Сайид Афанди билан сургундан қайтганимдан кейинги йилларда алоқам бўлганини маълум қиламан. 1935 йили у менга Самарқандда турганлигини, 1937 йил бошларида Сайид Афанди Тошкентга келганини айтган.

**Савол:** Нима муносабат билан у сизга шу воқеалар ҳақида гапирди?

**Жавоб:** Мен ундан Сайид Афанди қаердалигини сўраганимда у қандли диабет билан оғриганини маълум қилди.

**Савол:** Тошкентда Сайид Афанди билан сиз учрашганмисиз?

**Жавоб:** Ҳа, 1937 йил бошларида Сайид Афанди билан Тошкентда учрашиб, Афандининг уйида бўлганман. Бу учрашув тасодифан бўлган. Сайид Афандининг оиласини ҳам кўрганман, қўшниси ўзбек бўлган, унинг фамилиясини сўрамаганман, у ерда яна иккита ёш йигитлар бўлган, ўзбеклар, уларни билмайман, аввал учрашмаганман.

**Савол:** Сиз Сайид Афанди билан бўлганингизда Ғулом Зафарий ҳам бирга бўлганда нималар ҳақида гаплашгансиз?

**Жавоб:** Яна дори-дармон ўсимликлари ҳақида гаплашганмиз, бундан ташқари, Сайид Афанди Самарқанддан Тошкентга келгани, чунки у ерда ўзининг катта ёшдаги болаларини тарбиялаш қийин кечаётгани, мен бунинг сабаби жиддий эмаслигини тушундим, чунки Самарқанд университетидеги ҳолатга аҳамият бермаганлигим бўлса керак.

**Савол:** Яна сиз Сайид Афанди билан қаерда учрашгансиз?

**Жавоб:** Бундан ташқари, Сайид Афанди билан ҳеч қаерда учрашган эмасман. А.Сулаймонов. Имзо.

Кўрсатма ўз оғзимдан ёзиб олинган, сўзлар тўғри, менга ўқиб беришди, шу боис имзо чекдим. А.Сулаймонов.

Абдулҳамид Чўлпоннинг айблов ҳужжатлари орасида миллатдошларимиздан бири бўл-

ган шахснинг (айрим ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда унинг кимлигини сир сақлаган ҳолда) қаламига мансуб қуйидаги матнни эълон қилишни лозим билдик:

### ЧЎЛПОН КУНДАЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ашаддий аксилинқилобий буржуа миллатчиси Чўлпоннинг кундалиги аксилинқилобий ғоялар тўплами, эсдаликлари ва совет ҳокимиятига қарши, улў рус халқига қарши қаратилган кундалиқдир.

Чўлпон ўзининг совет ҳокимиятига қарши изчил кураши тўғрисида кундалиқ юритиш билан чекланмаган. Кейинчалик жадиждлар бошчилигидаги аксилинқилобий ташкилот курашини қисман ёзиб борган.

Кундалиқдан кўриниб турибдики, ҳали биз кўп сирларни очганимиз йўқ, ҳамон кўплаб шахслардаги ниқоб олиб ташланган эмас. Чўлпон кундалиги кўплаб чўлпончилар юзини очиб ташлайди. Бу шахслар биз билан бирга яшамоқда, кўринишидан улар совет ҳокимияти тарафдорлари, аслида эса қалбларида советларга қарши душманлик эриб бормоқда. Улардан айримлари санъат ва адабиётда яшамоқда.

Чўлпон кундалигидан яққол намоёнки, бу шахслар... ўз ишларини зимдан олиб бормоқдалар, кўринишда эса совет фуқаролари сифатида бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Чўлпон сўзи билан айтганда, бу кундалиқдан ташқари яна бири Бухорода, бошқаси Москвада ёзилган. Москвадаги кундалиқ аксилинқилобий сирлар билан лиммо-лим тўла, шу боис бу кундалиқни ўз қўли билан ёзиб юрган. Чўлпоннинг бу кундалиги бошидан охиригача аксилинқилобий, зарарли, заҳарли ғоялар ва сўзлардан иборат бўлган.

Чўлпон аксилинқилобий ташкилот мағлуб бўлганини эътироф этади, у ўзини ва дўстларини юпатиш учун бу ғалаба вақтинчалиқдир дейди ва уларни мағлубликдан ғалаба қилишга даъват этади.

1926 йил 29 ноябрдаги кундалигида шундай ёзган: «**Санъат ҳарамига ёввойи бўрон ки-**



**риб келди, бир неча жуфт олтин идиш ва хрустал пиёлалар тўнтариб юборилди... винолар тўкилиб кетди, идишлар чилпарчин бўлди... мағлубият ҳам ғалаба сари боринг. Бизнинг қанотимиз синди, бизнинг шишали чироғимиз ўчди, ҳассамиз синди, қоронғи йўлдан боряпмиз, мақсаддан ҳануз хабар йўқ».**

Бу эсдаликлар, балки, «Қосимовчилик» ва «Қизил қаламчилик» тор-мор қилингандан кейин ёзилган бўлса керак.

«Санъат ҳарамига ёввойи бўрон кириб келди» иборасининг маъноси большевиклар санъатга ўз одамларини, ўз ғояларини киритдилар, «бир неча жуфт олтин идиш, хрустал пиёлаларнинг тўнтариб юборилиши», демак, аксилинқилобчилардан бир неча шахс фош этилган маъносини англатади.

Чўлпон 1927 йил 12 февралдаги эсдалигида улуғ рус халқига қарши шундай ёзган: «Сенинг оқ юзингни эсдан чиқармоқ учун юзни берки-тиб турадиган қора тўрпарда кийиб олиш зарур. Сарик дарё суви парчаланиб кетган улуғ балиқнинг қонидан озиқланади». Оқ юзли сарик дарё иборасидаги сўзлар – бу руслар ҳақида авваллари ва ҳозирда руслар қарға, булут, тўқ сарик, бўрининг қонли панжаси маъносини англатади.

Чўлпон ўзининг заҳарли ғояларини шеърларида шундай ифодалайди:

«Шу ерда Москва ҳар бир истеъмолчига эҳтиёжига яраша

Бир сиқим, бир кучоқ билан беради.  
У «Москва қизи» деб фахрланиб,  
Бу пойтахтнинг қалбаки аксидир.

\* \* \*

Сендан олмасдан бир бўлак ҳам ютолмас,  
Унинг ҳамма ўй-хаёли олишда.  
Кўп олиб, чўнтагини қаппайтиради,  
Берса ҳам қабрдан ташқари нима беради?

\* \* \*

..... сенинг жойинг эмас!  
Эй чанқоқ ўлка, «Пахта водийси»!

Эй Москванинг 60 йиллик дўсти!

Москва ҳалиям ўша-ўша, эски, «олиб, бермайди».

\* \* \*

..... дан хат  
Автомобиль тагида йўқолгансан,  
Шунинг учун ҳаётинг ҳам йўқ бўлган.  
..... поклигига шубҳа бор.

\* \* \*

«Сенга, ўзбек, ким айтди туғилинг деб?  
«Бахтсизлик» – ўзбекнинг йўлдоши.  
.....  
.....

Чўлпон шу сўзлари билан руслар ўзбеклар учун юқумли касалликларни юқтирувчиси-дир деб айтмоқчи. У ҳамма рус аёлларини «бузук», «фоҳишалар» деб айтмоқда. Чўлпоннинг фикрича, рус аёли «кўча аёли»дир. Москва эса («Москва» сўзи остида у бутун рус халқини назарда тутган) ўзбекларни таловчисидир. Чўлпоннинг фикрича ва юқорида баён этилган шеърлари мазмуни бўйича, руслар 60 йил мобайнида ўзбекларни таламоқдалар.

Шеърларида аксилинқилобий ғояларни илгари суришни давом эттириб Чўлпон халқ душмани (матнда узилиш)нинг қандайдир (матнда узилиш)га ёзган хатларининг йўқолганлиги учун қайғуради. Унинг фикрича, хатларни йўқотиш билан унинг ҳаёти ҳам йўқликка маҳкум бўлди, лекин шу хатларнинг мазмуни кундалигида мавжуд эмас.

Менимча, шу хатлар жуда ҳам муҳим, эътиборга лойиқ бўлган.

Чўлпон имкон борича шеърларида совет ҳокимияти ва буюк рус халқи номига ҳар хил тўхмат ва ҳақоратларни майдонга ташлаган. Бу нарса унинг кундалиги билан тасдиқланади, чунки унинг кундалиги бошидан охиригача аксилинқилобий сўзлар, аксилинқилобий ғоялар, аксилинқилобий хотиралар билан тўлдирилган».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архиви материалларидан.



# ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВАЗИРИ ОБИДЖОН МАҲМУДОВНИНГ ҲАЁТИДАН КИЧИК БИР ЛАВҲА

Р.Шамсутдинов, Н.Комилов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган селекторда шундай деди: «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур».<sup>1</sup> Миллий тарихимизда халқ орасидан етишиб чиққан, юрт озодлиги ва равнақи учун жон олиб, жон бериб курашган давлат, жамоат арбобларининг ўрни ва роли беқиёсдир. Подшо Россияси ва совет мустамлакачилиги даврида буюк омма етакчилари, эл-юрт тақдири учун курашиб, бу муқаддас юмушда халқ орасида маълум ва машҳур бўлган таниқли шахсларнинг ўрни ва роли бениҳоя катта бўлган. Ана шундай сиймолардан бири мустамлака Туркистонда миллий матбуотга тамал тошини қўйган, мустамлакачилик зулмига қарши кураш олиб бориб, миллий Мухториятни юзга келтиришга катта ҳисса қўшган ва ана шу миллий давлатчилигимизда озиқ-овқат вазири даражасига кўтарилган сиймолардан бири



Обиджон Маҳмудов. Москва. 1918 йил

<sup>1</sup> <https://xs.uz/uzkr/post>.



Обиджон Маҳмудовдир. Унинг ҳаёт йўли ва тақдири ҳақида истиқлол йилларида мақолалар юзага келган, Ўзбекистон тарихига оид дарслик ва қўлланмаларда унинг номи тилга олинган, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини яратиш жараёнида бу инсон ҳаёти ҳақида айрим мисоллар, лавҳалар келтирилган, холос. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бунинг сабабларидан бири – кўплар қатори Обиджон Маҳмудов ҳақидаги бор ҳужжат ва

материаллар махфийлик тамғаси остида сақланиб келган, улардан фойдаланиш имконияти йўқ эди. Истиқлол берган неъматлардан бири архивларда махфийлик тамғаси билан сақланиб келаётган ҳужжат ва материаллардан тадқиқотчилар фойдаланишлари учун имконият яратилганлигидир. Мазкур илмий ахборотда Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид янги топилган ҳужжат ва материаллардан айримларини сиз муҳтарам журналхонларга ҳавола этамиз.

**Фарғона области ҳарбий губернатори, область бошқармаси хўжалик бўлими.  
2-стол. 1913 йил 1 март. №5685. Скобелев шахри  
ГУВОҲНОМА**

Қўқон шаҳрининг тўртинчи қисмида Ҳайдарбек маҳалласида, ўз уйида яшовчи 2-даражали савдогар Обиджон Абдухолиқович Маҳмудовга берилди шу ҳақдаким, 1906 йил цензура ва ноширлик тўғрисидаги низомнинг 114-моддасининг иловаси асосида «Нашри Обиджан» деб номланган маҳаллий газетани Қўқон шаҳрида ҳафтасига 3 марта қуйидаги дастур бўйича нашр этишга рухсат берилади: 1) эълонлар, 2) агентлик телеграммалари, 3) бошқа газеталардан хабарларни қайта чоп этиш: а) тижорат ва саноат маълумотлари, б) янгиликлар ва кашфиётлар, в) воқеа-ҳодисалар, д) ҳукумат буйруқлари ва эълонлари.

Обуна баҳоси 1 йилга – 6 рубль, ярим йилга – 3 рубль 50 тийин, 3 ойга – 2 рубль, 1 ойга – 1 рубль ва алоҳида 1 дона газета нархи – 5 тийин.

Нашрнинг тамомига ҳам ношир, ҳам масъул муҳаррир Маҳмудов ҳисобланади.

Газета Маҳмудовнинг Қўқон шаҳридаги хусусий босмахонасида чоп қилинади.

Ҳукумат муҳри илова қилинган имзо билан тасдиқланган.

Гербли марка тўлови қилинган.

Ҳарбий губернатор вазифасини бажарувчи: Полковник /имзо/

Губернатор ёрдамчиси вазифасини бажарувчи: /имзо/

Маслаҳатчи вазифасини бажарувчи: Подполковник /имзо/

Иш юритувчи: /имзо/ <sup>1</sup>

**Фарғона области ҳарбий губернатори Жаноби Олийларига**

*Рус ва маҳаллий тилдаги «Ферганское эхо» газетасининг ношир-муҳаррири, Қўқон ш., Эски шаҳар, Ҳайдарбек маҳалласи, хусусий уйида яшовчи, қўқонлик 2-даражали савдогар Обиджон Абдухолиқович Маҳмудовнинг*

**ИЛТИМОСНОМАСИ**

Сиз Жаноби Олийлари томонидан менга 31 майда 12256-рақам билан берилган ижозатга мувофиқ «Ферганское эхо» газетасини рус ва ўзбек (мусулманский) тилларида ҳафтада уч марта нашр ва таҳрир қилишимга рухсат бергансиз.

<sup>1</sup>ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 29440-иш, 154-варақ.



Ҳозирда душманни келгусида Европанинг маданиятли халқларининг тинчлиги ва осойишталигини бузиш имконларидан маҳрум қилиб, Буюк Россиянинг ҳар тарафи уларни даф қилиш истаги билан ягона қудратли оқимга, яқдил фикрга бирлашган. Бундай тарихий даврда матбуот хизмати ва унинг вазифалари давлатнинг тинч-осойишта пайтларига қараганда янада масъулиятли ва мураккаброқ ҳисобланади. Хабарлар жуда тез келмоқда ва уларни ҳатто ҳар кунлик мунтазам матбуот ҳам фақат зўр куч берибгина қайд этиши ва акс эттириши мумкин. Мен нашр этаётган газета ҳафтада 3 марта чоп этилади ва, табиийки, бу ҳолат газета ўқувчи мусулмонларнинг ҳам, русларнинг ҳам талабини қондира олмайди. Матбуот вазифаларини тўлиқ бажариш, шунингдек, уруш даври воқеалари билан ортган жамоатчилик талабларини қондириш учун мен Жаноби Олийларига камтарона илтимос билан мурожаат қилиб, рус тилида «Ферганское эхо» ва маҳаллий тилда «Садойи Фарғона» газеталарини жорий дастурга мувофиқ ҳар кунлик қилиб нашр этишимга рухсат беришингизни илтимос қиламан. Фақат обуна тўлови қуйидаги тартибда ўзгаради: йиллик обуна тўлови 6 рубль, олти ойга 3 рубль, 3 ойга 1 рубль 75 тийин ва 1 ой учун 70 тийин. Гербли марка тўлови 2 рубль 50 тийинни илова қилмоқдаман.

Қўқон шаҳри, 1914 йил 1 август.

/имзо: Маҳмудов<sup>1</sup>

Қўлимизда ОГПУ (Объединённое государственное политическое управление – Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) Шарқ бўлими 2-шубаси ваколатли ходими томонидан 1926 йил 31 августда тўлдирилган Обиджон Маҳмудовни Жиноят кодексининг 62-моддаси билан айблаш ҳақидаги баённома. Унда Обиджон Маҳмудов инқилобга қадар Туркистонда таниқли миллий арбоб сифатида Қўқон шаҳрида «Садойи Фарғона» газетасини чиқариб турганлиги қайд этилган. Обиджон Маҳмудов 1917 йили Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонлари қурултойини чақириш ташаббускорларидан бири бўлгани, съездда Туркистон Мухторияти раҳбар органига сайлангани, унга озиқ-овқат вазири лавозими берилгани таъкидланган. Унинг ташаббуси билан Эргаш бошчилигида миллий қўшин ташкил этилгани, бу қўшинга ҳарбий асир бўлган турк зобитлари ҳам жалб қилингани, улар қуроллантирилгани кўрсатиб ўтилган. Қўқондаги ҳукумат тор-мор этилгандан сўнг Маҳмудов таъқибдан қочиб, 1920 йил бошларида совет ҳокимияти олдида ўзи учунгина эмас, ҳукуматнинг бошқа аъзолари учун ҳам амнистия сўраган. Боқудаги Шарқ халқлари съездига вакил бўлиб сайланган Маҳмудов Анвар пошо билан бўлган махфий кенгашда иштирок этгани, шунда мутаносиблик асосида

давлат тузиш бўйича иш олиб боришга келишилгани, Туркистонга келиши билан босмачилик билан алоқа ўрната бошлагани айтилган. 1921 йили босмачилар билан алоқаси борлиги ва инглиз-япон интервентларини чақиришга уринганликда айбланиб қамоққа олинган. Маҳмудов ўз атрофига миллий арбобларни тўплаб нолегал ишга ўтгани, конспиратив йиғилишлар ташкил этгани, доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб боргани ва муҳожирликдаги Чўқаев билан алоқада бўлгани, унга Ўрта Осиё тўғрисида ахборотлар бериб тургани қайд этилган. Булардан келиб чиқиб Обиджон Маҳмудов (ўзбек, 57 ёшда, Қўқон шаҳридан, тоғ саноатчиси, партиясиз, СССР фуқароси) Жиноят кодексининг 62-банди билан айбланиб, иши ОГПУ Коллегияси ҳузуридаги махсус кенгашга тақдим этилган. ОГПУ Коллегиясининг 1926 йил 11 октябрдаги йиғилишида унинг иши кўриб чиқилади. 5 йил муддатга концлагер қамоғига ҳукм этилади. Тергов жараёнида Обиджон Маҳмудовни Жиноят кодексининг 62-моддаси билан айблаш чоғида 141 киши мазкур масала юзасидан сўроқ қилинган. Ана шу гувоҳлардан энг машҳур 13 кишининг исми-шарифини келтирамиз: Акбар Ўрозалиев, Иномжон Хидиралиев, Султонмаҳмуд Холботиров, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Ёқубжон Иса

<sup>1</sup> ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 29440-иш, 156-варақ.



қулов, Казбек Темиров, Абдуқодир Қушбеғиев, Хусанхон Ниёзов, Назир Тўрақулов, Тошпўлат Норбўтабеков, Олимжон Хўжаев, Низомиддин Хўжаев, Мустафо Чўқаев.

ОГПУнинг Шарқ бўлими 2-шуъбаси вакили Очаковскийнинг 1926 йил 31 августдаги тергов иши бўйича хулосасида Обиджон Маҳмудов Туркистондаги таниқли миллий арбоблардан бири экани, инқилобга қадар Қўқонда «Садои Фарғона» газетасини чиқариб тургани, газета пантуркчилик ташкилоти руҳида бўлгани, 1917 йил декабрда Қўқонда мусулмонлар қурултойини чақириш ташаббусчиларидан бири, Қўқон Мухторияти ҳукуматида озиқ-овқат вазири бўлиб сайлангани қайд этилган. Унинг ташаббуси билан Эргаш бошчилигида мусулмон ҳарбий қўшин ташкил этилгани, кейинчалик Эргаш Фарғона босмачилик ҳаракати раҳбари бўлгани, уни қурол билан таъминлагани, қўшинга ҳарбий асирлардан иборат турк зобитлари тортилгани эслатилган.

Қўқон (аслида, Туркистон) Мухторияти ҳукумати тор-мор келтирилгач, Маҳмудов таъқибдан яшириниб, 1919 йил бошларида совет ҳокимияти олдида тавба қилиб, бир ўзинигина эмас, ҳукуматнинг бошқа аъзоларининг ҳам афв этилишига эришгани қайд этилган. Терговчининг ўша хулосасида яна шундай ёзилган: «Шарқ халқларининг Боқудаги съездига вакил қилиб сайланган Маҳмудов Анвар пошо билан бўлган махфий кенгашда иштирок этган, кенгашда пантуркчи давлат ташкил қилиш бўйича ишни давом эттиришга қарор қи-

линган. Обиджон Маҳмудов Туркистонга келиши билан босмачилар қурултойини чақириш билан машғул бўлган. 1921 йили босмачилик билан алоқа ўрнатган, инглиз-япон интервентларини Туркистонга чақирмоқчи бўлган, нолегал ишга ўтиб, ўз атрофида миллатчи арбоблардан гуруҳ тузган, конспиратив йиғилишлар ўтказган, тизимли равишда советларга қарши тарғибот олиб борган, муҳожир Чўқаев билан алоқада бўлиб, унга Ўрта Осиё тўғрисида ахборот бериб турган». Шулардан келиб чиқиб СССР фуқароси Маҳмудов Обиджон (ўзбек, 57 ёшда, Қўқон шаҳридан, тоғ-кон саноатчиси, партиясиз) Жиноят кодексининг 62-моддаси билан айбланиб, иши ОГПУ Коллегияси ҳузуридаги махсус кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим қилинган. Айбланувчи ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси сиёсий маҳбуслар уйи (ДПЗ – дом политических заключенных) қамоғида турган. Бу иш 1926 йил 11 октябрда кўриб чиқилган ва 5 йил муддатга концлагер қамоғига ҳукм этилган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги 40054-сонли иш бўйича 1926 йил 11 октябрдаёқ ҳукм эълон қилган, ОГПУнинг Архангельскдаги Соловецкий лагери бошқармасига, Кемь шаҳрига телеграмма йўлланган. 29929-сонли шифр билан 1926 йил 16 октябрда ўша лагердан келган хатда маҳбус Маҳмудов Обиджон Соловецкий лагерига қабул қилиниши мумкинлиги айтилган. Шу орада Обиджон Маҳмудов тезкорлик билан М.И.Калининга ариза билан мурожаат қилган. Шу аризани айнан келтирамиз:

### АРИЗА

*Миллатим ўзбек, Ўзбекистон Республикаси Фарғона области Қўқон шаҳрида таваллуд топганман. Ёшим 62 да. Мутахассислигим тоғ-кон саноати озокерит<sup>1</sup> қазиб олиш.*

*1926 йил 8 апрелда ОГПУнинг Фарғона областидаги бўлими томонидан қамоққа олиндим. Қамоққа олинганимдан сўнг Жиноят кодексининг 62-моддаси билан айбдор деб эълон қилиндим. Сўроқ пайтида менга қуйидаги абловларни қўйишди:*

*1. Гўёки мен миллатчилар ташкилотининг аъзоси сифатида босмачилар ташкилотларига ёрдам берганман.*

*2. Мустафо Чўқай мисолида хориж матбуотида маълумот етказиб турганман.*

<sup>1</sup>Озокерит ёки тоғ муми – табиий углеводород, нефть битумлари гуруҳига мансуб. Юқори молекуляр оғирликдаги қаттиқ тўйинган углеводородларнинг аралашмаси. Мустаҳкамлиги асал мумига ўхшайди ва керосин ҳидига эга.



3. 1925 – 1926 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўтказилган ер-сув ислоҳотига қарши ташвиқот олиб борганман.

Қўқон ОГПУсидаги сўроқ пайтида мен томонимдан тасдиқланган ҳужжатлар асосида керакли тушунтиришлар берилган ва гувоҳлар билан юзлаштирилганман, лекин улар сўроқ қилинганми, йўқми, билмайман.

Мен томонимдан тушунтиришлар берилганига қарамай, айбловнинг моҳияти бўйича аниқ ҳолатни кўрсатиш учун иккинчи марта кўрсатма беришни лозим деб биламан.

1. Айбловнинг биринчи бандида мен учун номаълум бўлган жадидларнинг миллатчилик ташкилотига аъзо эканлигим ва бу ташкилот орқали босмачиларни қўллаб-қувватлаганим кўрсатилган. Мен қатъий равишда таъкидлайман, ушбу айбни тан олмайман ва тан олмаганман ҳам. Биринчидан, мен жадидларнинг миллатчилик ташкилоти ҳақида умуман тушунчага эга эмасман. Иккинчидан, босмачилар fronti пайтида мен Москвада эдим. Фарғонадан 1917 йил ноябрь ойида чиқиб кетганман ва шу бўйи турли совет ташкилотларида ишлаганман. Фарғонадан чиқиб кетганимдан сўнг бу ерда 1923 йилгача бўлмаганман. Ушбу вақт оралигида мен Фарғонада бир марта, яъни 1921 йилда Турккомиссия томонидан босмачиларнинг таслим бўлиши ва ликвидация қилиниши (тугатилиши) тўғрисида музокаралар олиб бориш учун комиссия ташинланган пайтда бўлганман. Ва бу Турккомиссия томонидан ташкил этилган комиссияга юклатилган иш тугагунича бўлган муддатни ўз ичига олган. У ердан қайтганимдан сўнг 1921 йили Бокуга жўнатилиб, ўртоқ Зиновьев ва Орджоникидзелар раҳбарлигида Шарқ халқлари тарғибот ва ташвиқот совети президиумида 1922 йилгача фаолият олиб бордим. Москвада 1918 – 1921 йилларда бўлиб, Туркеспублика Халқ Комиссариати ваколатхонасида матбуот бўлими ходими бўлиб ишладим.

Ундан сўнг ўртоқ Караханнинг<sup>1</sup> топшириғи билан Ташқи ишлар комиссариатининг Афғон миссиясида таржимон бўлиб ишладим (ўртоқ Карахан имзолаган ҳужжат бор).

Юқоридаги лавозимдан ташқари Миллий Комиссариат Коммунистик Бюроси томонидан Минин бошчилигидаги 11-армия ташвиқотида юборилдим.

1920 йил август ойида Сизнинг Москвадан Оренбургга таширфингиз чоғида Дутовнинг<sup>2</sup> Оренбургда йўқлиги сабабли Афғон миссиясида фаолият олиб бораётган етакчи таржимон сифатида Сиз билан Оренбург ва унинг атрофидаги ҳудудларда мусулмон аҳолини тинчлантиришда фаол қатнашдим.

Мен Илецк<sup>3</sup> мудофаасига қадар Сизнинг топширигингиз асосида мусулмонларни тўплаш, намоишлар ўтказиш, аҳолини тинчлантириш ишларини олиб бориб, бутун минтақада совет ҳукумати принципини амалга оширдим.

Биз ўртоқ Суриц<sup>4</sup> ва Туркистон армияси етакчиси Зиновьев<sup>5</sup> билан ҳамроҳликда Ива автомобилида Илецкдан Актюбинсккача бўлган ҳудуддаги ҳар бир станцияда намоишлар ўтказиб, совет ҳукумати фойдасига ташвиқот олиб бордик. Бу принциплар 1921 йил январь ойигача Актюбинскдан Тошкент шаҳригача бўлган ҳудудларда ҳам ўтказилиб, Оренбургдан Тошкентгача ҳар бир поезд бекатларида совет ҳукумати принципини амалга ошириш учун олиб борилди.

<sup>1</sup>Қарахан Л.М. (1889 – 1937) – совет дипломати. 1913 йилда Санкт-Петербургда РСДРПнинг районларо ташкилотига аъзо бўлган. 1915 йилнинг кузида ҳибсга олиниб, Томскка сургун қилинган. Петроградга қайтгач, болшевиклар партиясига қўшилган. 1917 йил август – октябрь ойларида Петроград ишчи ва аскар депутатлари советининг президиуми аъзоси ва котиби бўлган. Октябрь социалистик инқилоби даврида Ҳарбий инқилобий комитет аъзоси бўлган. 1917 – 1918 йилларда Брестда имзоланган сулҳда иштирок этган ва котиб бўлган. Кейинчалик масъулиятли дипломатик ишларда: ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари, Хитойда мухтор элчи, Туркияда элчи бўлиб ишлаган.

<sup>2</sup>Александр Ильич Дутов (1879 – 1921) – рус аскар, Оренбург казакларининг атамани, генерал-лейтенант (1919).

<sup>3</sup>Сол-Илецк – Россиянинг Оренбург областидаги шаҳар, Сол-Илецк шаҳар округининг маъмурий маркази ҳисобланади.

<sup>4</sup>Яков Захарович Суриц (1882 – 1952) – Россиядаги социал-демократик ҳаракат аъзоси, совет дипломати. Фавқулудда ва мухтор элчи. 1919 – 1921 йилларда у РСФСРнинг Афғонистондаги ваколатли вакили бўлган.

<sup>5</sup>Георгий Васильевич Зиновьев (1887 – 1934) – Биринчи жаҳон уруши ва фуқаролар урушида иштирок этган совет ҳарбий кўмондони. 1918 йил сентябрь ойдан фронтнинг Актюбинск ва Орск-Актюбинск бўлимларига кўмондонлик қилган.



Обиджон Маҳмудов (ўртада), ўғиллари Олимжон (ўнгда) ва Собиржон (чапдан биринчи). 1929 йил

1921 йили ўртоқ Суриц билан Афғон миссиясидан қайтганимиздан сўнг Турккомиссиянинг раҳбарлари Ш.Элиава ва Я.Рудзутақларнинг топширигига кўра Тошкентда Турккомиссиянинг ахборот бўлимида ишладим ва Турккомиссия томонидан юқорида келтирилган ишларни босмачилик ва босмачиларни тугатишда ҳам қўлладик. Бир неча ойдан сўнг мени Боқуга жўнатишди.

Тахминимча, биз Фарғонага, доимий яшаш манзилимиз Қўқонга совет ҳукумати лавозимларидан бўшаганимиздан сўнг 1923 йил август ойида қайтдик. Қўқонга қайтишда Турк республика Халқ хўжалиги комитети советидан тоғ-кон мутахассиси сифатида озокерит намуналари олиб келдим. Бу намуналар етти йил давомида ишлов берилмаган бўлиб, босмачилар ҳужумидан кейин деярли ишга ярамай қолган эди. Ушбу ишни қайта тиклаш учун сарфланган ўз маблағларим эвазига ҳар хил кредит ташкилотларидан юз минг рублгача кредитлар олдим ва бутун куч-гайратимни ишга солиб 10 минг пудгача озокерит қазиб олдим. Асосий ишимдан ташқари совет ҳукумати томонидан берилган турли топшириқларни аниқ, ҳалол бажарганлигим учун ҳукумат томонидан юқори баҳо олдим.

2. Мустафо Чўқай мисолида хориж матбуотида маълумот етказиб туриш айблови бўйича шуни таъкидлашим лозимки, мен ҳеч қандай хат жўнатмаганман ва бу ишга умуман алоқам йўқ. Тахминимча, ушбу айб менга ўтмишда 9 кун давомида Қўқон мухториятчиси сифатида фаолият олиб борганим учун қўйилган, натижада 4 йил давомида ушбу айб мени таъқиб қилмоқда.

3. Охирги айблов бўйича шуни таъкидлашим лозимки, аҳоли орасида мен томонимдан ҳеч қачон ер ислоҳотига қарши ташвиқот олиб борилмаган. Бу менга нисбатан умуман асосланмаган айбловдир. Ер ислоҳоти даврида 4 ой давомида – 1925.2.7. дан 1926 йил 5 январгача бетоб бўлиб ётганман ва бунга гувоҳларим бор. Иккинчидан, ер ислоҳотига қарши ташвиқот олиб бориш у ёқда турсин, аксинча, ер ислоҳотигача бўлган даврдаги хизмат давримда, яъни 1921 йили менга тегишли барча ерлар ерсиз деҳқонларга берилган. Турккомиссиянинг топширигига кўра босмачилар орасида ва улар билан музокаралар давомида биз томонимиздан деҳқонларга берилган ерларни



қайтариб олмаганмиз ва талаб ҳам қилмаганмиз. Бу ҳақдаги маълумот Фарғона области ер бўлими ва область ижроия комитетига маълум.

Ҳибсга олиншим билан менинг озокерит ишлаб чиқаришим ва бутун савдо фаолиятим тўхтаб қолди. Ишчи ва ходимлар мендан иш ҳақи, меҳнат таътили тўлови ва ишсиз кунлар учун ва бошқа турдаги компенсацияларни тўлашни талаб қилишди.

Турли кредит ташилотларидан мен 10 минг рублгача қарздорман. Қамоққа олинганимдан сўнг барча қарз мажбуриятларимни тўлаш имкониятидан маҳрум бўлдим. Ҳеч кимдан қарздор бўлмаслик ва барча қарз мажбуриятларимни тўлиқ тўлаш хоҳиши ҳибсга олиншим сабабли тўхтатилди.

Ўртоқ Калинин, мен Сиздан юқоридаги вазиятлар асосида инқилоб бошидан, яъни 1917 йилдан 1926 йилгача бўлган даврдаги пролетар республика фойдаси учун қилинган меҳнатимни эътиборга олишингизни, республика ривожига учун менга юклатилган вазифаларни виждонан бажарганимни исботловчи юқорида номлари келтирилган шахсларни қайтадан ҳужжатлар ва сўроқлар асосида имконият даражасида пухта ўрганиб қайта кўриб чиқишингизни, ноўрин шубҳа ва таъқиблардан халос бўлишим учун қамоқдан озод қилишингизни ва 62 ёшли мендай қарияни тинч ва осуда ҳолда совет ҳукуматининг хўжалик соҳасида, тоғ-кон саноати тажрибали мутахассиси сифатидаги фаолиятимни давом эттиришим учун озод қилишингизни сўрайман. 1926 йил 5 июлда менинг ишимни тасдиқлаш учун ОГПУ комиссиясига жўнатишди ва аллақачон Москвада бўлиши кераклиги ҳақида Сизни хабардор қилишни лозим деб биламан.

ОГПУнинг Марказий Осиё бўйича Ваколатли вакиллиги маҳбуси қўқонлик фуқаро  
Обиджон Маҳмудов

---

Ниҳоят, 1926 йил 21 ноябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонасининг 8 декабрдаги қарори билан Обиджон Маҳмудовнинг СССР ҳудудида эркин яшаш ҳуқуқи тикланди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архиви материалларидан.



# ВОДИЙ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ ТАДҚИҚОТ<sup>1</sup>

А.Шарафиддинов, т.ф.н., доцент,  
С.Б.Ҳакимова, ФарДУ докторанти

Фарғона водийсининг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихи қатор диссертациялар, монографик асарлар ва турли йилларда чоп этилган илмий мақолаларда ёритилган. Аммо бу тадқиқотларда кўпроқ водий тарихининг айрим қирралари (бошқарув тизими, аҳоли этнодинамикаси, саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, маданий ҳаёт, миллий-озодлик ҳаракати ва ҳ.к.) ўз аксини топган. Шу кунга қадар Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилоятининг чор Россияси ҳукмронлиги давридаги тарихи яхлит тарзда тадқиқ этилмаган. Тақриз қилинаётган монография мазкур бўшлиқни маълум даражада тўлдиради.

Маълумки, ўтмишни ўрганишда барча тарихий манбалардан, шу жумладан, даврий матбуот материалларидан ҳам фойдаланиш муҳимдир. Фарғона водийсининг чоризм ҳукмронлиги давридаги тарихининг турли жиҳатлари ўша даврдаги рус даврий матбуоти саҳифаларида ўз аксини топган. Ушбу материалларнинг аксарияти кўп жылдлик «Туркестанский сборник» тўпламида жамланган бўлиб, улар водий тарихи-

ни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Монография муаллифлари ана шу манбалар қатламини илмий муомалага кiritишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйганлар.

Илмий жамоатчиликка яхши маълумки, Фарғона вилояти Туркистон генерал-губернаторлигининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақаси ҳисобланган. Монографиянинг биринчи бобида муаллифлар «Туркестанский сборник» тўпламидаги вилоят иқтисодий аҳолига оид маълумотларни таҳлил қилишган.

Матбуот саҳифаларидан жой олган кўплаб фактик маълумотларга таянган ҳолда китобда Фарғона водийсида деҳқончилик соҳасида анъанавий хўжалик юритиш билан бирга бу борада рўй берган таркибий ўзгаришлар, пахта экин майдонларининг кенгайиб бориши, зироатчиликда пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши, минтақа учун янги бўлган экин навларининг кириб келиши каби масалалар батафсил ёритилган.

Матбуот саҳифаларида чор мустамлакачилиги даврида водийда саноат корхоналарининг



<sup>1</sup> М.Р.Жабборов ва Р.А.Арслонзоданинг «Фарғона Россия империяси ҳукмронлиги даврида» номли монографиясига тақриз.

пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласининг ёритилишига алоҳида эътибор берилган. Бу даврда Фарғона водийсида нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш, кўмир саноати, рангли металллар ишлаб чиқариш, пахта қайта ишлаш, ёғ-мой саноати, виночилик, пиво ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларнинг ривожланиб борганлигидан далолат берувчи кўп фактик маълумотлар келтирилган. Муаллифлар ҳақли равишда Фарғонада саноат бир ёқлама ривожланганлиги, бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш йўлга қўйилганлигини қайд этган ҳолда, умуман олганда, саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши, темир йўллар ва банкларнинг пайдо бўлиши минтақанинг иқтисодий ҳаётида ижобий ҳодиса бўлганлигини қайд этганлар.

Матбуот материалларини таҳлил қилиш жараёнида муаллифлар метрополиядан тайёр саноат маҳсулотининг олиб келиниши ҳунармандчиликнинг айрим тармоқларига (айниқса, тўқимачилик соҳасига) жиддий зарба берганлигини эътироф этиб, бу соҳа ўзининг аҳамиятини буткул йўқотмаганлиги, аксинча, янги шароитда ҳунармандчиликнинг кўп тармоқлари (кўнчилик, кулолчилик, ипакчилик, заргарлик, мисгарлик, темирчилик, гиламдўзлик, пойабзал тайёрлаш, дўппидўзлик, пичоқчилик ва ҳ.к.) тобора ривожланиб борганлигини қайд этганлар. Улар бу ҳолни ҳақли равишда Фарғонада саноат ишлаб чиқариши даражаси ва аҳоли харид қувватининг пастлиги билан изоҳлашган. Кўп ҳолларда аксарият қисми камбағал бўлган Фарғона аҳолиси нисбатан сифатли, лекин анча қиммат рус саноат маҳсулотларидан кўра маҳаллий ҳунармандларнинг арзонроқ маҳсулотларини сотиб олишни афзал кўрар эди. Китобда бу даврда фарғоналик ҳунармандларнинг қўли билан яратилган маҳсулотлар қатор умумроссия ва чет эллардаги кўрғазмаларда совринли ўринларни эгаллаганлиги эслатиб ўтилган.

Монографиянинг иккинчи бобида Фарғона водийси ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг рус матбуоти саҳифаларида акс этиши масаласи ёритилади. «Туркестанский сборник» материалларига таянган ҳолда муаллифлар вилоят

аҳолисининг ўсиш динамикаси, чор ҳукумати кўчириш сиёсатининг вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири, маориф ва соғлиқни сақлашнинг аҳволи, ички ва ташқи савдо, шунингдек, бу даврда рўй берган миллий-озодлик курашлари, жумладан, Пўлатхон ва 1898 йилги Андижон қўзғолонлари хусусида маълумотлар келтирилганлар. Шу билан бирга, расмий рус матбуоти саҳифаларида Фарғона аҳолиси озодлик курашининг асл сабаб ва моҳияти, унинг мустамлакачи маъмурлар томонидан шафқатсизларча бостирилиши тафсилотлари объектив тарзда ёритилмаганлиги таъкидланган.

Муаллифлар рус даврий матбуоти материалларини таҳлил этиш жараёнида уларнинг манбавий аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилганлар, бунинг учун ушбу маълумотларни архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар билан, маҳаллий тарихнависларнинг асарлари билан солиштирилганлар. Буларнинг ҳаммаси «Туркестанский сборник» материалларининг Фарғона водийси тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутишини англашга кўмак беради.

Шу билан бирга, монографияда Фарғонанинг Россия империяси ҳукмронлиги давридаги тарихи тўлиқ ва атрофлича ёритилган деб бўлмайди. Вилоятнинг бошқарув тизими, бу ерда темир йўлларнинг қурилиши, банк ва молиявий сиёсат, халқ маорифининг аҳволи, аҳолининг кундалик турмуши ва бошқа масалалар шулар жумласидандир. Биз бунинг учун муаллифларни айбдор қилмоқчи эмасмиз, чунки улар мавзусидан келиб чиқиб асосан рус даврий матбуоти саҳифаларида ёритилган муаммоларни эътиборга олган ҳолда режа тузган бўлишлари мумкин. Шунга қарамай, мазкур муаммолар ҳам китобда кенгроқ акс эттирилганда, шунингдек, бу даврдаги ўзбек даврий матбуоти саҳифаларидан жой олган материаллар ҳам жалб қилинганда, китобнинг илмий аҳамияти янада юқорироқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

Аmmo биз юқорида билдирган айрим танқидий фикрлар мазкур тадқиқотнинг аҳамиятини пасайтирмайди. Монография Фарғона водийсининг Россия мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди десак муболаға бўлмайди.



# КЕРАКЛИ ДАРСЛИК КИТОБ

Б.А.Усмонов, доцент, т.ф.д.,  
С.Б.Юлдашев, ФарДУ докторанти

Бакалавриятнинг «Тарих» йўналишида ўқи-тиладиган мутахассислик фанлари орасида манбашунослик алоҳида ўрин эгаллайди. Талабаларнинг бу фанни ўқув дастури доирасида эгаллаши, тарихий манбалар билан танишиб бориши, улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши бўлажак тарих ўқитувчилари ва тадқиқотчилар касбий тайёргарлигининг муҳим шарт ҳисобланади. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимида туб ислохотлар амалга ошириладиган ҳозирги даврда бошқа фанлар каби манбашунослик фанини ўқитишни такомиллаштириш, ушбу фанга оид янги авлод ўқув адабиётларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида манбашунослик фани бўйича ўзбек тилида марҳум академик Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи манбалари» (1991, 2001) номли ўқув қўлланмаси ҳамда А.А.Мадраимов ва Г.Фузаилова қаламига мансуб «Манбашунослик» (2007) дарслик китоби нашр этилиб, улардан ҳозирга қадар ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Лекин рус тилида таҳсил олувчи талабалар учун бундай дарслик китоб ёки ўқув қўлланма шу вақтгача яратилмаган эди. Р.А.Арслонзоданинг «Источниковедение» («Манбашунослик») дарслик китоби чоп этилиши мазкур муаммони бартараф этиш имконини берди.

Муаллиф дарсликни тайёрлашда тарихий манбалар ҳамда мавжуд илмий ва ўқув-услубий адабиётлардан кенг фойдаланган. Шу билан бирга, китоб манбашунослик фанига оид аввалги ўқув адабиётларидан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради.

Дарслик 5 та бўлим ва 12 та бобдан иборат. Биринчи бўлимда манбашунослик назарияси хусусида баҳс юритилади. Бошқа адабиётлардан фарқли ўлароқ, муаллиф манбашунослик фанининг пайдо бўлиш тарихини батафсил ёритади. Шу бўлимда тарихий манбаларнинг таснифи берилиб, уларни илмий таҳлил қилиш усуллари баён этилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, муаллиф Ўзбекистон тарихи манбаларининг бошқа гуруҳлари қаторида кинофотофоноҳужжатлар, техник ҳужжатлар, график материаллар ва тасвирий манбалар, виртуал манбалар каби гуруҳларга алоҳида эътибор қаратади, уларнинг халқимиз ўтмишини ўрганишдаги ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Китобнинг кейинги бўлимларида даврий кесимда қадимги замондан то мустақиллик даврига қадар Ўзбекистон тарихига оид ёзма манбаларнинг умумий тавсифи берилади. Жумладан, иккинчи бўлимда қадимги тарих, учинчи бўлимда ўрта асрлар, тўртинчи бўлимда хонликлар даври, бешинчи бўлимда эса Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи манбалари тавсифланади.

Мазкур дарсликнинг эътиборли жиҳати шундан иборатки, унда тарих ва манбашунослик фанидаги энг сўнгги янгиликлар ўз аксини топган. Муаллиф тарихимизнинг турли



даврларини ўзида акс эттирган қадимги форс манбалари, антик манбалар, хитой манбалари, шунингдек, араб, форс-тожик, ўзбек, рус ва бошқа тилларда битилган ёзма ёдгорликларнинг халқимиз ўтмишини ёритишдаги аҳамиятини очиб берган. Китоб саҳифаларида талай ёзма манбаларнинг танқидий таҳлили берилганлиги ҳам диққатга сазовор, чунки дарслик билан танишиш жараёнида талабалар қадамбақадам манбаларни таҳлил қилиш, улардаги тўғри маълумотларни шубҳали ва нотўғри маълумотлардан ажратиш усулларини ўрганиб борадилар.

Маълумки, аجدодларимиздан қолган маданий мерос, жумладан, ёзма ёдгорликлар нафақат Ўзбекистонда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилмоқда. Чет элларда бу асарларнинг матни ёки бошқа тилларга қилинган таржималари нашр этилмоқда. Дарслик саҳифаларида бу борада ҳам кўп янги маълумотларни учратиш мумкин. Талабалар хорижлик тадқиқотчиларнинг бу борада олиб бораётган тадқиқотлари ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиладилар.

Мавжуд адабиётларда хонликлар даври тарихини ўрганишда рус ва европалик элчи ва сайёҳларнинг ҳисобот ва йўл хотиралари муҳим ўрин тутиши таъкидланган. Тақриз қилинаётган китобда ҳақли равишда бу даврда Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ташриф буюрган Шарқ мамлакатлари элчи ва сайёҳларининг сафарномалари ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Ўзбекистоннинг Россия империяси ҳукмронлиги, совет даври ва миллий истиқлол даври тарихини тадқиқ этишда қонунчилик ва иш юритиш ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва статистик манбаларнинг ўрнини очиб беришга ҳам эътибор берилган. Ватан тарихини ёритишда публицистик ва эпистоляр манбалар (ёзишмалар) ҳам ўзига хос ўрин тутиши таъкидланган.

Дарсликда Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи манбалари анча кенг таҳлил

этилганлиги ҳам эътиборни тортади. Муаллиф республика парламенти томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, Президент асарлари, оммавий ахборот воситалари ва интернет материаллари, статистик маълумотлар ва бошқа манбалар Ўзбекистоннинг миллий истиқлол даври серқирра тарихини яратиш имконини беришини таъкидлаб ўтади.

Китобда муаллиф тарихий манбалардан комплекс тарзда фойдаланиш ҳамда уларга танқидий руҳда ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Бу мазкур фанни ўрганиш жараёнида бўлажак тарихчи ёшларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириб боришга имкон беради.

Дарсликда манбашунослик ўқув фанини ўқитиш ва ўрганишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилган. Муаллиф ҳар бир мавзунинг охирида профессор-ўқитувчилар ва талабаларга ўзи дарс жараёнида апробациядан ўтказган педагогик технологияларни тавсия этади. Ўтилган мавзуни такрорлаш мақсадида тузилган савол ва топшириқлар ҳам ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Ҳар бир мавзуга доир манбалар ва адабиётлар рўйхатининг алоҳида тарзда берилганлиги ҳам талабалар учун қулайлик яратади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айрим мавзулар бўйича жуда кўп манбалар ва адабиётлар тавсия этилмоқда. Бизнинг назаримизда, талаба уларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқиши амри маҳол. Шунинг учун айрим мавзуларга тааллуқли адабиётлар рўйхатини қисқартириш мақсадга мувофиқ эди.

Бизнинг юқорида билдирган таклифимиз, албатта, Р.А.Арслонзода қаламига мансуб мазкур дарсликнинг аҳамиятини асло пасайтирмайди. Катта меҳнат эвазига яратилган ушбу китоб талабаларнинг манбашунослик фанини ўрганиш ва ўзлаштиришларида уларга яқиндан кўмак бериши шубҳасиздир.



# ВАТАН ОЗОДЛИГИ ҚАЙҒУСИДА ЎТГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Равшан Шамситдинов, т.ф.н.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ватанимиз равнақини, халқимиз фаровонлигини оширишга, бир сўз билан айтганда, унинг келажагини таъминлашга; янги Ўзбекистон, учинчи Уйғониш даврига тамал тошини қўйишга хизмат қилмоқда. Бундай олий мақсадга эришишда жамиятимизда юксак маънавият ва маърифат ҳукм суриши ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Маънан етукликка эришишда инсон, аввало, ўзлигини англаши, тарихини билиши муҳим аҳамият касб этиши афкор оммага маълум. Шу боис кўхна тарихимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси сингари бой зафарларию мустамлакачилик даврларида чеккан мудҳиш аламларга тўла аянчли, машаққатли йилларини ҳам ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойилларига асосан ёритиш зарурати, айниқса, ҳозирги кунда ўта долзарбдир.

Шу йўсинда аввал чор Россияси, сўнгра Совет империяси мустамлакачилиги даврида истиқлол учун жонини ҳам аямай курашган аждодларимиз, миллатимизнинг асл фидойилари мардона курашларда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар, босиб ўтган ҳаёт йўлини бор бўйбаста билан адолат тарозисига қўйиб ҳозирги ва келажак авлодларга етказиш катта масъулият талаб этувчи муҳим вазифадир. «Ҳа, буюк истиқлол туфайли миллий озодлик уруши иштирокчилари, қўрбошилар, лашкарбошилар, кўмондонларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, тақ-

дирини билиш, уларнинг унутиб бўлмас ижтимоий-сиёсий қиёфаларини тиклаш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни келгуси авлодларга, айниқса, ҳозирги ёшларимизга етказиш олимларимиз, зиёлиларимизнинг бурчидир. Ана шундай хайрли, ибратли ишга қўл урганлардан бири ажойиб инсон, дилбар шахс, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ўрмончилик соҳасининг чуқур билимдони ва ташкилотчиси, истеъдодли публицист, тарихнавис, шоиртабиат ва камтарин инсон Мансурхўжа Хўжаевдир».<sup>1</sup> Дарҳақиқат, жорий йилнинг биринчи чорагида унинг «Шермуҳаммадбек ва қўрбошилар жасорати» номли тарихий-публицистик асари профессор Рустамбек Шамсутдинов масъул муҳаррирлиги остида чоп этилди.

«Унда муаллиф бой ва хилма-хил манбаларга таяниб воқеликнинг асл моҳиятини кенг ва атрофлича ёритади. Асарда чуқур таҳлиллар, қиёслашлар, ўхшатишлар мавжуд. Муаллиф совет замонида яратилган китоблар, мақолалар, бадий асарлар, ҳарбий саркардалар хотиралари, газета ва журналлар, радиоэшиттиришлар,



<sup>1</sup>Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг М.Хўжаевнинг «Шермуҳаммадбек ва қўрбошилар жасорати» китобига ёзган сўзбошисидан (Б.11).

телевидение кўрсатувлари материалларини кунт ва синчковлик билан ўрганиб, хилма-хил қарашлар, талқинларни бирма-бир таҳлил қилиб, фикр-мулоҳазаларини ҳар жиҳатдан асослаб бера олганлиги эътиборга молик».<sup>1</sup>

Чор Россиясининг Ўрта Осиёга бостириб кириши ва Қўқон хонлигининг забт этилиши борасида сўз юритар экан, муаллиф хонлик осонликча таслим бўлмаганлигини, куч-қудрати, салоҳияти даражасида курашганлигини, қаршилик кўрсатганлигини таъкидлаш билан бирга ҳарбий ишда, техникада, қурол-яроғда Европа мамлакатларидан анча ортда қолгани, душманга қарши бирлаша олмаганликларини энгилиш сабаблари сифатида келтиради. Шу билан бирга, асарда аждодларимизнинг босқинчиларга қарши мардонавор кураши лашкарбоши Алимқул, кейинчалик мустамлакичиларга қарши 1898 йилги Андижон қўзғолончилари тимсолида ёритилар экан, Дукчи Эшоннинг сафдоши Хожа Асрор Халфа ўзининг байтлари орқали халқни озодлик курашига чорлаш билан бирга хонликларнинг энгилиш сабабларини ҳам келтиришини кўришимиз мумкин. Масалан:

*Хон-амирлар боши бирда қовушмади,  
Ёвга қарши бир анжуман қуришмади.  
Доноларнинг сўзларига киришмади,  
Шул боисдан элдин ажраб қолдим мано.  
Ватан учун шаҳид бўлмоқ қутлуг ўлим,  
Курашмоқдин ўзга ҳеч бир йўқдир йўлим,  
Озодликнинг яроғини тутди қўлим,  
Шаҳодатни тақдиримдан кўрдим мано.<sup>2</sup>*

Маълумки, йигирманчи асрнинг бошларидаги жаҳон миқёсидаги воқеалар, айниқса, Россия империясида монархиянинг қулаши ва 1917 йилнинг октябрь ҳодисалари ватанимиз тақдирида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки халқ, юрт келажаги, ҳаёт-мамот даври бошланди. Ана ўшандай ўта оғир кунларда ватан, халқ, миллат озодлиги, эрки учун жонини қурбон этишга тайёр фидойилар уйғонди, қўзғалди, бирлашди. Мазкур китобда 1918

– 1934 йиллар давомида бўлиб ўтган миллий истиқлолчилик ҳаракатлари воқеалари, унинг иштирокчилари, айниқса, раҳбарлари ҳақида илгари маълум бўлмаган ёки айтилмаган ҳодисалар тарихий воқеалар шоҳидлари ҳамда уларнинг авлодлари эсдаликлари сингари материаллар асосида баён этилади.

Муаллиф Ўрта Осиё минтақасида илк мустақил, демократик давлат сифатида майдонга чиққан Туркистон Мухторияти учун, умуман, истиқлол ғояси учун кураш олиб борган Эргаш қўрбоши, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Парпибек, Исроилбек, Муҳитдинбек, Холхўжа, Носирхон Тўра, Турор Рисқулов сингари ватандошларимизнинг ҳаётини ёритишга ҳаракат қилган.

Асарда мавзу бўйича тарихшунослигимизда мавжуд бўлган адабиётларда Шермуҳаммадбек ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги туҳматга асосланган сохталаштиришларга зид тарзда аниқ далиллар билан таҳлил асосида ҳақиқатнинг ёзилиши жуда муҳимдир. Масалан, совет тарихшунослигида кенг ўрнашиб қолган қараш, яъни «босмачилар тинч аҳолини талаган» деган иддаолар далиллар асосида рад этилади; аксинча, Шермуҳаммадбек номини сотиб йўловчининг отини олиб қўйган бир йигитини сўроқ қилиб отиб ташлагани; «биз аҳолимизни талаш учун эмас, халқимизни, юртимизни босқинчилардан озод қилиш учун кураш олиб боряпмиз» дейиши ҳам масалага ойдинлик киритади.

Қолаверса, муаллифнинг баён этиш усули жуда содда, тушунарли, ҳаммабоб бўлганлиги ўқувчининг тарихий воқеаларни осон англаши, идрок этишига ёрдам беради.

Шунингдек, китобда муаллифнинг тарихий тадқиқоти натижаларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, Холхўжа Эшон шаҳид бўлгандан сўнг унинг синглиси Ойшахон ўзини «Ўш амирлашқари» деб эълон қилган Маҳкам ҳожининг руҳсати билан акасининг йигитларига бош бўлиб қўрбоши сифатида истиқлолчилик ҳаракатларини олиб борган. Бу ҳақдаги маълумотларни муаллиф ўша даврда нашр этилган «Ер юзи» журналининг 1928 йил 15-сонидаги маълумотларни ўрганиш асносида келтиради. Ёки Ус-

<sup>1</sup> Ўша сўзбоши. – Б.12.

<sup>2</sup> Хўжаев М. Шермуҳаммадбек ва қўрбошилар жасорати. – Тошкент: Akademnashr, 2021. – Б.34 – 35.



монлилар салтанатида Султон Абдулҳамид II нинг тахтдан олинишига ва конституцион монархия ўрнатилишига ўз ҳиссасини қўшган йирик арбоб Анвар пошонинг Ўрта Осиёдаги фаолияти ва ҳалокати тўғрисида янги маълумотларни ўзбек тарихшунослигига олиб кириши ҳам ушбу китобнинг қимматини оширади.

Шу ўринда Туркистон қайғуси азобида, туркийларнинг озод истиқболи йўлида ёниб яшаган миллатимиз вакили Алихонтўра Соғунийнинг «илгари-кейин ўтган дард-ҳасрат, ғам-қайғулик ишларимизнинг борлиқ сабаблари ислом динига туб негизи билан тушунмасдан замонавий илм-ҳунарлардан қуруқ қолганимиздир» дейиши бежиз эмас. Зеро, ҳадиси шарифларда айтилганидек: «Нодонлик, тушунмаслик кўфрдан ёмонроқ». Имон-исломни билиб олгандан кейин ҳар бир мусулмон ўз замонаси илмини ўқиб тушуниши ва замонавий ҳунарларни ўрганиши зарурлигини ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириб олиши жуда муҳим.

Хулоса ўрнида ушбу китобга профессор Рустамбек Шамсутдинов томонидан ёзилган сўзбошидан иқтибос келтиришни жоиз деб билдим: «Муҳими, ватан озодлиги ва мустақиллиги учун қалбда ватан муҳаббати, қўлда қурул билан юрт душманларига қарши беаёв курашган, жанглар олиб борган саркарда, қўмондонлар: Шермуҳаммадбек, Мадаминбек, Холхўжа, Муҳитдинбек ва қатор қўрбошилар ҳақида тарихий-бадий асар яратилди. ...Совет мустамлакачи режимининг халқимиз бошига солган мислсиз кўргиликлари, қанчадан-қанча юртдошларимизни қурбон қилгани, босқинчиларга қарши жангларда тобланган жасур, қаҳрамон аждодларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли тарихини ёритиш кенг китобхонлар, айниқса, ёш авлод учун ниҳоятда зарурдир. Шу мақсадда яратилган асарлар буюк истиқлолимизнинг қадр-қимматини, тарихий аҳамиятини, миллатнинг бугуни ва истиқболи учун нақадар муҳимлигини ҳар бир юртдошимиз чуқур англашига хизмат қилади».

# ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН АНДИЖОНЛИКЛАР ҚИСМАТИ

НамДУ профессори, т.ф.д., **А.Н.Расулов**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD) **Н.А.Режаббоев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрида «Қатағон қурбонларининг меросини янада ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги 5598-сонли фармойиши соҳа мутахассислари учун қатор вазифаларни белгилаб берди. Бу борада тегишли вазифалар белгиланиб, Олий таълим профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар 2020-2021 йиллари Республика архивларида сақланаётган фондларни бирма-бир кўриб чиқа бошладилар. Андижон давлат университетининг профессор Ш.Т. Шамсутдинов раҳбарлигидаги бир гугуҳ олимлар тарих фанлари бўйича фалсафа докторилари, (PhD) Ж. Ҳасанов, Э.Тажимирзаев ва таянч докторинт Ж.Иминов ва Д.Хомидовлар томонидан узоқ йиллардан буён бу борада самарали имлий тадқиқот ишлари нафақат республика, балки МДХ доирасида ҳам маълум.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борада соҳа мутахассислари орасида Андижон давлат университети олимлари пешқадам. Бунинг яна бир исботи, «Қатағон қурбонлари» хотира китоби Андижон вилояти (1865-1991йиллар) икки қисмдан иборат йирик китоб яқинда «Akademnashr» томонидан чоп этилиши катта меҳнатнинг натижаси дейиш мумкин. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, умумий ҳисобда деярли 90 босма табоқни ташкил этган. Унинг биринчи Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун юртимизда амалга оширилаётган ишлар таҳлили, Президенти фармойишдан келиб



чиққан вазифалар, профессор Р.Т. Шамсутдинов томонидан бу борада амалга оширилган илмий натижалар ҳамда мазкур тадқиқотни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони (hozirgi Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви) архиви, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат (hozirgi Ўзбекистон Республикаси Милли архиви), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Андижон бўлиmidан ҳамда Андижон вилоят давлат архиви ва Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати архиви, Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архивидан, Россия Федерацияси Давлат архивидан, материалларидан бирламчи манба сифатида фойдаланилган. Бу эса ушбу китобнинг илмий қиммати ва кенг кўламдаги асосли манбаларга асосланганидан далолат. Шунингдек, китобда МДХ давлатларда сўнгги йилларда нашр этилган илмий адабиётларни ҳам таҳлил этилганлиги архив манбаларни янада тўлдирган.



Қатағон мавзусига бағишлаб нашр этилган илмий-оммабоп рисоалар, журнал ва газеталардаги мақолалар ҳам китобнинг манбавий аосидан ўрин олган.

**Китобнинг биринчи қисмида** Россия империяси босқинига қарши курашган андижонликлар, 1916 йил қўзғолон иштирокчилари, андижонлик жадидлар, Андижондаги 1917 йил воқеалари, турли жазо органлари фаолияти, «Қизил шарқ» поезди фаолияти, «18 лар гуруҳи», «Бадриддиновчилар», «Ғайратлилар», «Синфий ёт унсурлар»ни қатағон қилиниши, шуниндек, диний уламолар, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилинганларнинг номлари, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганлар, «Халқ душмани» сифатида партиядан ўчирилганлар ҳамда «Учлик»лар ҳукми билан ГУЛАГ лагерларига сургун қилинган андижонлақлар қисмати ўрин олган.

Жумладан, **китобнинг биринчи қисмида** яна подшо Россиясига қарши Дарвишхон (1872), Мамир мерган (1873) фаолияти, 1898 йил Андижон қўзғалонида қатағон қилинган юртдошлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ушбу қўзғалон иштирокчиларидан 229 нафарига турли жазолар тайинланиб, улардан 28 нафари ўлимга, 118 нафари эса 20 йиллик қамоқ ва турли жойларга сургун қилингани қайд этилган. 1916 йилги қўзғалон иштирокчиларига бағишланган бўлимда Андижон уезидан 10600 киши мардикорликка олинганли келтирилади. Генерал-адъютант А.Н.Куропаткин тасдиқлаган тақсимотига кўра, уездинг Ёрбоши волостидан 871 нафар, Хакон 816, Олтинкўл 498, Балиқчи 908, Жалақудуқ 340, Қўрғонтепа 466, Ойим 656, Қорасув 497, Қўқонқишлоқ 887, Мойгир 427, Избоскан 284 ва Андижон шаҳридан 1882 нафар киши фронт ортидаги ишларга сафарбар қилинганлигини келтирилади. Шуниси аҳамиятга моликки, китобда 8532 нафардан 890 нафарининг исми ва фамилияси, қайси маҳалла ёки гузардан эканлиги, ёши, эгаллаб турган ловозими ва бошқа маълумотлари номма-ном қайд этилган.

Китобдан андижонлик жадидларнинг жамияти ҳам таҳлил этилиб, тараққийпарварлар тақдирига алоҳида эътибор қаратилган. Улар-

нинг айримлари совет ҳокимиятига алданиб шаҳид кетганлиги, айримлари қўшни давлатларга ўтиб кетганлиги ва отиб ташланганлиги, қамоқхоналарда қолганлиги ёзилган. Шунингдек китобда 1917 йилги Февраль инқилоби ва ва Октябрь давлат тўнтаришига воқеаларига ҳам тўхталиб, унда андижонликлар фаолиятига эътибор қаратилади. Марказдан юборилган «Қизил Шарқ» поезди махсус бўлимининг жанговар дружинаси ҳарбийлари большевикларнинг қатағон қуроли вазифасини бажаргани ва бу поезднинг тарғибот эмас амалда «қатағон поезди» бўлганлиги ҳамда Андижондаги кўплаб маҳаллий раҳбарларни қатағон қилинганлиги ва шунингдек, 1920 йил 10-23 май кунлари Андижон уезди раҳбар ҳодимларидан 164 нафарининг «аксиланқилобий қирдикорлари» ҳамда мансаб доирасидаги «жиноятлари»ни кўриб чиқилганлиги ва қайта тергов учун Тошкентга олиб кетилганлиги ҳам қайд этилган.

Совет ҳокимияти томонидан хусусий мулкка қилинган тажовузда Миркомилбой Мирмўминбоев ва Аҳмадбек ҳожи Темирбековларнинг аччиқ қисматлари алоҳида таъкидланган. «Миллий буржуа» қатламига нисбатан ноҳақлик ўлканинг иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, Қатағон қилинган Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзолари устидан 1931 йил 25 апрелда Москвада бўлиб ўтган суд мажлисда ташкилотнинг Андижон бўлимини бошқарган Ҳасанхон Ниёзий бошчилигидаги 34 кишининг номлари келтирилган. Шунингдек, китобда «18 лар гуруҳи», «Ботиргапчилар», «Бадриддинов гуруҳи», «Ғайратлилар», «Синфий ёт унсурлар» ва диний уламолар орасидаги Рохимбоев Раҳимжон, Исақулов Ёқубжон, Акбаров Тошпўлат, Бадриддинов Шамсиддин, Хўжаев Муҳаммаджон, Саидов Носир, Қосимов Зухриддин, Сулаймонхўжаев Убайдулло, Абдурасулов Яхё, Дмитрий Урюпин, Вадим Чайкин, Муҳаммаджон Маҳжурий, Маҳмудов Аббосхон тўра, Холиқназаров Шафот ҳожи, Моҳдум Восилий, Рўзибой қори ўғли Абдулбоқибой, Хўжамбердиев Сулаймон ва Эргаш Йўлдош қорилар номлари ҳам китобда келтирилган.

Китобда совет ҳокимияти давридаги колхоз тузуми, қишлоқ ҳаётини, деҳқонлар турмушини, уларнинг тақдирини мислсиз даражада ўзгартириб, мамлакатни социалистик давлатга айлантиришда муҳим роль ўйнаган ва жиддий синовларни бошидан ўтказгани қайд этилган. Коллективлаштиришнинг жиддий доғлари, фожеаси, унинг жисмоний оқибатлари ва маънавий-руҳий йўқотишларига олиб келди. Бу жараёнда халқга нисбатан кенг кўламли қатағон сиёсати олиб борилди. Биргина Андижон округидан 3260 та бой хўжалик тугатилган. Шунингдек, китоб муаллифлари колхозлар тузилиши уч шаклда олиб борилганлигини таъкидлаб, **биринчидан**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ширкати бўлиб, унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргаллашиб ишловчилар умумлаштирилган. **Иккинчиси**, қишлоқ хўжалиги артели бўлиб, бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган. **Учинчиси**, қишлоқ хўжалик коммунаси бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган.

Муаллифлар томонидан китобда 1930 йилнинг мартада Ўзбекистон бўйича коллективлаштирилган хўжаликлар 47 фоизни, 1939 йилга келиб эса 99,5 фоизни ташкил этганлигини таъкидланади. Шунингдек, тўлиқ бўлмаган малумотларга кўра, камбағал ва ўртаҳол хўжаликларда 10073 таси Эронга, 1218 таси Афғонистонга, 40 га яқини Хитойга ўтиб кетганлигини ва 1867 хўжалик чегарада тутиб қолинганлигини келтирилади.

Сурун жараёнларида 1930 йил Ўрта Осиёда иккинчи ва учинчи тоифадагилардан 508 та оила (1961 нафар) сугун қилинганлигини, 240 та оила қулоқ қилинган ҳамда сургун қилинмай қолинганлигини келтириб ўтилган. XX аср 30- йилларида Ўзбекистонда сургун қилинаётганларнинг республика бўйича жами 3795 хўжалик (17839 нафар) ташкил этганлиги таъкидланади.

СССРнинг турли худудларига, жумладан, 1931 йил августда Украинанинг Херсон области Голопристан, Каховский, Скадовский районларига Андижон Эски шаҳарининг турли

жойлардан 207 та хўжалик (1040 нафар) сургун қилинганлигини келтириб, уларнинг номлари китобда бериб ўтилган. Шунингдек, Андижон округидан Бекобод, Оққўрғон ва Деновга ва шунингдек, Шимолий Қозоғистонда сургундаги андижонликларнинг 623 нафарини номи ҳам келтирилган.

Муаллифлар «Катта Қирғин» (1937-1938) даврини икки босқичга: 1. 1937 йил сентябрь, 2. 1937 йил сентябридан 1938 йил май ойигача бўлганлигини келтириб ўтади. «Халқ душмани» сифатида партиядан ўчирилган андижонликларнинг 62 нафарининг номи санаб ўтилган.

«Учлик»лар ҳукми билан отувга ва ГУЛАГ лагерларига ҳукм қилинган 1919 нафар юртдошлар ҳақида маълумот, яъни таржимаи ҳоли, туғилган йили, миллати, расми (айримлариники) отувга ҳукм қилинган санаси ёки оқланганлиги тўғрисидаги малумотларни ўз ичига олган. ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар ва уларнинг тақдири тўғрисида муаллифлар келтирган маълумотга кўра, «Катта террор» авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги малумотига кўра, СССР Ички ишлар халқ камиссарлиги лагерларида 20954 нафар ўзбек миллатига мансуб маҳбус бўлганлигини, мазкур малумотнинг иккинчи қисмида эса яна 3275 нафар ўзбеклар бўлганлигини келтирилади.

**Китобнинг иккинчи қисмида** «Учлик»лар ҳукми билан отувга ва ГУЛАГ лагерларига ҳукм қилинганлар номлари давом эттирилган. Шунингдек, ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар ва уларнинг тақдири, 1940-1950 йиллар қатағонлари ҳамда «Пахта иши» қурбонлари номлари келтирилади.

Китобнинг иккинчи қисмидаги 1939 йил 1 январдаги маълумотда, НКВД меҳнат тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасидан 23855 нафар ўзбек бўлганлиги, 1942 йил 1 январь ҳолатига кўра, барча лагерларда азоб чекаётганлар орасида ўзбеклар 26907 нафарни ташкил этганлиги келтирилади. Меҳнат тузатув колониялари ва лагерларда 1959 йили Ўзбекистон ССР бўйича 1 январда 14479 нафар, 1959 йил 1 сентябрда 17294 нафар, 1960 йил 1 январда 10258 нафар киши қамоқ азобини тортган. Иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, юртга қай-



тиб келганларни Узоқ Шарқ, Дмитров меҳнат-тузатув лагери, Волга лагери, Беломор-Болтиқ лагери, Ухтин-Печерск лагери, Темениково легери, Сибирь лагери, Тошкентдаги Ўрта Осиё лагери (ушбу лагерда 1939 йили 46377 нафар махбус бўлган), Қарағанда ва бошқа лагерларида механика заводдида, темир йўл қурилиши, мебель шилаб чиқариш, Волга-Москва канали қурилишида, сув иншоотлари қурилишида, кимё заводларида, қишлоқ хўжалигида, нефть қидирув ишларида, ўрмон хўжалигида, тикув фабрикалари ва бошқа оғир ишларда меҳнат қилганларини келтиради. ГУЛАГ лагерларида азобланган 2000 га яқин махбус андижонликлар ва уларнинг тақдири, хотира ва мактублар, таржимаи хол, эсдаликлар ва бошқа маълумотлар келтирилган.

1940-1950 йиллар қатағон қилинганларга бағишланган бўлимда муаллифлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида 1939-1941 йилларда ГУЛАГ лагерларида 1,8 миллион махбуслар ҳалок бўлганлигини, махбусларни отиш шу қадар кўп бўлганки, «учлик» қарори билан ҳукм қилинмаганлар ҳам отиб ташланганлигини келтириб ўтилади. Масалан, Хасан Раҳим ўрнига Хасанов Олим отиб юборилган. Шунингдек, бир гуруҳ андижонлик ноҳақ азобланган С.Азимов, Т.Жалилов, Ю.Латипов, Ғ.Расулов, О.Одилов, О.Хошимов, С.Иминов, А.Раҳимбоев, М.Ёркендиев. Қ.Абубеков каби зиёли ва ҳарбийлар ҳақида маълумотлар берилган.

Муаллифлар Туркистон легиони масаласида қуйидагилар келтирилади. 1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида совет давлатининг ҳарбий ҳудудларида 2 миллионга яқин туркистонлик аскар бўлганлигини келтиради. 1943 йилда Қизил Армиянинг 6 та ҳарбий қисмида 1179802 нафар туркистонлик биргина Киев ва

Минск қисмларида 997892 нафарни ташкил этганлигини келтирилади. Ушбу легион таркибида андижонликлардан Ғулом Алимов, Ғуломжон Рўзибоев, Мадаминжон Исроилов каби ватандошлар номлари келтирилган. 1941-1942 йилларда 1 700 000 га яқин туркистонлик асир олинганлиги, улардан 1942 йилнинг ёзига қадар 400 минг киши тирик қолганлиги ҳамда асирга олинган туркистонликлар нима сабабдан «иккинчи сорт миллат» сифатида қаралиб, уруш йилларидаги ноҳақликларга эътибор қаратилган.

«Пахта иши», «Ўзбек иши», «Қўшиб ёзишлар»дан азият чеккан раҳбарлар қисматида тушган тўхматлар жуда кўп оилаларга фожеа олиб келган. Китобда Андижон вилояти бўйича 320 дан ортиқ киши жиний жавобгарликка тортилганлиги келтирилади. Вилояда «Пахта иши» ва «Ўзбек иши» бўйича 80 фоиз атрофида оқланганлигини таъкидланади. Айниқса, китобда Ваҳобжон Усмонов, Анвар Усмонов, Тўланбой Бозоров ва Турсунбой Каримов каби раҳбарлар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилган. «Пахта иши» юзасидан ноҳақдан жиний жавобгарликка тортилиб, узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва кейинчалик оқланган 117 нафар андижонликлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Умуман олгандан ушбу икки жилдли йирик тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг бу борадаги берган топшириқнинг амалий натижаси ва илмий жамоатчиликнинг катта ютуғи дейиш учун асослар етарли. Шунингдек, муаллифларининг узоқ йиллик самарали илмий тадқиқотлари ўз аждодлари хотирасини абдийлаштириш йўлидаги савобли ишларидан бири дейиш мумкин.